

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАДИСШУНОСЛИК

(ўқув қўлланма)

«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2013

УЎК: 297(075)

86.38

Ў15

Ҳадисшунослик: ўқув қўлланма / тузувчилар: Д.Раҳимжонов, Д.Муратов, Р.Обидов, М.Алимова; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2013. – 280 б.

КБК 86.38

Тузувчилар:

Д.Раҳимжонов – тарих фанлари номзоди, доцент

Д.Муратов – тарих фанлари номзоди

Р.Обидов – тарих фанлари номзоди, доцент

М.Алимова – тарих фанлари номзоди.

Масъул муҳаррир:

У.Уватов – тарих фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

Б.Эшонжонов – тарих фанлари номзоди, доцент

И.Усмонов – тарих фанлари номзоди, доцент

С.Оқилов – тарих фанлари номзоди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2013 йил 21 январдаги 156-рақамли тавсияси билан нашр этилди.

Ушбу ўқув қўлланма Тошкент ислом университети Ўқув-услубий кенгашининг 2012 йил «30» ноябрдаги (4-сонли баённома) ва Илмий кенгашининг 2012 йил «30» майдаги (10-сонли баённома) мажлисида муҳокама этилди ва нашрга тавсия қилинди.

© «Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013.

СЎЗБОШИ

«Биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақибандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз».

Ислом Каримов

Ўзбекистонда таълим соҳасини ислоҳ қилиш, ривожлантириш, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Ушбу масъулиятли ишни амалга ошириш учун қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда янги жамият куришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган.

Марказий Осиёга VII аср охири – VIII аср бошларида кириб келган ислом дини узоқ тарихий жараёнлар мобайнида маҳаллий халқларнинг ўз диний эътиқодига айланди. Шунинг учун ҳам «Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз», дея айтилган сўз ҳам бежиз эмас.

Юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, давлат, жамият ва оила олдида ўз масъулиятини ҳис этадиган, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри англайдиган, ватанпарвар ва халқпарвар, ташаббускор ва тадбиркор, замонавий билимлар билан қуrollланган, иродаси бақувват, имони бутун, виждони уйғоқ мутахассисларни тайёрлаш обод юрт келажаги учун зарурий омиллардандир.

Бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин.

Мамлакатимизда бугунги кунда соғлом эътиқодли ёшларни тарбиялаш, айниқса, фарзандларимизни бошланғич синфданок соғлом эътиқод руҳида вояга етишишларини таъминлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Республикамизда кафолатланган эътиқод эркинлиги, ислом динининг мамлакат ижтимоий-маънавий ҳаётида тутган ўрни, турли диний экстремистик оқимларнинг ёшларимиз онги ва қалбини

эгаллашга қаратилган тарғиботларига қарши ғоявий тарбиянинг янги ёндашувларини тадқиқ қилиш борасида кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Талабаларда соғлом эътиқодни шакллантириш ва уни мустаҳкамлаш масалаларини таҳлил қилишда ислом динида эътиқод тарбияси алоҳида ўрин тутати. Зеро, ислом таълимотининг миллий тарбия тизимига кўрсатган ижобий таъсири, шу жумладан, Қуръони карим ва ҳадислардаги ота-она, фарзандлик бурчи, ватанпарварлик ғояларини талқини катта педагогик аҳамият касб этади. Бугунги кунда миллий ғоя талабларидан келиб чиқиб, тарихий, фалсафий, диний-маърифий адабиётлардаги мавжуд қарашларни ўрганиш асосида ёшларда соғлом эътиқодни шакллантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш мумкин.

Ёшларда камтарлик, инсонпарварлик, ростгўйлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, бағрикенглик каби умуминсоний фазилатларни тарбиялашда ҳадисларнинг ўрни бекиёсдир. Зеро, ҳадислар инсонни комилликка элтувчи, уни эзгу, савоб ишларга даъват этувчи бой маънавий-маърифий хазина ҳисобланади. Ҳадислар инсонларда биродарлик, қариндош, ота-она ва фарзандларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда бурчлари, меҳр-оқибат, поклик, адолатпарварлик, шукроналик, ростгўйлик, инсоф, виждон каби инсоний ҳислатларни тарбиялайди. Шу билан бир қаторда разолат, кибр-у ҳаво, адоват, ҳасад, хиёнат каби иллатлар қораланади.

Ҳадислар билан бир қаторда Имом Бухорий ва Имом Термизий каби муҳаддисларнинг ибратли ҳаёти ва илмий фаолиятини ўрганиш ҳам талабаларда илм йўлида фидойилик, хайрли ишларга умрни бағишлаш каби инсоний ҳислатларни тарбиялашда муҳим ўрин тутати. Шунинг учун ҳам ушбу ўқув қўлланмани тайёрлашда ҳадисшуносликка оид зарурий маълумотларни бериш билан бирга талабаларда ижобий ҳислатларни тарбиялашга алоҳида эътибор берилди.

Бугунги кунда республикамизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш ва таълим самарадорлигини оширишга катта аҳамият берилмоқда. Зеро, таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва замонавий педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқалигина мамлакатимиз таълим муассасаларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилашга эришиш мумкин. Таълимнинг

бугунги вазифаси талабаларни тобора ортиб бораётган ахборот-таълим муҳити шароитида мустақил фикрлаш, олинган маълумотлардан тўғри ва оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборат.

Ҳадисшунослик фанини ўқитишда қуйидаги тамойилларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

- ҳадисларни ўрганишда чуқур илмийлик, тарихийлик, ҳолислик билан ёндашиш;

- ҳадисларни қўпол, атеистик руҳда танқид қилишдан эҳтиёт бўлиш;

- турли ҳадислардаги ғояларини кўр-кўрона нотўғри тарғиб этмаслик;

- бошқа дин вакилларига нисбатан душманлик ҳиссини уйғотиш қонунга зид эканлигини назарда тутиш;

- талабаларнинг диний онг даражасини ҳисобга олиш, уларнинг диний ҳис-туйғуларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;

- талабаларга билим беришда асосий эътиборни уларда конкрет воқеа ва ҳодисаларга нисбатан онгли равишда ўз шахсий фикрларига эга бўлишларига қаратиш.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ўзбек халқининг маънавий мероси, дини, шу жумладан ислом дини қадриятлари, миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида билдирган фикр ва мулоҳазалари, таъриф ва тавсифлари дастуруламал, назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳадисшунослик фанини ўқитишда фақат ўқув қўлланмалари, дарсликларда муайян мавзуга оид келтирилган маълумотлар, фикр-мулоҳазалар билан чегараланмасдан, балки ҳадис тўпламлари, ўрта асрларга оид классик матнлар, бирламчи манбалардан фойдаланиш, шунингдек, талабаларда дин ҳақида ҳолис, тўғри дунёқарашни шакллантириш, олган билимлари асосида конкрет воқеа ва ҳодисаларга нисбатан онгли равишда ўз шахсий фикрларига эга бўлишларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги фан ва техника тараққиёти шароитида ҳадисшунослик фанини фақат сўз ёрдамида ўқитиш яхши самара бермайди. Шунинг учун дастурнинг мазмунидан келиб чиқиб, техник воситалардан унумли фойдаланиш замон талабидир. Масалан, аудио, видео, компьютер технологиялари воситасида ҳадисларнинг айтилиши, тарихи, ҳадисшунослик соҳалари, йўналишлари ҳақида ҳикоя қилувчи ўқув фильмлари, слайдларни намойиш этиш, бунинг учун электрон

дастурлар, харита, схема, фотография ва бошқалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Мавзуни ёритишда кўргазмали маърузадан фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Айниқса, ҳадисларнинг тузилиши, матни, исноди, уларнинг таҳлили билан боғлиқ маълумотларни беришда мавзу бўйича тайёрланган схема ва рангли тасвирлардан иборат слайдлардан фойдаланиш самарали натижа беради. Жумладан, иснодлар силсиласи, ровийлар ҳақидаги маълумотларни ўрганиш, саҳиҳ тўпламларидаги ҳадис матнларини қиёслаш орқали уларни таҳлил қилиш, ҳадисларни аудиторияда биргаликда таржима қилиш билан боғлиқ ишларни амалга оширишда кўргазмали слайдлар, электрон дарслик ва дастурлар кўрилаётган материалларни очиқ ҳолда ва қисқа шарҳлаш имконини беради. Бунда *педагог* мавзу мазмунини таълимнинг техник воситалари ёрдамида ёритиб бериши лозим. Таълим беришнинг интерфаол усуллари талабаларда мавзуни атрофлича эгаллашларига ёрдам беради.

Бугунги кунда энг замонавий технологиялардан ва кишилар учун муқаддас ҳисобланган туйғулардан фойдаланган ҳолда инсон онги ва қалби учун олиб борилаётган кураш ўта нозик тус ва хатарли кўлам касб этмоқда. Турли мутаассиб кучлар ислом дини асослари, Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг асл моҳиятини бузиб талқин қилиб, жамият барқарорлигига таҳдид солувчи хатарли ғояларни дин билан боғлашга уринмоқдалар. «Қуръон ва ҳадисдан нарига ўтмаймиз», дея даъво қилиб, ўзларини мужтаҳид билиб, мазҳабларни инкор қилаётганлар аслида, бундай ҳаракатлари билан миллий бирлик ва ақидавий якдилликка раҳна солмоқдалар. Бундай ҳаракатлар эса ҳадисларда ва уламоларнинг асарларида қатъий қораланган.

Динда ҳаддан ошиш «ғулув» деб аталади. Ҳадисларда таъкидланишича, тарихда диний масалаларда ҳаддан ошган қавмлар ҳалоқатга юз тутган. Ҳозирги кунда ҳам ислом дини ҳақида етарлича илми бўлмай туриб Қуръонни ўзича англаш, ҳадисларни ўз билганича талқин этиш, мазҳабларни тан олмаслик, тасаввуфни шариятсиз тасаввур қилиш, ўзи қўл берган пирга кўр-кўрона эргашиш, ҳатто, унга сиғиниш даражасида эътикод қилиш каби ғулувга кетиш ҳоллари учрамоқда.

Ҳадисшунослик фанининг мақсади ҳадис ва у билан боғлиқ билимларни холислик, тарихийлик, илмийлик асосида ёритиб бериш орқали талабаларда тўғри ва кенг дунёқарашни шакллантириш, жамият

учун юксак маънавиятли кадрларни тарбиялашдан иборат. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш талаб этилади:

- ҳадисларнинг ривоят қилиниши ва уларни танқидий ўрганиш босқичларини ўргатиш;

- муслмон халқлар орасида ҳадисларнинг тутган ўрнини кўрсатиб бериш;

- асосий муҳаддислар ҳаёти ва фаолиятини ўргатиш;

- ҳадис илмига оид соҳалар ва йирик асарлар ҳақида маълумот бериш;

- ҳадисларни тўғри талқин этиш ва жамият маънавий тараққиёти учун улардан тўғри фойдаланиш йўлларини кўрсатиб бериш;

- турли гуруҳларнинг ҳадислардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш учун уларни нотўғри талқин этишнинг олдини олиш зарурлигини тушунтириш.

Ушбу фан соҳасида дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш учун чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш айна давр талабидир. Бунинг учун юртимизда асрлар давомида буюк муҳаддис аждодларимиз томонидан амалга оширилган ишларни ўрганиш талаб этилади. Шунингдек, дунё микёсида, жумладан, Шарқ ва Ғарб олимлари бажарган тадқиқотлардан унумли фойдаланиш лозим.

Курсни ўқитишнинг биринчи соатларидан бошлаб маъруза ва амалий машғулотларнинг мавзулари ва шунга оид тавсия этилган адабиётлар билан таништирилади. Тарқатма материаллар талабаларга тақдим этилиб, курс бўйича мустақил тайёргарлик кўриш, мустақил билим олиш юзасидан услубий йўлланмалар берилади.

Ўқув қўлланмада Қуръон оятлари шартли ва қисқа равишда сура номи ва оятларнинг орасини вергул билан ажратиб кўрсатилди. Масалан, Қуръони карим «Бақара» сурасининг тўртинчи ояти – «Бақара, 4» кўринишида берилди.

Муаллифлар жамоаси ушбу ўқув қўлланмани тайёрлаш жараёнида ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазалари ва кўрсатмалари билан ёрдам берган барча устозларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

Масъул муҳаррир

КИТОБДА ИШЛАТИЛГАН ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

<i>араб.</i>	арабча
<i>а.с.</i>	алайҳис-салом (<i>унга саломлар бўлсин</i> – пайғамбарлар ва буюк фаришталарга нисбатан ишлатиладиган ибора)
<i>инг.</i>	инглизча
<i>қўпл.</i>	қўплик шакли
<i>мас.</i>	масалан
<i>рз.а.</i>	разияллоҳу анҳу (<i>Аллоҳ ундан рози бўлсин</i> – саҳобаларга нисбатан ишлатиладиган ибора)
<i>р.а.</i>	раҳматуллоҳ алайҳ (<i>унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин</i> – йирик ислом уламоларига нисбатан ишлатиладиган ибора)
<i>рус.</i>	русча
<i>с.а.в.</i>	саллаллоҳу алайҳи васаллам (<i>унга Аллоҳнинг раҳмат ва саломлари бўлсин</i> – Пайғамбар Муҳаммад алайҳис-саломга нисбатан ишлатиладиган ибора)

І БОБ. ҲАДИС ИЛМИ ТАРИХИ

1-МАВЗУ

ҲАДИСШУНОСЛИККА КИРИШ

РЕЖА:

1. Ислом динида пайғамбарликнинг ўрни ва аҳамияти.
2. Ҳадис, ҳадис илми ва ҳадисшунослик.
3. Ҳадисларнинг жамланиши.
4. Ҳадис илми доирасида тарихий-биографик адабиётнинг шаклланиши.

 **Таянч иборалар:** *Ҳадисшунослик, Пайғамбар, Аҳли ҳадис, Муҳаддис, Хабар, Исод, Ривоят, Мусталаҳ*

 **1. Ислом динида пайғамбарликнинг ўрни ва аҳамияти.** Ислом динида пайғамбарлик алоҳида аҳамиятга эга. Имон калимасининг иккинчи қисмида, яъни «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир» дея қайд этилишида бу янада яққол намоён бўлади. Илк ислом даврида биринчи мусулмонлар Пайғамбар алайҳиссаломдан Қуръон оятларини тинглаш билан бир қаторда у кишини ўзларига йўлбошчи деб қабул қилдилар. Оятларни тўла тушуниб етиш мусулмонларнинг барчасига ҳам осон бўлмагани сабабли улар ўзлари учун ушбу «етакчи»га эргашар эдилар. Мусулмонлар орасида Пайғамбар мақомининг юқори эканига Қуръонда келган бир қатор оятлар ҳам далолат қилади. Мазкур оятларда мусулмонларга карата шундай дейилади: «Пайғамбар сизларга нимани берса, уни олинглар ва нимадан қайтарса, ундан қайтинглар» (Ҳашр, 7). Бундай маънодаги чақириқлар ислом динида пайғамбарлик ва Расулulloҳ (с.а.в.) ҳадисларининг катта аҳамиятга эга эканини кўрсатади.



***Пайғамбар сўзининг маъноси –
«хабар етказувчи»***

Пайғамбарлик ҳурматини сақлашга чакирувчи «Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари Пайғамбарга салавот айтурлар» (Ахзоб, 56), маъносидаги оятга биноан ислом манбаларида Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар номи учраган жойда «саллаллоҳу алайҳи ва саллам» («Унга

Аллоҳнинг раҳмат ва саломи бўлсин»), «алайҳи-с-салоту ва-с-салом» («Унга раҳмат ва саломлар бўлсин») ёки қисқача шаклда «алайҳи-с-салом» («У кишига саломлар бўлсин») деб «салавот» айтилади. Пайғамбар номи зикр этилганда унга салавот айтишга чақириқ Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган қуйидаги ҳадисда ҳам ўз ифодасини топган:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ:
رَغِمَ أَنْفُ رَجُلٍ ذَكَرْتُ عَنْدهُ فَلَمْ يُصَلِّ عَلَيَّ ... !

«Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қиладилар: Расулүллох саллаллоху алайҳи васаллам дедилар: Ҳузурида номим зикр этилганда менга салавот айтмаган кишининг бурни ерга ишқалансин (яъни хор бўлсин) ... !» (Сунани Термизий, 3468).

Ўзбек тилида қабул қилинган «пайғамбар» сўзининг асли форс тилидан олинган бўлиб, «хабар етказувчи» маъносини англатади. Бу ном араб тилида асосан «хабарчи», «элчи» маъноларини берувчи «набий», «расул» шаклларида келади. Бундан ташқари Қуръонда пайғамбарлар шахсига нисбатан уларга юклатилган вазифаларга кўра «назир», «мунзир» («огоҳлантирувчи», «қўрқитувчи»), «башир», «муабашшир» («хушхабар етказувчи»), «мурсал» («жўнатилмиш») каби номлар билан ҳам аталганлар.

Дунё динларида илоҳий хабарларни инсонларга етказувчи, воситачилик вазифасини ўтовчи «пайғамбарлик» мақомидаги шахсларга нисбатан бир-биридан фарқли ёндашувлар мавжуд. Масалан, диншуносликда ибтидоий диний шакл сифатида қабул қилинган шаманизмда «шаман» гўёки илоҳий кучлар ва инсонлар орасидаги воситачилик вазифасини ўташи қайд этилган. Аммо шаманни бошқа динлардаги пайғамбар мақоми билан тенглаштириб бўлмайди. Чунки шаманларнинг даъвосига кўра, улар уруғ-қабила аъзолари билан руҳлар орасидаги воситачиликни амалга оширадилар. Уларнинг эътиқодларича оддий инсонларнинг руҳи ўлувчи, шаманнинг руҳи эса абадий ҳисобланади. Аммо ислом дини таълимотига кўра, пайғамбарлар оддий инсонлардан чиққани, Аллоҳ олдида улар ҳам бир банда эканликлари қайд этилади (Каҳф, 110).

Шунингдек, христианлик ва яҳудийлик манбаларида ҳам пайғамбарлар ва пайғамбарликка (рус.: пророк, пророчество; инг.: prophet, prophesy) алоҳида ўрин берилган. Юнус (Иона), Закариё

(Захария), Айюб (Иов) каби пайғамбарлар номларининг Библияда, Мусо (Моше), Иброҳим (Аврам) номларининг Тавротда келиши бу фикрнинг далилидир.

Ислом дини таълимотига кўра, «пайғамбарлар» ҳам «оддий инсон» эканини алоҳида таъкидлаб, уларнинг авваламбор «Унинг (Аллоҳнинг) бандаси» (абдуху) ва ундан кейин «пайғамбари» (расулуху) экани айтилади. Бунда асосий эътибор пайғамбарларнинг инсонлар томонидан илоҳийлаштирилишининг олдини олишга қаратилган.

Ислом динида Пайғамбарнинг оддий инсон экани таъкидланиши билан бирга диний амалларни бажаришда унинг кўрсатмаларига амал қилиш мусулмонлар учун илоҳий буйруқ даражасида қабул қилинади. Бунга Қуръони каримдаги қуйидаги оятлар далолат қилади:

وَمَا يَنْطِقُ عَنِ الْهَوَىٰ (۳) إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ (۴)

У (Пайғамбар) ўз хоҳиши билан сўзламас. У (Қуръон) фақат (Аллоҳ томонидан) ваҳий қилинаётган (тушириляётган) бир ваҳийдир. (Нажм, 3-4)

Муфассирлар ушбу оятларга кўра, Расулуллоҳнинг Қуръондан ташқари гапирган сўзлари ҳам шунчаки инсоний хоҳиш билан эмас, балки илоҳий илҳом билан айтилган сўзлар эканини таъкидлайдилар.



2. Ҳадис, ҳадис илми ва ҳадисшунослик. «Ҳадис» сўзи луғавий жиҳатдан икки хил: 1) «гап, сўз, хабар, ҳикоя» ва 2) «янги, замонавий» маъноларини беради. Ҳадис илми истилоҳида эса «ҳадис» деганда Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг айтган сўзлари, қилган ишлари, тақрирлари (кўриб қайтармаган ишлари) ёки у кишига берилган сифатларни ўзида мужассам қилган хабар ва ривоятлар тушунилади.



Ҳадис – Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг айтган сўзлари, қилган ишлари ва тақрирларини ўзида мужассам этади!

«Ҳадис» ва «сунна» («суннат») сўзлари кўпинча ёнма-ён, баъзан эса бир-бирининг ўрнини алмаштириб келади. «Сунна» сўзининг луғавий маъноси – «одат», «тариқа», «йўл» бўлиб, истилоҳда Пайғамбар (с.а.в.) одатлари, тутган йўллари, тақрир, яъни кўриб қайтармаган ва буюрган ишларига нисбатан ишлатилади. Бошқача қилиб айтганда, бу истилоҳ Пайғамбар (с.а.в.) турмуш тарзларини англатади.

Илк ислом даврида Куръони карим оятлари ваҳий котиблари томонидан ёзиб борилар эди. Бироқ бу пайтда ҳадисларни қоғозга тушириш Расулulloҳ томонидан «Мендан Куръон оятларидан бошқа бирор нарсани ёзиб олманглар», дея қайтарилиб, уларни фақат оғзаки ривоят қилишга рухсат этилган эди. Бу иш ҳадисларнинг Куръон оятлари билан аралашиб кетишининг олдини олиш учун қилинган тадбир эди. Ҳадисларнинг ўша даврда ёзилмаганига яна бир сабаб саводхонларнинг озлиги ва ёзув воситаларининг тақчиллиги эди.

Бироқ кўп ўтмасдан ҳадисларни ҳам ёзиб бориш бошланди. Бу ишга Пайғамбар алайҳис-салом тарафидан «Аллоҳ номига қасамки, мана шу оғиздан ҳақиқатдан бошқа нарса чикмайди», дейилган сўз туртки бўлган эди. Ана шундай 30-40 атрофидаги ҳадис котибларидан Абдуллоҳ ибн Амр мингга яқин ҳадис ёзиб «саҳифа» («китоб») ҳолига келтирди ва уни «*ас-Саҳифа ас-содиқа*» («*Ишончли китоб*») деб атади. Ҳадисларнинг катта қисмини оғзаки ривоят қилган ровийлар уларни кейинги авлодга етказдилар.

Ҳижрий иккинчи (милодий VIII) асрга келиб мусулмон оламида ҳадисларга бўлган талаб ортиб кетди. Ҳадисларни жамлаш учун якка тартибда илмий сафарлар уюштирила бошланди. Тарқоқ ҳолдаги ҳадисларни жамлаш ва тасниф этиш, яъни «тадвин» фаолияти халифа Умар ибн Абдулазиз (717-720) даврида волийликларга юборилган фармойишлар билан расмий тус олди. Шу тариқа ҳадислар мавзуларга кўра тасниф этилган ҳолда китобларга жамлана бошлади. II/VIII аср ўрталаридан бошлаб илк ҳадис тўпламлари вужудга келди. Ҳозирги кунгача етиб келган илк ҳадис манбалари шу даврга оиддир. III/IX асрга келиб, «*ас-Сихоҳ ас-ситта*» («*Олти ишончли тўплам*») ҳадис мажмуаси ва кейинчалик ўз қаторига яна уч ишончли тўпламни олган «ал-Кутуб ат-тисъа» («*Тўққизта китоб*») мажмуаси юзага келди.

«Ҳадис илми» алоҳида фан сифатида ҳадисларни жамлаш, мавзуларга бўлиб тартиблаш, ровий ва ривоятларнинг ишончилилик даражасини аниқлаш жараёнида юзага келди. Ҳадис илми билан шуғулланган олимлар «муҳаддис» деб аталдилар. III/IX аср ҳадис илмининг энг ривожланган «олтин даври» ҳисобланади. Зеро, олти ишончли тўпламни жамлаган муҳаддисларнинг асосий қисми шу асрда яшаган эдилар.

X аср ва ундан кейинги даврда ҳам ҳадис тўпламларини тузиш билан шуғулланган олимлар яшаб ўтдилар. Аммо уларнинг фаолияти

IX асрда яшаган муҳаддислар фаолиятдан фарқли эди. Улар ўз асарларини IV/X асрга қадар жамланган ҳадис тўпламлари асосида туздилар. Улар мавжуд ҳадисларни шарҳлаш ва алоҳида мавзулар атрофида қайта жамлаш билан шуғулландилар.

Ҳадисларнинг ишончлилик даражасини аниқлаш учун бир неча хил илмларни билиш талаб этилар эди. Жумладан, ҳадислар ислом таълимоти, ҳуқуқи ва амалиётининг бирламчи манбаси бўлмиш Қуръонни давом эттирувчи, тафсири килувчи манба бўлгани учун ҳам ҳадис илми билан шуғулланган киши Қуръонни яхши билиши талаб этилар эди. Шунингдек, муҳаддис ҳадисни ривоят қилган ровийларнинг таржимаи холи, яшаган давр ва маконлари ҳақидаги маълумотларни ҳам билиши керак эди.

Ҳадисларнинг Пайғамбардан муҳаддисга қадар қандай тарзда етиб келганини билишнинг ҳам аҳамияти катта эди. Мазкур талаблар ҳадис илмини пухта ўзлаштирган муҳаддисдан «Улум ал-Қуръон» («Қуръон илмлари»), «Илм ар-рижол» («Кишилар илми», яъни ҳадис ровийларини билиш илми), «ал-Жарҳ ва-т-таъдил» («Жароҳатлаш ва адолатли деб топиш», яъни ҳадис ёки ровийни ишончли ёки ишончсиз эканини исботлаш), «Мусталаҳ ал-ҳадис» («Ҳадис истилоҳлари») каби «Ҳадис илмлари» мажмуасини юзага келтирди.

Ҳадис илмини эгаллаган муҳаддис ҳар бир ҳадисни, унинг ровийсини, ривоят қилиниш услубини синчиклаб ўрганган ва бу илм ўзининг юқори чўққисига III/IX асрда эришган эди. Бу даврда муҳаддислар ҳадиснинг ишончлилигини аниқлаш учун, асосан, уни ривоят қилган ровийлар занжирининг узлуксизлигига эътиборни қаратдилар. Шунингдек, Ҳаким Термизий каби олимлар ҳадисларни жамлаш ва шарҳлашда уларнинг ишончли ёки заиф эканини аниқлашда уларнинг маъносига ҳам эътиборни қаратдилар.



Европада ҳадисшунослик XIX асрда вужудга келди!

XIX асрда ислом манбаларида мавжуд маълумотлар асосида шаклланган Европа ҳадисшунослигида ҳадисларни саралашда уларнинг тарихийлиги ва фирқаларнинг фаол бўлган даврларига, яъни қайси мавзудаги ҳадис қайси даврда кўпроқ долзарб бўлганига эътиборни қаратдилар. Масалан, мўътазилийлар ҳақида айтилган ҳадис

шу ақидавий оким фаол бўлган II/VIII асрга тегишли деб ҳисобланар эди. Ҳадисларни саралашдаги бу ҳам ўзига хос услуб бўлиб, уни ҳам мутлақлаштириб бўлмайди. Дарҳақиқат, XIX асрда IX асрда яшаган муҳаддислар каби бевосита ровийлардан ҳадисларни эшитиб таҳлил қилишнинг имкони йўқ эди. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда ҳадисшуносликда ҳадисларни муҳаддислар жамлаган мавжуд манба ва маълумотлар асосида ўрганиш илмий ёндашув сифатида қабул қилинган.



3. Ҳадисларнинг жамланиши. Ҳадис, ислом таълимотига кўра Қуръондан кейинги иккинчи асосий манба ҳисобланади. Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар вафотидан кейин кўп ўтмай у киши ҳақида саҳобаларда сақланган маълумотлар Арабистондан ташқаридаги узок ерларга янада кенгроқ тарқалди. Табиийки, Пайғамбарни яқиндан билганлар у киши ҳақида кўпроқ гапириб беришга ҳаракат қилардилар, аммо улардан эшитиб бошқаларга етказган кейинги ривоятчилар бу хабарлардан қодир бўлганларича ёдда сақлаб қолардилар. Кўпгина саҳобалар ўзлари кўчиб борган фатх этилган ерларда ҳадис айтардилар, аммо илк даврда уларни ёзишга бўлган интилиш анча паст даражада эди.



Турли минтақалардан якка ҳолда ва гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳадис ўрганиш талабидаги кишилар – *муҳаддислар* турли ўлкаларга сафар қила бошладилар. Ҳар йилги ҳаж мавсуми ҳам турли минтақалардан келган кишиларнинг учрашишларига ва шу йўл билан ҳадисларнинг кенг тарқалишига қулай имкон яратди.

Ҳижрий биринчи асрда, асосан, ҳадисларни амал қилиш учун ўрганилди... Аммо уларнинг ишончли бўлиши учун узлуксиз ровийлар

занжири, яъни «иснод»нинг шарт эканлиги ҳақида фақат ҳижрий иккинчи асрга келиб эътибор қаратила бошланди. Чунки бу даврда сохта ҳадислар кўпайиб, фитналар авж олган эди.



Иснод – Расулуллоҳ ҳадисларини муҳаддисга етказган ровийлар занжири

Ибн Исҳоқ (ваф. 150/767 ёки 151/768 й.) ўзининг Пайғамбар (с.а.в.) га берган таржимаи ҳолида доим ҳам узлуксиз ровийлар занжири – «иснод»ни беравермайди. Келтирган иснодларида ҳам кўпинча Молик ибн Анасга (713-795) олиб бориб улайди. Моликнинг «Муватто» номли қонунлар тўплами баъзан нотўлиқ, баъзан тўлиқ, баъзан эса умуман иснодсиз ривоятларни ўзида мужассам қилган. Ҳадислар девон шаклига келтирилган даврда улар икки асосий қисмдан: ҳадисни асл манба билан боғлайдиган биринчи қисм – «иснод» ва айни ҳадиснинг ўзи бўлмиш иккинчи қисм – «матн»дан иборат бўлган.



Ҳижрий иккинчи асрда ҳадисларни ёзма тарзда жамлаш долзарб вазифага айланди

Муҳаддислар ҳадисларнинг ишончлилигини текшириб, уларни жамлаётган пайтларида, улар орасида «анъана» узлуксизлигининг муҳимлигига етарли эътибор бермаганлар ҳам бор эди. Натижада ҳар хил гуруҳлар орасида ихтилофлар пайдо бўлди. Имом Шофий (150-204/767-820) ўзининг «ар-Рисола» асарида ҳадисларнинг фикҳ илми учун асосий манба эканини яққол кўрсатиб берди. Натижада ҳадис илми фикҳ илмидан алоҳида ривожланишига асос яратди.

Илк даврда ҳадислар асосан оғзаки равишда авлоддан-авлодга узатилар эди. Абу Довуд ўзининг «Сунан»ида икки кетма-кет ҳадисни келтиради – улардан бирида Пайғамбар (с.а.в.) ўз сўзларини ёзиб олишга буюрган бўлсалар, иккинчисида бу ишдан қайтарадилар. Ёзма равишда ҳадисларни тўпламаслик ҳақидаги Пайғамбарнинг кўрсатмаларига асосан илк даврда баъзи мусулмонлар фақатгина ўзлари учун қўлланма сифатида уларни ёзиб олган эдилар. Кейинчалик эса бу ёзувлар катта тўпламларга асос бўлди. Шундай илк тўпламлардан бири Мадинадаги Урва ибн Зубайрга (ваф. 94/712 ёки 99/717 й.) ва иккинчиси Сурияга кўчиб кетган Муҳаммад ибн Муслим аз-Зухрийга (ваф. 124/741 й.) тегишли. Манбалар баъзи саҳобалар ҳам эшитган ҳадисларини ёзиб борганликлари ҳақида маълумот беради.

Илк тузилган тўпламлар ҳар бир саҳоба ривоят қилган ҳадисларни алоҳида тартибда берилган «муснад» услубида ёзилган бўлиб, ундан фойдаланиш мушкул эди. Чунки бир мавзу ҳақида маълумот олиш учун китобни тўлиқ кўриб чиқиш керак бўларди. Абу Довуд Таёлисий (ваф. 203/818 й.) ва Аҳмад ибн Ҳанбалнинг (ваф. 241/855 й.) тўпламлари ана шу тартибда ёзилган. Молик ибн Анас ўзининг «ал-Муватто» асарини ҳадисларни муайян фикҳий мавзулар бўйича жойлаштириш асосида тузди.

III/IX аср қилинган асосий иш мавжуд ҳадисларни боблар бўйича тасниф қилиб, «мусаннаф»лар ёзишдан иборат бўлди. Бу эса ҳадислардан фойдаланиш учун анча қулай эди. Шундай мусаннафлардан олтитаси алоҳида эътиборга молик бўлди. Улар – энг катта обрўга эга бўлган Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг (204-261/819-875) «Саҳиҳ» тўпламлари, ундан кейинги энг муҳим асарлар – Абу Довуд (202-275/818-889), Термизий (209-279/824-892), Насоий (215-303/830-915) ва Ибн Можаларнинг (209-273/823-886) «Сунан» асарларидир. «Саҳиҳ» китоблари ўз ичига биографик материал, Қуръон оятларининг тафсири билан бирга диний қонун-қоидалар, ижтимоий ва шахсий ахлоқ жиҳатларини ҳам қамраб олди. Кейинги даврда ҳам олти ишончли тўпламдан ташқари қатор «Сунан» асарлари ёзилди. Масалан, Ҳофиз Аҳмад ибн Ҳусайн Байҳақий (ваф. 458/1066 й.) «ас-Сунан ал-Кубро» ва «ас-Сунан ас-суғро» асарларини ёзган.

«Саҳиҳ»ларнинг ишончлилик даражаси бошқа китоблардан кўра анча юқори ҳисобланса-да, Бухорий ва Муслим асарлари ҳам ўз даврида танқид остига олинди. Бу тўпламларнинг қай даражада ишончли эканлигини аниқлаб берадиган ягона ташкилот бўлмагани боис уларнинг жамиятда эгаллаган обрўси ва кейинги олимлар томонидан қилинган танқидларнинг камлигига қараб улар ҳақида фикр юритиш мумкин. Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг асарлари IV/X асрдаёқ тўла эътироф этилган бўлса, қолган тўпламлар кейинчалик вақт ўтиши билан тан олина борди. Масалан, Ибн Халдун (ваф. 808/1406 й.) Ибн Можанинг «Сунан»ини ҳисобга қўшмаган ҳолда фақат беш тўплам ҳақида сўз юритади. Бироқ вақт ўтиши билан олти тўплам тан олинса-да, баъзилар Имом Моликнинг «Муватто»сини Ибн Можжанинг «Сунан»идан афзал кўришарди.

Кейинчалик ҳам ҳадис илмида аввалги ишларни қайта тартиблаш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди. Улар мазкур олти тўплам

даражасига кўтарилмаса-да, асосий манба сифатида фойдаланиларди. Ҳадис китобларига шарҳлар ёзилди. «Ал-Арбаун» («Қирқлик») жанрида ҳадис тўпламлари тузиш оммалашди. Турли манбалардан ҳадислар жамланиб, янги тўпламлар яратилди. Улардан бизга маълум бўлган энг эътиборга лойиқлари – Бағавийнинг «Масобих ас-сунна» («Пайғамбар йўли чироқлари») ва янада оммабоп асар Валиюддин Табризийнинг «Мишкот ал-масобих» («Чироқлар тоқчаси») асарларидир.

Валиюддин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Умарий Хатиб Табризийнинг (ваф. 740/1339-40 й.) «Мишкот ал-масобих» асари Муҳюссунна лақаби билан танилган Рукнуддин Абу Муҳаммад Ҳусайн ибн Масъуд Бағавий (ваф. 510/1117 й.) ёзган «Масобих ас-сунна» («Пайғамбар йўли чироқлари») китобининг қайта ишланган шаклидир. Бу асар мусулмон оламида кенг тарқалган бўлиб, ўрта асрларда мадраса тизимида асосий қўлланма вазифасини ўтаган.

«Мишкот ал-масобих» асари 29 китоб (бўлим)дан иборат. Унда муаллиф илм, ибодат, муомалот, ахлоқ каби мусулмонлар ҳаётининг жуда кўп соҳаларига тегишли мавзулардаги ҳадисларни жамлаган. Бунинг учун Бухорий, Муслим, Термизий, Абу Довуд, Ибн Можжа, Насоий каби муҳаддисларнинг «Саҳиҳ», «Сунан», «Муснад» тўпламларидаги ҳадислардан фойдаланган. «Китоб»лар ўз навбатида «боб» ва «фасл»ларга бўлинган. Муайян мавзудан четламаслик учун ҳар бир ҳадиснинг исноди тўлиқ келтирилмай, фақат уни ривоят қилган саҳоба ва баъзан тобиий номлари берилган. Ҳадис матнидан сўнг унинг манбаси ва ишончлилиқ даражаси кўрсатилган.

«Мишкот ал-масобих» асарида ҳадислар ривоятчиси, тўплам муаллифи ёки саҳиҳлик даражасига қараб эмас, балки мавзулар бўйича жамлангани сабабли фойдаланиш учун жуда қулайдир.

Юқорида зикр этилган асарлар суннийликдаги манбалар эди. Шиалар эса фақатгина Али орқали ривоят қилинган хабарларни ўз ичига олган ўзларининг манбаларига эга эдилар. Уларда шиалик талабларига жавоб берадиган ривоятлар мужассам бўлган эди. Бундай асарлар қаторига – Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Яъқуб Кулинийнинг (ваф. 328/939 й.) «ал-Кофий фи илм ад-дин» («Дин илми бўйича кифоя қилувчи»), Бобуя Қуммий номи билан машҳур Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Алининг (ваф. 381/991 й.) «Китоб ман ло яхдуруху ал-фақиҳ» («Фақиҳ ҳузурида бўлмаганлар китоби»), Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Ҳасан Тусийнинг (ваф. 459/1067 ёки 460/1068й.) «Таҳзиб ал-аҳком» («Хукмларни тартибга солиш») ва кейинчалик ундан мухтасар қилган «ал-Ибтисор фи ма-хтулифа фиҳ мина-л-ахбор» («Ихтилофли

хабарларни далиллаш») асарлари киради. Улар ҳам суннийликка оид китоблардаги мавзуларни ўз ичига олган мусаннаф китобларидир.

Ҳадисларнинг танқидий ўрганилиши ўз даврининг талабидан келиб чиққан эди. Тан олинган тўпламлар вужудга келгунига қадар ҳадислар жуда кўпайиб кетган эди. Ҳадис илми билан шуғулланган уламолар – муҳаддислар бу ҳадисларнинг кўпчилиги тўқилган эканлигини тан олдилар. Қуссослар инкор этиб бўлмайдиган иснодлар билан ҳадислар тўқиш бобида энг «илғор» кишилар бўлиб, бу ҳикоялари учун содда кишилар уларга яхшигина ҳақ тўлар эдилар. Айрим сохта ҳадисларни осонликча аниқлаш мумкин эди. Баъзилар сохта мафкураларни тарқатиш мақсадида ҳадис тўқир ва баъзан бундай ҳадислар шундай усталик билан тўқилар эдики, уларни ҳақиқийларидан ажратиб бўлмасди. Масалан, Пайғамбар (с.а.в.)нинг «Мен пайғамбарларнинг мухри бўламан, мenden кейин ҳеч қандай пайғамбар бўлмайди, агар Аллоҳ хоҳласа» деган сўзларидаги «агар Аллоҳ хоҳласа» ибораси тўқилган бўлиб, ҳеч қандай изоҳсиз қабул қилиниши мумкин эди. Аммо илм аҳли бу ҳадисни тасдиқлайдиган иснод нақадар ишончли кўринмасин, ундаги бузғунчилик руҳини сездилар.



Иснодга тегишли истилоҳлар алоҳида илм сифатида ўрганила бошланди. Улар орасида исноднинг узлуксизлиги, ривоятчиларнинг кўплиги, қабул қилишга яроқли-лигига кўра *мутавотир* машҳур, *мустафиз*, *азиз*, *ғариб*, *саҳиҳ*, *ҳасан*, *заиф* каби турларга ажратилди.

Ҳадиснинг ишончли-лигини асосан унинг иснодига боғлиқ ҳолда ўрганилди. Исноддаги ровийлар ишончли

бўлсалар, ҳадис ҳам ишончлидир деб ҳисобланарди. Аммо, Ҳоким Найсобирий ўзининг «Маърифат улум ал-ҳадис» («Ҳадис илмларини билиш») асарида бир қатор ишончли ровийлар томонидан ривоят қилинган, аммо унинг фикрича заиф ва нуқсонли ҳисобланган

ҳадисларни келтиради. Унинг таъкидлашича, ҳадислардаги ёлгонни аниқлаш учун иснодни чуқур таҳлил этиш керак.



4. Ҳадис илми доирасида тарихий-биографик адабиётнинг шаклланиши. Тарихий-биографик асарлар араб адабиётида жуда кенг тарқалган. Мусулмон жамиятининг ўрта асрлардаги диний маданияти тарихини ўраганишда улар катта аҳамиятга эга. Араб тарихий-биографик адабиёти ичида вужудга келган илк жанрлардан бири табақот (табақалар) жанридир. У ислом илмлари ичида махсус жанр сифатида вужудга келди.



«Табақот» жанридаги асарлар тарихий-биографик асарлар сирасига киради

Баъзи тадқиқотчилар бу жанр «илм ал-ҳадис» учун зарурат туфайли вужудга келган десалар, бошқалар ғолиб арабларнинг ўз насабларига кизиқиши натижасида пайдо бўлган, деб ҳисоблайдилар. Табақот жанрининг илк ривожланиш даври ҳақида аниқ маълумот йўқ бўлса-да, бу даврда унинг турли жанрлари етишиб чиққанлиги ва аста-секин унга тегишли асарлар кўпайиб борганлиги маълум (630 й. дан 750 й. гача ва кейинроқ).

Бу жанрдаги илк асарлар II/VIII аср охири – III/IX аср бошларида ёзила бошлади. Муофо ибн Имрон Мавсулийнинг (ваф. 184/800 й.) «Китоб табақот ал-муҳаддисин» («Муҳаддислар табақалари китоби»), Ҳайсам ибн Адий Саълабийнинг (ваф. 207/822-3 й.) «Табақот ал-фуқаҳо ва-л-муҳаддисин» («Фақиҳ ва муҳаддислар табақалари»), Муҳаммад ибн Умар Воқидийнинг (ваф. 207/822-23 й.) «Китоб ат-табақот» асарларининг бизгача фақатгина номлари ёки кейинги даврда ёзилган асарларда келтирилган кўчирмаларигина сақланиб қолди.

Бизгача етиб келган табақот жанридаги энг илк асарлардан бири – Муҳаммад ибн Саъд Басрийнинг (ваф. 230/845 й.) «Китоб ат-табақот ал-кабир» («Катта табақалар китоби») асаридир. Ибн Саъд ўзининг «Китоб ат-табақот»ида ўзидан олдинги шу жанрдаги асарлардан тўлиқ фойдаланган. Шу сабабли бошқа асарларга ўрин қолмаган ва натижада улар эътибордан четда қолиб, йўқолиб кетган.

Ибн Саъд ўзининг асарида саҳобалар ва тобиийларнинг таржимаи ҳолларини батафсил баён қилган. Биографияларни тартибга солишда

улардан исломни биринчи қабул қилганлар ва Пайғамбарга яқин бўлганларнинг номларини биринчи ўринга қўяди. Ҳижратда ва Бадр жангида Пайғамбар билан бирга бўлган саҳобаларнинг номлари Бадрдан кейин у кишига қўшилганларнинг номларидан олдинга жойлаштирилган. Ҳар бир биография ичидаги кишилар ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган: исми, келиб чиқиши, туғилган ва вафот этган санаси ва жойи; кимдан ҳадис эшитган ва кимга ҳадис айтган, унинг ахлоқий сифатлари, маълумот даражаси, хабарларининг ишончлилиги.

Бошқа шу жанрдаги асар – Халифа ибн Хаййотнинг (ваф. 240/854 й.) «Китоб ат-табақот»ида ҳам саҳоба ва тобиийларнинг таржимаи ҳоллари уларнинг ислом тарихидаги аҳамиятига кўра жойлаштирилган. Ибн Саъддан фаркли равишда Ибн Хаййот таржимаи ҳолларни жойлаштиришда кишиларнинг қайси қабилага мансуб эканлигини эътиборга олган. Муҳаммад алайҳи-с-салом таржимаи ҳолларидан сўнг аввал хошимийлар, кейин умавийлар, ундан кейин эса бошқа курашийлар ва бошқаларнинг таржимаи ҳоллари жой олган.

Илк асарларнинг тузилиш ва таркибидан шу нарса маълум бўладики, табақот жанри ҳадис илмларининг ичида саҳиҳ ҳадисларни аниқлаш ва уларни ровийлар занжири – иснодни танқидий ўрганиб, уларни ёлғонларидан ажратиш мақсадида яратилган. Ҳадисларни тўкиш ва тўплаш гуркираган ўша даврда ислом қонунчилиги ва диний мафкурасини шакллантириш учун катта амалий аҳамиятга эга бўлган бу турдаги асарларнинг пайдо бўлиши табиий ва зарурий эди. Табақаларга бўлиш турли категориядаги кишиларни уларнинг аҳамияти даражасига кўра гуруҳларга ажратиш учун қулай усул эди. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, табақот жанридаги асарлар фойдаланиш учун қулай бўлган.

III/IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, олти девон шаклига келтирилган ҳадис тўпламлари яратилганидан сўнг, биографиячиларнинг эътиборлари кўпроқ бу тўпламларда учраган ровийларнинг номларини тўплаш, уларни тўғри ўқишлигини таъминлаш ҳамда ишончли ва ишончсизга ажратиб, муҳаддислар ҳақидаги махсус тўпламларини тузишга қаратилди. Бу олти тўпламнинг тузувчилари бу турдаги асарларнинг биринчи муаллифлари бўлиб қолдилар. Бу ўринда мисол тариқасида Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг «Китоб ад-ду‘афо» («Заифлар китоби»), Аҳмад ибн Али Насоийнинг

(ваф. 303/915 й.) «Китоб ал-куно» («Кунялар китоби»), Абу Бишр Дулобийнинг (ваф. 320/932 й.) «Китоб ал-асмо' ва-л-куно» («Исм ва кунялар китоби») асарларини келтириш мумкин. Ишга янгича ёндашув биографияларнинг жойлашув тартибини ўзгартиришни талаб этди. Масалан, Имом Бухорий ўзининг «ат-Та'рих ал-кабир» («Катта тарих») асарида ҳадис ровийларининг таржимаи ҳолларини алифбо тартибда жойлаштирди.

Ҳадисларга ўзига хос муносабатда бўлган шиалик муҳотида табақот жанрининг ўз анъанаси вужудга келди. Масалан, шиалар орасида машҳур Аҳмад ибн Муҳаммад Баркийнинг (ваф. 274/887 й.) «Китоб табақот ар-рижол» («Ровийлар табақалари китоби») асарида Али ибн Аби Толибдан (ваф. 40/661 й.) ривоят қилган кишилар ҳақидаги биографик маълумотлар тўпланган. Вақт ўтиши билан бундай асарларнинг тузилиш принципи ишлаб чиқилди. 12 имомнинг бирдан ривоят қилган кишиларнинг таржимаи ҳоллари мос равишда бир табақага киритилди. Таржимаи ҳолларнинг умумий жойлашув тартиби куйидагича:

1. Пайғамбар саҳобалари;
2. Али ибн Аби Толиб асҳоблари;
3. Ҳасан ибн Али (ваф. 49/669 й.) асҳоблари;
4. Ҳусайн ибн Али (61/680 йилда ўлдирилган) асҳоблари ва шу тарзда 12-имомгача.

Шиалик муаллифларидан Муҳаммад ибн Умар Кашшийнинг (ваф. 370/980 й.) «Маърифат ахбор ар-рижол» («Ровийлар хабарларини билиш»), Аҳмад ибн Али ан-Нажошийнинг (ваф. 450/1058 й.) «Китоб ар-рижол» ва Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ат-Тусийнинг (ваф. 459/1067 й.) «Китоб ар-рижол» асарлари худди шу тартибда тузилган.

III/IX асрдан бошлаб шиалар билан бир вақтда суннийларда ҳам ҳадис ровийларининг таржимаи ҳолларини жойлаштиришда ўз тартиб-қоидалари шаклланди:

1. 90/708-709 йилда тугаган саҳобалар табақаси;
2. 148/765-766 йилда тугаган тобийлар табақаси;
3. 198/813-814 йилда тугаган атбо ат-тобиинлар табақаси ва ҳоказо.

Мусулмон халқлари ҳаётида юз берган ўзгаришлар табақот жанридаги асарларнинг таркиб ва тузилишига таъсир кўрсатди. Мусулмон мамлакатларининг йирик шаҳарларида ҳадисга оид илмларнинг ривожланиши алоҳида шаҳар ва туман ровийлари

табақаларининг пайдо бўлишига олиб келди. Бундай рўйхатлар ўша шаҳарга тегишли саҳоба ва тобиийларнинг таржимаи ҳоллари билан бошланиб, ундан сўнг шу жойдан чиққан ҳадис ровийларининг таржимаи ҳоллари берилган. Муҳаммад ибн Ҳиббон Бустийнинг (ваф. 354/965 й.) «Китоб ат-табақот ал-исбаҳония», Солиҳ ибн Аҳмад Ҳамадонийнинг (ваф. 384/994 й.) «Табақот ал-ҳамадонийин» асарлари шу тартибда тузилган. Кейинроқ ёзилган «шаҳарлар тарихи» жанридаги асарларнинг анчагина қисмини муҳаддисларнинг таржимаи ҳоллари ташкил этади. Аммо Хатиб Бағдодийнинг (ваф. 463/1071 й.) шу жанрдаги «Та'рих Бағдод», Ибн Асокирнинг (ваф. 671/1176 й.) «Та'рих Димашк» ва бошқа асарларда бу шаҳарларнинг шарафи бўлган машҳур кишиларнинг таржимаи ҳоллари, фойдаланишга қулай бўлсин учун, алифбо тартибида жойлаштирилган.

Мазкур асарларнинг номлари уларнинг ички тузилиши ҳақида хабар бериб туради. Бу халифаликнинг марказий минтақаларидаги анъаналар янги муҳитда ривожланган мусулмон Испанияси мисолида яққол кўринади. Масалан, Муҳаммад ибн Ҳарас Хушонийнинг (ваф. 360/970-71 й.) «Табақот 'уламо' Ифрикия» асарида илоҳиётчиларнинг биографиялари табақалар бўйича гуруҳларга ажратилган бўлса, Ибн ал-Фародийнинг (ваф. 403/1013 й.) «Та'рих 'уламо' Андалус»ида таржимаи ҳоллар алифбо тартибида тақсимланган, бунда ҳар бир ҳарф чегарасидаги таржимаи ҳол вафот саналарини эътиборга олган ҳолда – аввалгилардан кейингиларга қараб давом эттирилган. Ана шу Хушонийнинг «Китоб ал-қудот» асарида эса таржимаи ҳоллар қозилик мансабига тайинланиш тартиби бўйича тасниф қилинган.

Бошқа жанрлардаги янги услублар табақот жанри муаллифларининг асарларида ҳам ўз аксини топди. Исмоил ибн Муҳаммад Исфаҳоний (ваф. 535/1140-41 й.) ўзининг «Китоб табақот сийар ас-салаф» («Ўтган уламолар табақалари китоби») асарида китоб ҳажмини қисқартириш мақсадида ҳадис ровийларининг иснодларини тушириб қолдирди. Табақалар ичидаги ровийларнинг таржимаи ҳоллари алифбо тартибида жойлаштирилди. Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий (ваф. 748/1348 й.) ўзининг машҳур «Та'рих ал-ислом ва табақот ал-машоҳир ва-л-а'лом» асарида таржимаи ҳолларни жойлаштиришда аралаш тартибни

қўллади. Барча биографик материални ўн йилликлар бўйича тақсимлаб, улар ичидаги таржимаи ҳолларни алифбо тартибида жойлаштирди.

Мовароуннахрда энг аввал яратилган машҳур тарихий-биографик асарлардан бири Абу Саъд Абдуллаҳмон ибн Муҳаммад Идрисийнинг (ваф. 405/1015 й.) «Китоб ал-камол фи ма'рифат ар-рижол мин 'уламо' Самарқанд» («Самарқанд уламоларидан ровийларни билиш бўйича мукаммал китоб») асаридир. Бу Самарқанд уламолари ҳақида ёзилган бебаҳо манба бизгача етиб келмаган бўлсада, ундаги маълумотлар кейинги давр муаллифларининг асарларида сақланиб қолган. Масалан, Абу Ҳафс Насафий ўзининг «Китоб ал-қанд фи зикр 'уламо' Самарқанд» – («Самарқанд уламоларини зикр этиш бўйича ширин китоб») асарида 421 жойда ундан маълумот келтиради. Бу эса Идрисий асарининг асосий қисми «Китоб ал-қанд»да сақланиб қолганлигини кўрсатади.

Муҳаммад ибн Аҳмад Ғунжорнинг (ваф. 412/1021 й.) «Та'рих Бухоро» асари ҳам тарихий-биографик жанрда ёзилган, аммо бизгача етиб келмаган асар ҳисобланади.

Жаъфар ибн Муҳаммад Мустағфирийнинг (ваф. 432/1041 й.) Насаф ва Кеш тарихи бўйича ёзган «Та'рих Насаф» асари юқорида зикр этилган икки асар каби бизгача етиб келмаган. Абу Ҳафс ан-Насафий «Китоб ал-қанд» асарида 169 жойда Мустағфирийдан ривоят келтирган. Шундан ҳам кўринадики, «Китоб ал-қанд» асарининг ичида ал-Мустағфирий асарининг бир қисми сақланиб қолган.

Вақт ўтиши билан ҳадис илми кенг қамровли соҳага айланди. Бу фан доирасида шаклланган тарихий-биографик адабиётлар ўзида барча ислон илмлари соҳаларини акс эттирди. Шунинг учун ҳам ҳадис илмининг бир соҳаси бўлмиш тарихий-биографик асарларни кенг миқёсда ўрганиш нафақат ҳадис илмини, балки мусулмон дунёси тарихи, маданияти, илм-фан соҳаларини билишда катта аҳамият касб этади.

ҲАДИС:

وَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ يُرِدِ اللَّهُ بِهِ خَيْرًا يُفَقِّهُهُ فِي الدِّينِ

Набий с.а.в. айтдилар: Аллоҳ кимга яхшиликни
хоҳласа, уни динда билимдон қилиб қўяди.



Мавзу бўйича саволлар

1. Ислом динида пайғамбарликнинг мақоми қандай ва у бошқа динлардагидан нимаси билан фарқланади?
2. Илк ислом даврида ҳадисларни ёзишга қандай муносабат билдирилган?
3. Қайси даврга келиб ҳадисларга бўлган эҳтиёж ортди?
4. Ҳадисга қандай таъриф берилган?
5. «Тадвин» деганда нима назарда тутилади?
6. Ҳадис илмининг қандай соҳаларини биласиз?
7. Ҳадис ривоятида иснодга эътибор бериш қачондан бошланди?
8. Тарихий-биографик адабиётлар қандай аҳамиятга эга?



Топшириқлар

1. Мавзуни ўқиб чиқинг ва унда келган оят ва ҳадисларни ёдланг.
2. Пайғамбар Муҳаммад с.а.в. ҳаёти ва илк ислом тарихига оид манбалар билан танишинг.
3. Имом Бухорий ҳаётига оид маълумотлар билан танишинг.
4. Мовароуннаҳрда яратилган тарихий-биографик асарлар номларини ёддан айтинг.

Мустақил иш мавзулари

1. Одоб-ахлоққа оид ҳадис тўпламлари.
2. Ҳадис турлари ва уларни таснифлаш усуллари.
3. “Табақот” жанридаги асарларнинг ўзига хос жиҳатлари.
4. Мовароуннаҳрлик олимлар илмий меросида тарихий-биографик асарларнинг тутган ўрни.



Адабиётлар

1. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири). // Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. 19-сон. – Т.: Адолат, 1998. – Б. 223-235.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
3. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005.

4. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий: 2 жилдли. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.

5. Раҳимжонов Д., Муратов Д. Ҳадисшунослик (ўқув кўлланма). – Т.: ТИУ нашриёт-матбаа босмаҳонаси. 2010.

6. Джон Бёртон. Мусульманское предание: Введение в хадисоведение. – М.: Диля, 2006. – 304 с.

7. Ермаков Д. Хадисы и хадисная литература // Ислам (историографические очерки) / Под общей редакцией С.М.Прозорова, – М.: Наука, 1991.

8. Kamali M.H. Hadith methodology. Authenticity, Compilation, Classification and Criticism of Hadith. – Kuala Lumpur: Ilmiah publishers, 2002.



ҲАДИСШУНОСЛИККА ОИД ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

РЕЖА:

1. Мустақил Ўзбекистонда ҳадисшунослик.
2. Шарқда ҳадис илмининг ўрганилиши.
3. Ғарбда ҳадисларнинг ўрганила бошланиши.
4. Европада ҳадисшунослик бўйича амалга оширилган ишлар.



Таянч иборалар: *Мовароуннаҳр, Шош, Муслмон анъанаси, Ғарб уйғониш даври, Ҳадисларни танқидий ўрганиш, Муҳаммадий тадқиқотлар, Конкорданс, Мухтасар.*



1. Мустақил Ўзбекистонда ҳадисшунослик. Юртимиз мустақилликка эришгандан буён республикамызда маданий меросни, ўтмишдаги алломалар ижодини ўрганиш орқали миллий кадриятларни тиклашга катта эътибор берилмоқда. Илгари ўрганилмаган олимлар ҳаёти ва ижоди, асарлари тадқиқ этила бошланди. Бошқа соҳалар намояндалари қатори муҳаддислар фаолияти ва уларнинг асарлари тадқиқ этилиб келинмоқда.

Юртимиз олимлари томонидан ҳадисшунослик соҳасида амалга оширилаётган ишлар бекиёсдир. Ўтмишда бизнинг юртимиздан минглаб муҳаддислар етишиб чиққанларки, уларнинг меросини ўрганиш бўйича ҳозирда қилинаётган тадқиқотлар диққатга сазовор. Ўзбекистонда муҳаддислар меросини ўрганиш кўзга кўринган олим, дин арбоби, 1957–1982-йилларда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси раиси, муфтий лавозимида ишлаган

Зиёвуддин ибн Эшон Бобохон (1908-1982) томонидан ривожлантирила бошлаган эди. Бу олим ва жамоат арбоби ўз отаси, 1943–1957-йилларда диний идорани ташкил этиб, юртимизда ислом илмларининг қайта тикланишига асос солган Эшон Бобохон Абдумажидхон ўғлининг ишларини давом эттирди.

Зиёвуддин ибн Эшон Бобохон 1969 йилда Тошкентда Имом Бухорий номидаги Ислом институтини ташкил этиб, унга бевосита раҳбарлик қилди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан 1945 йилда Бухородаги Мир Араб мадрасаси фаолияти қайта тикланди. Собиқ Совет Иттифоқи ва бир қанча мусулмон мамлакатларида ўтказилган йирик халқаро диний анжуманларнинг ташкилотчиси ёки фаол иштирокчиси сифатида қатнашган эди. 1976 йили Маккада масжидлар бўйича Бутунжаҳон олий кенгаши аъзоси этиб сайланди.

Зиёвуддинхон диний меросни кенг тарғиб ва ташвиқ қилишдан ташқари илмий, диний-маърифий фаолият билан ҳам шуғулланган. Ибн Синонинг гигиенага оид китобини ўзбек ва рус тилларига ўгирган (Абу Али ибн Сина, Трактат по гигиене, Т., 1982). Зиёвуддинхоннинг «Диёримизда ислом ва мусулмонлар» асарида (1979, рус тилида) ислом динининг моҳияти очиб берилган, ислом барча замон ва халқлар учун салоҳиятли дин эканлиги, унинг тамойиллари ҳамма яхши ниятли кишиларнинг орзу-умидлари билан ҳамоҳанг эканлиги кўрсатилган.

Футуҳий таҳаллуси билан шеърлар битган Зиёвуддинхон халқлар ўртасида тинчликни сақлаш, ер юзида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшгани учун Иордания, Сурия, Марокаш ва Миср Араб Республикасининг олий орденлари билан тақдирланган. 1998 йилда олим таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб Тошкентда халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. 1982 йилда вафот этган ушбу олим ва жамоат арбоби Тошкентдаги Қафқол Шоший макбараси ёнидаги қабрлар мажмуасида оталари Эшон Бобохон ёнига дафн этилган.

1943 йилда ташкил этилган ва йиллар давомида турли номлар (Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси, Ўрта Осиё мусулмонлари диний идораси) билан аталган ва ҳозирда «Ўзбекистон мусулмонлари идораси»нинг уч ойлик журнали «Совет Шарқи мусулмонлари» 1968 йилдан чоп этила бошлади. Бу журнал саҳифаларида муҳаддислар ва ҳадислар ҳақидаги айрим мақолалар бериларди. Аммо улар эски ўзбек ёзувида ҳамда араб тилида чоп

этилар ва маҳаллий аҳоли учун тушунарли эмасди. Мустақиллик даврида бу журнал «Мовароуннаҳр мусулмонлари» ва кейинчалик «Ҳидоят» номи билан чоп этила бошлади. Ушбу журнал ҳозирги кунда ўз саҳифаларида ислом илмлари ва уламолари ҳақидаги, жумладан ҳадис ва муҳаддисларга оид мақолаларни мунтазам бериб бормоқда.



***Мустақиллик даврида ҳадисшуносликка оид
тадқиқотлар кенг кўламда амалга оширила
бошланди***

Мустақиллик даврида Шамсуддин Бобохонов, шайх Абдулазиз Мансур каби олимлар томонидан амалга оширилган ишлар эътиборга молик. Одоб-ахлоқ, маиший ҳаёт масалаларига оид ҳадисларни ўз ичига олган «Минг бир ҳадис» китоби (Минг бир ҳадис / Арабчадан А.Мансуров таржимаси. Масъул муҳаррир Н.Иброҳимов. 2 жилдли. – Т.: Ўзбек маскани, 1991) арабча матн ва ўзбек тилидаги таржимани ўз ичига олган. Ҳаракатлар билан берилган арабча матн мутахассисларнинг ҳадислардан илмий мақсадларда фойдаланишлари учун қулайлик яратиши билан бирга, қавс ичида шартли белгилар билан берилган ровийларнинг номлари ривоятларнинг ишончлилик даражасини аниқлашга ёрдам беради. Ушбу тўпламдаги ҳадиси шарифлар Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий, Ибн Можжа, Аҳмад, Ҳоким, Ибн Ҳиббон, Табароний, Саид ибн Мансур, Ибн Аби Шайба, Абдурраззоқ Абу Яъло, Доркутний, Дайламий, Абу Наим, Байҳақий, Ибн Адий, Ақийлий, Хатиб каби ислом дунёсида машҳур муҳаддисларнинг турли номдаги тўпламларидан териб олинган.

Хусусан, профессор Убайдулла Уватовнинг «Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий)» мавзuidaги докторлик диссертацияси ва бу изланишлар натижасида чоп эттирган кўплаб китоб, рисола ва мақолалари ҳадис илми ва муҳаддисларнинг шарафли хизматларини ёритишга бағишланган.

Академик Неъматулла Иброҳимов ва шоир Мирзо Кенжабек таҳрири остида таржимонлар Зокиржон Исмоил, Хожа Музаффар Набихон ўғли, Хожа Бахтиёр Набихон ўғли, Раҳматуллоҳ қори Қосим ўғли, Абдулғани

Абдуллоҳ каби таржимонлар томонидан Имом Бухорийнинг асари ўзбек тилига таржима қилинди. Олимлар томонидан нашр этирилган Имом Бухорийнинг «ал-Жоме ас-саҳиҳ» (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. ал-Жоми ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам): 4 жилдди. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1997), «Ал-Адаб ал-муфрад» (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Т.: Ўзбекистон, 1990. – 197 б.) китоблари халқимизга ҳадис илми бўйича зарурий маълумотларни берди.

Охирги йилларда амалга оширилган ишлар қаторида Абдулазиз Мансур томонидан Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ ал-Бухорий» (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий: 2 жилдди. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008) номли ўзбек тилидаги нашрини таъкидлаш лозим.

Кейинчалик бу соҳада изланиш олиб борган ёш тадқиқотчилардан Б.Эшонжоновнинг «IX аср Мовароуннаҳр маданий ҳаётида Имом ал-Бухорийнинг мавқеи ва унинг «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» асаридаги фикҳий масалалар», Д.Раҳимжоновнинг «Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи ма‘рифат ‘уламо’ Самарқанд» асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба», Д.Муратовнинг «Абдуллоҳ ас-Субазмунийнинг «Кашф ал-осор» асари – ҳадис илмига оид манба», М.Алимованинг «Имом ад-Доримийнинг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси» мавзuidaги номзодлик диссертациялари бевосита ҳадис илми тарихи, юртимиз алломаларининг бу фан соҳасига қўшган ҳиссаларини ёритишга бағишланган.

Шу билан бир қаторда, Абдулҳаким Шаръий Жўзжонийнинг «Ислом ҳуқуқшунослиги ва ҳанафий мазҳаби тараққиётида Ўрта Осиё фақиҳларининг ўрни», А.Мўминовнинг «Ҳанафий уламоларнинг марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II–VII/VIII–XIII асрлар)» мавзuidaги докторлик, Н.Муҳамедовнинг «Шош воҳаси олимларининг ислом илмларида тутган ўрни (X–XII асрлар)», И.Усмоновнинг «ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари – ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба», А.Ғ.Абдуллаевнинг «Абу-л-Лайс ас-Самарқандийнинг Мовароуннаҳр тафсирунослигида тутган ўрни», С.Оқиловнинг «Абу-л-Муъин ан-Насафий ва унинг мотуридия таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси («Табсирату-л-адилла» асари асосида)», Ш.Зиёдовнинг «Абу Мансур ал-Мотуридий ёзма мероси ва унинг «Китаб ат-та’вилот» асари», З.Нажмиддиновнинг «Абу Зайд

ад-Дабусий меросининг Мовароуннаҳрда фикҳ илми ривожда тутган ўрни», Р.Матибаеванинг «Абу-л-Муайяд ал-Маккий ал-Хоразмийнинг «Манокӣб Аби Ҳанифа» асари – ҳанафийлик бўйича нодир манба» каби номзодлик диссертацияларида ҳам ҳадис илми билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Шамсуддин Бобохонов ҳам илк бора Ўзбекистонда муҳаддисларнинг меросидан «бир шингил»ини рус тилига таржима қилган ва рус тилидаги «Буюк муҳаддислар халқлар орасидаги дўстлик ва тинчлик ҳақида» («Великие мухаддисы о мире и дружбе между народами») асарида келтириб ўтган. Бундан ташқари, «ал-Адаб ал-муфрад» асарини ўзбек тилига таржима қилиб нашр эттирди ҳамда таржиманинг кириш қисмида асар бўйича батафсил маълумотлар бериб ўтди.

Мазкур тадқиқотлар билан чегараланмай, муҳаддислар меросини ўрганиш ҳали давом этмоқда. Чунки улар умуминсоний қадриятлар ва бой маънавий меросни ўзида мужассам этган.



2. Шарқда ҳадис илмининг ўрганилиши. Муҳаддислар асрлар мобайнида ҳадис илмига оид эскирмайдиган асарлар яратиб, келажак авлод учун мерос қилиб қолдирганлар. Ҳаётларини илм талабига бағишлаб, мақсадга эришиш учун, ҳатто хордиқ чиқариш, ухлаш дамларида ҳам ҳадисларни жамлаш ва саралаш фикри билан банд бўлганлар. Масалан, Шайх Абдуссалом Муборакфурийнинг (1870-1924) «Сийрат ал-Имом ал-Бухорий» (**«Имом Бухорий сийрати»**) асарида **ривоят қилинишича**, Имом Бухорийнинг котиби унинг ҳадис илмига бўлган иштиёқини тавсифлаб шундай ёзади: «Агарда Имом Бухорий билан сафарга чиксак, йўл ярмида кечга яқин бирорта хонадонда тунаш учун қолар эдик. Ўша кечаси Имом Бухорий 15 мартадан 20 мартагача туриб, шам ёқиб, ёдига тушган ҳадисни ёзиб, кейин яна ётарди».

Ҳозирги кундаги ҳадисшуносликка оид тадқиқотлар устида сўз борар экан, уларга асос бўлган асарлар ва уларнинг муаллифлари тўғрисида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Ҳадис илми ундаги тушунчалар, истилоҳларни шарҳлаш бўйича кўплаб уламолар меҳнат қилганлар. Жумладан, Абу Маҳмуд Ромаҳурмузий (ваф. 320/932 й.) «Мусталаҳ ул-ҳадис» («Ҳадис истилоҳлари») соҳасида китоб ёзган уламолар ичида энг биринчилардан ҳисобланади. Ундан кейинги муаллифлардан Ҳоким Абу Абдуллоҳ Нисобурий (ваф. 261/875 й.) «Маърифат ‘улум ал-ҳадис» китобини ёзди. Хатиб Абу Бакр Бағдодий

(ваф. 463/1071 й.) «ал-Кифоя», Қози Иёз (ваф. 544/1149 й.) «ал-Илмо‘» («Кўрсатма»), Ибн Салоҳ Димашкий (ваф. 704/1305 й.) «Муқаддимат Ибн Салоҳ» («Ибн Салоҳ Муқаддимаси»), Ибн Касир Димашкий (ваф. 774/1373 й.) «ал-Боис ал-ҳасис ихтисор ‘улум ал-ҳадис» («Ҳадис илмларини тез тушуниш бўйича мухтасар китоб»), Ибн Ҳажар Асқалоний (ваф. 852/1448 й.) «Нухбатул фикар» («Танланган фикрлар») номли китобларни ёздилар.

Замонавий олимлар ҳам бу соҳада фаол шуғулланмоқдалар, жумладан, доктор Маҳмуд Таҳҳоннинг «Тайсир мусталаҳ ал-ҳадис» («Ҳадис истилоҳларини осонлаштириш»), Абдурахмон Итрнинг «Маолим ас-сунна ан-набавия» («Пайғамбар суннати аломатлари»), доктор Нуриддин Итрнинг «Манҳаж ан-нақд фи улум ал-ҳадис» («Ҳадис илмларини танқидий ўрганиш услуби») ва бошқа асарларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ҳадис илми тарихи бўйича ҳам ҳозирда кўплаб олимлар тадқиқотлар олиб бориб ўз асарларини яратмоқдалар. Масалан, Муҳаммад Абу Заҳвнинг «ал-Ҳадис ва ал-муҳаддисун» («Ҳадис ва муҳаддислар»), Муҳаммад Ижож Ҳатибнинг «ас-Сунна қабла ат-тадвин» («Тадвиндан аввалги суннат») каби асарлари бунга далилдир.

Ҳадис илми тарихида «анъанавий» муҳаддислардан ташқари, бирор мазҳабга тегишли олимлар ҳам ҳадис жамлаганлар. Бу олимлар фақат ўз мазҳабларида далил сифатида ишлатиладиган ҳадисларни жамлаб, уларни яхлит ҳолга келтирганлар. Жумладан, ҳанафий олимлари ўз мазҳабларига оид ҳадисларни, саҳоба ва тобиийлардан қолган «осор»лар (ёдгорлик, ривоят, сўз) ва бошқа ривоятларни махсус китобларга жамлаганлар. Улардан Имом Абу Ҳанифанинг шогирди Абу Юсуфнинг (ваф. 182/798 й.) «ал-Осор», яна бир шогирди Имом Муҳаммад Шайбонийнинг (ваф. 189/804 й.) «Китоб ал-осор», Имом Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад Таҳовийнинг (ваф. 321/933 й.) «Мушкил ал-осор» («Осор муаммолари»), «Шарҳ мушкил ал-осор» («Осор муаммоларининг шарҳи»), «Шарҳ маоний ал-осор» («Осор маънолари шарҳи»), Абдуллоҳ ас-Субазмунийнинг (ваф. 340/952 й.) «Муснад Аби Ҳанифа» («Абу Ҳанифа Муснади») каби китобларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ҳадис илми тадрижий равишда босқичма-босқич аввал фикҳнинг бир соҳаси сифатида, кейинчалик эса алоҳида фан сифатида тараққий этди. Ҳижрий учинчи асрда мазкур илм ўз тараққиёти

чўққисига чикиб, бу борада кўплаб олимлар фаолият юритдилар. Кейинги аср муҳаддислари олдинги олимларнинг ишларини тартибга солиб, уларнинг асарларида келган ровийлар борасида ўз фикр ва мулоҳазаларни билдириб ўтганлар. Муҳаддисларнинг барча услубларини ўрганиш илми – «улум ал-ҳадис» пайдо бўлиб, у ривожлангандан сўнг муҳаддисларнинг асарларидан фойдаланиш ва уларни тушуниш анча такомиллашди ва енгиллашди.

Муҳаддислар томонидан амалга оширилган ишлар кейинги тадқиқотчилар томонидан чуқур ўрганилган. Масалан, Шайх Абдуссалом Муборакфурий «Сийрат ал-Имом ал-Бухорий» («Имом Бухорий ҳаёти») асарида фақат Имом Бухорий «Саҳиҳ»ига бағишланган араб тилидаги шарҳ ва ҳошияларнинг 107 тасини, форс ва урду тилларидаги шарҳ ва таржималардан 38 тасини келтириб ўтган. Бунда Муборакфурий ҳаётлик вақтида фақат Шарқ мамлакатларида



**Ҳижрий учинчи аср ҳадис илми тараққиётининг
чўққиси - “олтин асри” деб ном олди**

амалга оширилган ишларни келтирган. Бироқ олимнинг вафотидан кейинги даврда, ҳозиргача бўлган муддат ичида амалга оширилган таржима, шарҳ ва тадқиқотлар кўшилса, уларнинг саноғи янада ортади.

Жумладан, «Саҳиҳ»нинг француз, немис, инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги таржималарини ҳамда унга доир тадқиқотларни қўшиб ҳисобланадиган бўлса, Имом Бухорийнинг мазкур асарига бағишланган ишлар мингтадан ошиб кетади. Бу фақат Имом Бухорий «Саҳиҳ»и билан боғлиқ фикрлар эди, холос. Бошқа муҳаддисларнинг ҳадис илмидаги мерослари бўйича қилинган ишларни ҳам ҳисобланса, улар жуда катта ҳажмни ташкил этади.

Ҳадис илми, муҳаддислар ҳаёти ва илмий фаолияти бўйича турк олимлари ҳам қатор ишларни амалга оширдилар. Улардан доктор Мужтеба Уғурнинг «Ҳадис истилоҳларининг энциклопедик луғати» («Doç. Dr. Müçteba Uğur. Ansiklopedik hadis terimleri sözlüğü. Ankara: Türkiye Diyanet vakfı yayınları, 1992»), доктор, профессор Талат Кочийигитнинг «Ҳадис асослари» (Prof. Dr. Talât Koçyiğit. Hadîs usûlü. Ankara: Türkiye Diyanet vakfı yayınları, 2004) китобларини мисол

тариқасида келтириш мумкин. Мазкур нашрлар ҳадис илми бўйича қўлланма ва қомусий лугатлар тарзда тузилган.



3. Ғарбда ҳадисларнинг ўрганила бошланиши. Европада ҳадис илми тарихини ўрганиш XIX асрнинг иккинчи ярмида ривожлана бошлади. Соҳага оид илк тадқиқотлар И.Гольциер, Д.Г.Пфан-Мюллер, Г.Х.Йейнболл, Н.Й.Кулсон каби олимлар томонидан амалга оширилди. Қуръони каримнинг хорижий тилларга таржима қилиниши ҳадислар устида тадқиқот олиб боришга йўл очди. Бунинг натижасида эса, ҳадислар нафақат чет тилларига таржима қилинди, балки улар ғарб ҳадисшунослари томонидан чуқур тадқиқ этилиб, тизимлаштирилган ҳолда ўрганилди ва уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ғарбда ҳадис манбалари вужудга келди.

Ғарб шарқшунослари Қуръоннинг муҳимлигини шак-шубҳасиз тан оладилар, лекин суннанинг аҳамияти ҳақида сўз кетганда уларда бунга бир оз шубҳа билан қараш ҳолати мавжуд. 13 аср давомида суннат нафақат муҳаддислар, балки XIX асрдан бошлаб шарқшунос ва диншунослар томонидан шубҳа остига олинди. Европада ҳадис илми билан шуғулланган тадқиқотчилар ҳақида қимматли асар яратган Санкт-Петербурглик олим Д.В.Ермаков қайд қилишича, ҳадисшунослик соҳаси исломшуносликка оид фанлар ичида энг кам ўрганилган йўналишдир.

Қайд этиш лозимки, европалик қатор олимлар ўртасида анъанавий тус олган танқидий ҳадисшуносликни ҳар доим ҳам ҳаққоний (объектив) деб баҳо бериб бўлмайди. Бу ҳақда таниқли олим И.Гольдциернинг қатор илмий изланишларида ҳам қайд этилган. Ўзига хос нозик жиҳатларига эга бўлган бу илм тарихини ўрганишда алоҳида ҳолислик билан ёндашиш талаб қилинади. Ҳадисшунослик ўзининг илк давридан эътиборан, ҳадис манбаларига танқидий қараш ва уларнинг ишончлилигини иснод орқали аниқлаш йўлини танлади. Айни вақтда таъкидлаш жоизки, А.Шпренгер ва У.Мьюир каби олимлар ҳадис адабиётининг ривожлаиниши ҳақида етарли даражада тўла тасаввурга эга бўлмай туриб, унинг бирёқламалиги ҳақида хулоса чиқардилар. XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳадислар тарқалишининг қонуниятлари ҳақида сўз юритилиб, унинг ҳуқуқий ва диний-сиёсий фаолият билан боғлиқлиги А.Фон Кремер, К.Снук-Хюргронье тадқиқотлари томонидан таъкидланди.

Мазкур даврда Ғарбда ҳадисшунослик соҳасида талай ишлар амалга оширилди. Масалан, Густав Вейл (1808-1889) «Халифалар тарихи» («Geschichte der Chaliphen»), Алоис Шпренгер (1813-1893) «Муҳаммаднинг ҳаёти ва таълимоти» («Das Leben und die Lehre des Mohammad»), Рейнхарт Дози (1820-1883) «Исломият тарихи» («Het Islamisme»), Игнац Гольдциер (1850-1921) «Муҳаммадий тадқиқотлар» («Muhammedanische Studien», «Muslim Studies») ва бошқа шарқшунослар ўз асарларида ҳадис илми борасида фикр ва мулоҳазаларини билдирганлар.

Мазкур муаллифлар муайян муҳаддис ёки унинг меросига алоҳида асар битмаган бўлсалар-да, умумий ҳолда уларнинг ҳадис илмидаги фаолиятлари бўйича таҳлилларни амалга оширганлар. XX асрда ҳадис борасида кўзга кўринган шарқшунослардан бири голландиялик А.Венсинк (1882-1939) «Конкорданс» («Concordans») лойиҳасида иштирок этиб, «Тўққизта ишончли тўплам» («ас-Сихоҳи ат-тисъа») фихристини тузишда қатнашди. Бундан ташқари, манбашунос К.Броккельман, Ф.Сезгин ва бошқа олимлар ҳам муҳаддислар ва уларнинг асарлари ҳақида қимматли маълумотлар берганларки, улар ханузгача ўз қийматини йўқотгани йўқ.

Ғарб ҳадисшунослари муҳаддисларнинг меросини асосан танқидий ўрганганлар. Масалан, Г.Вейл, А.Шпренгер, В.Мюир, Р.Дози, И.Гольдциер каби тадқиқотчилар Бухорий ҳадисларини ўрганишда илк муҳаддислар каби иснодга эмас, балки даврийликка кўпроқ эътибор берганлар. Яъни бирор бир ҳадис қайси даврда долзарб аҳамиятга эга бўлса, ўша даврда тўқилган деган хулосани чиқарганлар. Дарҳақиқат,



1882-1939 йилларда Европада «ас-Сихоҳи ат-тисъа» фихристини тузиш бўйича «Конкорданс» («Concordans») лойиҳаси ташкил этилган.

ислом тарихида турли даврларда ҳадис тўқиш ҳолатлари кўп бўлган. Муҳаддислар фаолияти ҳам шу сабабли жадаллашган эди. Улар ҳам бу усулдан фойдаланганлар. Аммо ҳадис илмида бошқа усуллар каби бу ёндашув, яъни ҳадиснинг қайси даврда кўп тарқалганига қараб ўша даврнинг маҳсули деб баҳо бериш ҳам мутлақ ҳақиқатга эришиш йўли эмас.

В.Розен ўз асарида И.Гольдциернинг тадқиқоти орқали Имом Бухорий, Муслим ва бошқа муҳаддисларнинг асарлари Ғарб арабшунослари учун ҳақиқий маънога эга бўлганини таъкидлаб ўтган. Яна бир олим Д.Марголиус (1858–1940) эса Имом Бухорийнинг ҳадисларга эътибори кучли ва уларни жамлашда эҳтиёткор бўлганлигини таъкидлаган.

Шу билан бирга, Е.Леви-Провансал, А.Миньян, Ж.Буске, В.Марсэ, С.Ной, А.Харли, Ж.Макдональд ва бошқалар муҳаддисларнинг асарлари устида тадқиқот ва таржималарни амалга оширганлар. Умуман олганда, И.Гольдциер, Г.Йейнболл, А.Венсинк, А.Гайём каби тадқиқотчилар асарлари орқали Пайғамбар ҳадислари ҳақидаги маълумотлар Европага кириб борди.

XIX асрда Христиан теологиясининг ривожланиши Исо Масихнинг ҳаётини тарихий-танқидий ва инжилни манба сифатида таҳлилий ўрганиш каби муҳим омиллар Европа диншунос ва шарқшунослар томонидан мусулмонларнинг диний манбаларини ўрганишга тўртки бўлиб хизмат қилди.

Пайғамбар Муҳаммад с.а.в.нинг ҳаёт йўли ва фаолиятини ўрганган европалик олимлар ҳадисшунослик соҳасига қизиқа бошладилар. Чунки улар Қуръондан кейинги ўрнида турувчи ҳадисларнинг Пайғамбар (с.а.в.) ҳаёти ва илк ислом тарихи ҳақидаги ишончли манба эканини англаб етдилар. Европалик олимларнинг шундай фикрга келишлари ҳадисларни ўрганиб тадқиқ этишни тақозо этарди. Бу эса ўз навбатида илк ислом давридаги диний-ҳуқуқий фикрларни, диний мактабларнинг таълим-тарбия жараёнини ўрганишда ҳадисшунослик муҳим манба ҳисобланиши кўплаб тадқиқотларнинг амалга оширилишига сабаб бўлди. XIX асрнинг охирида ҳадисшуносликка оид қатор нашрлар чоп этилди.

Ҳадисларнинг илк ислом даврида асосан оғзаки етказилиши ва ёзма равишда узатишнинг қисман амалга оширилиши европалик тадқиқотчиларда ҳадисларнинг тарихий ишончилигига нисбатан шубҳа уйғотди. Уларнинг фикрича, III/IX асрларда ва ундан кейин мусулмон оламида тарқалган ҳадисларнинг аксарият қисми ўйлаб топилган.

Ҳозирда россиялик олимлар ҳам Имом Бухорийнинг мероси устида изланишлар олиб бормоқдалар. Масалан, Владимир Абдулла Нирша томонидан Имом Бухорийнинг «ал-Жоми ас-саҳиҳ» асарининг

мухтасар шакли (муаллиф Аҳмад ибн Абдуллатиф аз-Зубайдий) икки жилда таржима қилиниб, 2002 йилда нашр қилинди ва бу рус тилидаги илк катта таржима ҳисобланади. Шунингдек, бошқа муҳаддисларнинг асарлари ҳам рус тилига таржима қилинмоқда.

Ҳозирги кунда Россия Федерациясида ҳадисшуносликка оид тадқиқотлар Фан ва таълим вазирлигига қарашли Санкт-Петербург давлат университети, шунингдек, Осиё ва Африка мамлакатлари институтида олиб борилмоқда.



4. Европада ҳадисшунослик бўйича амалга оширилган ишлар. Европа ҳадисшунослигида аста-секин ҳадис матншунослигининг манбаларини яратиш, конкорданслар, яъни 9 та саҳиҳ тўпламни ягона китоб ҳолатига келтириш, ҳадис матнларига доир адабиётларни таржима қилиш ва уларни нашр этиш ишлари юзага келди.

Ғарб ҳадисшунослиги томонидан босиб ўтилган яна бир муҳим қадам, бу йирик ҳадис тўпламларининг бир жойга йиғилиши, ҳадис матнларининг алифбо тарзидаги кўрсаткичлари ва ҳадисларнинг Европа тилларга таржима қилиниши бўлди. Ҳадис матншунослиги ўзига хос хусусиятларга эга. Ғарб ҳадисшунослигида турли хилдаги ҳадислар мажмуалари, танқидий ёндашув бўйича қилинган ишлар ва ҳадисларга оид мажмуалар йирик адабий тўпламни ташкил этди. Ҳадисшунослик тадқиқотлари, ҳар қандай бошқа соҳадаги каби ишончли маълумотлар аппарати эга бўлиши керак эди ва бу аппарат ўз ўрнида жиддий матншунослик ва манбашунослик йўналишларига таянган бўлиши керак эди. Бундай аппаратнинг яратилишига ҳадис адабиётларининг ривожланиши тўғрисида очерк ёзган И.Гольдциер тамал тошини қўйди. В.Р.Розен сўзларига кўра: «... ушбу очерк юзага келишидан олдин Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд ва бошқаларнинг тўпламлари моҳиятан деярли барча арабшунослар учун куруқ бир гапдек эди. Эндиликда эса уларнинг ҳар бири алоҳида тарзда очиб берилди ва ёритилди».

Таниқли олмон исломшунос олими К.Броккельман томонидан яратилган ҳадисшуносликка доир асарлар илм аҳлига маълум бўлган ҳадис тўпламларини ўрганишда сезиларли роль ўйнади. К.Броккельманнинг ўз даврига нисбатан ҳадис адабиётлари бўйича тўлароқ маълумотларни чоп этиши ҳадис тўпламларини ўрганишга бўлган ёндашув сифатини ўзгартирди.

Ҳадис матншунослиги апаратининг яратилиши ва ривожланишидаги катта ютуқлардан яна бири бу тўққизта ишончли тўпламни мужассамлаштирган «Конкорданс» асари устида олиб борилган иш эди. Лойиҳа муаллифи А.Й.Венсинк 1916 йилда «Сихоҳи ситта»даги бир хил мавзуга оид ҳадисларнинг алифбо кўрсатгичларини яратиш ғояси билан чиқди. Бундай ишнинг зарурати ҳадис матнларини ўрганишнинг ортида қолаётганлигида эди. А.Й.Венсинкнинг фикрича, ҳадис бу исломнинг ақидавий-ҳуқуқий тизими шаклланишини ўрганадиган асосий манбадир. Шунингдек бу ишда, иснод ва матндаги атоқли номлар, яъни ровийларнинг исмлари, географик жой номлари ва Қуръон оятлари кўрсатгичларини яратиш ҳам кўзда тутилган эди. Ҳадис илмига оид ушбу йирик ишни амалга оширишда дунёнинг турли илмий марказларидан таниқли олимлар, жумладан И.Ю.Крачковский, А.Э.Шмидт каби йирик россиялик олимлар ҳам иштирок этдилар.

Асарнинг биринчи жилди устидаги фаолият жуда кўп мутахассисларни ўз атрофига йиғди ва жуда қисқа муддатда ниҳоясига етди. Конкорданснинг биринчи жилди 1936 йил дунё юзини кўрди. 1939 йил А.Й.Венсинк вафотидан кейин ишни Й.Менсинг давом эттирди. 1969 йилда эса бу ишни Й.Бругман ўз қўлига олди. Асарнинг Қуръон оятлари, географик жой номлари, исноддаги ровийлар исмлари кўрсатгичлари мавжуд бўлган сўнгги саккизинчи жилди 1988 йил нашр этилди.

Конкорданс устидаги дастлабки ишлар ҳадис илмининг турли қирраларини очиб, ҳадис материалларини турли йўналиш бўйича ўрганиш имкониятини берди. Конкорданснинг юзага келиши ҳадисшуносликдаги ишонарли матнларни тайёрлаш тўғрисидаги муаммони ўртага ташлади. Матнларга доир қийинчиликлар ишнинг бошланишидаёқ юзага чиқди. Маълум бўлишича, ҳадисшуносликда фақатгина битта мажмуага, яъни Имом Бухорийнинг «ас-Саҳиҳ»ига ёзилган танқидий нашргина мавжуд эди.

Ҳадис матнларини ўзлаштириш даражасининг муҳим кўрсаткичи, бу улардаги таржиманинг сифатидир. Имом Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асари дунё тилларига, хусусан инглиз, француз ва немис тилларига таржима қилинган.

«Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асари ҳақида европаликлар анча олдин эшитган бўлсаларда, уни ғарб тилларига таржима қилиш XIX асрнинг ўрталаридан бошланди. Биринчилардан бўлиб К.Брокельман, У.Пирсон,

Ф.Сезгин каби европалик олимлар «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асарининг арабча матни асосида дастлабки илмий мақолаларини эълон қилдилар.

Инглиз тилига мазкур асарни биринчи таржима қилган олим Крейзон бўлиб, бу таржима 1879 йилда Белк шаҳрида ўн жилдда нашр қилинган. Бухорийнинг бу асарини 1935 йилда ислом динини қабул қилган Муҳаммад Асад номини олган немис олими мухтасар изоҳ ва хошиялари билан икки жилдда нашр эттирган. Мазкур таржима ҳақида кўпгина эътиборли Ҳиндистондаги ислом журналларида олимлар ўзларининг илиқ фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»ни Доктор Муҳаммад Мухсинхон ҳам (4-нашр, 1977-79 йиллар) таржима қилган. Бу таржимага кўплаб олимлар тақриз тарзида ўз ёзма фикрларини эълон қилганлар. Шулардан бири исломшунос, Америка Вандербилд университетининг инглиз тили ўқитувчиси Шакир Насиф ал-Убайдий шундай дейди: «Мен ушбу таржиманинг маълум қисми билан танишиб чикдим. Таржимон «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асарини инглиз тилига ўгиришда содда, кенг қамровли, мураккаб бўлмаган усулда унинг маъноларини очиб беришда муваффақиятга эришган. Таржимон ҳадисларни танлашда турли олимлар томонидан турлича талқин этилганлари орасидан энг ишончлиларини танлаб олган».

Албатта, бошқа тилларга таржима қилинган ҳадисларни сифатига ҳам катта эътибор берилган ва шундан эътиборга молик деб топилганларидан бири бу Париж шарқ тиллари мактаби ўқитувчиси (ҳозирги Шарқ тиллари ва цивилизациялари миллий институти - ИНАЛКО), шарқшунос олим Октав Уда ўзининг шогирди Уильям Марсе билан ҳамкорликда француз тилига қилган таржимасидир (1320-1334/1903-1916).

Бу нашр тўрт жилд – 3000 саҳифадан иборат эди. Октав Уда асли



1879 йилда «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ»нинг дастлабки инглизча тўлиқ таржимаси Крейзон томонидан амалга оширилди.

жазоирлик бўлиб, кейинчалик Парижда фаолият юритади. Француз олими ўқитувчилик билан бирга Қуръони карим ва ҳадисларни чуқур ўрганган. Ҳозирги кунда ҳам унинг кўплаб илмий асарлари Иналко кутубхонасида сақланади. Октав Уда Араб халқларининг урф-одатларини ўрганишда «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асаридан кўп фойдаланган.

Октав Уданинг шоғирди Уильям Марсе (1288-1375/1871-1956) ҳуқуқшунос бўлиб, фикҳ илмини чуқур ўрганган ва шу соҳада докторлик ишини ёқлаган. Октав Уда каби у ҳам араб тилининг турли шеваларини ўрганди. Унинг дастлабки иши Имом Нававийнинг (631-676/1233-1277) «Таҳзиб ал-асмо' ва-л-луғот» асарининг француз тилига таржимаси бўлиб, бу асар Имом Бухорий ҳақидаги манбалардан биридир. Таржима қилиш жараёнида олим Имом Бухорийнинг ҳаёти ва фаолиятига қизиқиб қолади ва (1903-1975) йилларда «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»ни таржима қилишда Октав Удага яқиндан ёрдам беради.

1928 йилда француз исломшуноси Леви Провансаль Парижда тўрт жилддан иборат таржимани нашр этди. Покистонлик исломшунос, профессор Муҳаммад Ҳамидуллоҳ (1908-2002) бу таржимани текшириб унинг тўртдан бир қисми устида тадқиқот қила олган эди. У асосан Туркия ва Америкада фаолият юритиб келган ва 2002 йилда Американинг Флорида штатида вафот этган.

Немис олими Лудольф Крел 1284-1325/1868-1907 йилларда «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»нинг уч жилдини арабча матни ва немисча изоҳлари билан Лейденда нашр этди. Крел вафотидан сўнг унинг лейденлик шоғирди Т.В.Йейнбол ушбу асарнинг тўртинчи жилдини нашр эттирди.

Людольф Крель (1852-1901) «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»нинг немисча таржимасини амалга оширди. Немис исломшунос олимаси Анна Марии Шиммель (1922-2003) фикрига кўра, мазкур асар таржимаси ва изоҳларини тузиш Крелнинг докторлик илмий тадқиқоти эди. Олим «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асари устида 20 йил меҳнат қилади ва Германия ҳукуматининг ёрдами билан 1862–1867-йилларда мазкур асарнинг немис ва араб тилидаги уч жилдини нашр қилади. Лудольф Крел вафотидан кейин унинг ишини Йейнбол давом эттирди ва асарнинг тўртинчи жилдини 1852 йилда Бомбейда, 1853 йилда Дехлида босмадан чиқарди.

1923 йилда А.Х.Харли Умар ибн Абдулазизга нисбат бериладиган кичик «Муснад»нинг инглиз тилидаги таржимасини нашр этди. Кейинги йили Имом Бухорий «ас-Саҳиҳ»нинг кичик бир фрагменти («Китоб ал-қадар»)нинг А. Гийом томонидан қилинган таржимаси пайдо бўлди. 1964 йилда ислом эсхаталогияси тадқиқотчиси Ж.Макдональд нашр қилинмаган ҳадис тўпламларининг эсхаталогик бўлимлари таржимасини эълон қилди. Европа таржималарининг бу рўйхати ҳадислар ёки ҳадис тўпламларининг таржималари устида олиб борилаётган тадқиқот билан бирга давом эттирилиши мумкин.

«Ал-Жоми ас-саҳиҳ»нинг сўнгги йиллардаги таржимаси 70-йилларнинг ўрталарида италиялик олим С.Нойа томонидан амалга оширилди.

Исломшунос И.Гольдциер шундай деган эди: «Ҳадис Қуръони каримдан кейин иккинчи ўринда турувчи мусулмон диншунослиги ва ҳукукини ўргатувчи манба бўлишига қарамасдан, миллиондан ортиқ мусулмон аҳолиси бўлган шундай улкан империяда шу пайтгача инглиз тилида ҳадис адабиётини тушунтириб берувчи бирорта асар яратилмаганига ҳайронман».

Ҳозиргача қилинган изланишлар натижасида яна бир бора айтиб ўтиш керакки, Имом ал-Бухорий ва унинг авлодларимизга мерос қолдирган асарлари, айниқса «ал-Жоми ас-саҳиҳ» асари нафақат Шарқ олами, балки Ғарбда ҳам кўплаб олимларнинг диққат марказида турган асарлардан экан.

Таржималарнинг салмоқли қисми Шарқ адабиётига тегишлидир. Улар орасида М.Ҳидоят Ҳусайннинг (1933-1934) Имом Термизий «Конкорданс»и бўйича қилган иши (1976 й.). Абдулҳамид Сиддикийнинг Имом Муслим «ас-Саҳиҳ»и таржимаси (1982 й.), Имом Бухорий «ас-Саҳиҳ»и матнининг таржимаси ва изоҳи (Мухсинхон, 4-нашр, 1977-79 йиллар), Молик ибн Анас «Муватто»сининг таржималари ажралиб туради.

Европа ва шарқ таржималари ёндашувда фаркланса-да, уларни бирлаштириб турувчи нарсa бу улардаги анъанавий шарҳларга таянадиган филологик таржима услубидир.

Замонавий ҳадисшуносликнинг асосий вазифаларидан бири бу ҳадис таржималари учун ишончли бўлган тарихий-филологик ёндашувни ишлаб чиқишдан иборат. Бу масала 80–90-йиллар давомида фаоллик ва самара билан олиб борилаётган тадқиқот ишлари орқали қисман ҳал этилган. Ҳадис адабиётларини даврлаштириш ва стратификациялаш бўйича ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди.

ҲАДИС:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: طَلَبُ الْعِلْمِ فَرِيضَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ

Расулulloҳ с.а.в. айтдилар: Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир



Мавзу бўйича саволлар

1. Мустақил Ўзбекистонда ҳадисларни ўрганиш бўйича қандай ишлар амалга оширилган?
2. Шарқ ҳадисшунослари ва уларнинг тадқиқотлари ҳақида қандай маълумотга эгасиз?
3. Ғарб ҳадисшуносларидан кимларни биласиз ва уларнинг қандай асарлари мавжуд?
4. Ҳадисларни ўрганишда қандай ёндашувлар бор эди?
5. Ғарбда ҳадислар қандай даврларга бўлиб ўрганилган?
6. «Конкорданс» лойиҳасини амалга оширишдан қўзланган асосий мақсад нима эди?
7. Европа шарқшунослари томонидан тадқиқ қилинган ҳадисшуносликнинг долзарб масалалари ҳақида нималарни биласиз?
8. “ал-Жоми ас-саҳиҳ”нинг немис тилига қилинган таржималарига оид қандай маълумотларга эгасиз?



Топшириқлар

1. Мавзуни ўқиб чиқинг ва унда келган тадқиқотчи олимлар номларини эсда сақланг.
2. Мустақил Ўзбекистонда ҳадисшунослик бўйича амалга оширилган ишларни сананг.
3. Мусулмон муаллифлари томонидан амалга оширилган сананг.
4. Ғарбда ҳадисларни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.
5. Европада ҳадисшунослик бўйича қилинган ишларни номма-ном айтинг.

Мустақил иш мавзулари

1. Сўнгги йилларда чоп этилган ўзбек тилидаги ҳадис китоблари.
2. Европада ҳадисшуносликка оид ўрганилаётган долзарб мавзулар.
3. Россиядаги ҳадисларни ўрганиш марказлари ва уларнинг нашрлари.
4. Европа исломшунослигида И.Гольдциернинг тутган ўрни.



Адабиётлар

1. Раҳимжонов Д., Муратов Д. Ҳадисшунослик (ўқув қўлланма). – Т.: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2010.
2. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий. ал-Қанд фий зикри уламои Самарқанд (Самарқанд уламолари хотирасига доир қанд(дек ширин китоб) / Арабчадан қисқартириб таржима қилувчилар: Усмонхон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набихон ўғли. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.
3. Алимов У. Суннат ва ҳадис. – Т.: Шарқ, 2012.
4. Жўзжоний А. Ислом ҳуқуқшунослиги ва ҳанафий мазҳаби тараққиётида Ўрта Осиё фақиҳларининг ўрни: тарих фан. док. дис... автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005.
5. Матибаева Р. Абу-л-Муайяд ал-Маккий ал-Хоразмийнинг «Маноқиб Аби Ҳанифа» асари – ҳанафийлик бўйича нодир манба: тарих фан. ном. дис... автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009.
6. Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи маърифат уламо Самарқанд» асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба. Тарих фанлари номзоди дис. ... автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003.
7. Уватов У. Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий): тарих фанлари доктори... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002.
8. Эшонжонов Б. IX аср Мовароуннаҳр маданий ҳаётида Имом ал-Бухорийнинг мавқеи ва унинг «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» асаридаги фикхий масалалар: тарих фан. ном. дис... автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001.
9. Мавсу‘ат ал-ҳадис аш-шариф. – Ширкат Саҳр ли-баромиж ал-хосиба. – 1991-1996 (CD-ROM).
10. Abd al-Hadi al-Fadli. Introduction to Hadith. Translated by Nazmina Virjee. ICAS press. 2002.
11. Amini M.T. Textual critical Study of Hadith. Delhi. Idarah-i adabiyat-i Delli. 1997.
12. Goldziher I. Muslim studies (muhammedanische studien). Volume two. London. George allen & unwin ltd. 1969. Translated from the german by c. R. Barber and s. M. Stern.
13. Juynboll G.h.A. Studies on the Origins and Uses of Islamic Hadith. –Burlington: Variorum. 1996.

РЕЖА:

1. Ҳадиснинг илк даври.
2. Илк ислом даврида ҳадисларнинг тарқалиши.
3. Ҳадисларнинг ривоят қилинишида аёлларнинг ўрни.
4. Ҳадисларнинг тарқалишида дипломатик алоқаларнинг ўрни.

 **Таянч иборалар:** *Жоҳилият, Ҳажжсат ал-вадо, Мўминларнинг оналари, Мутавотир, Ваҳий, Тадвин, Ом ва хос, Мутлақ ва гумон,*

 **1. Ҳадиснинг илк даври.** Ислом тарихида «Жоҳилият даври» деб ном олган Арабистон ярим оролидаги VII асрнинг бошлари арафасида бу ўлкада қабилаларнинг ўзаро босқинчилик юришлари, ўзларига ор ва факирлик келтиради деб билиб қизларни тириклайин кўмиш, ичкиликбозлик, қиморбозликка ружу қўйиш каби салбий ҳолатлар мавжуд эди. Умуман олганда, бошбошдоқлик, тартибсизлик ҳукм сураб эди. Бу тартибсизликлар натижасида кучлилар кучсизлар устидан зўравонлик қилар эди. Қабилалар орасини муроасага келтириб турувчи ҳоким ҳам, қози ҳам йўқ эди. Ўлкада муттасил урушлар туфайли қон тўкилишидан чарчаган аҳоли бу ишларни тартибга солинишига муҳтож эди. Пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларининг асосий қисми бундай ижтимоий ҳолатни ислоҳ қилишга қаратилгани ҳам бежиз эмас.

Ёзув маданият белгиларидан ҳисобланади. У ривожланган жамиятнинг меҳнат маҳсулидир. Шунинг учун ҳам ўтган халқлар илк даврлардаёқ ёзувни ижод қилганлар. Бадавий араблар эса ёзувни анча кеч бошлаганлар. Араб халқи саҳро ҳаётига ўргангани учун, улар ўқиш ва ёзишни билмас эдилар. Арабларнинг ҳам бир оз маданиятга эришган қабилалари, жумладан, яманликлар ёзувни ўзлаштирган бўлиб, уларнинг ёзуви «Хаттал-муснад ал-ҳимярий» деб номланган. Лекин бу ёзувни яманликларнинг ҳаммаси эмас, баъзи хос одамларгина билардилар. Яман билан ал-Ҳийра (Куфа шаҳри яқинидаги бир шаҳар) ўртасида сиёсий ва савдо-сотик алоқалари мавжуд бўлгани учун, ҳимярий ёзув Ироққа ҳам етиб борган ва «Хаттал-жазм» деб аталган. Чунки ҳимёрий муснад алифбосидан ўзлаштириб олинган эди. Бу алифбо Маккага ҳам етиб келган. Айтишларига қараганда, бу хатни Ҳарб ибн Умайя олиб келган.

Кейинчалик бу хат тури Маккада оммалашиб, уни баъзи бир курайшликлар ўрганиб олдилар. Бадавий (кўчманчи) араблар эса ёзмас, балки бунини ўз шаънларига тушадиган доғ деб билар эдилар. Бу эса Қуръони карим ва Набий (с.а.в.) ҳадисларинини ёдлаш омилларидан бири бўлди. Оз сонли одамларгина бу ёзувдан фойдалана олганлар. Натижада мусулмонлар орасида ўқиш ва ёзиш анча кийин иш саналарди. Ҳатто Қуръонда ҳам Аллоҳ уларни шундай номлайди: «У (Аллоҳ) омиёлар (саводсиз кишилар) орасига ўзларидан бўлган, уларга (Унинг) оятларини тиловат қиладиган, уларни (ширк ва жаҳолатдан) поклайдиган ҳамда уларга Китоб (Қуръон) ва Ҳикмат (ҳадис)ни ўргатадиган (бир) пайғамбарни (Мухаммадни) юборган зотдир» (Жума, 2).

Араблар ўртасида ёзувнинг кенг тарқалмагани сабабли улар кўпроқ хотирага суянишларига тўғри келарди. Зеро, ўша даврда арабларда катта ҳажмдаги дoston ва шеърларни ёд олиб, хотирада сақлаш халқ орасида кенг тарқалган ва кишилар ўзларининг бу қобилиятлари билан фахрланар эдилар. Бу каби хотира машқлари унинг янада кучайишига сабаб бўлган эди. Шунинг учун ҳам илк ислом даврида ҳадисларни ёд олиб, уларни хатга туширмаганлар.

Мазкур даврда Маккада ўн етти киши ёзишни билган. Улар – Умар ибн Ҳаттоб, Али ибн Абу Толиб, Усмон ибн Аффон, Абу Убайда ибн Жарроҳ, аёллардан Ҳафса бинт Умар, Умму Кулсум ва бошқалар. Мадинада эса Авс ва Ҳазраж орасидаги бир неча киши ёза олар эди. Улардан Саъд ибн Убода, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Илк даврда ҳадисларнинг ёзма равишда жамланмаганига яна бир сабаб ёзиш қуроллари кенг тарқалмаганида эди. Исломнинг илк даврида ҳадислар Қуръони каримга араллашиб кетишидан эҳтиёт қилиш ниятида ҳам ёзма қайд қилинмаган. Саҳобалар Пайғамбар (с.а.в.)дан ҳадисларни гоҳ оғзаки баён этишлари, гоҳ бирор ишни қилишлари ёки бирор ишни маъқуллашларининг шохиди бўлиш билан ўрганганлар.

Қуръон оятлари ва ҳадисларни аралаштириб юбориш ҳамда бирламчи муқаддас манбага ўзгаришлар кириб кетиши эҳтимоли борлиги учун суннатни ёзиб, қайд қилиб бориш аввалига ман этилган. Абу Саъид Худрий ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.) шундай деган эдилар: «Мендан Қуръондан бошқа нарсани ёзиб олманг. Кимки, мендан Қуръондан бошқа нарсани ёзиб олган бўлса, уни албатта ўчириб ташласин!» (Имом Муслим ривояти).

Саҳобаларда ҳадисларни ёдлаб, хато қилмаган ҳолда бошқаларга ўргатиш салоҳияти бор эди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ёзув қуролининг, саводли кишиларнинг камлиги ҳамда хотиранинг кучлилиги илк ислом даврида ҳадисларни кам ёзиш сабабларидан бири бўлган.

Қуръони карим илк нозил бўлиш даврида ёзув қуроллари тараккий этмагани сабабли сура ва оятлар котиблар томонидан мато парчалари, суяклар, хурмо пўстлоғи ва силлиқ тошларга ёзилар эди. Турли ҳолатларда мураккаб саволларга жавоб тариқасида нозил қилинган Қуръон оятлари Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ваҳий котибига: «Фалон жойига ёзиб қўй!» – деган буйруқларига биноан хатга туширилар эди.

Бироқ, кейинчалик Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг кўрсатмаларига биноан айрим саҳобалар ҳадисларни ёзиб борганлар. Масалан, бир ривоятда айтилишича, Макка фатҳ қилинган кун айтилган хутбани эшитган Абу Шох уни ёзиб беришларини илтимос қилганда, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Абу Шохга ёзиб беринглар!» деганлар. Бу Расулуллоҳ томонидан ҳадисларни ёзишга берилган ижозат деб қабул қилинди.

Саҳоба Абдуллоҳ ибн Амр (рз.а.) айтади: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) дан эшитган ҳар бир нарсани ёдлаш учун ёзиб юрардим. Қурайшликлар менга «сен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитган ҳар бир нарсани ёзиб юрасан, Расулуллоҳ ҳам инсон, у ғазабланганда ҳам, хурсанд бўлганда ҳам гапиради» дейишди. Ёзишдан тўхтадим ва бунини Расулуллоҳга эслатганимда «Жоним қўлида бўлган зот номи билан қасамки, мендан ҳақдан бошқаси чиқмайди» дедилар. Бу сўз замирида ҳам ҳадисларни ёзишга рухсат берилганини англаш мумкин.

Илк ёзма ҳадис тўпламлари сифатида қайд этиш лозимки, Расулуллоҳнинг хос котибларида саҳифалар, яъни саҳобалар ёзиб юрган варақлар бўлган. Улар кўпчилик кишилар орасида тарқалмаган ҳамда умумий тадвин қилинмаган, яъни китобга жамланмаган. Жобир ибн Абдуллоҳ, Саъд ибн Убода, Самрат ибн Жундуб, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос каби саҳобаларнинг ҳадислар ёзилган саҳифалари бўлган. Шунингдек, Пайғамбар (с.а.в.) томонларидан турли жойлардаги кишиларга ёзилган мактублар ҳам ҳадислардан иборат саҳифалар ҳисобланади. Манбалардаги хабарларга кўра, котибларнинг сони тахминан 40 тача киши бўлиб, улар турли ҳолатларда, яъни шартномалар тузиш, қурбонликлар қилиш каби ҳолатларда ҳадис ёзиб борганлар.



Қуръони карим илк нозил бўлиш даврида ёзув қуроллари тараққий этмагани боис, сура ва оятлар 40 га яқин котиблар томонидан мато парчалари, суяклар, хурмо пўстлоғи ва силлиқ тошларга ёзилган

Имом Муслимнинг Абу Саид Худрий (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда «Расулulloҳ ёзишдан қайтардилар» дейилган бўлса, Имом Бухорийнинг Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда «Расулulloҳ ёзишга буюрдилар» дейилган. Кўринишдан бу икки ҳадис бир-бирини инкор этадиганга ўхшайди. Аммо давр жиҳатидан олиб қаралса, аввалги ҳадис илгарироқ ва кейингиси кечроқ айтилган. Шунинг учун ҳам кейинги ҳадис аввалгисининг ҳукмини насх, яъни бекор қилади. Бу икки хилликни яна қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Ҳадисларни ёзишни ман этиш аввалроқ, яъни Қуръон оятлари нозил бўлиб турган даврда бўлиб, оят билан ҳадис аралашиб кетишининг олди олинган. Ҳадисни ёзишга ижозат эса, кейинроқ бўлган.

2. Қуръон оятлари билан ҳадис бир саҳифага ёзилса, улар орасида ўхшашлик пайдо бўлиб, аралашиб кетиш хавфи бор эди. Аммо алоҳида саҳифаларга ёзилганда, ўхшашлик хавфи йўқ бўлгани учун ёзишга ижозат берилган.

3. «Одамлар ёзувга суяниб, ҳифзни, яъни хотирада сақлашни унутмасинлар», деган мақсадда ҳадисларни ёзишдан қайтарилган. Кейинроқ, бу хавф бартараф бўлгандан сўнг ёзувга ижозат берилган ва бу аввалги ҳадиснинг ҳукмини насх қилган.

Умуман олганда, саҳобалар томонидан ҳадисларни тадвин қилинмаган бўлса ҳам, аммо баъзи саҳобалар ёзиб олганлар. Расулulloҳ (с.а.в.) ўзлари ҳаётлик пайтларида фақат Абдуллоҳ ибн Амрга эмас, балки барча саҳобаларга ҳам ҳадисларни ёзишга изн берганлар.

Саҳобаларнинг ҳадисларни билиш даражалари ҳам турлича бўлган. Улар орасида ёзишни биладиганлари ва билмайдиганлари, Расулulloҳ ҳузурига кўп қатнайдиганлари ёки кам қатнайдиганлари бўлган. Масалан, Имом Бухорийнинг Абу Ҳурайрадан ривоят қилишича: «Расулulloҳ (с.а.в.) асҳоби орасида мендан кўп ҳадис биладигани йўқ, фақат Абдуллоҳ ибн Амр бундан мустасно, чунки у ёзиб борарди, мен эса ёзмасдим», деган (Имом Бухорий ривояти).

Саҳобалар Расулulloҳ ҳузурида кўп ё кам бўлишларига қараб ҳам у кишининг айтаётган гапларини тушунганлар. Ҳадислардаги «носих»

ва «мансух»ни, «омм» ва «хос»ни, «мутлақ» ва «гумон»ни, «муҷмал» ва «батафсил»ни ҳам турлича англаганлар. Агар улар бирор масалада ихтилоф қилсалар, дарҳол Расулуллоҳга мурожаат қилиб, саволларига жавоб олиш имкониятига эга эдилар. Мазкур омиллар илк даврда ҳадиснинг алоҳида илм даражасида ўрганишга эҳтиёж қолдирмаган.



2. Илк ислом даврида ҳадисларнинг тарқалиши. Пайғамбар (с.а.в.) Қуръони карим ҳукмларини ва ўз суннатларини саҳобаларга ўргатиш ва тушунтиришда ўша давр таълимнинг барча услубларидан фойдаландилар. Ўша даврда мадрасалар ёки алоҳида билим беришга мўлжалланган ўқув бинолари бўлмаган. Бу ишни масжид бажарган. Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) масжидда имом, мударрис, хатиб, қози ва муфтий вазифасини бажарганлар.

Ҳафтанинг муайян кунларида саҳобаларга таълим-тарбия ва дин ҳақидаги билимларни осон ва тингловчиларга малол келмайдиган тарзда ўргатар эдилар. Масалан, ҳадисда «Аллоҳ таоло мени кўпол қилиб эмас, муаллим ва енгиллатувчи қилиб юборган», дейилган (Имом Муслим ривояти). Хатиб сифатида эса маъруза қилиб инсонларни ҳидоятга чақирар, муфтий сифатида муаммоли масалаларга фатво берар эдилар. Баъзи ҳолларда, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўзлари саҳобалардан фатвони сўраб фатво айтар, бирор нарса ҳақида сўраб ўзлари жавоб берар, бирор масала юзасидан тўхтаб қолсалар, Аллоҳнинг кўрсатмаси тушгунча сукут сақлар, ҳукм келгандан кейин уни тушунтирар эдилар. Масалан, ҳадисда «Пайғамбар (с.а.в.) барча озиқ тишли йиртқичларни ейишдан қайтардилар», дейилган (Имом Бухорий ва Муслим ривояти). Қози бўлиб одамлар орасида ҳукм чиқариб берганлар. Бунга мисол тариқасида «зиҳор» ҳақидаги оятнинг нозил бўлиши сабабларини келтириш мумкин (Мужодала, 1-4).

Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) ҳар бир ишда намуна кўрсатиш йўли билан саҳобаларга таълим берар эдилар. У киши кибр-ҳавоси баланд, ўз умматидан ажралиб қолган султон эмас, балки улар орасида юриб инсоний фазилатларга чақирувчи ҳадисларни тарқатганлар. Оилада ота ва эр, қўшни, маслаҳатчи, жамоа сардори ва жамиятдаги инсонга хос барча вазифаларни бажариб, улар орқали ҳадисларни ўргатганлар. Касалларни бориб кўрар, жанозаларида қатнашар, одамларнинг муаммоларини ечиб берар, низоларини бартараф қилар, ихтилофларини келиштирар эдилар, саҳобалар эса бу йўллар ила ҳадисларни унинг

барча кўрсатмаларини қулоқларига қуйиб, қалблари билан ҳис этиб ўрганганлар.



Пайғамбар (с.а.в.) масжидда Қуръони карим ҳукмларини ва ўз суннатларини саҳобаларга ўргатганлар ҳамда имом, мударрис, хатиб, қози ва муфтий вазифасини бажарганлар.

Саҳобалар Расулуллоҳнинг ҳар қандай кўрсатмаларини турли ҳолатларда бўлишларидан қатъи назар, ихтилоф қилмасдан қабул қилишар эди. Дунёвий ишларда Пайғамбар (с.а.в.) саҳобалар билан маслаҳат қилар, уларнинг фикрларига қўшилар эдилар. Шу билан бирга улар Пайғамбар (с.а.в.) суҳбатларида керакли нарсаларни сўраб олар, маслаҳатлашар эдилар. Баъзи саҳобалар ўз қўшниси билан келишиб олиб, навбатма-навбат Пайғамбар (с.а.в.) мажлисларида бўлиб, янги эшитганини бир-бирларига етказар эдилар. Имом Бухорий ривоятига кўра, саҳоба Умар ибн Хаттоб қўшниси билан келишиб шундай қилар эдилар.

Саҳобалар Пайғамбар (с.а.в.)дан ҳадис ўрганиш мақсадида узоқ жойлардан керакли масала юзасидан Мадинага келиб кетишар эди. Имом Бухорий «ал-Жоми ас-саҳиҳ»нинг илм китобида ривоят қилган ҳадисда Уқба ибн Ҳарс саҳоба Абу Иҳобнинг қизига уйланди. Шунда бир хотин келиб, Уқбага: «Мен сени ҳам, сен уйланаётган кизни ҳам эмизганман», – деди. «Мен сизнинг мени эмизганингизни билмасман, менга айтган ҳам эмассиз», – деди Уқба. Шундан сўнг Уқба Мадинага, Расулуллоҳнинг ҳузурларига бориб, бу тўғрида сўради. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Қандай хотин қиласан, разои эмикдош синглинг деб сенга айтибди-ку ахир!?» – дедилар. Ажратиб қўйдилар, қиз бошқа эрга тегиб кетди.

Агар Расули акрам (с.а.в.) бирор ўта муҳим нарсанинг хабарини берсалар, уни уч марта ёки одамлар тушуниб олишлари учун унданда ортиқ такрорлар эдилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Пайғамбар (с.а.в.) мажлислари ҳеч қачон издошларининг эътиборидан четда қолмас, уларда ҳам диний ҳам дунёвий масалалар ҳал қилинади. Чунки диний масалаларнинг аксарияти ҳадислардан иборат бўлган.



3. Ҳадисларнинг ривоят қилинишида аёлларнинг ўрни.

Пайғамбар (с.а.в.)нинг мажлислари фақат эркаклардан иборат бўлмай, балки кўпгина аёллар ҳам мажлисда ҳозир бўлиб ҳадисларни эшитганлар. Ҳайит намози каби оммавий тадбир ёки байрамларда аёллар жамоат бўлиб Пайғамбар (с.а.в.) маърузаларини эшитиш учун масжидга чиққанлар. Пайғамбар (с.а.в.) ҳайит куни олдинги сафдаги эркакларга хутба қилиб бўлганларидан сўнг орқа тарафга, яъни аёллар томонига ўтиб сўзлар эдилар. Ваъз-насихат хутбалари эркакларга кўп бўлар, аёллар эса орқа қаторда аксарият ҳолларда эшитмасдан қолардилар. Сўнг улар Пайғамбар (с.а.в.)га вакиллар юбориб, аёлларга ҳам бир кунни ажратиб хутба қилишларини талаб қилишди. Мана шундан сўнг аёлларга алоҳида хутба ўқиладиган бўлган.

Расулulloҳ (с.а.в.)нинг аёллар билан бундай илмий мажлислари кам бўлгани учун, аёллар кўп шаръий масалаларни очиқ-ойдин билишга қизиқиб, у кишининг ҳузурларига бир неча аёлни элчи тариқасида юборар, улар керакли зарур масалаларга ойдинлик киритиб, яхши тушуниб бошқаларга ҳам тушунтириб берардилар. Баъзи аёллар эса уларнинг жавобларига коникмасдан ўзлари Расулulloҳ (с.а.в.) ҳузурларига борардилар, илм ўрганишда аёлларга хос бўлган баъзи масалаларни очиқ-ойдин сўрадилар.

Бироқ бу каби савол-жавобларнинг барчаси ҳам хоссатан аёллар масалаларига бағишланмаган бўлиб, кўпинча ижтимоий-ахлоқий мавзуда бўлар эди. Айниқса, аёллар ўзларига тегишли бўлган нарсаларни уялмасдан, «динда (илм олишда) ҳаё йўқ», деган қоидага асосланиб, «Эй Расулulloҳ (с.а.в.) Аллоҳ ҳақиқатни айтишдан ҳаё қилмайди» (Имом Бухорий ривояти) дер эдилар ва ўз ҳожатларини айтиб, сўраб масаланинг жавобини билиб олар эдилар. Саҳобия аёлларнинг кўпчилиги илм олиш йўлида ғайратли эдилар ва уларга ҳеч нарса бу йўлда тўсқинлик қилмасди. Ҳатто мана шундай журъатли аёллар ҳақида Оиша (р.з.а.): «Ансорларнинг аёллари қандай яхши, дин илмини ўрганишда улар ҳаё қилиб ўтирмайдилар», деб мақтов сўзларини айтганлар.

Шунингдек, Расулulloҳнинг аёллари оилада у киши билан бирга бўлиб, эр-хотин орасидаги муносабатлар билан боғлиқ масалаларни ўрганганлар ва бошқаларга етказганлар, аёллар билан маслаҳатлашиб, улардаги муаммолардан бохабар бўлганлар. Айниқса, бу ишда Расулulloҳнинг аёллари Оиша (р.з.а.) алоҳида ўрин тутди. У

Расулуллоҳдан ўз ўткир зеҳни ва фаҳми билан зарурий масалаларни сўраб олган, ўрни келганда Расулуллоҳ билан муноқаша қилган. Куръон оятлари ва ҳадисларни кўп ҳолларда шарҳлаб маъносини тушунтириб беришни талаб қилган. Қизиққан масалани охиригача аниқ билиб олишга интилган.

Ҳадисда Ибн Абу Мулайка айтади: «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг аёллари Ойша (рз.а.) ўзи билмаган нимани эшитса, то уни батафсил билмагунича Расулуллоҳ (с.а.в.)га мурожаат қилаверар эди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ким ҳисоб қилинса азобланади», дедилар. Ойша (рз.а.): «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ таоло: «Яқинда улар енгил ҳисоб қилинур», демаганми?», деб эътироз билдирдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бу (енгил ҳисоб қилиниши итоатли мўмин учун) обрў, аммо кимнинг ҳисоби қаттиқ қилинса, у ҳалок бўлади», деб жавоб берганлар (Имом Бухорий ривояти).

Пайғамбар (с.а.в.)дан кейин саҳобалар ғусл, ҳайз ва шунга ўхшаш



Ойша (рз.а) Расулуллоҳдан энг кўп ривоят келтирган етти саҳоба орасида 2210 та ҳадис ривояти билан тўртинчи ўринда туради.

нарсалар хусусида баҳс қилиб қолишса, дарҳол «мўминлар оналари», яъни Пайғамбарнинг аёллари ҳузурларига боришар ва улардан керакли жавобни олиб қайтар эдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ҳаё қилиб масала сўрай олмаган аёллар учун эса «уммаҳот ал-муъминин» («мўминлар оналари»), яъни Пайғамбар (с.а.в.)нинг турмуш ўртоқлари устозлик қилганлар.



4. Ҳадисларнинг тарқалишида дипломатик алоқаларнинг ўрни. Расулуллоҳ бошчилигидаги мусулмонларнинг Мадина шаҳар-давлати ташкил топганидан сўнг бу жой ислом динининг марказига айланди. Айнан мана шу ерда кўплаб суннат амаллар жорий бўлди. Лекин ҳали Ҳижоз минтақасида мусулмонлар билан муҳолиф бўлган қабилалар, маккаликлар орасида тез-тез давом этиб турган жанглар ислом динининг, шунингдек, суннатнинг ўлкада кенг тарқалишига тўсқинлик қиларди. Ҳижратнинг олтинчи йилида (627 й.) мадиналикларнинг маккаликлар билан тузган Ҳудайбия сулҳи ўлкадаги бошқа араб қабилалари орасида ҳам ҳадисларнинг кенг тарқалишига имкон яратди.

Турли ўлка подшоҳларига ёзилган мактублар ўша жойларга илк бора етиб борган ҳадислар ҳисобланади. Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) томонларидан атрофдаги мамлакатларнинг подшоҳларига мактублар йўлланди, шунингдек, Яман, Баҳрайн, Ямома, Ҳазрамавт, Уммон ва бошқа араб шаҳарларидаги исломни қабул қилган қабилаларга муаллимлик қилиш учун элчилар юборилди. Бу элчилар, маҳаллий аҳолига авваламбор Қуръон ва суннатни ўргатган бўлсалар, иккинчидан Арабистон ярим оролидаги мусулмонлар орасида ҳадисларнинг тарқалишига сабаб бўлдилар. Саҳобаларнинг бошқа юртларга ислом динини ўргатиш учун жўнатилиши ўша жойларга ҳадисларнинг тарқалишини бошлаб берди.

Пайғамбар алайҳис-салом элчиликнинг динни тарқалишидаги аҳамиятини яхши билганликлари сабабли бу вазифага ўзлари ишонган, тақвоси, одоби, илми юқори савияли, чиройли маърузалар билан динни тушунтирадиган саҳобаларни танлаб, уларга маҳаллий ҳолат ҳақида маълумот бериб, улар билан муомала маданиятини ўргатар эдилар. Дин арконлари ҳақида хабар беришда аста-секин, босқичма-босқич тушунтириш лозимлигини таъкидлар эдилар.

Яманга Муъоз ибн Жабални юбораётиб: «Сен аҳли китоб бўлган қавмга кетяпсан. Уларга бориб Аллоҳ таоло мусулмонларга беш вақт намоз ўқишни фарз қилганини айт. Улар сенга итоат қилсалар, Аллоҳ рамазон рўзасини тутишни ҳам фарз қилганини айт. Улар сенга яна итоат қилсалар, Аллоҳ йўлга қодир бўлган мусулмонларга Байтуллоҳни ҳаж қилиш ҳам фарз қилинганини айт. Бунга ҳам рози бўлсалар, молларингиздан закот фарз қилинган, бойларингиздан олиб камбағалларингизга берилади, деб айт» – деб ўргатдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.)дан топшириқни олган саҳоба борган жойида у зот айтган гапларнинг айинини такрорлар, вазифасини бажаришга киришар, шу тариқа Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳадислари янги мусулмонлар орасида кенг тарқалишига сабаб бўларди.

Худайбия сулҳидан сўнг бошқа араб қабилалари Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг олиб бораётган иши билан қизиқиб қолдилар. Бир томондан Пайғамбар (с.а.в.) турли жойларга элчилар жўнатган бўлсалар, бошқа томондан турли қабилалардан ҳам элчилар кела бошлади. Айниқса, ҳижратнинг 8-9-йилларида (мил. 629-630 йиллар) Расулуллоҳ (с.а.в.) Макка фатҳи, Ҳунайн ва Табук жангларидан ғалаба билан қайтишлари атрофдаги мамлакатларни ваҳимага солди. Араб жазирасидаги баъзи

қабилаларнинг исломга қизиқиши ортди. Чунки энг кучли ва кўзга кўринган Маккадаги Қурайш қабиласининг ислом динини қабул қилиши мусулмонлар мавқеининг анча юқори эканини кўрсатар эди. Натижада бундай юксак обрўга эга бўлган Пайғамбар билан мулоқот қилиш, уни зиёрат қилиш иштиёқида қабилалар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ва якка-якка ҳолда ҳам Мадина сари йўл олдилар. Бу эса суннатнинг атрофдаги қабилаларга янада кенгроқ тарқалишига замин яратди.

Саҳобалар Яман, Баҳрайн, Ямома, Ҳадрамавт, Уммон ва бошқа араб мамлакатларига бордилар. Улар Арабистон ярим ороли бўйлаб аҳолига ҳадисларни тарқатдилар.

Пайғамбар ва мусулмонларнинг нуфузи ортиши билан Арабистон ярим оролининг турли чеккаларидан саҳоба бўлиш мақсадида араб қабилаларидан вакиллар кела бошладилар. Улар ислом ҳақидаги билимларни ва динни биринчи манба, яъни «Пайғамбардан қабул қилиш»ни хоҳлардилар. Шундай қилиб, тўққизинчи ҳижрий йили (мил. 630 й.) турли қабилалардан кўплаб вакиллар келган йил бўлди. Бу вакиллар Пайғамбардан ўзларидаги мавжуд ижтимоий соҳадаги муаммоларга ечим топиш, диний-ҳукукий масалаларни ўрганиш мақсадида келган эдилар. Пайғамбар уларга турли масалалар ҳақида гапирар, саволларига жавоб берар, хутба қилиб уларга йўл кўрсатар эди. Улар ўрганган нарсаларини қайтганларидан сўнг ўз қабиладошларига ўргатар эдилар. Вакилларнинг келиши ҳам илк даврдаги ҳадисларнинг тарқалишида катта из қолдирди.

Мадинага ҳижрат қилиб келганлар сони ҳаддан ортиқ кўп бўлгани учун, тарихда ҳижратнинг 9-йили (мил. 630 й.) элчилар йили, деб номланди.

Расулуллоҳга келган элчиларнинг кўплигига қарамай, саҳобалар бу элчиларнинг қайси қабиладан келгани, уларга қандай мавъиза қилингани, нима ҳақда гапирилгани, қандай савол-жавоб бўлганини ёдда сақлаб қолган эдилар. Масалан, Бану Саъд ибн Бақр қабиласидан Заммом ибн Саълаба 9/630 йилда элчи бўлиб келди. У Мадинага келганда, Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобалар орасида ўтирган эдилар. Заммом:

– Қайси бирингиз Абдулмутталибнинг ўғлисиз?! – деб сўради. Саҳобалар Расулуллоҳ (с.а.в.)ни кўрсатишди. Расулуллоҳ (с.а.в.)га қараб, – Эй Муҳаммад, элчинг бизга хабар қилишича, сени Аллоҳ юборган эмиш, тўғрими? – деб сўради. Расулуллоҳ (с.а.в.):

– Рост айтибди, – дедилар.

– Сендан олдинги-ю, сендан кейингиларнинг Парвардигори ҳаққи-а?

– Аллоҳ ҳаққи рост.

– Аллоҳ ҳаққи, сенга бир кеча-кундузда беш вақт намоз ўқишни Аллоҳ буюрдими?

– Аллоҳ ҳаққи рост.

– Аллоҳ ҳаққи, бойларимизнинг молидан олиб, камбағалларга беришни ҳам сенга Аллоҳ буюрдими?

– Аллоҳ ҳаққи рост.

– Аллоҳ ҳаққи, ўн икки ойдан Рамазон ойи рўзасини тутишни Аллоҳ буюрдими?

– Аллоҳ ҳаққи, рост.

– Аллоҳ ҳаққи, йўлга қодир бўлган одам Байтуллоҳни ҳаж қилишини Аллоҳ буюрдими?

– Аллоҳ ҳаққи, рост. – Шунда Заммом:

– Мен Аллоҳга имон келтирдим, сизни тасдиқ этдим. Мен Заммом ибн Саълабаман, – деб ислом дининин қабул қилди ва қайтиб бориб, ўз қабиласини исломга киритди.

Яна бир мисол Абдул-Қайс қабиласидан элчилар келишди ва Расулуллоҳ (с.а.в.)га:

Биз Сизнинг зиёратингизга фақат уруш ҳаром қилинган ойлардагина кела оламиз. Чунки, орамизни Мудар қабиласи тўсиб туради. Шунинг учун бизга шундай муҳим амалларни буюринг-ки, қолган қавмимизга ўргатайлик ва жаннатга қирайлик, – дейишди.

Расулуллоҳ уларни тўрт нарсага буюрдилар: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Мухаммад (с.а.в.) Аллоҳнинг элчиси, деб имон келтириш, намоз ўқиш, рамазон рўзасини тутиш, ўлжадан бешдан бирини бериш. Ҳамда тўрт нарсадан қайтардилар: кўза, қовок, ёғочдан ичи ўйиб ишланган идиш ва мешдан (яъни мазкур идишларда сақлаб, ачитиб ичиладиган маст қилувчи ичимликлар истеъмолидан) ва дедилар: «Шуларни ёдда сақланглар ва орқангизда қолганлар (қавмингиз)га етказинглар!» (Имом Бухорий, Имон китоби).

Шундай қилиб, атроф қабилалардан, мамлакатлардан Расулуллоҳнинг зиёратларига келган элчилар ҳам, атрофга юборилган элчилар ҳам Пайғамбар (с.а.в.) суннатларини тарқалишида муҳим аҳамият касб этганлар.



Ислом тарихида ҳижратнинг 9-йили (мил. 630 й.) элчилар йили, деб номланди.

«Ҳажжатул видо» («Видолашув ҳажи») деб ном олган Пайғамбарнинг охирги ҳажлари асносида қилинган хутбада кўплаб кишилар ҳадисларни бевосита эшитдилар ва саҳоба мақомини олдилар. Мазкур маросимда юз минг атрофида киши қатнашгани ҳақида хабар берилади. Бу хутба катта матнни ўз ичига олган бўлиб, жуда кўп иснод орқали ривоят қилинган ва у мутавотир, яъни энг саҳиҳ ҳадислардан ҳисобланади. Ўша куни одамлар кўплигидан Роби ибн Умайя ибн Халаф каби саҳобалар Расулulloҳнинг гапларини узоқроқдагиларга етказиб турганлар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, илк ислом даврида ҳадисларнинг тарқалишида элчиларнинг хизматлари катта бўлди.

ҲАДИС:

قال رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ... وَلَا تَحَاسَدُوا وَلَا تَبَاغَضُوا وَلَا تَقَاطَعُوا وَلَا تَدَابَرُوا
وَكُونُوا عِبَادَ اللَّهِ إِخْوَانًا كَمَا أَمَرَكُمُ اللَّهُ

**Расулulloҳ с.а.в. айтдилар: ... Бир-бирларингиз билан ўзаро
ҳасадгўйлик, буғзу адоватда бўлманглар. Ораларингиздаги
алоқани узманглар ва аразлашиб юрманглар. Аллоҳ буюргандек
унинг ўзаро дўст ва биродар бандалари бўлинглар.**



Мавзу бўйича саволлар

1. «Хаттал-жазм» ҳақида нималарни биласиз?
2. Илк ислом даврида ҳадисларни ёзма жамлашга эътибор берилмаганининг сабаби нимада эди?
3. Тадвин қилишда юзага келган ихтилофли вазиятлар қандай изоҳланган?
4. Ҳадислар қандай услублар орқали тарқатилди?
5. Қайси саҳобалар ҳадисларни биринчи бўлиб ёзишни бошлаганлар?
6. Пайғамбар (с.а.в.) мажлислари ҳақида нималарни биласиз?
7. Биринчи бўлиб ҳадис ривоят қилган аёллардан кимларни айта оласиз?
8. Пайғамбар (с.а.в.) суннатларининг тарқалишида элчилар қандай аҳамият касб этганлар?



Топшириқлар

1. Макка ва мадиналиклар орасида ёзишни билган кишиларни айтинг.
2. Расулulloҳ (с.а.в.)нинг жамиятдаги вазифаларини тушунтиринг.
3. “Мўминлар оналари”нинг суннатни тарқалишидаги роли ҳақида сўзлаб беринг.
4. Ҳадисларни тарқатишда саҳобаларнинг ўрнини тушунтиринг.

Мустақил иш мавзулари

1. Илк ислом даври тарихига оид ҳадислар таҳлили.
2. Расулulloҳ (с.а.в.)нинг жамиятдаги вазифалари асосида ривоят қилинган ҳадислар.
3. Аҳмад ибн Ҳанбалнинг «Муснад» асарида келтирилган саҳоба аёллар ривоятлари.
4. Ҳадисларни ўрганиш ва ўргатишда саҳобаларнинг тутган ўрни.



Адабиётлар

1. Ислом тарихи / А. Ҳасанов, Н.Комилов, У.Уватов, А.Азимов, Д.Раҳимжонов, Қ.Зоҳидов – Т.: Тошкент ислом университети, 2008.
2. Абу Исо ат-Термизий. Аш-Шамойил ан-Набавия / Таржимон У.Уватов. – Т.: 1993.
3. Guillaume A. The traditions of islam. An intraduction to the study of the Hadith literature. – London: Clarendon press, 1924.
4. Зоҳидов Қ. Илк ислом давлатчилиги ва унинг шаклланиш жараёнлари: тарих фан. ном. дис... автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005.
5. Ибн Ҳишом ал-Маъофирий, Абдулмалик. Ас-Сийра ан-набавиййа. 2 жилдли. (Пайғамбар (а.с.)нинг тарих ва ҳаёт йўллари). – Т.: Шарқ, 2011.
6. Ибн Ҳишом. Ас-Сийра ан-набавиййа. – Байрут: Дор ат-тирос ал-арабий, 1997.
7. Муҳаммад Ижож ал-Хатиб. Ас-Сунна қабла ат-тадвин. Дор ал-фикр, 1993.
8. Муҳаммад Матар Заҳроний. Тадвин ас-сунна ан-набавиййа. – Ар-Рийод: Дор ал-минҳож, 1426/2005.

РЕЖА:

1. Ҳадисларга бўлган эҳтиёжнинг ортиши.
2. Сохта ҳадисларнинг пайдо бўлиши.
3. Ҳадис илми марказлари.
4. Илк кўзга кўринган ҳадис ровийлари

 **Таянч иборалар:** *Саҳоба, Тобийй, Ридда, Таба'а тоби'ий, Ровий, Ривоят, Сохта ҳадис, Мунофиқлик ҳаракатлари*



1. Ҳадисларга бўлган эҳтиёжнинг ортиши. Пайғамбар вафотларидан кейиноқ мусулмонларнинг орасида ҳадисларнинг аҳамияти ортиб кетди. Бунга асосий сабаблардан бири мусулмонлар бошлиғи томонидан ўзидан кейин ким ўринбосар бўлиши ҳақида аниқ кўрсатма берилмаганида эди. Саҳобалар энди бирор бир кишининг ўринбосар бўлиши лозимлигига ишора қилувчи сўз борми деган фикрда ҳадисларга муҳтож эдилар. Пайғамбар (с.а.в.) вафотларидан олдин саҳоба Абу Бакр Сиддикнинг намозда имом бўлишига буюрган эдилар. Бу эса ушбу саҳобанинг Пайғамбар ўринбосари бўлиши мумкинлигига ишора сифатида қабул қилинди. Абу Бакр Сиддик бу мансабга тайинланди ва масала ўз ечимини топди.

Ҳадисларга эҳтиёжни орттирган кейинги масала «ридда» (диндан қайтиш) ҳаракатлари бўлди. Абу Бакр (р.а.) халифалик вазифасини қабул қилмасдан туриб, кўплаб қабилалар Пайғамбар ўлиmidан хабар топгач, «ихлослари қайтиб», ислом динидан чиқа бошладилар. Абу Бакр Сиддик уларга қарата «Кимки Муҳаммадга сиғинган бўлса у ўлди, кимки унинг Раббиси Аллоҳга сиғинган бўлса, у доимо тирикдир», деб мусулмонлар орасидаги бирликни сақлаб қолишга киришди.

Диндан қайтишнинг асосий сабабларидан бири иқтисодий масала, яъни закот беришдан бош тортиш эди. Закот эса ўша даврда «Байтул мол»ни тўлдирар эди. Абу Бакр Сиддик ўз фаолияти давомида «ридда» ҳаракатларига барҳам берди ва исён кўтарган қабилаларни қайта бўйсундирди.

Абу Бакр ва Умар даврларида ёш бўлган саҳобалар вақт ўтиши билан улғайиб, илмларини янада кенгайтирдилар ва ўзларидан кейинги авлодга, тобиййларга, исломни янги қабул қилган халқларга ҳадислардан билганларини ўргатдилар. Саҳобалар Пайғамбарга қандай интилган бўлсалар, тобиййлар ҳам уларнинг илмларини олишга,

Қуръон ва ҳадис ҳақидаги билимларни ўрганишга шундай ҳаракат қилдилар ва ўзларидан пайдо бўлган диний масалаларга жавоблар олдилар.

Расулulloҳ даврида турли фитналарнинг тарқалиши ва сохта ҳадис тўқишнинг имконияти деярли йўқ эди. Бунга сабаб бир томондан Пайғамбарнинг тирик экани бўлса, иккинчидан ваҳий нозил бўлиб, ёлғончиларнинг найранги фош бўлишидан қўрқишларида эди.

Пайғамбар даврларида ҳам диний масалаларда айрим савол ва муаммолар пайдо бўлар эди. Аммо улар ўз жойида ечимини топиб бартараф этиларди. Бунга саҳобалардан Умар ибн Хаттоб билан Ҳишом ибн Ҳакамнинг орасида бўлиб ўтган воқеани мисол қилиб келтириш мумкин. Унга кўра, Умар ибн Хаттоб саҳоба Ҳишомнинг «Фурқон» сурасини ўзидан бошқача қилиб ўқиётганини эшитиб қолгач, уни Расулulloҳ ҳузурига олиб келади ва «Бу Қуръони каримни мендан бошқача қилиб ўқимоқда», дейди. Расулulloҳ уларнинг иккаласига тортишган оятларини ўқитиб кўрадилар. Сўнг Қуръон етти ҳарфда нозил бўлгани ва уларнинг барчаси ҳам тўғри экани ҳақида хабар берадилар.

Абу Бакр Сиддиқ одамлар орасидаги бирликни сақлаб қолган бўлса, Умар ибн Хаттоб эса фитналарнинг тарқалишини бартараф этди. У Пайғамбардан бирор ҳадис айтувчи киши ўз сўзига ишончи комил бўлмаса ҳеч нарса айтмаслигига чақирди. Умар ибн Хаттоб бу қоидага амал қилмаган кишиларни қаттиқ жазоларди. Бу даврда ҳадислар кўп ривоят қилинишининг олди олинган эди. Агар ҳадислар кўплаб ривоят қилинаверса, ўша жамиятдаги ғараз ниятли фитначи ва бузғунчи мунофиқлар сохта ҳадисларни ҳам муомалага киритиб юборишлари эҳтимолини кучайтирар эди. Бундан ташқари, саҳобаларнинг ўзлари ҳам хато ва гуноҳ масъулиятдан қўрқиб, ҳадисларни кам ривоят қилишга ҳаракат қилганлар. Шу омиллар мазкур даврда сохта ҳадисларнинг кўпайиши олдини олган.

Бироқ Усмон ва Али халифалик даврларида вазият ўзгарди. Фатҳ этилган ва ислом кириб борган ерлардан марказга, яъни Макка ва Мадинага келаётган тобиийларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳадислар ривоятига кенг йўл очилди. Бундан фойдаланган мунофиқлар турли иғволарни амалга ошириб мусулмон жамоаси орасида низо чиқариш ҳаракатида бўлдилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ўз замонларида ҳадисларни ёзишга изн берган бўлишларига қарамай, улар илк ислом даврида бир қатор сабабларга кўра жуда кам ҳолатларда ёзилган. Пайғамбар вафотларидан сўнг саҳобалар Қуръони каримни китоб ҳолида жамлашга асосий эътиборни қаратдилар. Аммо ҳадисларни ҳам худди шунингдек яхлит тўплам ҳолига келтирмаган эдилар.

Дарҳақиқат, илк ислом даврига оид ҳадислар ёзилган, лекин китоб шаклини олмаган турли хилдаги саҳифалар ва мактублар ҳам бўлган. Саҳифа эгалари бўлган саҳобалар уларни бошқаларга ривоят қилиб юрар эдилар. Шунингдек, саҳобаларнинг ўзаро ёзишмалари ҳам ўзларида ҳадисларни мужассам этган. Масалан, Абу Бакр Баҳрайндаги омили (иш юригитувчиси) Анас ибн Моликка Расулуллоҳ (с.а.в.) мусулмонларга буюрган садақанинг фарзлари ҳақида ёзилган хатни юборди.

Умар ибн Хаттобнинг Куфадаги омили Утба ибн Фарқадга йўллаган мактубида Расулуллоҳнинг «Ипакни бу дунёда фақат охирагга насибаси



Халифа Умар даврида фитначи ва бузғунчи мунофиқлар сохта ҳадисларни ҳам муомалага киритиб юборишлари эҳтимоли бўлгани боис, ҳадислар кам ривоят қилинган бўлса, Усмон ва Али даврларида фатҳ этилиб, ислом кириб борган ерлардан Макка ва Мадинага келаётган тобиийларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳадислар ривоятига кенг йўл очилди

йўқ киши кияди, лекин бу (озгина) миқдордагиси ундан истисно» деган ҳадисларини ёзган эди. Ибн Масъудда ҳам Расулуллоҳдан ривоят қилинган ҳадислар ёзилган китоб бор эди. Саҳоба Абдуллоҳ ибн Масъуднинг ўғли Абдурахмон ҳам бир китобни кўрсатиб, у отасининг ўз қўли билан ёзган хати эканига қасам ичгани ҳақида ҳам ривоят мавжуд.

Анас ибн Молик эса кишиларга кўп саҳифали китобларини олиб чиқиб: «Бу мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитиб, ёзиб олган ва у зотга кўрсатган ҳадислардир», деган эди. Муовия ибн Абу Суфён ҳам Муғира ибн Шўбага: «Менга Расулуллоҳдан эшитганларингдан бирор нарса ёзиб бер», деганида, Муғира: «У зот миш-мишдан, кўп саволдан ва молни бекорга сарф қилишдан қайтардилар», деган ҳадисни ёзиб берган.

Мазкур ривоятлар саҳобалар ҳадисларни ўзаро ривоят қилиш билан бирга уларни ёзиб юрганликларига далил бўлади. Лекин шундай бўлсада, саҳобалар даврида ҳадислар оммавий тарзда ёзилмаганлиги сабабларидан бири саҳобалар ҳадисларни тўла ёд олган бўлиб, ёзишга ортиқча эҳтиёж бўлмаганлигида эди. Вакт ўтиши билан ҳадисларга бўлган эҳтиёж ортиб борди.



2. Сохта ҳадисларнинг пайдо бўлиши. Мусулмонларга раҳбарлик Усмон ибн Аффон қўлига ўтгач давлат ерлари кенгайди. Бу даврга келиб «мунофиқлик ҳаракатлари» авж ола бошлади. Бундай кишилар ташқи кўринишдан обрўли, ўз нуфузига эга бўлсалар-да, халқ орасида зимдан душманлик фаолиятини олиб борар эдилар. Бу ҳаракатлар натижасида ёлғон ҳадисларнинг тўқилишига замин пайдо бўла бошлади. Ана шу даврдан бошлаб сохта ҳадисларнинг тарқалиши авж ола бошлади.

Охир-оқибат иғво ва фитналар Усмон ибн Аффоннинг ўлдирилишигача бориб етди. Али ибн Абу Толиб раҳбарлиги даврида бу каби фитналар янада ривожланди. Янги гуруҳлар чиқиб, фирқаларга бўлиниш бошланди. Бу эса алоҳида фирқа ва гуруҳларнинг манфаатларига хизмат қилувчи ҳадисларнинг тўқилишига олиб келди.

Усмон ва Али даврларида ислом динини янги қабул қилган мусулмон аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари натижасида Макка ва Мадинага келаётган тобиийларнинг сони ортди. Ҳадислар ривоятига кенг йўл очилди. Бундан фойдаланган мунофиқлар ўз ғаразли мақсадларига эришиш илинжида турли иддаоларини сохта ҳадисларни тўқиш орқали ривожлантирдилар. Али ибн Абу Толибнинг ўлими ҳам ана шу фитналарнинг натижаси эди.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, ҳижратнинг биринчи қирк йили мобайнида суннат соф ҳолда сақланган, унга хато аралашмаган, ёлғонлар тўқилмаган, сиёсий ғаразлардан холи бўлган, шунингдек, мусулмонлар турли тоифаларга бўлинмаган, фитналар авж олмаган давр бўлган. Кейинчалик сиёсий воқеалар туфайли мусулмонлар орасида фирқа ва оқимларга бўлиниш юзага келди. Табиийки, ҳар бир жамоа ўз ғояларини исломнинг бирламчи манбалари – Қуръон ва ҳадислар билан қувватламоқчи бўлдилар.

Баъзи жамоалар Қуръон оятлари ва ҳадисларни ўзларига мослаб таъвил қила бошладилар. Ҳатто ўз мазҳабларига мувофиқ ҳадис бўлмаса, Расулulloҳ (с.а.в.) тилларидан ўз даъволарини исботловчи

ҳадисларни тўқидилар. Мана шундан ёлғон ҳадис тўқиш келиб чиқди. Саҳиҳ ҳадислар билан **мавзу**⁴ ҳадислар аралаштириб юборилди. Биринчи **мавзу**⁴ ҳадислар айрим кишиларнинг фазилатларини орттириб кўрсатишга оид эди. Турли фирқалар вакиллари ўз йўлбошчиларини бошқа фирқа раҳнамоларидан устун қўйиш учун унинг фазилатлари ҳақидаги ҳадисларни тўқий бошладилар.

Расулulloҳ (с.а.в.) ҳадисларини ровийлар томонидан ёд олинishi, муҳаддислар томонидан ёзма ҳолга келтирилиши, уларни жамлаш ва соф ҳолида сақлаб қолишга катта ёрдам берди. Аммо ўша даврда ёлғончи, фитначи кишилар ва гуруҳларнинг сохта ҳадисларни тўқиб чиқаришлари, қадимий ривоятларни одамларга ҳадис ўрнида талқин қилишлари натижасида халқ орасида бидъат ва хурофотлар кучайиб борди.

Ҳижрий иккинчи асрнинг биринчи ярмида Аббосийлар амалда халифалик мақомини бошқараётган Умавийларни халифалик тахтидан ағдаришга ҳаракат қилдилар. Бунинг учун улар «яширин даъват»га асосий эътиборни қаратдилар. Аббосийлар ўн икки нақиб (раҳбар) бошчилигидаги етмиш кишидан иборат даъватчилар гуруҳини тузиб, ислом дунёсининг марказий шаҳарларида аввал тижоратчилар орасида, кейин эса ҳаж зиёратига келган ҳожилар орасида даъватни кучайтирдилар. Улар умавийлар халифалигини қораладилар ва агар халифалик Расулulloҳ (с.а.в.)нинг авлодларидан бўлмиш Аббосийлар қўлига ўтса, ислом ҳам, ижтимоий ҳаёт ҳам гуллаб-яшнашини таъкидладилар.

127/745 йилда умавийлар давлатининг инқирозга юз тутиши ва Аббосийлар халифалигининг ташкил топиши даврида ҳам ҳадислар сиёсий мақсадда фойдаланилди. Бунда сиёсий гуруҳлар



**Усмон ибн Аффон ҳамда Али ибн Абу Толиб даврларидаги
“мунофиқлик ҳаракатлари” сохта ҳадисларнинг
кўпайишига дастлабки сабаб бўлган.**

ўз мақсадларига мувофиқ келмаган ҳадислар мазмунини яширдилар, мақсадга мувофиқ қилиб ўзгартирдилар ва Умавийлар халифалигини қоралайдиган, улардан одамларнинг ихлосини қайтарувчи мазмундаги ҳадисларни тўқиб тарқатдилар. Ўз навбатида одамларда Аббосийлар халифалигига нисбатан хайрихоҳлик кайфиятини уйғотувчи бу сулола

хукмронлигининг юзага чиқиши ҳақида башорат берилган ҳадисларни ҳам тўқий бошладилар.

Мазкур мазмундаги тўқима ҳадисларнинг бирида айтилишича, гўё Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деганлар: «Мен Бану Умайяни Ер юзининг ҳамма жойидаги минбарларда кўрдим. Улар сизларга хўжайин бўлиб оладилар. Улар ёмонликни кучайтирувчилардир». Шу маънодаги яна бир тўқима ҳадисда гўё Расулуллоҳ айтадилар: «Бану Умайя халифалик қилган ҳар бир кун эвазига Аббос авлодлари икки кун халифалик қилади. Бир ой эвазига икки ой халифаликда туришади» ёки «Мен Марвон авлодларининг минбаримни эгаллаб олганларини кўрдим. Ундан ранжидим. Аббос авлодларининг минбаримни эгаллаб олганларини кўрдим ва бу мени хурсанд қилди».

Тўқима ҳадислар орасида баъзан Аббосийлар халифалигини мадҳ этиб ва қувватлаб ҳадислар тўқилган бўлса, баъзан уни қоралаб ҳадислар тўқилди. Шундай тўқима ҳадислардан бири Саъид ибн Мусайябга нисбат берилган ҳадисдир. Унда шундай ривоят қилинади: «Бирин-кетин Хуросон шаҳарлари фатҳ этилганда Умар ибн ал-Хаттоб (рз.а.) қаттиқ йиғладилар. Шунда Абдуррахмон ибн Авф Халифага: «Нега йиғлайсиз, Аллоҳ таоло сизга шундай фатҳни муяссар қилдику?!» – деганларида, халифа: «Нима учун йиғламайин, кошкийди, мен билан улар орасида оловдан денгиз бўлса! Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) дан шундай деганларини эшитганман: «Агар Аббос авлодларига Хуросон бургутларининг байроқлари келса, улар исломни йўқотиш учун келадилар. Кимки ўша байроқлар остида бўлса, Қиёмат кунида унга менинг шафоатим насиб этмайди».

Баъзан тўқима ҳадислар орасида ислом таълимотига умуман зид бўлган ҳалолни ҳаром, ҳаромни эса ҳалол деган ҳадислар ҳам бор эдики, бу каби ривоятлар динда эътиқодсизликка, мулҳидликка (динсизлик, худосизликка) ҳам сабаб бўлиши мумкин эди. Ислом тарихида «зиндиклар» (*кўпл. аз-занодиқа*) деб номланган динда фитначилик, бузғунчиликни келтириб чиқариш билан шуғулланган гуруҳлар томонидан ана шундай сохта ҳадислар кўплаб муомалага киритилган.

Аббосийлар даврида фаолият кўрсатган зиндиклар зоҳиран ўзларини мусулмон кўрсатсалар-да, мажусийлар динига, хусусан монийлик динига эътиқод қилганлар. Кейинчалик бу ном кенг маънода ишлатила

бошлаб, умуман динсиз, мулҳид, дин бузувчилар ва фитначиларга нисбатан ҳам қўлланилган.

Муҳаддислар ҳузурида катта ҳадислар мажмуаси йиғилди, турли санад йўллари аниқланди. Натижада Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадисларини даражама-даража танлаш, санад ровийлари тарихини аниқлаш, тўқилган ҳадислардан тозалаш имконияти пайдо бўлди. Бу ҳақда Абу Довуд Сижистоний ўзининг Макка аҳлига рисоласида шундай деган эди: «Суфён, Вакиъ ва унга ўхшаш уламолар каттиқ жидду жаҳд қилиб ҳадисларни текширдилар ва бор-йўғи ҳар мингта ҳадисдан битта марфуъ, муттасил сифатли ҳадисни аниқладилар».

Суфён Саврий айтади: «Мен ҳадисларни уч важҳдан ёзиб олишни ёктираман: а) баъзи ҳадисларни дин сифатида амал қилиш учун; б) баъзи ҳадисларни ёзиб оламан ва уни ташлаб ҳам юбормайман, унга амал ҳам қилмайман; в) баъзи заиф ровийларнинг ҳадисларини фақат билиб қўйиш учун ёзаман, аммо эътибор қилмайман. Имом Авзойи (ваф. 156/773 й.) айтадилар: «Олинмайдиган ҳадисларни ҳам олинадиган ҳадислар каби ўрган!»

Кўриниб турибдики, муҳаддис ва танқидчи олимлар ҳадисларни ёзиб олишда ўта хушёрликка риоя қилганлар. Ҳар бир айтилган ҳадисни синчиклаб, матнини, ровийсини, санадини аниқ текшириб ёзганлар, озгина шубҳа туғилса тарк этганлар. Шунинг учун зиндиклардан бири: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг номларидан мингта ёлғон ҳадисни тўқиб халқ орасига тарқатиб қўйганман», – деганда Халифа Ҳорун Рашид: «Эй Аллоҳнинг душмани, сен ким бўлибсан, Абу Исҳоқ Фазорий ва Абдуллоҳ ибн Муборак каби уламоларимиз саҳиҳ ҳадислар орасидан сен тўқиган ёлғонларни ҳарфма-ҳарф текшириб, ажратиб оладилар!» – деган.



3. Ҳадис илми марказлари. Саҳобалар турли жойларга кўчиб кетиб, у ерларда узоқ муддат яшаб қолганликлари сабабли ўша ўлкалар Қуръон ва ҳадисларни тарқатиш марказлари бўлиб қолди.



Ислом тарихида динда фитначилик, бузғунчилиқни келтириб чиқариш билан шуғулланган «зиндиқлар» (кўпл. аз-занодиқа) томонидан кўплаб сохта ҳадислар муомалага киритилган.

Бунга Мадина, Макка, Куфа, Басра, Шом, Миср каби йирик шаҳар ва ўлкаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Мадина – Пайғамбар (с.а.в.) ва муҳожирлар ҳижрат қилган шаҳар. Расулуллоҳ бу ерда Маккага қараганда кўпроқ ҳадис айтганлар. Чунки кўпгина ислом динига оид ижтимоий тартиб, қонун-қоидалар ҳижратдан кейин жорий бўлган. Муҳожирлар бу шаҳарда яшашга мойил бўлиб, ҳатто Маккага қайтишни ҳам маъқул кўрмаганлар. Масалан, саҳоба Муҳаммад ибн Умар «Бадр жангида иштирок этган муҳожирларнинг Маккага қайтганларини билмаймиз», деган. Расулуллоҳ вафотларидан кейин эса Мадина илк мусулмон шаҳар-давлатининг пойтахти, суннанинг она шаҳри бўлиб қолди.

Кейинчалик ҳам турли ерлардан илм талабида, яъни ҳадисларни ўрганиш учун сафарга чиққан кишилар учун Мадинага келиш «вожиб», яъни зарурий талаблардан бирига айланди. Бу шаҳардан кейинчалик Саид ибн Мусайяб, Урва ибн Зубайр ибн Аввом, Ибн Шихоб Зухрий, Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утба, Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар, Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр, Нофеъ каби ҳадис ҳофизларидан иборат тобиийлар гуруҳи етишиб чиқиб, улар ҳадис илми тарихида катта из қолдирдилар.

Макка шаҳри пайғамбарликнинг илк даври билан боғлиқ бўлса-да, ҳадис илми бўйича Мадинадан кейинги ўринда туради. Макка фатҳидан кейин саҳоба Муоз ибн Жабал Расулуллоҳ томонларидан шу ерда дин илмларини шаҳар аҳолисига ўргатиши учун ўринбосар қилиб қолдирилди. Муоз ибн Жабал ёш мадиналик ансорлардан бўлса-да, Қуръон ва ҳадисни, диний билимларни яхши биладиган, интилувчан йигит эди. Кейинчалик Абдуллоҳ ибн Аббос ҳам Басрадан Маккага қайтиб келади. Шунингдек, бу ерда қори саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Соиб Махзумий, Итоб ибн Асид, Ҳакам ибн Абу Ос, Усмон ибн Талҳа ва бошқалар ҳадисларни тарқатиш ишлари билан шуғулланганлар. Абдуллоҳ ибн Аббоснинг ҳаракати туфайли Мужоҳид ибн Жабр, Икрима, Ато ибн Абу Рабоҳ каби тобиийлар етишиб чиққанлар.

Куфа шаҳри Эрон, Хуросон томонларга ҳарбий юриш олиб бориш учун мусулмон қўшинларининг таянч маркази ҳисобланган. Бу шаҳарга кўплаб саҳобалар келиб ўрнашиб қолганлар ва шу ерда вафот этганлар. Бу ерга келган ҳадис билимдонларининг кўзга кўринганларидан Абдуллоҳ ибн Масъуд бор эди. Бундан ташқари, Саъд ибн Абу Вакқос, Саид ибн Зайд, Салмон Форисий, Ҳузайфа ибн Ямон, Аммор ибн Ёсир, Абу Мусо Ашъарий, Баро ибн Озиб, Абу Туфайл каби жуда кўплаб

саҳобаларни санаб ўтиш мумкин. Бу шаҳарда илми кўплиги ва узок қолиб кетганлиги учун бошқарув Абдуллоҳ ибн Масъудда бўлди. Бу саҳобанинг кўлида Масрук ибн Ажда‘ Ҳамадоний, Убайда ибн Амр Салмоний, Асвад ибн Язид Нахайй, машҳур қози Шурайх ибн Ҳорис Киндий, Иброҳим ибн Язид Нахайй, Саид ибн Жубайр, Омир ибн Шураҳбил Шаъбий каби тобиийлардан ҳисобланган ҳофиз имомлар етишиб чиққанлар.

Басра шаҳрида Анас ибн Молик асосий ҳадис раҳнамоларидан эди. Шунингдек, Абдуллоҳ ибн Аббос (Маккага қайтгунча), Утба ибн Ғазвон, Имрон ибн Ҳусайн, Абу Барза Асламий, Маъқал ибн Ясор, Абу Бакра каби саҳобалар яшаганлар ва ҳадисларни тарқатганлар. Уларнинг шогирдларидан 500 та саҳобани кўрган Ҳасан Басрий ҳамда Абу Олия Рофе‘ ибн Михрон, Муҳаммад ибн Сирийн, Қатода ибн Диомата Давсий каби кўплаб тобиийларнинг номларини келтириш мумкин.

Шом диёри мусулмонлар томонидан фатҳ этилгандан сўнг асосий аҳоли ислом динини қабул қилди. Халифалар ҳам бу ўлкага алоҳида эътибор бериб, кўзга кўринган саҳобаларни у ерга дин ишларини ўргатиш учун жўнатганлар. Жумладан, бу ерга ҳам Муоз ибн Жабал худди Яманга ва Маккага боргани сингари дин ишларини ўргатиш учун келган. Шунингдек, бу ўлкада фақиҳ кишилардан саналган Убода ибн Сомит, фақиҳ саҳобалардан Абу Дардо Ансорийлар ҳам дин илмларини тарқатган олимлардан ҳисобланадилар. Мазкур уч саҳоба бу ўлкада ҳадис илми ривожланишида муҳим ўрин тутганлар. Булардан ташқари кўплаб саҳобалар Шомда фаолият олиб борганлар. Шомлик машҳур тобиийлардан Абу Идрис Ҳулвоний, Қабиса ибн Зуайб, Макхул ибн Абу Муслим ва бошқаларнинг номларини келтириш мумкин.

Мисрга ислом дини кириб келиши билан бу ерга ҳам кўплаб саҳобалар, шунингдек, бошқа илмлар қаторида ҳадислар кириб келди. Бу ўлкага келган машҳур саҳобалар орасида Абу Ҳурайра томонидан энг кўп ҳадис билувчи киши деб эътироф этилган Абу Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос ҳам бор эди. Шунингдек, Уқба ибн Омир Жуханий, Хорижа ибн Ҳузофа, Абдуллоҳ ибн Саъд, Муҳмия ибн Жуз, Абдуллоҳ ибн Ҳорис, Муоз ибн Анас Жуханий каби бир юз қирқдан ортиқ саҳобалар Миср аҳлига сабоқ берганлар. Уларнинг меҳнати натижасида Миср

муфтийси бўлган Абу Хайр Марсад ибн Абдуллоҳ, шунингдек, Язид ибн Ҳабиб каби буюк тобиийлар етишиб чиққанлар.



Ҳижрий I асрда Мадина, Макка, Куфа, Басра, Шом, Миср каби йирик шаҳар ва ўлкалар ҳадис илмининг асосий марказлари бўлган.

Мазкур минтақалар ҳадисларнинг энг кўп тарқалган жойлари бўлиб, улардан ташқари Марокаш, Испания, Яман, Кавказ, Қазвин (Каспий денгизининг жанубий ва ғарбий соҳил томони) ва Хуросонда ҳам бу илм кенг ёйилди.

Умуман олганда, мазкур ўлкаларга бориб ҳадисларни тарқатган саҳобалар фақат шу илмни эмас, балки бошқа соҳалар бўйича ҳам сабоқ берганлар. Мазкур минтақаларга борган саҳобаларнинг илм даражалари турли бўлгани учун ҳам кейинчалик мазкур ўлкаларда фикҳ илмининг ҳар хил даражада ривожланишига сабаб бўлган.



4. Илк кўзга кўринган ҳадис ровийлари. Ислом тарихида илк ровийлар саҳобалар ҳисобланади. «Саҳоба» сўзи араб тилида «суҳбатдош», «сафдош», «тарafdор», «ҳамроҳ» каби маъноларни билдиради. Ҳадис истилоҳида «саҳоба» сўзига «Расулуллоҳни кўриб, имон келтирган ва мусулмонлик ҳолида вафот этган киши» деб таъриф берилади. Пайғамбар (с.а.в.)ни тушида кўрган киши саҳоба бўлмайди. Шунингдек, ҳали балоғатга етмаган бўлса-да, гапга тушуниб унга жавоб бера оладиган ёш бола ҳам саҳоба ҳисобланган. Масалан, Расулуллоҳни ўзларининг ўспиринлик чоғида кўрган Али ибн Абу Толибнинг ўғиллари Ҳасан ва Ҳусайн ҳамда Маҳмуд ибн Рабиъ каби инсонлар ҳам саҳобалар қаторида зикр этилади.

Уламолар орасида «Фаришталардан ҳам саҳобалар бўлганми ёки йўқми» экани хусусида айрим ихтилофли фикрлар бор эди. Улардан баъзилари «бор» десалар, бошқалар «йўқ» деганлар. «Жинлардан саҳобалар бўлгани» ҳақида Субкий ўз фикрини билдириб: «Набий (с.а.в.) инс ва жинларга юборилган бўлиб, ул зотнинг пайғамбарлик рисолати барча учун эди», деган.

Ҳадис илмида кишининг саҳоба бўлган ёки бўлмаганини билиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳадис иснодида келган биринчи табақа ровийнинг Пайғамбар (с.а.в.)дан ҳадис ривоят қила олиш

эхтимоли қай даражада эканини билиш ривоятнинг ишончилигини белгилайдиган омиллардан бири ҳисобланади.

Кишининг саҳобалигига далил бўла оладиган хусусиятларнинг муҳимлари қуйидагилар:

1) унинг саҳобалиги мутавотир ва ҳаммага маълум бўлса. Масалан, «ашараи мубашшара», яъни: тўрт халифа, Саъд ибн Зайд, Талҳа ибн Убайдуллоҳ, Зубайр ибн Аввом, Абдурахмон ибн Абу Ваққос, Абдурахмон ибн Авф ва Абу Убайда Омир ибн Жарроҳ каби саҳобалар.

2) Кишининг саҳобалиги мутавотир бўлмаса-да, машҳур бўлса. Масалан, Зимом ибн Саълаба, Уккоша ибн Муҳассан каби.

3) Машҳур саҳобанинг бошқа бир кишининг саҳоба эканини таъкидлаши. Абу Мусо Ашъарийнинг Хумома ибн Абу Хумома Давсийнинг саҳоба бўлганини зикр этиб ўтгани бунга мисол бўлади.

4) Ишончли тобиийларнинг хабари орқали.

5) Адолат эгаси бўлган ишончли киши эҳтимол қилиш мумкин бўлган муддат ичида саҳобаликни даъво қилган бўлса, унинг саҳобалиги ҳам қабул қилинади.

Пайғамбар (с.а.в.) вафотларидан сўнг 100 йилдан кейин яшаган кишиларнинг ҳам саҳобалик даъволарини уламолар қабул қилмаганлар. Чунки Имом Муслим ривоят қилган бир ҳадисда айтилишича Расулуллоҳ «Бугун бир тирик инсон йўқки, юз йил ўтгандан сўнг ҳаёт бўлса», деганлар. Шунга биноан ҳижрий 110 (мил. 729) йилгача уламолар томонидан саҳобаларнинг яшашлари мумкин бўлган давр сифатида тан олинади. Шунинг учун ҳам олимлар ҳижрий 200 (мил. 816) йилдан сўнг яшаган Жаъфар ибн Настур Руминийнинг ҳамда 333/945 йилда вафот этган Сарботак Ҳиндийнинг саҳобалик даъволарини қабул қилмайдилар.

Қуръон оятлари ва қатор ҳадисларда саҳобалар энг яхши инсонлар қаторида зикр этилган. Шу сабабли ҳам ислом акидасида саҳобалар ҳақида ёмон фикр билдирган ва улардан айб-нуқсон топишга уринган киши зиндиқ ҳисобланган. Саҳобалар турли шаҳарларга тарқалиб кетгани ва уларнинг сонларини жуда аниқ тарзда билиш қийин бўлгани учун тарих китобларида уларнинг сони ҳақида аниқ бир маълумот келтирилмайди. Бироқ манбаларда Расулуллоҳ вафот этган вақтларида саҳобалар сони бир юз ўн тўрт мингга бўлгани ҳақида маълумот берилади.

Саҳобалар асри уларнинг сўнггиси бўлган Абу Туфайл Омир ибн Восила Лайсий Кинонийнинг 110/728 йилда Маккада вафот этиши билан ниҳоясига етган. Шунингдек, Маҳмуд ибн Роби ҳижрий 99 йили Мадинада, Анас ибн Молик 93 йили Басрада, Абдуллоҳ ибн Буср 96 йили Шомда, Абдуллоҳ ибн Ҳорис 86 йили Мисрда, Абдуллоҳ ибн Абу Авфо 86 йили Куфада вафот этган охириги саҳобалардир.

Расулуллоҳдан энг кўп ривоят келтирган етти саҳоба (араб. «аксар ас-саҳоба ҳадисан») куйидагилардир:

- 1) Абу Ҳурайра (5374 та ҳадис ривоят қилган);
- 2) Абдуллоҳ ибн Умар (2630);
- 3) Анас ибн Молик (2286);
- 4) Оиша бинт Абу Бакр (2210);
- 5) Абдуллоҳ ибн Аббос (1660);
- 6) Жобир ибн Абдуллоҳ (1540);
- 7) Абу Саид Худрий (1170).

Шунингдек, уларга нисбатан ривоят қилган ҳадисларининг сонига қараб, «асҳоб ал-улуф» («минглаб ҳадис эгалари»), «асҳоб ал-алфайн» («икки минг ҳадис эгалари») ва «асҳоб ал-алф» (минг ҳадис эгалари) атамалари ҳам ишлатилган. Расулуллоҳдан мингдан ортиқ ҳадис ривоят қилган саҳобага «мукассирун» («кўп ривоят қилганлар») атамаси ишлатилади.

Саҳобаларнинг қанчалик кўп ҳадис ривоят қилишларига куйидаги омиллар сабаб бўлган: а) кўп вақт Расулуллоҳ билан бирга бўлганликлари; б) у киши билан бир ерда яшаганликлари; в) ҳадисларни ёзиб боришлари; г) саҳобанинг ҳаққига Расулуллоҳнинг ҳадисларни эслаб қолиши учун қилган дуолари; д) Пайғамбар (с.а.в.)дан кейин узок умр кўрганликлари; е) давлат ишларида ишламаганликлари ҳамда Мадина ва Маккадан ташқарига чикиб, бошқа халқларга ҳадисларни ўргатиш имкониятига кўпроқ эга бўлганликлари ва бошқалар.



Уламолар ҳижрий 110 (мил. 729) йилгача бўлган мuddатни саҳобаларнинг яшашлари мумкин бўлган давр сифатида тан олганлар.

Саҳобалар орасида юздан ортиқ ҳадис ривоят қилганларига «асҳоб ал-ми'а» («юзта ҳадис эгалари»), «асҳоб ал-миатайн» («икки юз ҳадис эгалари») ва «асҳоб ал-миийн» («юзлаб ҳадис эгалари») атамалари ҳам

қўлланилади. Масалан, Саҳл ибн Саъд 188 та ҳадис ривоят қилган, Убода ибн Сомит 181 та, Абу Зарр Ғифорий 286 та, Саъдни Абу Ваққос 270 та, Абдуллоҳ ибн Масъуд 848 та, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос 700та ва бошқа кўплаб саҳобалар юздан ортиқ ҳадис айтганлар. Бу саҳобаларга мингтадан кам ҳадис ривоят қилгани учун «муқиллун» («кам ривоят қилганлар») атамаси ишлатилади.

Саҳобанинг ҳадисларни кам ривоят қилиш сабаблари қуйидагилар ҳисобланади: а) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан узоқроқ жойда яшаганликлари; баъзи саҳобалар Пайғамбар (с.а.в.)ни фақат бир ёки икки маротаба кўрган; б) Пайғамбар (с.а.в.) билан жуда кам вақт бирга бўлганликлари; айрим саҳобалар бир жойда яшасалар-да, бирор иш билан машғул бўлганлар; в) ҳадисларни ёзиб бормаи, хотирага таянганликлари; г) Расулуллоҳ (с.а.в.) вафотларидан кейин қисқа умр кўрганликлари; д) давлат ишларида ишлаб Мадина ва Маккадан ташқарига чиқиш ва бошқаларга ҳадис айтиш имкониятининг чекланганлиги; е) баъзи саҳобаларнинг кўп ҳадис айтишдан тийилиб, фақат сўралгандагина ҳадис айтганликлари ва бошқалар.

Саҳобалар орасида Қуръон ва ҳадис илмларини яхши билиб, кўплаб фатво берганлари ҳам бўлган. Улардан Абдуллоҳ ибн Аббос, Умар ибн Хаттоб, Али ибн Абу Толиб, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Абу Дардоларга нисбатан «аксар ас-саҳоба фатван» («энг кўп фатво берган саҳоба») атамаси ишлатилган.

Саҳобаларнинг ҳаммалари Қуръони карим ва Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг эътирофларига кўра «одил» («адолатли», «ростгўй») кишилар бўлиб, ривоят қилган ҳадислари «мақбул» ҳисобланади.

Саҳобалар Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг олдиларида кўп ё кам бўлишларига қараб ҳам у кишининг айтаётган гапларини турли даражада тушунганлар. Ҳадислардаги носих ва мансухни, омм ва хосни, мутлақ ва гумонни, мужмал ва батафсилни ҳам ҳар хил англаганлар.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, саҳобаларнинг ҳадис борасидаги билимлари турлича бўлган ҳамда улар ҳадис ривоят қилишда ҳам ҳар хил макомга эга бўлганлар. Уларнинг ривоятларидаги тафовутларни қуйидагича изоҳлаш ва санаб ўтиш мумкин:

1) Давлат ишлари ва урушлар кўплаб саҳобаларга ҳадис ўрганиш ва ривоят қилиш имкониятини бермаган. Бунга тўрт халифа, Талҳа, Зубайр каби саҳобаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Аксинча,

бундай ишлар билан шуғулланмаган Абу Ҳурайра, Оиша, Ибн Умар ва бошқалар кўплаб ҳадис ўрганиб, ривоят қилганлар.

2) Расулуллоҳ билан узоқ вақт ҳамроҳ бўлиб юриш, уларнинг хизматини қилиш, у кишининг вафотларидан сўнг эса бошқа жойларга бориб-келишлари осон бўлган саҳобалар. Улар Абдуллоҳ ибн Масъуд, Жобир ибн Абдуллоҳ, Анас ибн Молик кабилардир.

3) Ҳодиса ва эҳтиёжларнинг янгиланиб турганлиги дин аҳқомларини баён қилиш сабабларидан бўлган. Турли ҳодисаларга берилган шаръий ҳукмларни билиш иштиёқи ҳадислар ривоятини кўпайтирган.

4) Ҳадисларни ёдлашдаги қувваи ҳофизалари ва ҳадисларни ёзиб бориш ривоятларни кўпайтириш омилларидадан бўлган. Бунга Абу Ҳурайранинг хотираси кучлилиги ва Абдуллоҳ ибн Амрнинг ёзиб боришини санаб ўтиш мумкин.

5) Кўпгина саҳобалар ҳадис ривоят қилишдаги масъулиятни эътиборга олиб, ҳадис лафзини Пайғамбар (с.а.в.) айтганларидек адо эта олмасликдан қўриқиб ривоятларни камайтирганлар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳижрий биринчи асрда ҳадислар асосан, оғзаки ривоят қилинди. Аммо оз миқдорда бўлса-да, уларни ёзиб борганлар ҳам бор эди. Вақт ўтиши билан янги савол ва муаммоларнинг пайдо бўлиши ҳадисларга бўлган талабнинг ортишига ва натижада ҳадисларнинг кенгрок миқёсда ўрганилишига олиб келди.

ҲАДИС:

قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ:

كُلُّوْا وَاشْرَبُوْا وَتَصَدَّقُوْا وَالْبَسُوْا فِيْ غَيْرِ اِسْرَافٍ وَلَا مَخِيْلَةٍ

Набий с.а.в. айтдилар: Енглар, ичинглар, садақа қилинглар, аммо исрофгарчилик ва фахрга ўтманглар.



Мавзу бўйича саволлар

1. Нима учун Пайғамбар (с.а.в.) вафотларидан кейин ҳадисларни ўрганишга эҳтиёж ортиб кетди?
2. Сохта ҳадисларнинг пайдо бўлишига қандай омиллар сабаб бўлди?
3. Қандай илк ҳадис марказларини биласиз?
4. Қайси саҳоба ва тобиийлар Мисрда ислом динининг тарқалишида асосий ўрин тутганлар?
5. Саҳобаларга хос бўлган қандай муҳим хусусиятларни айта оласиз?

6. Саҳобаларнинг кўп ёки кам ҳадис ривоят қилишлари нималарга боғлиқ бўлган?

7. Қайси саҳобалар кўп фатво бериш орқали машҳур бўлганлар?

8. Ҳадисларни ривоят қилишда юзага келган тафовутлар ҳақида нималарни биласиз?



Топшириқлар

1. Расулуллоҳ (с.а.в.) даврида ҳадисларнинг ёзилганига мисоллар келтиринг.

2. Пайғамбар (с.а.в.) вафотидан кейин ҳадисларга бўлган муносабатни тушунтиринг.

3. Ҳадисларнинг тарқалишига оид географик маълумотларни жамланг.

4. Саҳобалар ҳақида таълиф этилган асарлар билан танишинг.

Мустақил иш мавзулари

1. Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг «Муснад» асарида Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос ривоят қилган ҳадислар.

2. Сохта ҳадисларнинг пайдо бўлиш сабаблари.

3. Илк ислом даврида ҳадисларнинг тарқалиши. (Имом Термизийнинг “Илал” китоби)

4. «Ал-Исоба фий тамйиз ас-соҳаба» асарида зикр этилган саҳобалар.



Адабиётлар

1. Алимов У. Суннат ва ҳадис. – Т.: Шарқ, 2012.

2. Имоми Аъзам асарлари / Таржимон ва нашрга тайёрловчи. Абдурашид қори Баҳромов. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003.

3. Матибаева Р. Абу Ҳанифа маноқиблари // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти. – Тошкент, 2008. – № 2.

4. Матибаева Р. Имом Абу Ҳанифа ва билиш назарияси // Маънавий ва диний етуклик – давр талаби: Тўплам. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009.

5. Обидов Р. Суннат, ҳадис ва муҳаддислар. – Т.: Мовароуннаҳр, 2012.

6. Ибн ал-Асир. Усд ал-ғоба фи маърифат ас-саҳоба. – Байрут. Дор ал-кутуб ал-илмия, 1996.

7. Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Ал-Исоба фи тамйиз ас-саҳоба. – Байрут. Дор ал-кутуб ал-илмия. 1995.

8. Муҳаммад Абу Заҳв. Ал-Ҳадис ва ал-муҳаддисун. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1984.

9. Муҳаммад Мустафо Аммора. Жавоҳир ал-Бухорий ва шарҳ ал-Қасталоний. – Байрут: Ал-Мактаба ал-исломийя, нашр йили кўрсатилмаган.

РЕЖА:

1. Ҳадисларни ёзма жамлашга эътиборнинг қаратилиши.
2. Илк ҳадис тўпламлари.
3. Ҳижрий иккинчи асрда яшаган муҳаддислар.

 **Таянч иборалар:** *Тақрир, Муснад, Тадвин, Набавий суннат, Умавий, Муснад.*



1. Ҳадисларни ёзма жамлашга эътиборнинг қаратилиши.

Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётлик даврида ҳадисларнинг ёзма жамланишидан кўра оғзаки ривоят қилиш биринчи ўринда турган бўлса, «ал-Хулафо ар-рошидун» даврида ва ундан кейин уларни ёзувга тушириш долзарб масалага айланди.

Имом Байҳақий «ал-Мадҳал» («Кириш») китобида Урва ибн Зубайрдан шундай ривоятни келтиради: «Халифа Умар (рз.а.) суннатни ёздиришни хоҳлади ва саҳобалардан маслаҳат сўради. Саҳобаларнинг барчалари бир овоздан бу ишни маъқулладилар. Халифа Умар (рз.а.) бир ойча истихора қилди. Бир куни тонгда туриб, Аллоҳ билдирган илҳом билан саҳобаларга деди: «Мен суннатни тадвин қилишни ният қилган эдим. Сизлардан аввал ўтган қавм китоблар ёзиб, унга муккаларидан кетганларини ва Аллоҳнинг китобини унутганларини эслаб қолдим. Шунинг учун мен Аллоҳнинг Китобига ўхшатиб бошқа бирор нарсани ёздиришни ҳеч қачон истамайман!»

Умар ибн Хаттоб томонидан билдирилган бундай фикр ва қатъият ўша давр учун жуда манфаатли эди. Мусулмон халқлари орасида Қуръон билан суннатнинг аралашиб кетиш хавфининг олди олинди. Бунинг натижасида Қуръон оятлари ёзма ҳолда, ҳадислар эса хотираларда аралашмай сақланди. «Ал-Хулафо ар-рошидун»ларнинг кейингилари ҳам, Умар ибн Хаттобнинг йўлидан бориб, ҳадисларни ёзишга киришмадилар. Шундай қилиб, ҳижрий биринчи асрнинг охирига қадар бу иш амалга оширилмади.

Ҳижрий I аср охирида ҳадисларнинг йўқолиб кетишига олиб келувчи қатор омиллар юзага келди:

1. Ҳадисни яхши ва кўп биладиган саҳобалар ва тобиийлар биринкетин вафот эта бошладилар.

2. Хорижийлар, рофизийлар каби фирқалар томонидан кўплаб ҳадислар тўқилди.

3. Илк ислом давридаги хотирада сақлаш анъаналари йўқолиб борди.

Умавий халифалардан айниқса Умар ибн Абдулазиз (99-102/717-720) ҳадисларни ёзма ҳолда жамлашга алоҳида эътибор қаратди. У Мадина волийси ҳамда қозиси бўлган Абу Бакр ибн Ҳазмга «Расулуллоҳнинг ҳадисларини жамлаб ёзгин, чунки мен уламолар вафот этиб, ҳадис билими йўқолиб кетишидан қўрқаман», деган мазмунда мактуб ёзди ва унга Умра бинт Абдурраҳмон Ансория ҳамда Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр билган ҳадисларни ёзиб олишни амр қилди. Шунингдек, у ислом дини тарқалган марказий шаҳарлар ҳокимларига ҳам, ўша шаҳарда яшайдиган уламоларга ҳадисларни ёзиб жамлашни буюрди.

Бу ҳақда Ҳофиз Ибн Ҳажар Аскалоний «Фатҳ ал-Борий» асарининг «Илм» бобида шундай ёзади: «Халифа Умар ибн Абдулазизнинг буйруғи билан биринчи аср охирида тобиий уламолар орасида биринчи бўлиб Ибн Шихоб Зухрий ҳадисларни тадвин қилди. Ундан кейин тадвин ишлари янада ривожланди. Шундан сўнг ҳадисларни тасниф қилиш ишлари бошланди. Шу тариқа, Аллоҳга шукрки, кўп яхшиликлар бўлди».

Муҳаммад ибн Шихоб Зухрий ҳадисларни ёзиб олиш ва жамлашга буюрилган илк уламолардан бири эди. Суннатни ёзма тарзда жамлашга амр этиш билан умавий халифа Умар ибн Абдулазиз муҳим ва масъулиятли ишни бошлаш шарафига эга бўлган бўлса, ҳадисларни тартиб билан жамлаб ёзишга биринчи қўл урган инсон Ибн Шихоб Зухрий бўлди. Шу вақтдан бошлаб уламолардан Ибн Журайж (ваф. 150/767 й.) Маккада, Ибн Исҳоқ (ваф. 151/768 й.) ва Имом Молик ибн Анас (ваф. 179/795 й.) Мадинада, Рубай' ибн Субайх (ваф. 160/777 й.), Саид ибн Абу Аруба (ваф. 156/773 й.) ва Ҳаммод ибн Салама (ваф. 176/792 й.) Басрада, Суфён Саврий (ваф. 161/778 й.) Куфада, Авзоъий (ваф. 156/773 й.) Шомда, Ҳушайм (ваф. 188/804 й.) Воситда, Му'аммар (ваф. 153/770 й.) Яманда, Жарир ибн Абдулҳамид (ваф. 188/804 й.) Райда, Абдуллоҳ ибн Муборак (ваф. 181/797 й.) Хуросонда ҳадисларни жамлаб ёзишга киришдилар.

Бу уламоларнинг барчалари бир даврда яшаган замондош бўлганлар. Аммо улардан қайси бирлари аввалроқ ҳадис тўплашни бошлаганликларини аниқлаш қийин. Шундай бўлса-да, маккалик муҳаддис Ибн Журайжнинг олдинроқ яшагани эътиборга олинса, у

Ибн Шихоб Зухридан кейин иккинчи бўлиб ҳадис тўплаган олим экани маълум бўлади.

Улардан кейин ҳам кўплаб уламолар, шунингдек, Суфён ибн Уяйна, Лайс ибн Саъд ва Шуъба ибн Ҳажжожлар ҳадис ёзиш ва девон тузишга киришдилар. Уларнинг бу йўлдаги усуллари шундай эдики, улар бири-бирига мутаносиб ҳадисларни боб-боб қилиб жамлардилар, кейин бобларни бирин-кетин қўшиб, битта китобга айлантирдилар. Уларнинг орасида саҳобаларнинг сўзлари ҳам, тобиийларнинг фатволари ҳам аралашиб кетган эди.



Халифа Умар ибн Абдулазизнинг буйруғи билан ҳижрий I аср охирида тобиий уламолар орасида биринчи бўлиб Ибн Шихоб Зухрий ҳадисларни тадвин қилди.

Бу ҳадис мажмуалари деярли йўқолиб кетган бўлиб, уларнинг баъзиларигина сақланиб қолган. Жумладан, Имом Абу Ҳанифанинг шогирдлари ва асҳоблари томонидан ёзилган «Муснад»лар, Имом Моликнинг «ал-Муваддо», Имом Шофеъийнинг «Муснад» ва Имом Муҳаммад Шайбонийнинг (ваф. 179/795 й.) баъзи асарлари сақланиб қолган. Ибн Шихоб Зухрий ва бошқа уламоларнинг ҳадис тўпламлари бизгача етиб келмаган бўлса ҳам, улар ривоят қилган ҳадислари ва ўзларининг ровий сифатидаги номлари кейинги тузилган ҳадис китобларида сақланиб қолган.



2. Илк ҳадис тўпламлари. Муҳаммад (с.а.в.) вафотларидан сўнг турли урушлар натижасида Қуръони карим жамланганидек ҳадисларни ҳам ягона китобга жамлаш имкони бўлмади. Шунинг ҳам айтиш керакки, ўша даврга оид ҳадислар ёзилган, лекин китоб шаклини олмаган турли хатлар ҳам топилган. Уларни саҳобалар ўзаро ривоят қилиб юрар эдилар. Масалан, Абу Бакр Баҳрайндаги омили (бошқарувчиси) Анас ибн Моликка Расулуллоҳ мусулмонларга буюрган садақанинг фарзлари ёзилган хатни юборди. Бу хат Расулуллоҳ томонидан ёздириб йўлланган садақалар тўғрисидаги мактубининг бир нусхаси эди.

Ибн Масъудда Расулуллоҳдан ривоят қилинган ҳадислар ёзилган китоб бор эди. Мисъар Маъандан ривоят қилиб айтади: «Менга Абдуррахмон ибн Абдуллоҳ ибн Масъуд бир китобни кўрсатди ва бу китоб отасининг ўз қўли билан ёзган хати эканлигига қасам ичди» деди. Анас ибн Молик эса кишиларга кўп саҳифалик китобларини олиб

чикиб: «Бу мен Расулуллоҳдан эшитиб, ёзиб олган ва у зотга кўрсатган ҳадислардир» дер эди. Муовия ибн Абу Суфён Муғира ибн Шўъбага: «Менга Расулуллоҳдан эшитганларингдан бирор нарса ёзиб бер», деди. Муғира: «У зот миш-мишдан, кўп саволдан ва молни бекорга сарф қилишдан қайтардилар», деган ҳадисни ёзиб берди.

Мазкур ривоятлар саҳобалар ҳадисларни ёзиб, ўзаро ривоят қилиб юрганликларига далил бўла олади.

Саҳобаларнинг яна бир жиҳати шунда эдики, улар Расулуллоҳни кам ва кўп кўрганликларига қараб ҳам ҳадисларни кўп ёки кам билганлар. Бироқ Пайғамбарни кўп кўрган саҳоба ҳадисларни кўпроқ ривоят қилган деган хулосага келмаслик керак. Масалан, тўрт халифа Пайғамбар ёнида доимий ҳамроҳ бўлган бўлсалар-да, Расулуллоҳ вафотларидан кейин давлат ишлари билан банд бўлганликлари учун камроқ ҳадис ривоят қилганлар. Чунончи Абдуллоҳ ибн Зубайр отасидан «Расулуллоҳдан фалончи ва фалончи каби ҳадис айтганингизни эшитмаганман», деганда отаси «бирок мен уларнинг орасини ажратмайман, лекин Расулуллоҳдан «Ким менинг номимдан қасддан ёлғон ҳадис айтса, ўзига дўзахдан жой тайёрлайверсин» деганларини эшитганман», деган.

Зайд ибн Арқамга бизга ҳадис айтинг, дейилганда, у «Ёшимиз катта бўлиб эсимиздан чиқарадиган бўлиб қолдик, Расулуллоҳдан келган ҳадис кучли нарса», деб ҳадис айтишдан тийилган (Имом Ибн Можа). Соиб ибн Язид: «Абдурахмон ибн Авф, Талха ибн Убайдуллоҳ, Микдод ва Саъд ибн Молиқлар билан ҳамсуҳбат бўлдим, уларнинг бирортаси Пайғамбар (с.а.в.)дан ҳадис айтганини эшитмадим, фақатгина Талханинг Уҳуд куни ҳақида гапираётганини эшитдим», деган (Имом Бухорий ривояти). Шаъбий: «Ибн Умар мажлисида бир йил ўтирдим, бирок Расулуллоҳдан бирор нарса гапирганини эшитмадим», деган (Имом Ибн Можа). Демак, Расулуллоҳдан ҳадис айтишда саҳобалар ҳам мунофиқларнинг ҳийлалари олдини олиш учун, ҳам ҳадис айтиш масъулиятли иш бўлгани учун кам ривоят қилганлар. Шунингдек, баъзи ўринларда саҳобалар ҳадис айтиш жиддий иш бўлгани учун ҳам бунинг ўрнига ўзларининг фатволари билан жавоб берганлар.

Илк ёзилган ҳадис тўпламларидан бири Имом Молиқ ибн Анас ибн Абу Омир Асбаҳийнинг (93-179/712-795) «ал-Муватто» китоби эди. Имом Молиқ Ямандаги «Зу Асбаҳ» қабиласидан чиққан эди. У умавий халифа Валид ибн Абдулмалик даврида Мадинада туғилиб,

умрининг охиригача шу шаҳардан ташқарига чиқмаган. Баъзи уламоларнинг фикрича, Имом Моликнинг бобоси Молик ибн Абу Омир Асбахий тобиийлардан бўлиб, саҳобалардан Умар ибн Хаттоб, Талха ибн Убайдуллоҳ, Оиша бинт Абу Бакр, Абу Ҳурайра, Усмон ибн Аффонлардан ҳадис ривоят қилган.

Абу Жаъфар Табарийнинг ривоятига кўра, Молик ибн Абу Омир халифа Усмон даврида мусхаф ёзувчи котиб бўлган. Имом Моликнинг устози бўлган Ибн Шихоб Зухрий ундан ҳадис ривоят қилган. Имом Молик ўз илмини Мадина уламоларидан олган. У дастлаб Абдуррахмон ибн Ҳурмуз ҳузурида узоқ вақт илм ўрганди. Шунингдек, ҳадис илмини Ибн Умарнинг мавлолари Нофеъдан, Ибн Шихоб Зухрийдан, фикҳ илмини эса Рабийъа ибн Абдуррахмондан олди. Натижада ҳадис ва фикҳ илмининг билимдони бўлди.

Имом Моликдан мисрлик, исқандариялик, африкалик, андалуслик, тунислик ва бошқа уламолар ҳадис илмини ўрганганлар. Имом Молик халифа Ҳорун ар-Рашид даврида 179/795 йилда Мадинаи мунавварада вафот этган ва «Бақи» қабристонида дафн этилган.

Аббосий халифа Абу Жаъфар Мансур муҳаддис Имом Моликка ўзи ёд билган ҳадисларни жамлаб бир девон тузишга амр қилди. Имом Молик қирқ йил давомида ҳадислар, саҳобаларнинг сўзларини ва тобиийларнинг фатволарини жамлаб китоб ёзди ва уни «ал-Муватто» деб номлади. Жалолиддин Суютий «ал-Муваттога шарҳ» китобининг муқаддимасида ривоят қилган ҳадисда Имом Авзоъий шундай дейди: «Биз «ал-Муватто»ни қирқ кунда ёдлаб, Имом Моликка айтиб бердик. Имом Молик бизга деди: «Мен қирқ йилда ёзган китобни сизлар қирқ кунда билиб олдиларингизми? Жуда қисқа вақтда ўзлаштириб олибсизлар».

Имом Молик ўзининг «ал-Муватто» номли тўпламида ҳар бир мавзунинг муқаддимасида ҳадисни келтириб, ундан кейин мазкур мавзу бўйича саҳобадан, кейин эса тобиийдан келган асарларни зикр этади. «Ал-Муватто»да ровийларнинг асосий қисми Мадина аҳлидан ҳисобланади. Чунки Имом Молик Мадинадан четга ҳеч қачон чиқмаган. Баъзи ривоятлар орасида амал қилиниши лозим бўлган ҳукмлар, баъзида эса Мадинаи мунавварада содир бўлган жамоат ишлари ҳақида ҳам зикр этилган. Имом Моликнинг ҳадис танлашдаги усулларини кузатган киши ҳадислар матнига ва санадларига жуда катта эътибор

берганлигининг гувоҳи бўлади. Буни жуда кўп аввалги ва кейинги муҳаддис уламолар тасдиқ этганлар.

«Ал-Муватто» буюк ва синчков муҳаддиснинг қирқ йиллик машаққатли меҳнатининг самараси эди. Аммо баъзи муаллифлар ўз асарларида бу асарга танқидий фикр ҳам билдирганлар. Жумладан, Ҳофиз Ибн Ҳажар Аскалоний: «Имом Моликнинг китоби, унинг ва унга эргашувчиларнинг наздидагина саҳиҳдир. Зеро улар **мурсал, мунқати** ва бошқа нуксонли ҳадисларни ҳам ҳужжат қилса бўлаверади, деган эътиқоддалар», деб танқид қилади. Бошқа уламолар эса «ал-Муватто»нинг барча ҳадислари саҳиҳ, ровийларнинг санадлари **муттасил** эканлигига иттифоқ қилганлар. Ровийлар Имом Моликнинг ҳаётлик вақтларидаёқ «ал-Муватто»нинг ҳадисларини қўлма-қўл қилишиб, унинг санадларидаги узилишларни бартараф этганлар. Улар орасида Имом Моликнинг сабоқдош дўсти Суфён Саврий, Суфён ибн Уяйна, Ибн Абу Зиъб ва бошқа уламолар ҳам бўлганлар.

«Ал-Муватто»нинг қўлёзма нусхалари кўп бўлиб, улардан энг машҳурлари ўттизта. Имом Суютийнинг фикрича, бу қўлёзмалар орасидан ўн тўрттаси машҳур уламолар орқали етиб келган. Улардан кейин қуйидаги нусхалар танланган:

1) Яхё ибн Яхё ал-Лайсий ал-Андалусийнинг нусхаси.

2) Мадина қозиси Абу Мусъаб Аҳмад ибн Абу Бакр Қосимнинг нусхаси.

3) Имом Абу Ҳанифанинг шогирди Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний нусхаси.

Имом Моликнинг «ал-Муватто»сига жуда кўплаб шарҳлар ёзилган. Жумладан:

1) Ҳофиз Абу Умар ибн Абдулбар ан-Нумайрий ал-Қуртубийнинг (ваф. 463/1071 й.) иккита шарҳи: 1. «Ат-Тамҳид лимо фи-л-Муватто мина-л-маоний ва-л-асонид» («Муваттодаги маънолар ва санадлар тақдими»); 2. «Китоб ал-истизкор фи шарҳ мазоҳиб уламо ал-амсор» («Турли шаҳар уламолари мазҳабларини изоҳлашда эслатма»).

2) Жалолиддин Суютийнинг (ваф. 911/1505 й.) «Кашф ал-Муғатто фи шарҳ ал-Муватто» («Муватто шарҳида яширин маъноларнинг очилиши») номли шарҳи.

3) Муҳаммад ибн Абдулбоқий Моликий Зарқоний Мисрийнинг (ваф. 1014/1605 й.) 3 жилдлик шарҳи.

4) Қутбиддин Аҳмад ибн Абдурраҳим Мухаддис Ҳанафий Деҳлавийнинг (ваф. 1176/1763 й.) иккита шарҳи. Улардан бири форс тилида бўлиб, унинг номи «ал-Мустафо» («Танланган»).

Шунингдек, «ал-Муватто» бир неча уламолар томонидан мухтасар қилинган. Жумладан:

1. Имом Абу Сулаймон ал-Хитобий (ваф. 288/901 й.);
2. Абул Валид ал-Божий (ваф. 474/1082 й.);
3. Ибн Рашиқ ал-Қирвоний (ваф. 456/1064 й.);
4. Ибн Абдулбар Абул Қосим Абдурраҳмон ал-Ғофикий ал-Жавҳарий (ваф. 385/995 й.).

Имом Шофеъийнинг (150-204/767-820) муснад китоби ҳам илк ёзилган ҳадис тўпламларидан биридир. Бу олимнинг тўлиқ исми Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис ал-Қураший ал-Ҳошимий ал-Мутталибий ибн ал-Аббос ибн Усмон ибн Шофеъ бўлиб, у Фаластиннинг Ғазо вилоятида 150/767 йилда, айна Имом Абу Ҳанифа вафот этган йилда туғилган. Имом Шофеъий икки ёшлик чоғида унинг отаси Идрис вафот этди. Онаси икки ёшли гўдакни аждодларининг юрти бўлган Маккага олиб борди. Имом Шофеъий бу шаҳарда ўн йил яшади, Қуръонни ёд олди, араб луғати ва шеърларини ўрганди. Макка муфтийси Муслим ибн Халид Занжийдан фикҳ ва ҳадис илмини таълим олди. 15 ёшли Имом Шофеъийга Макка муфтийси томонидан фатво бериш ҳуқуқи берилган эди.

Имом Шофеъий Маккадан Мадинага борди ва бу ҳадис илми марказидаги Имом Молик ибн Анасдан фикҳ илмини, кейин «ал-Муватто»ни тўлиқ ёд олди. Имом Шофеъий Суфён ибн Уяйна, Фузайл ибн Иёз, амакиси Муҳаммад ибн Шофеъ ва бошқа мухаддис уламолардан ҳам ҳадис ўрганди.

Имом Шофеъий Мадинаи мунавварага келганига ўн уч йил бўлганда, Яман қозиси Мусъаб ибн Абдуллоҳ ал-Қурашийнинг илтимоси билан халифа Ҳорун ар-Рашид Имом Шофеъийни Яман вилоятларидан бўлган Нажронга ҳоким этиб тайинлади. Орадан кўп ўтмай иғвогарлар халифага «Имом Шофеъий халифалик макомини кўзлаяпти» деган гапни етказдилар. 184/800 йилда халифа Имом Шофеъийни Бағдодга чақиртирди. 33 ёшга тўлган Имом Шофеъий билан Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ўртасида Халифа Ҳорун ар-Рашид ҳузурида мунозара бўлиб ўтди. Муҳаммад ибн Ҳасан Имом Шофеъий ҳақида яхши фикр айтди. Халифа Ҳорун ар-Рашид Имом

Шофеъий ҳақидаги хабар иғвогарларнинг тухмати эканини билди. Муҳаммад ибн Ҳасан Имом Шофеъийни жуда юқори даражада иззат-икром қилди, уйида меҳмон қилди. Имом Шофеъий Муҳаммад ибн Ҳасандан ҳадис ва Ироқ фуқаҳоларининг ёзган фикҳий асарларини ҳам ёзиб олди, сўнг Маккага қайтди.

187/803 йилда Аҳмад ибн Ҳанбал Маккада, 195/811 йилда Бағдодда Имом Шофеъий билан учрашган ва шогирд сифатида фикҳ, усул, Қуръоннинг носих ва мансух оятлари ҳақидаги билимларни ўрганди.

Имом Шофеъий фикҳ, ҳадис ва усулда етук имом, мустақил «мутлақ мужтаҳид» даражасига эришди. Ҳижозликлар ва ироқликлар фикҳини бирлаштирди. Имом Шофеъий «ар-Рисола» номли усул ал-фикҳга доир китобини ёзган эди. Унинг мазҳабдаги усуллари, яъни асослари тўртта бўлиб, улар: **Қуръон, суннат, ижмоъ, қиёс**дир. Имом Абу Ҳанифа ва Имом Молик фикрларига зид равишда **истеҳсон**га амал қилишни тарқ қилган. Мадина аҳлининг амали, деб ҳужжат қилишни инкор этган ва Бағдод аҳлининг «Суннат ёрдамчиси» деган мақтовига сазовор бўлган.

Муҳаммад ибн Идрис Шофеъий Бағдодда ўзи асос солган мазҳабини қувватловчи «ал-Ҳужжат» номли ҳадис китобини ёзди. Имом Шофеъийнинг ироқлик шогирдларидан тўрт киши: Аҳмад ибн Ҳанбал, Абу Савр, Заъфароний ва Каробисий бу китобни устозларидан эшитиб ривоят қилганлар.

200/816 йилда Имом Шофеъий Мисрга кўчди. Бу ерда ҳижозлик, ироқлик муҳаддис ва фақиҳлардан ўрганган ривоятларини жамлаб «ал-Умм» («Она») номли ҳадис китобини ёзди ва ушбу китобга асосланиб, аввалги фикҳий мазҳабини янгилади. Имом Шофеъийнинг бу ерда тузган янги мазҳабини ва янги фатволарини ҳам мисрлик шогирдларидан тўрт киши: Абу Иброҳим Исмоил ибн Яҳё ал-Музаний (ваф. 264/878 й.), Абу Яъқуб Юсуф ибн Яҳё ал-Бувайтий (ваф. 231/846 й.), Рабиъ Жийзий ва Абу Муҳаммад Рабиъ ибн Сулаймон ибн Абдулжаббор Муродий (ваф. 270/884 й.) ривоят қилганлар.

Имом Шофеъий 204/820 йил, ражаб ойининг жума куни 54 ёшида Мисрда вафот этди.

Имом Шофеъийнинг шогирдлари Абу Яъқуб Юсуф ибн Яҳё Бувайтий айтади: «Мен Имом Шофеъийнинг шундай деганини эшитганман: «Ҳадис уламолари билан кўпроқ ҳамсуҳбат бўлинглар, чунки улар одамларнинг ростгўйроғидир».

Муҳаммад ибн Ҳасан айтади: «Ҳадис уламолари бир кун гапиришса ҳам, Имом Шофеъийнинг тиллари билан гапиришади». Заъфароний айтади: «Ҳадис уламолари уйкуда эдилар, Имом Шофеъий уларни уйғотиб қўйди». Имом Шофеъий шундай деган: «Агар хузулларингизда Расулulloҳдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадис бўлса, менинг қавлимни тарк қилинглр ва ўша ҳадис билан фатво беринглр ва ўшанга амал қилинглр. Агар сизлар эшитмасангизлар ҳам, мен айтган бўламан».

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Имом Шофеъий усул ал-фикҳда биринчилардан бўлиб китоб ёзган мужтаҳид олим эди. Шунингдек, у усул ас-сунна ва ҳадис ривоят қилиш қонунлари, ҳадис уламолари учун ҳадисларни жамлаб девон қилиш усуллари баён қилинган биринчи илмий китобнинг муаллифи ҳам эди.



3. Ҳижрий иккинчи асрда яшаган муҳаддислар. Имом Ҳофиз Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Адий Журжоний (277-365/890-976) ўзининг “ал-Комил фи ду‘афо’ ар-рижол” асарида ҳижрий иккинчи аср бошларида ҳадисларни саралаш, ёдлаш, ёзиб олиш ва девон тузишда фидоийлик қилган бир нечта муҳаддис уламолар ҳақидаги маълумотларни келтирган. Жумладан, шундай дейди: “Иккинчи аср бошларида тобиий уламолар орасида ҳадисни ёдлай олмайдиган, ёдлаганини чалкаштириб, *марфуъ* ҳадисни *мурсал*, *мавқуф*ни *марфуъ* қилиб ривоят қиладиган Абу Ҳорун ал-Абдарий (ваф. 143/760 й.) каби заифлари бор эди. 150/767 йилларда бир тоифа уламолар орасида «таъдил» ва «тажрих» сўзлари тез-тез тилга олинадиган бўлди. Муҳаддислардан Аъмаш (ваф. 128/746 й.) бир жамоъани заиф деб, бошқасини ишончли деб баҳо бердилар. Шўъба (ваф. 160/777 й.) ровийларни қаттиқ текшириб, фақат ишончли ровийлардан ҳадис ривоят қилдилар. Яна ўша даврда гапи ўтадиган ишончли, синчков уламолар сирасига Муаммар (ваф. 153/770 й.), Ҳишом Дастувоий (ваф. 154/771 й.), Авзоий (ваф. 156/773 й.), Суфён Саврий (ваф. 161/778 й.), Ибн Можишун (ваф. 213/828 й.). Ҳаммод ибн Салама (ваф. 167/784 й.) ва Лайс ибн Саъд (ваф. 175/791 й.) қирадилар. Булар ҳадис ва ривоят илмининг биринчи табақа уламолари бўлганлар.

Улардан бироз кейин, яъни ҳижрий иккинчи асрнинг иккинчи ярмида муҳаддисларнинг иккинчи табақа уламолари фаолият кўрсатдилар. Улар жумласига Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий (ваф. 181/797 й.), Ҳушайм ибн Башир (ваф. 188/804 й.), Абу Исҳоқ Фазорий (ваф. 185/801 й.), Муофий ибн Имрон Мавсилий (ваф. 185/801 й.),

Бишр ибн Муфаззал (ваф. 186/802 й.), Ибн Уяйна (ваф. 197/813 й.) кирадилар.

Айни шу замонда муҳаддисларнинг учинчи табақа уламолари, шу жумладан Ибн Алия (ваф. 193/809 й.), Ибн Ваҳб (ваф. 197/813 й.), Вакиъ ибн Жарроҳ (ваф. 197/813 й.) машҳур бўлиб танилдилар. Бу даврда икки ҳофиз муҳаддис, «хужжат» лақабини олган Яҳё ибн Саид Қаттон (ваф. 189/805 й.) ва Абдурраҳмон ибн Маҳдий (ваф. 198/814 й.) одамларни барча ровийларга ишонавермасдан, уларнинг ишончли ёки ишончсизини аниқлашга қақирдилар. Натижада бу икки олим халқ ишончини қозонди ва улар тасдиқ қилган ровий ишончли, улар тасдиқ қилмаганлари эса ишончсизга ҳисобланарди.

Мазкур даврда яшаган, таба‘а тобе‘инлардан бўлган Абу Саид Яҳё ибн Саид ибн Фаррух Тамимий Қаттон (120-198/738-814) буюк имом ва улуғ муҳаддислардан саналади. Яҳё ибн Соиб Ансорий, Ибн Журайж, Саид ибн Абу Аруба, Саврий, Ибн Уяйна, Молик ибн Анас, Шуъба ва бошқа кўплаб муҳаддис уламолардан ҳадисларни ўрганган. Ундан эса, Суфён ибн Уяйна, Суфён Саврий, Аҳмад ибн Ҳанбал, Яҳё ибн Муин, Али ибн Маданий, Исҳоқ ибн Роҳувайх, Ибн Маҳдий, Абу Убайд Қосим ибн Салом ва бошқалар шогирд сифатида ҳадис ўрганганлар. Уламолар бир овоздан у ҳақда ҳадис илми пешволаридан, кўп ҳадис ёдлаган, чуқур илмли, тақводор, пок ва ишончли, ростгўй инсон эканини айтганлар.

Яна таба‘а тобе‘ин муҳаддис уламоларидан бири Абу Суфён Ваки‘ ибн Жарроҳ ибн Малиҳ ибн Адий (127-197/745-813) эди. У ҳофиз ва муҳаддис бўлиб, ҳадис, фикҳ ва бошқа илмлар соҳасида Куфа аҳлининг имоми бўлган. Ироқнинг Куфа шаҳрида таваллуд топган. Ҳадис илмини Аъмаш, Ҳишом ибн Урва, Абдуллоҳ ибн Авн, Ҳанзала ибн Абу Суфён, Ибн Журайж, Шарик ибн Абдуллоҳ, Авзо‘ий, Суфён Саврий, Суфён ибн Уяйна каби тобе‘инлардан олган. Уламолар Ваки‘нинг кўп ҳадис ёдлаган ҳадис илми олимларидан бири эканига, ўзининг тақводор, пок, ишончли ва ростгўй инсон эканлигига иттифоқ қилганлар.

Замондошлари бу олимнинг илмда, ҳифзда, санадларни келтиришда, бобларни ёдда сақлашда унга етадигани йўқ, деб таъкидлаганлар. Ҳадис билан бирга фикҳ илмини ҳам чуқур билар, биров ҳақида ғийбат қилмайдиган инсон бўлган. Ибн Муъин айтади: «Мен Вакиъ ибн Жарроҳдан бошқа Аллоҳ учун ҳадис сўзлайдиган бирор кишини кўрмадим. Мен учун у Суфёндан ҳам, Ибн Маҳдийдан ҳам, Абу

Нуаймдан ҳам махбуброқдир. Унинг ёдлаш қобилияти ҳам яхши. У ўз замонасида Авзо‘ий каби буюклар қаторида эди».

Суфён Саврий номи билан танилган Абу Абдуллоҳ Суфён ибн Саъид ибн Масруқ Саврий Куфий (97-161/716-778) Куфада туғилган таба‘а тобе‘ийнлардан биридир. Ҳадис илмини Абу Исҳоқ Субайъийдан, Абдулмалик ибн Умайрдан, Амр ибн Мурра ва бошқа тобиий уламолар жамоасидан ўрганган. Суфён Саврийдан эса тобе‘ий уламолардан бўлган Муҳаммад ибн Ажлон ва Аъмаш, таба‘а тобе‘ийлардан Муаммар, Авзоий, Молик, Ибн Уяйна, Шуъба, Фузайл ибн Иёз, Абдуллоҳ ибн Муборак, Вакиъ ибн Жарроҳ, Абу Нуайм, Яҳё ибн Қаттон ва бошқа машхур имомлар ҳадис ривоят қилганлар. Уламолар Суфённинг ҳадис илмида юксак даража соҳиби эканлиги, фикҳда ижтиҳоди, зуҳд ва тақвода намуналиги, камтарона ҳаёт кечириши, ҳақиқатни гапириши ва бошқа фазилатлар эгаси эканлигига иттифок қилганлар. Абу Осим Саврийнинг ҳадис ривоятида «амир ал-муминин» бўлганини айтади.

Абдуллоҳ ибн Муборак: «Мен бир минг бир юз шайх ҳақида ёздим. Аммо Саврийдан кўра яхшироғини ёзмадим». Яҳё ибн Муин айтади: «Ким Саврийнинг сўзига хилоф сўзни айтса, албатта Саврийнинг сўзи ҳақ». Ибн Маҳдий айтади: «Саврийдан кўра яхшироқ ҳадис ёдловчини кўрмадим». Ибн Уяйна айтади: «Ибн Аббос, Шайбӣ, Саврий ўз замонасининг бекиёс билимдонлари эдилар», деган. Яна: «Мен Саврийнинг ғуломлариданман. Ҳалол ва ҳаромни у кишидан кўра яхшироқ биладиган одамни кўрмадим», деган. Авзоий, у кишининг олдида уламолар кетаётгани ҳақида гапирилганда, шундай деган: «Ҳа, улардан одамлар жону дил билан қулоқ соладиганлари қолмади, фақат Саврий қолди». Аббос Даврий айтади: «Ибн Муъин ўз замонасида ҳеч бир нарсада ҳеч кимни Саврийдан муқаддам қўймас эди».

Саврий ўша даврда асос солинган ва эргашилган олти фикҳий мазҳаб асосчиларидан бири эди. Қолган бештаси – Абу Ҳанифа, Молик ибн Анас, Муҳаммад ибн Идрис Шофи‘ий, Аҳмад ибн Ҳанбал, Абу Амр Авзоий эдилар. Суфён Саврий 161/778 йилда Ироқнинг Басра шаҳрида вафот этди.

Улардан ташқари Суфён ибн Уяйна (ваф. 197/813 й.), Абу Бистом Шўъба ибн Ҳажжож ибн Вард Аткий Аздий Воситий Басрий (ваф. 160/777 й.), Абу Саид Абдуллаҳмон ибн Маҳдий ибн Ҳассон ибн Абдуллаҳмон Анбарий Басрий Луълуий (ваф. 198/814 й.), Абу Амр

Абдуррахмон ибн Амр Шомий Димашкий (ваф. 157/774 й.), Абул-Хорис Лайс ибн Саъд ибн Абдуррахмон Фаҳмий Мисрий (ваф. 165/782й.) ва бошқалар ҳам ана шу даврда яшаб ҳадис илми билан шуғулланганлар.

Бу даврда яна бошқа кўплаб муҳаддислар етишиб чиққанлар. Уларнинг асосий хизматлари ҳадисларнинг келгуси авлодга етиб келишига қўшган улкан ҳиссалари эди.

ҲАДИС:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ قَالَ اغْذُ عَالِمًا أَوْ مُتَعَلِّمًا أَوْ مُسْتَمِعًا وَلَا تَكُنِ الرَّابِعَ فَتَهْلِكَ

Абдуллоҳ ибн Масъуд айтади: Олим бўл, ёки таълим олувчи ва ё тингловчи бўл, аммо тўртинчиси бўлмагинки, ҳалок бўлурсан.



Мавзу бўйича саволлар

1. Қайси халифа даврида ҳадисларни ёзма равишда жамлашга катта эътибор қаратилди?
2. Ҳадисларни жамлашда Ибн Шихоб Зухрий қандай ўрин тутган?
3. Биринчи ҳадис тўпламларининг ёзилиш тартиби қандай бўлган?
4. Энг биринчи ҳадис тўпламлари қайсилар?
5. Биринчи ҳадис тўпламлари муаллифларидан кимларни биласиз?
6. Имом Молик ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?
7. Имом Шофеъий биографиясига оид нималарни биласиз?



Топшириқлар

1. Илк ҳадисга оид жамланган тўпламлар рўйхатини тузинг.
2. Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг ҳадис илми ривожига ҳиссасини кўрсатиб беринг.
3. Имом Моликнинг ҳаёти ва “Муватто” асари ҳақида маълумот беринг.
4. Ҳадис ровийлари орасида Суфён Саврийнинг тутган ўрнини ёритинг.

Мустақил иш мавзулари:

1. Имом Аъзам, Имом Молик ва Имом Шофийнинг оҳод хабар ҳақидаги фикрлари.
2. Муснад ҳадис тўпламлари.
3. Имом Моликнинг “Муваддо” асарига ёзилган шарҳлар.
4. Имом Шофеийнинг фикҳ илми ривожига тутган ўрни.



Адабиётлар

1. Раҳимжонов Д., Муратов Д. Ҳадисшунослик (ўқув қўлланма). – Т.: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2010.
2. Уватов У. Донолардан сабоқлар: – Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1994.
3. Уватов У. Иймон нури. – Т.: Ёзувчи, 1996.
4. Большаков О.Г. История Халифата. 1. Ислам в Аравии (570-633). М., 1989.
5. Ибн Аби Шайба. Мусаннаф. – Байрут. Дор ал-фикр, 1998.
6. Молик ибн Анас. Ал-Муваддо. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. Нашр йили кўрсатилмаган.
7. Harald Motzki. Hadith. Origins and Developments. — (The Formation of the Classical Islamic World). – Burlington: Ashgate, 2004.
8. Juynboll G.H.A. Muslim tradition. – London: Cambridge university press. 1983.

РЕЖА:

1. Ҳадис илмининг шаклланиши
2. Ҳадисларни танқидий ўрганиш.
3. Ишончли ҳадис тўпламлари таснифи.
4. Буюк муҳаддислар ва уларнинг асарлари.

 **Таянч иборалар:** *Муҳаддис, Ҳадис илми, Сиҳоҳи ситта, ал-Қутуб ат-тисъа, Жомеъ, Сунан, Мусаннаф, Иснод, Сулосиййот, Қуссос.*

 **1. Ҳадис илмининг шаклланиши.** III/IX аср ҳадис илми тарихида олтин давр ҳисобланади. Чунончи VIII асрнинг ўрталаридан бошлаб тобора ривожланган ҳадис илми билан кейинги икки-уч аср давомида тўрт юздан зиёд муаллифлар шуғулландилар. Ҳаттоки, бу даврда ҳадисларни ишончли манбаларга асосланиб, маромига етказиб илмий равишда тартибга солиш олимлар орасида энг сеvimли, зарурий машғулот даражасигача етди. Шунингдек, бу асрда тўпланган ҳадислар илмий нуқтаи назардан муайян қонун-қоидаларга таянган ҳолда тартибга туширилди. Ҳижрий иккинчи асрда ҳадис фикҳ илмининг бир бўлаги сифатида ўрганилган бўлса, учинчи асрга келиб, алоҳида соҳа бўлиб ажралиб чиқди ва мустаҳкам асосга эга бўлган мустақил илм сифатида қарор топди. Ҳадис илмининг фикҳ илмидан алоҳида фан сифатидаги фарқини биринчи бўлиб Имом Шофийий кўрсатиб берди.

III/IX асрда ҳадисларни ўрганиб, уларни саҳиҳ ва заифга ажратган, тадвин қилиб китобларга жамлаган олимларни тўлақонли «муҳаддис», яъни «ҳадис илми» билимдони дейиш мумкин. Дарҳақиқат, ҳадисларнинг бу даврга етиб келишида илк ровийларнинг хизматлари бекиёс. Аммо, улар асосан, ҳадисларни ёдлаш, жамлаш, ривоят қилиш билан шуғулланган эдилар. III/IX асрга келиб ҳадисларни ўрганишга эҳтиёж, шу билан бирга, сохта ҳадисларнинг кўпайиб кетиши ҳадиснинг алоҳида «ҳадис илми» сифатида шаклланишига олиб келди. Мазкур илм билан шуғулланган олимлар «муҳаддис» деб аталди.

Ислом дини турли ўлкаларга ёйилгач, ажам халқларида ҳадислар ва шаръий аҳкомларни билиш ҳамда улар воситасида Қуръони карим маъноларини тушунишга эҳтиёж кучайди. Шу сабабли ҳадис айтувчиларни излаб топиш, уларни аниқлаш мақсадида турли ўлкаларга хар хил сафарлар кўпайди. Вақт ўтиши билан ҳадис ривоят қилувчи

кишиларнинг кўплигидан уларни аниқ билиш, санадини текшириш, улар ўртасидаги тафовутларни аниқлаб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш каби қатор масалаларни ўрганадиган махсус илм – «*улум ал-ҳадис*» яъни «*ҳадис илмлари*» пайдо бўлди. Ҳадис илмининг шаклланиш ва ривожланиш тарихининг асосий даври намояндалари – табаъа тобиййлар табақасига мансуб муҳаддислар ҳадисларни тўплаб, китоблар ҳолига келтирдилар. Чунки ислом давлатининг чегараси кенгайиб бориши билан турли халқлар, динлар, мазҳаблар, миллат ва элатлар вакиллари исломни қабул қилдилар. Албатта, уларнинг ёдлаш қобиляти, араб тилини билиш даражаси, эътиқоди ва бошқа омиллар динни тушунишда қийинчилик туғдирар эди. Бундан ташқари сиёсий фитналар чиқиб, турли жанжаллар бошланди, хилма-хил фирқалар юзага келди. Орада ҳам қуролли, ҳам фикрий, ҳам ғоявий курашлар авж олди. Ҳар тараф ўзининг ҳақлигини исботлашда турли воситалардан фойдаланиб, Қуръон ва Суннатдан далил келтиришга уринар эди. Бундай ҳолларда ноҳақ томон Қуръонни ботил таъвил қилишга ва ичидан тўқиб чиқарган гапни *ҳадис*, деб ёлғон даъво қилишга ўта бошлади. Уламолар бундай сохта ҳадисларни *мавзу*⁴ (сохта, тўқилган) ҳадис деб атадилар.

Хижрий III асрга келиб низолар янада кучайди, айниқса, Халифа Маъмун даври (813-833)да фикр, назария эркинлигига имконият яратилиши натижасида мутакаллимлар, мўътазилийлар ва муҳаддислар орасидаги курашлар авж олиб кетди. Маъмун бир томондан илмни юксалтирган, қарама-қарши гуруҳ уламоларини айрим ақидавий ва имоматга боғлиқ масалаларда бир тўхтамга қилишларига қўндирган бўлса-да, баъзи масалаларда мўътазилийлар фикрига қўшиларди. Унинг 827 йили Қуръоннинг яратилганлиги (*махлуқ*) борасидаги фикрга қўшилиши, 833 йили Бағдод ҳокимига юборилган мактубида дин арбобларини имтиҳон қилдириш (*миҳна*), Қуръонни «махлуқ» демаган уламоларни кофир санаб, фатво чиқариш ва ривоят қилишларини таъқиқлаш, уларни қамоққа олиш, ҳатто ўлдириш ҳақида берган фармони муҳаддислар ҳаёти ва фаолиятига катта таъсир кўрсатди. Бу ҳол кейинги халифалар – Мўътасим (833-842) ва Восиқ (842-847)лар замонида ҳам кескин тус олган. Бу ҳолатни ўрта аср Европасидаги инквизицияга киёс қилиш мумкин. Лекин вақт ўтиши билан, Восиқ халифалигининг сўнгги йилларида бу масала ижобий ҳал бўлиб, Мутаваккил ибн Мўътасим 847 йили тахтга ўтирган

вақтдан бошлаб миҳна бекор қилиниб, муҳаддисларга муносиб эътибор берила бошланди. Мовароуннахрлик муҳаддисларнинг ҳам Бағдодга чақирилиб, миҳна қилдирилишлари ҳақида манбаларда маълумотлар мавжуд. Аммо Имом ад-Доримийнинг бу даврдаги фаолияти, сўроққа тортилиши ҳақида аниқ маълумот топилмади. Фақат туркиялик тадқиқотчи Абдуллоҳ Айдинли: «Замонасининг муҳим сиёсий ва эътиқодий масалаларидан бири бўлган «Қуръон махлуқми ё махлуқ эмасми?» мавзусида у ҳам имтиҳон қилинди, хато жавоб беришдан қочди», деб таъкидлайди.

Шунингдек, бу даврда ўзини аҳли ҳадис тоифасига мансуб билувчи, аслида ҳадислар айтишни касб қилиб олган, шариат ҳукмларидан беҳабар бўлган, Муҳаммад Абу Заҳв ибораси билан айтганда, «сергап-вайсаки ва фирибгар қиссачи (*қуссос*)лар гуруҳи» ҳам фаолият кўрсатган. Қиссачилар айтаётган ҳадислари ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасликлари, шаръий ҳукм сўралганда аниқ жавоб бермай, шариатга зид фатво беришлари билан танилганлар. Манбаларда уларга нисбатан «ўтин ортилган эшаклар» деган ибора ишлатилган. Қуссосларга нисбатан айтилган баъзи фикрлар, гоҳида ноўрин муҳаддислар шаънига тегиб ўтган. Аммо муҳаддислар саҳоба, тобиий ва улардан кейинги салафларнинг йўлида юришган, ҳадис ривоят қилганда эҳтиёткор, собит бўлганлар. Матнларнинг зоҳири билан кифояланиб, оммага шарҳларни очиб бермаганлар, фаҳмлари етмаган нарсаларга аралашмаганлар. Демак, аҳли ҳадисга нисбатан айтилган турли таъналар буюк имом, ҳофиз муҳаддисларга эмас, балки қуссосларга нисбатан ишлатилган. Кўпчилик олимлар тўқима ҳадислар сиёсий ихтилофлар натижасида юзага келган бўлса, халқ орасида қуссослар орқали тарқалганлигини билдирадилар.

Муҳаддислар Пайғамбар (с.а.в.)нинг суннатларини асл ҳолида келажак авлодга етказиш учун ишончли, адолатли ривоятларни олиб, уни соф ҳолда, ҳар қандай сохталиклардан холи бўлган ҳолда тўпладилар. Улар ҳадисларни «*санад*» (иснод) ва «*матн*» қисмларига бўлиб ўргандилар. «*Санад*» сўзи араб тилида «суянчиқ», истилоҳда «ҳадис матнига олиб борувчи йўл», «ровийлар занжири» деган маънони англатади. Иснодда ривоят қилувчи (*ровий*)ларнинг исмлари (гоҳида *қуня*, *лақаблари*) кетма-кет келиб, охири шу ҳадисни ривоят қилган шахс билан якун топади. М., «*Менга фалончи, у уни фалончидан, у фалончидан, ... у эса фалончидан қуйидагини хабар қилди.*». Иснодни

текширишда ҳар бир ровийнинг ҳаёт йўллари, насл-насаблари, имон-этиқоди, ислом динига нечоғли амал қилиши, адолатлиги, зеҳн-идрок даражаси ва бошқа кўплаб сифатлари пухта ўрганиб чиқилган. Исодсиз ҳеч қандай ҳадис қабул қилинмаган. Бу борада Муҳаммад ибн Сириннинг: «Сизлар тўплаётган нарсаларингиз бу диндир. Шунинг учун сизлар динингизни кимдан олаётганлигингиз ҳақида ўйлаб кўринг!», Абдуллоҳ ибн ал-Муборакнинг: «Исод – диннинг бир бўлагидир. Агар исод бўлмаганда эди, ким нимани хоҳласа гапираверарди» сўзлари фикримизнинг яққол далилидир.



“Санад” сўзи араб тилида “суянчиқ”, истилоҳда “ҳадис матнига олиб борувчи йўл”, “ровийлар занжири” деган маънони англатади.

Ҳадиснинг *матни* ўрганилган. Бунда унинг лафзи ва маъноси, Қуръонга зид келмаслиги, шунга ўхшаш бошқа ривоятлар билан солиштирилганда мос тушиши (мос тушмаса бошқа кучли ровийнинг ҳадиси олинган), матннинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилингандан кейин муҳаддис уни қабул қилган.

Ҳадис илмлари асосан 7 йўналишда ривожланди:

1-Ҳадисларни, ровийларини адолат ва забот жиҳатидан саралаш илми (илм ал-жарҳ ва-т-таъдил);

2-ҳадис ровийларини билиш илми (илм риҷол ал-ҳадис);

3-ҳадисларнинг ихтилофли жиҳатларини ўрганувчи илм (илм мухталиф ал-ҳадис);

4-иллатли ҳадисларни билиш илми (илм илал ал-ҳадис);

5-ривояти битта ровий билан ёлғизланиб қолган ҳадисларни билиш илми (илм ғариб ал-ҳадис);

6-бир шаръий ҳукм келган ҳадисни бошқа бири билан амали тўхтатилишини ўрганувчи илм (илм носих ал-ҳадис ва мансухуҳу);

7-ҳадисларнинг ворид бўлиши сабабларини билиш илми (илм асбаб вуруд ал-ҳадис).



2. Ҳадисларни танқидий ўрганиш. Илк ислом даврларидан бошлаб сохта ҳадислар сонининг тобора кўпайиб кетиши мусулмон олимлари олдига уларга нисбатан танқидий ёндашиш заруратини қўйди. Бу, албатта, мусулмон олимлари этиборидан четда қолмади

ва улар ўзига хос, аввалги ровийлардан фарқли ҳадисларни танқидий ўрганиш услубини ишлаб чиқдилар.

Муҳаддислар ҳадис илмларини мукаммал эгаллаб, ушбу илмларни ривожига катта ҳисса қўшдилар. Имом Муслим ўзининг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асарининг муқаддима қисмида устози Имом Доримийнинг: «Агар ровий ишончли (*сиқа*), забтли (муҳаддис шартларини тўлиқ қамраб олган), такводор (*муттақин*) бўлсагина, ундан ҳадисни қабул қилинг!» деб айтган сўзларини келтиради. Одатда ровийлар ўзларининг бир гуруҳ шогирдларига ҳадисларни ривоят қилганлар. Бир неча ҳадислар билан қиёслаганда исноди ва матни аниқ келган ҳадисни ривоят қилган ровийларни энг ишончли (*сиқа*), аниқ ва беҳато ривоят қилувчи (*собит*, *зобит*), энг яхши эслаш қобилиятига эга бўлган (*ҳофиз*) каби сифатлар билан тавсифлаганлар. Иснодаги ровийлар одил (*одил*) – диннинг барча қўрсатмаларига аниқ амал қилиши билан шуҳрат қозонган, ҳолис ниятли, вазмин, энг устивор мақсади улуғ ажрлар олиш умидида ҳадисни ёйиши ва суннати аниқ ҳамда беҳато етказа олиш қобилиятига эга бўлиши, араб тилини яхши билиши ва бошқа шу каби ҳислатлар соҳиби бўлиши талаб қилинган. Ушбу талаблардан айримлари бажарилмаган ҳолатда ҳадиснинг ишончилилик даражаси камайган. Баъзан ровийнинг сиҳҳатига шубҳа бўлса, қўшимча талаб билан эътиборга олинган. Жумладан, буюк муҳаддис Закариё ибн Адий ўз шогирдларига Бақиййа (ваф.197/813 й.) исмли ровийдан фақат у таниқли (ишончли, машхур) ровийлардан ривоят қилсагина хабарини қабул қилишни, агар танилмаган ровийлардан бўлса, ёзмасликни уқтирган. Исмоил ибн Айёш (ваф. 181/798 й.) дан эса умуман ҳадис ривоятини қабул қилишдан қайтарган. Бу эса муҳаддислардан ҳадисларни ҳар томонлама ўрганиб, сараланган ҳолда ўз асарларига қайд этишни талаб этган.

II/VIII аср охири – III/IX аср бошларида ҳадис илмида ровий аҳволини ўрганувчи «Илм ар-рижол» соҳаси кенг ривожланди. Мазкур соҳа ҳар бир муҳаддисдан ровийларнинг силсиласини жуда аниқ ва мукаммал ўрганиш талаб қилди. Хусусан, силсиладаги ҳар бир ровий алоҳида объект сифатида олиниб, бутун ҳаёти диққат билан ўрганилди ва маълумот тўпланди. Ҳадис ровийси кимлигини билмасдан туриб ундан ҳадис ривоят қилиш мумкин бўлмаган. Муҳаддисдан исмлар, қуналар, лақаблар, насаблар, туғилган ва вафот саналарини жуда яхши билиш талаб қилинди. Али ибн ал-Мадиний (ваф.233/848 й.) ҳам бу

илм ҳақида: «Ровийларни билиш илми – бу ҳадис илмининг ярмига тенг», деб бежиз таъриф бермаган.

Кейинги даврда ҳадис илми соҳалари ичида асосий ҳисобланган «илм ар-рижол» бўйича бир қанча асарлар ёзилди. Лайс ибн Саъд (ваф.175/792 й.), Ибн ал-Муборак (ваф.181/798 й.), Замра ибн Робиъа (ваф.202/818 й.), Фазл ибн Дакин (ваф.218/833 й.), Имом Бухорий, Термизий ва бошқа муҳаддислар бу соҳада асарлар таълиф этдилар. Яна бир гуруҳ муҳаддислар «илм ар-рижол» бўйича махсус асар ёзмасаларда, ўзларининг ҳадис тўпламларида бу соҳага оид ўз фикрларини билдириб ўтадилар. Бунда асосан тобиийларнинг тарихига катта эътибор берилган. Жумладан, Имом Доримий «Сунан»ида ҳадис иснодида келтирилган исмнинг ё тўлиқ шакли, ёки у ҳақда қўшимча маълумот берган, ё бўлмаса ҳадисда келтирилган исмдаги хатоликни кўрсатиш, уни тўғрилаш, тўлдириш учун аниқлик киритган. Масалан, «Абу Нуъайм: Убайдуллоҳ ибн Рифоъа – Исмоил ибн Убайд ибн Рифоъадир, деб айтган», «Абу ал-Ҳавро (ас-Саъдий)нинг исми Рабиъа ибн Шайбон», «Абдулҳамид ибн Зайд ибн Абдурахмон ибн Зайд ибн ал-Хаттоб, у Умар ибн Абдулазизнинг Куфадаги валийси бўлган», тарзидаги ровийлар тарихига оид изоҳларни ҳадис матнидан сўнг келтириб ўтади.

Имом Муслим эса бирон бир ҳадис қабул қилишда ровийлар замондош, яъни бир вақтда яшаб, учрашиб кўришишлари мумкин бўлса етарли, деб ҳисоблаган. У ҳам устозларидан ҳадис илмининг жарҳ ва таъдил, илм ар-рижол соҳалари бўйича таҳсил олиб, ўз билимларини «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асарида келтириб ўтган. Жумладан, «Абу Нуъайм (ваф. 218/833 й.): «Муъалло ибн Урфон менга Абу Воил (ваф.82/701 й.) нинг: «Сиффинда Ибн Масъуд бизга қарши чикди», деб айтди. Шунда мен (Абу Нуъайм): «Сиз уни қайта тирилган деб ўйлаяпсизми?», деб жавоб қайтардим». Маълумки, саҳоба Абдуллоҳ ибн Масъуд Мадинада ҳижрий 32 (653) йилда вафот этган бўлиб, Сиффин жанги эса ҳижрий 37 (658) йилда бўлиб ўтган. Демак, ривоят тўқима бўлиб, ундаги келтирилган маълумот уйдирмадир. Шунинг учун ҳам муҳаддислардан ҳадис илмларининг барчасини мукамал эгаллаш, айниқса, ҳадис иснодини аниқ билиш талаб этилган. Шунга кўра, ҳадисларни саралаш асосан уларнинг *иснод*лари бўйича олиб борилган. Иснодни танқидий ўрганиш услуби статистик тадқиқотларга ўхшаш бўлиб, муҳаддис

бир ҳадиснинг барча машхур вариантларини тўплаб, сўнгра уларнинг иснодларини қиёслабгина, аниқ бир хулосага келган.



3. Ишончли ҳадис тўпламлари таснифи. II/VIII асрнинг иккинчи ярми – III/IX асрнинг бошларида ислом дунёсида қисқа, муайян мавзулардаги ҳадис тўпламларини ёзиш авж олди. Бу шу даврнинг диний-сиёсий муҳити ва ҳуқуқий ҳолатининг талаби эди. Чунки турли фирқалар ўртасидаги мафкуравий курашларнинг авж олганлиги турли даражадаги сохта ҳадисларнинг кўпайишига олиб келди. Бу эса муҳаддис-олимлар олдига катта масъулиятли вазифани – саҳиҳ ҳадисларни ажратиб беришни қўйди. Муҳаддислар саҳобаларнинг сўзлари ҳамда тобиийларнинг фатволари билан қўшиб қайд этилган китоблардаги ҳадисларни саралашга, уларни саҳиҳ ва заиф даражаларини ўрганишга эътибор қаратдилар. Имом Муслим «Саҳиҳ»ида Ибн Сириндан қуйидаги маълумотни келтиради: «Авваллари иснод тўғрисида сўралмасди. Фитна бошлангандан кейин эса ҳар бир ровийдан (ўзидан) илгари кимлар ривоят қилганлигини сўраш бошланди».

IX асрда ҳадис тўпламлари ҳар бир саҳоба ривоят қилган ҳадисларни алоҳида тартибда берилган *муснад* услубида ёзилган. Ҳадислар мавзу бўйича келмагани учун бир неча тўпламларни кўриб чиқиш керак бўларди. Муснад китобларида талок, никоҳ ҳақидаги ҳадис, рўза ёки закот ҳақидаги ҳадис билан бир ўринда келиши мумкин. Чунки бундай тўпламларда ровий, яъни ривоят қилувчи саҳоба эътиборга олинади. Аввал бир саҳоба қанча ҳадис ривоят қилган бўлса, барчаси бирин-кетин келтирилади. Кейин иккинчи саҳобага ўтилиб, у киши ривоят қилган ҳадислар келтирилади. Ҳадислар тартиби ривоят қилувчи саҳобаларнинг ислом динини қабул қилган даврларига қараб ёки алифбо тартибида бўлиши мумкин. Саҳобалар тартиб бўйича жойлаштирилганда, аввал ўнта «*жаннатий*» деб башорат қилинганлар (*ашаран мубашира*), улардан кейин «Бадр жанги»да қатнашганлар, сўнг «Худайбия сулҳи» қатнашчилари, кейин Худайбия билан Макка аҳолиси исломга киргунга қадар ўтганлар, сўнг Макка фатҳ этилганда исломга кирганлар ундан кейин кичик саҳобалар ва ниҳоят ровия аёлларнинг номлари берилади. Аҳмад ибн Ҳанбалнинг (ваф. 241/855 й.) «Мусна д» тўплами мазкур услубда ёзилган бўлиб, унинг ушбу асаридаги ҳуқуқий қарашлари, қавллари ва фатволари шахсий мазҳаби ҳанбалийликда намоён бўлган. У ҳадис тўплаш ниятида Ҳижоз, Яман, Куфа ва Басрага кўп саёҳат

қилиб, 700 ровийдан 40000 дан ортиқ ҳадисни жамлаган «Муснад ал-Имом Аҳмад» асарини яратган. Муҳаддислар муснад китобларида ровийлар номини алифбо тартиби бўйича жойлаштириб, ҳадисларни иснодлари билан келтирилган ҳолда ҳам тўплаганлар. Муснадларни бу услубда Исҳоқ ибн Роҳувайҳ (161-238/777-854), Усмон ибн Абу Шайба (159-235/775-851), Имом ат-Табароний (ваф. 290/903 й.) ва бошқалар таълиф этганлар.

Моликий мазҳаби асосчиси Молик ибн Анас (713-795) ўзининг «ал-Муваatto» («Оммавий, барчага тушунарли» маъносида) асарини ҳадисларни муайян фикҳий мавзулар бўйича жойлаштириш тартиби билан тузган. Пайғамбар, саҳобалар ва тобиийларнинг фикҳга оид қарашлари, қарорлари ва қавллари асарида жамланган. У бир нечта матнларда тарқатилган, бироқ ҳозирга қадар Абу Ҳанифанинг шогирди Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ва Яҳё Лайсий (ваф. 234/848 й.)нинг ривоятлари ҳамда уларга ёзилган изоҳлар етиб келган ҳамда тунислик Али ибн Зиёд (ваф. 184/800 й.), Абдуллох ибн Ваҳб Қураший (197/813 й.) талқинидаги нусханинг қисмлари сақланиб қолган. Моликнинг «Муваatto»сига ўша даврнинг уламолари юксак таъриф бериб, уни Қуръондан кейинги энг саҳиҳ китоб, деб тавсифлаганлар. Ушбу асар кейинги даврда ёзилган ҳадис тўпламларига бир намуна бўлди.

IX аср мавжуд ҳадис тўпламларни қайта ишланган ҳолда уларни турли мавзулардаги боблар бўйича тасниф қилиб, *мусаннафлар* ёзиш даври бўлди. Бу эса ҳадислардан фойдаланиш учун анча қулайлик туғдирди. Ислоом оламида шундай мусаннафлардан олтитаси алоҳида эътиборга молик саналади. Энг катта обрўга эга бўлган *саҳиҳ ҳадислар* тўпламлари Имом Бухорий (194-256/810-870) ва Имом Муслим (206-261/821-875), «икки шайх» (*аш-шайхани*)нинг «ал-Жомий ас-саҳиҳ» тўпламларидир. Бу китоблар ўз ичига биографик маълумотлар, Қуръон оятларига тафсирлар, диний қонун-қоидалар, ижтимоий ва шахсий ахлоқ мезонларини ҳам қамраб олди. Уларнинг ишончлилик даражаси бошқа тўпламлардан кўра анча юқори ҳисобланади. Ушбу асарлар яратилган даврга қадар *саҳиҳ* сўзи фақат иснодларнинг энг ишончли даражасини сифатлашдагина ишлатилган бўлса, кейинчалик бу ибора ҳадис тўпламларига нисбатан қўлланила бошланди. Кейинги даврларда олимлар икки шайхнинг ривоятлари энг ишончли бўлганлиги боис, ҳадисларни ривоят қилганларида «*Бухорий ривояти*», «*Муслим ривояти*», «*Муттафақун алайҳи*» ибораларини қўллаб, ҳадисни

саҳиҳлигини ифодалаганлар. Ҳар икки асар деярли бир хил ҳажмда бўлиб, Имом Бухорий ўз «Саҳиҳ»ида 7275 та ҳадисни (такрорсиз 4000 ҳадис) 97 боб(китоб)да келтирса, Муслим 4000 ҳадисни 54 боб (китоб)да келтиради. Икки асарнинг фарқли томонлари билан бирга умумий, ўхшаш жиҳатлари мавжуд. Имом Бухорий Муслим ривоят қилмаган 434 ровийдан ҳадис ривоят қилган бўлса, Муслим Бухорийда учрамаган 625 ровийдан ҳадислар ривоят қилади. Уларнинг мақсади барча ҳадисларни йиғишдан иборат бўлмай, фақат саҳиҳ ҳадисларни жамлашдан иборат эди. Улардан кейин ҳам ҳадисларни тўплаш борасида кўпгина ишлар олиб борилди.

Ҳадис тўпламларининг таснифлашнинг яна бир усули – «Сунан»дир. Бу йўналишдаги асарларда нафақат *саҳиҳ* ҳадислар, балки ҳасан ҳадислар ҳам келтирилади. Муҳаддислар «Сунан»ларда ҳар бир ҳадиснинг даражаларини кўрсатибгина қолмай, балки уларни фикҳий бобларга ажратадилар. Ҳадислар деярли бирор фикҳий мазҳаб ёки фикр аралаштирилмаган ҳолда бобларга бўлиб жойлаштирилган бўлади. Мисол учун, «Таҳорат китоби»га таҳоратга тегишли ҳадислар жамланган. «Китоб ас-салот»да эса намозга тегишли ҳадислар келтирилади ва ҳоказо. Бу йўналишда Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас Сижистоний (ваф. 275/888 й.) «Сунан» ёзишни бошлаб берган. Асарда 281 ровийдан 2 767 та ҳадис ривоят қилинган бўлиб, унинг муаллифи Абу Довуд иснодларни чуқур тадқиқ қилиб ҳадис ўрганган ровий – Шуъбадан ривоят қилинган ҳадислар билимдони сифатида танилган. Ушбу асар кейинги даврлар мобайнида асосан ҳадисларни қиёсий таҳлил қилишда катта аҳамият касб этди. Шунингдек, Абу Довуд, Имом Доримий ва Бухорийларнинг шогирди Муҳаммад ибн Исо Термизий (209-279/824-892) ўзининг «Сунан»ига халифаликнинг турли ҳуқуқий мактаблари вакиллари ўртасидаги баҳс-мунозараларда кенг фойдаланилган ҳадисларни жамлаган. У ҳадис иснодларини танқидий ўрганиб, уларни қуйидагича таснифлайди: *саҳиҳ*; *ҳасан*; *ҳасан саҳиҳ*; *ғариб*; *заиф* ва ҳ.к.

Аҳмад ибн Шуайб Насоий (215-303/830-915) эса «Сунан» асарида исноддаги ровийлар ҳақидаги маълумотлар билан ҳадисларнинг турли матнларига эътибор берди. Баъзи ўринларда ҳадис ровийлари ва матнларига ўз баҳосини бериб ўтиши, турли қарашларга эга бўлган ҳадисларни ўзаро таққослаб кўрсата олганлиги унинг асарининг илмий қийматини оширади. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн

Можа ар-Рабиъий ал-Қазвиний (209-273/ 824-886)нинг «Сунан»и эса машхур ишончли ҳадис тўпламлари таркибига кейинроқ киритилган. Чунки унда ишончли бўлмаган, бировларнинг исмларини ўзлаштирган ровийларнинг ҳам ҳадислари жамланган, лекин уларнинг баъзилари кейинги даврларда ўзини ишончилигига эришди. Сунан усулида ёзилган ушбу тўрт китоб Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»ларига қўшилиб, «*Олти саҳиҳ*»ни ташкил этган.

Яна бу муҳаддислар қаторида Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон Доримий Самарқандийни (181/798-255/869) ҳам айтиб ўтиш лозим. У Имом Бухорийнинг устозларидан бири бўлиб, «Сунан ад-Доримий» асарини Сомонийлардан Самарқанд амири Аҳмад ибн Яҳё ибн Асад даврида ёзиб тугатди. Баъзи олимлар Имом Доримийнинг «Сунан» асарини «Сихоҳ ситта» китоблари жумласига киритиш фикрида бўлганлар. Улар Имом Доримийнинг китобида келтирилган ҳадислар Ибн Можанинг «Сунан»идагиларга нисбатан ишончлироқ, Ибн Можа ўз асарини Имом Доримийдан кейин ёзган, «Сунан ад-Доримий»даги ҳадислар иснодида ровийларнинг сони камроқ, яъни санади қисқа ва бошқа шу каби изоҳларни берганлар. Бироқ Имом Доримийнинг «Сунан» асари олимлар томонидан юқоридаги олти саҳиҳ китоблар, шунингдек, Молик ибн Анаснинг «ал-Муватто‘», Аҳмад ибн Ҳанбалнинг «Муснад»и билан бир қаторда «Тўққиз ишончли ҳадис тўпламлари» («*Кутуб тисъа*») ёки «Сихоҳ тисъа») ичида ишончли тўплам сифатида тан олинди.



Сихоҳ тисъа - тўққиз ишончли ҳадислар тўпламлари. Уларга Ислом аҳли ва уламолари томонидан энг ишончли деб топилган ҳадислар тўпламлари – Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий, Имом Абу Довуд, Имом Насоий, Ибн Можа, Аҳмад ибн Ҳанбал, Молик ибн Анас, Имом Доримийларнинг асарлари киритилган.

Аҳли калом ва аҳли ҳадис ўртасида мавжуд бўлган турли ихтилофли вазиятларда қўлланилган ҳадисларни ўзида жам этган – Имом аш-Шофеъий ва Али ибн Мадинийларнинг «Ихтилофал-ҳадис» асарлари, Ибн Қутайбанинг «Таъвил мухталаф ал-ҳадис фи радди ала аъдо ал-ҳадис» каби асарлари киради. Бундан ташқари анъанавий ислом

тарафдорлари бўлган муҳаддислар мўътазила, жаҳмия ва бошқа ақидавий оқимларга қарши раддия сифатида ўз асарларини яратдилар. Жумладан, Аҳмад ибн Ҳанбал, Усмон ибн Саъид Доримий, Абдурахмон ибн Абу Ҳотамлар «ар-Радду ала-л-жаҳмия» номли асарларини ёздилар.

Ушбу тўпламлардан ташқари муҳаддислар томонидан яна бир услубда ёзилган асарлар тури ҳам юзага келди-ки, у фақат шу асрга хос ва мос бўлган. Бу турдаги асарлар «Сулосиёот» («Учликлар») номи билан аталган. «Сулосиёот»ларда ўз номидан келиб чиқиб, фақат уч ровийлар томонидан ривоят қилинган ҳадислар жамланган. Бунда асар муаллифи (муҳаддис) ҳамда Расулulloҳ (с.а.в.) ўртасидаги ровийларнинг сони уч кишидан иборат бўлган. Бу услубда Имом Доримий, Имом Бухорий, Абу Исҳоқ, Абд ибн Ҳумайд, Имом Термизий каби муҳаддислар асар таълиф этганлар.

Шундай қилиб, аввалги даврларда кенг тарқалган, сохта мафкураларни тарқатиш, ғаразли мақсадларда тўқилган сохта ҳадислар III/IX асрга келиб иснод ва матн қисмлари бўйича чуқур ўрганилиб, турли даражалар бўйича сараланди.

IX аср – ҳадис илмининг «олтин асри»га айланди. Ҳадисларнинг «муснад», «жоме» ва «сунан» шаклидаги катта ҳадис тўпламлари, ўзида кўплаб ҳадисларни жамлаган тарихий-биографик услубдаги, шунингдек, фикҳий, ақидавий ҳадисларни ўзида мужассам этган алоҳида асарлар ҳам яратила бошланди. Ҳадис тўпламларини тузиш бўйича янги бир услуб – уч ровийли (*сулосиййот*) ҳадисларни алоҳида тўплам қилишга асос солинди.

Мовароуннаҳрлик муҳаддислардан Имом Бухорий ва Имом Термизийлар ислом оламида эътироф этилган «олти саҳиҳ» ҳадис тўпламлари муаллифлари бўлдилар. Имом Доримийнинг «Сунан» асари ўзининг қиймати жихатидан улардан кам бўлмаган. Ушбу асар II/VIII асрнинг иккинчи ярми-III/IX асрнинг бошларидаги диний-сиёсий муҳит ва ҳукукий ҳолатнинг талаби сифатида юзага келди. У ислом дунёсида турли фиркаларнинг мафкуравий курашлари авж олиши натижасида тарқалган сохта ҳадислардан саҳиҳларини ажратиб бериш мақсадида тузилди.

Ҳижрий учинчи асрда қуйидаги муҳаддислар фаолият кўрсатдилар:

а) муснад услубида:

1. Саид ибн Мансур Марвазий (ваф. 227/842 й.).

2. Абу Бакр ибн Абдуллоҳ ибн Абу Шайба (ваф. 235/850 й.).
3. Абу Бакр Аҳмад ибн Амр Баззор (ваф. 229/844 й.).
4. Абу Абдурахмон Бақий ибн Махлад Андалусий (ваф. 276/889 й.).
5. Абу Саид Усмон ибн Саид Доримий (ваф. 280/893 й.).
6. Абу Муҳаммад Абд ибн Ҳумайд ибн Наср Кешший (ваф. 249/863 й.).
7. Абу Муҳаммад Ҳорис ибн Муҳаммад ибн Абу Усома Тамимий (ваф. 282/895 й.).

8. Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ханбал Шайбоний (ваф. 240/855 й.).

б) саҳиҳ услубида:

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (ваф. 256/870 й.).
2. Муслим ибн Ҳажжож Кушайрий (ваф. 261/875 й.).

в) сунан услубида:

1. Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас Сижистоний (ваф. 275/888 й.).
2. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий (ваф. 279/892 й.).
3. Абу Абдурахмон Аҳмад ибн Шуъайб Насоий (ваф. 303/916 й.).
4. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Можа Қазвиний (ваф. 273/886 й.).

Мазкур тўпламлар орасида «Саҳиҳ» ва «Сунан» китоблари алоҳида аҳамиятга эга.



4. Буюк муҳаддислар ва уларнинг асарлари. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (ваф. 256/870 й.) ҳадисларнинг фақат саҳиҳларини биринчи тўплаган киши, «Муҳаддислар имоми» номи билан машҳур. Имом Бухорий ҳадисларни жамлаш борасида янги услубни йўлга қўйди. У фақат саҳиҳ ҳадисларни жамлади ҳамда мавзуларни бобларга ажратди. Ўз асарини «ал-Жомеъ ал-муснад ас-саҳиҳ ал-мухтасар мин умур Расулиллаҳ (с.а.в.) ва сунаниҳи ва айямиҳи» деб номлади. Бу асар қисқача қилиб «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» дейилади.

«Сихоҳи ситта» «олти ишончли» тўпламнинг аввалида турувчи Имом Бухорийнинг Саҳиҳ услубидаги китоби кўпчилик муҳаддислар учун ўрнак бўлди ва кейинги тўпламларнинг жамланишига туртки берди. Бухорий йўлидан бориб яна бир саҳиҳ тўпламни жамлаган Муслим ибн Ҳажжож ўзини Имом Бухорийнинг шогирди деб билиши мазкур фикрнинг далилидир. Имом Бухорий нафақат илмда бошқаларга ўрнак бўлди, балки олим ўзининг ҳаёт тарзи билан ҳам кўпчиликка намуна бўларли даражадаги фазилатлар соҳиби эди.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (810–870) манбаларда «Муҳаддислар имоми», «Ҳадис илмининг султони» деб ҳам юритилади. Унинг отаси Исмоил ўз даврининг етук муҳаддисларидан, имом Молик ибн Анаснинг шогирди ва асҳобларидан бири бўлиб, тижорат ишлари билан шуғулланар эди. Онаси такводор, диёнатли, окила аёл эди. Отаси вафот этгач, унинг тарбияси волидаси зиммасига тушади. Муҳаммад ибн Исмоил 5–6 ёшидан ислом илмларини, ҳадисларни ўрганишга ва ёдлашга киришади. Таниқли муҳаддислар Дохийий, Муҳаммад ибн Салом Бойкандий, Муҳаммад ибн Юсуф Бейкандий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Маснадий ва бошқалардан сабоқ олган.

Муҳаддислар сафарга чиқишдан олдин ўз юртидаги ровийлардан бирорта ҳам ҳадис қолдирмасдан ёзиб олган бўлиши ва шундан кейингина бошқа шаҳар ёки мамлакатга сафарга отланиши мумкин эди. Бухорий 16 ёшга етгунча, ўз юртидаги машойихлардан ҳадис эшитиб, ёзиб олиб, мусулмон дунёсининг турли вилоятлари томон йўл олади. 825 йили Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан Маккага келиб, ҳаж ибодатини адо этади. Онаси ва акасини Бухорога қайтариб, ўзи Маккада қолади. Бу ерда фаолият кўрсатаётган машойихларнинг илмий йиғинида қатнашади. 827 йили Мадинага боради. Мадинадаги машхур уламолардан Иброҳим ибн Мунзир, Мутриф ибн Абдуллоҳ, Иброҳим ибн Ҳамза ва бошқалар билан мулоқотда бўлиб, улардан ҳадисларни ўрганади.

Бу вақтда Расулulloҳ саҳобаларининг издошлари, яъни ҳадис ровийлари турли мамлакатларга тарқаб кетган эдилар. Шундай шароитда ҳадисларни тўплаш турли шаҳар ва мамлакатларга боришни тақозо қилар эди. Имом Бухорий Ҳижоз, Макка, Мадина, Тоиф, Жиддага қилган илмий сафарлари олти йил давом этган. Сўнг олим Басра, Куфа ва Бағдодга сафар қилади. Шом ва Мисрга ўтади. Бундан ташқари Хуросон, Марв, Балх, Ҳирот, Нишопур, Рай, Жибол каби шаҳарларда бўлиб, бу шаҳарлардаги олимлардан сабоқ олди ва ҳадислар тўплади.

Хорижий юртлардаги сафардан кейин Бухорога қайтгач, бу ерда ҳадис илмини ўргата бошлайди. Муҳаддиснинг бу саъй-ҳаракатлари Бухоро ҳукмдори Холид ибн Аҳмад Зухлийга хуш келмайди. Шу сабабли Бухорий ўз она юртини тарк этиб, Пойкендга, кейин эса,

Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғига келиб яшашга мажбур бўлади.

Бухорий бутун фаолияти давомида илм кишиларини маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Тижорат қилиб топган ойлик даромадидан беш юз дирҳамдан факиру мискин ва талабаларга сарфлади. Шахсий ҳаётида ортиқча дабдаба ва сарф-харажатларга йўл қўймайди. Бухорий умр бўйи ҳадисларни тўплаш ва тизимга солиш билан шуғулланиб, уларни саҳиҳ ва ғайри саҳиҳга ажратишида ровийларнинг ҳаётлари, яшаш жойлари, туғилган ва вафот этган саналари, бир-бирлари билан қилган ўзаро мулоқотларини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда олиб боради. Олимнинг таъкидлашича, у жами 600 минг ҳадисни ёддан билар эди.

Бухорий 20 дан ортиқ китоб тасниф этди. Улардан айримлари бугунги кунга қадар етиб келди. Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») деб номланган ҳадислар тўплами бир қанча хорижий тилларга таржима қилинди. Шу жумладан, бу асар ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб, 1991–1996-йилларда 4 жилдда, 2008 йилда 2 жилдда нашр этилди.

Бухорий яратган «ал-Адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари») асари катта тарбиявий аҳамиятга молик беназир тўпламдир. 1322 ҳадис ва хабар жамланган бу асар дунёда кўп маротаба чоп этилди. Унинг ўзбекча таржимаси 1990 йил Тошкентда нашр қилинди. Бухорийнинг ҳадис ровийлари куняларига бағишланган «Китоб ал-куня» («Кунялар ҳақида китоб») 1940 йилда Ҳиндистонда, унинг ровийлар таржимаи ҳолларига бағишланган «Ат-Тарих ал-кабир» («Катта тарих») китоби эса Туркияда 9 жилдда нашр қилинди. Асар қўлёзмасининг баъзи қисмлари Ҳайдаробод кутубхонасида сақланади. Шунингдек, «ат-Тарих ас-сағир» («Кичик тарих») ҳам ҳадис тарихига оид қимматли асар ҳисобланади. У Ҳиндистон ва Қоҳирада чоп қилинди. Бухорий «Китоб ал-фавоид» («Фойдали ашёлар ҳақида китоб»), «Ал-Жомеъ ал-кабир» («Катта тўплам»), «Халқ афёол ал-ибод» («Аллоҳ бандалари ишларининг табиати»), «ал-Муснад ал-кабир» («Катта муснад»), «ат-Тафсир ал-кабир» («Катта тафсир»), «Китоб ал-ҳиба» («Хайр-эҳсон ҳақида китоб») каби асарларни яратди. Имом Бухорий асарларининг баъзилари бизгача етиб келмаган, баъзилари жаҳоннинг турли мамлакатларидаги кутубхоналарида сақланаётгани ҳақида маълумотлар бор.

Бухорийнинг бошқа асарлари орасида «Тафсир ал-Қуръон» («Қуръон тафсири») китобини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Бухорий асарлари мусулмон дунёсининг барча мадраса ва дорилфунунларида Пайгамбар суннатлари бўйича асосий дарслик, қўлланма ҳисобланади.

Истиклол шарофати билан ўзбек халқи азалий кадриятлари қатори Бухорийнинг ўлмас меросидан ҳам баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Буюк муҳаддис имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 (ҳижрий ҳисобда) йиллигини нишонлаш ҳақида»ги қарори (1997 йил 29 апрель) асосида Самарқандда юбилей тантаналари бўлиб ўтди. «Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни» мавзуида халқаро конференция ўтказилди. Аллома дафн этилган қадимий Хартанг қишлоғида улкан ёдгорлик мажмуи очилди. Ҳозирги кунда бу ерда Имом Бухорий халқаро маркази фаолият юритиб келмоқда. Марказ томонидан чоп этилаётган «Имом ал-Бухорий сабоқлари» номли журналда олим ҳаёти ва ижоди билан бир қаторда юртимиз олимлари қолдирган улкан маънавий мерос ёритиб келинмоқда.

Ўзбекистонда Бухорий хотираси муносиб тарзда абадийлаштирилди. Тошкент ислом институтига Имом Бухорий номи берилди. Унинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб бир неча тилларда китоб-альбом, хужжатли ва бадиий фильмлар яратилди.

Абул Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож ибн Варад ибн Кушоз Қушайрий Нисобурий (821–875) Имом Бухорийнинг шогирдларидан бўлиб, ундан кейин устози ишини давом эттирди. Ҳадис илмининг забардаст олими Имом Муслим фикҳ илмидан ҳам яхши хабардор эди. 12 ёшида ҳадис илмини ўрганишга киришади. Муслим ибн Ҳажжож шу мақсадда кўп мамлакатларга саёҳат қилади. Жумладан, Ҳижоз, Миср, Сурия, Ироқда бўлади. Уламоларнинг қайд этишларича, у 300 мингдан зиёд ҳадисларни кўздан кечириб, шундан фақатгина 12 мингтасини ишончли (сахих) деб топади ва ўзининг «ал-Жомеъ ас-сахих» асарига киритади. Бу китоб аҳли сунна наздида «икки сахихнинг бири» деб таъвил қилинган. Бу асар олти ишончли ҳадис тўпламларининг иккинчисиدير. Имом Муслим бундан ташқари «ал-Муснад ал-кабир», «ал-Асмо ва-л-куно», «ал-Илал», «Китоб авлод ас-саҳоба» каби асарлар ёзади.

«Сихоҳи ситта» (олтита сахих) китобнинг қолган тўртасини тузган Имом Абу Довуд (ваф. 275/888 й.), Имом Абу Исо Термизий (ваф. 279/892 й.), Имом Насоий (ваф. 303/ 916 й.), Имом Ибн Можа (ваф.

273/887 й.) каби олимлар «Сунан» услубида асар ёзиб ҳадис илмида ўчмас из қолдирдилар. «Сунан» услубидаги асарлар фикҳий тартибда бўлиб, асосан фикҳга оид ҳадисларни ўзида жамлаган.

Абу Довуд номи билан машҳур муҳаддис Сулаймон ибн Ашъас ибн Исҳоқ ибн Башир ибн Шаддод ибн Амр Аздий Сижистоний (817–888/889) ёшлигидан ҳадис илмини иштиёқ билан ўрганади. Ўсмирлик чоғларидаёқ ҳадис тўплаш ниятида саёҳатга чиқиб, Хуросон, Ироқ, Сурия, Миср, Ҳижоз каби юртларда бўлади. У Имом Бухорий, Аҳмад ибн Ҳанбал, Қутайба ибн Саид, Абу Исо Термизий каби бир қанча кўзга кўринган муҳаддислар билан учрашади. Абул Фараж ибн Жавзийнинг гувоҳлик беришича, у ҳадисларни нақл қилиш ва уларнинг сабабларини кўрсатиш бўйича муҳаддис уламоларнинг энг улуғларидан бири саналади. Абу Довуд ўзининг айтишича, 500 минг ҳадис ёзиб олган. Шулардан 4800 тасини маълум бир шартлар асосида ажратиб, «Сунан» номи ила машҳур ҳадислар тўпламини тузади. Бу тўплам саҳиҳлиги жиҳатидан Имом Бухорий ва Муслим асарларидан кейинги ўринда туради. Абу Довуд умрининг сўнгги йилларини Бағдодда ўтказади ва Басрада вафот этади. Унинг «Носих ал-Қуръон ва мансухух» («Қуръоннинг насх қилувчи ва қилинган оятлари») ва «Далоил ал-нубувват» («Пайғамбарлик далиллари») номли асарлари ҳам бор. Ибн Надим унинг «Китоб ихтилоф ал-масоҳиф» («Илк мусоҳфлар (Қуръон қўлёзмалари)нинг бир-биридан фарқи ҳақида китоб») асарини эслатиб ўтади. Олимнинг асарлари «аҳли сунна вал-жамоа»нинг муҳим манбаларидан ҳисобланганлиги учун азалдан Мовароуннаҳрда ҳам кенг тарқалди.

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳок Суламий Буғий Термизий (824/825–892) – яна бир «Сунан» тўпламини тузган олим. Бу муҳаддис олим Термиз яқинидаги Буғ қишлоғида туғилди. Ёшлик чоғларидан илмга катта қизиқиш ва иштиёқ кўрсатди. Самарқанд, Бухоро, Марв ва бошқа шаҳарлардаги машҳур уламо ва муҳаддислар асарларини ўргана бошлади. Термизий ҳадис ўрганиш ва уларни йиғиш учун 20 йил ўзга юртларда бўлди. Нишопурда Имом Бухорий билан учрашиб, кўп ҳадислар хусусида фикр алмашди. Бу учрашув ва буюк муҳаддис билан беш йил биргаликда яшаб, ҳамсуҳбат бўлиши Термизий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлди, «Сунани Термизий» асарининг яратилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Бу асар саҳиҳ ҳадисларни ўзида мужассам қилгани учун «ал-Жомийъ ас-саҳиҳ» («Ишонарли тўплам») деб ҳам юритилади.

Имом Термизий ҳадиснинг саҳиҳлигини аниқлашда яна бир босқичга кўтарилди. Агар Имом Бухорий ҳар бир ҳадиснинг ишончилигини белгилашда барчадан устун бўлса, Термизий ҳадиснинг даражасини аниқлашда «саҳиҳ»дан кейин «ҳасан» босқичини ҳам киритди. «Ҳасан» заиф бўлмаса-да, саҳиҳдан даражаси пастроқ ҳадисларга нисбатан берилган баҳодир. У ҳадисларнинг шариат қонуншунослигига тааллуқли бўлган жиҳатларини ҳам кўрсатди. Олим Имом Муслим ва Имом Абу Довудлар билан ҳам суҳбатда бўлди.

Термизий «Сунан»дан ташқари «Шамоиلى Набавия» («Пайғамбар алайҳиссаломнинг шакл ва сифатлари»), «Китоб аз-зуҳд» («Зохидлик китоби»), «Асмо ас-саҳоба» («Саҳобаларнинг исмлари»), «ал-Асмо вал-куно» («Исмлар ва кунялар»), «Китобу-л-илал» («Иллатлар китоби») ва бошқа асарлар ёзди. Термизийнинг «Шамоиلى Набавия» («Шамоиلى Муҳаммадия», Тошкент, 1991), «Сунани Термизий» (Тошкент, 1999) китоблари ўзбек тилида чоп этилди. Муҳаддис фикҳга оид китоб ҳам ёзган, лекин у бугунги кунга қадар етиб келмаган ҳисобланади. 1990 йилда Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллиги Ўзбекистонда кенг нишонланди.

Имом Насоий номи билан танилган Абу Абдулраҳмон Аҳмад ибн Али ибн Шуайб ибн Али ибн Синон ибн Баҳр Хуросоний (827–915) «ас-Сунан ал-кубро» асари олти ишончли тўплам ичида ўзига хос ўринга эга. Бу тўплам «Сунан ан-Насоий» («Насоийнинг Сунани») номи билан ҳам машҳур. Имом Насоий ҳижрий 214-215 (милодий 829-830) йилларда Хуросоннинг Марв шаҳри яқинидаги Насо шаҳрида туғилган.

Имом Насоий ислом илмларини чуқур эгаллаган, минглаб ҳадисларни ёддан билган ўз даврининг пешқадам олимларидан бири бўлган. 15 ёшлигидаёқ Кутайба ибн Саид Боҳилийнинг ҳузурига бориб, ҳадис ўргана бошлаган. У ерда бир йилу икки ой истиқомат қилиб, сўнгра ҳадис йиғиш мақсадида ўзга ўлкаларга сафар қилган. У Хуросоннинг кўплаб шаҳарларида ҳамда Ироқ, Ҳижоз, Шом, Миср каби мамлакатларда бўлиб, Исҳоқ ибн Роҳувайх, Сулаймон ибн Ашъас, Маҳмуд ибн Мусо, Аҳмад ибн Абдо ва бошқалардан ҳадис ўрганган.

Имом Насоийнинг хотираси кучли бўлган. У Қуръони каримни ёддан билгувчи бир гуруҳ ҳофизлар билан яқин мулоқотда

бўлган. Имом Насойй ниҳоятда тақводор бўлган ва эшитган ҳадисларининг манбаларига жуда катта масъулият билан ёндошган. У, одатда, ҳадисларни баён этишда, ровийларни зикр қилганда «бизга фалончининг хабар беришича» ёки «бизга фалончининг ҳикоя қилишича», деган тартибга риоя қилган. Бироқ Ҳорис ибн Мискиндан ривоят қилинган ҳадислар «ал-Ҳорис ибн Мискин ўқиган нарсадан эшитишимча» ибораси билан бошланган. Ривоят қилишларича, Имом Насойй билан Ҳорис ўртасидаги муносабатлар унчалик ҳам яхши бўлмаган. Бунга Ҳориснинг табиатидаги айрим иллатлар сабаб бўлган. Шунга қарамай, Насоййда ҳадис тўплаш иштиёқи устун келиб, Ҳорис ҳадис айтган давралардан воз кечмаган. Унинг табиатидаги шахсий адоватларга берилмаслик, илмий ҳақиқатни аниқлаш йўлида ўзни фидо қилиш фазилати ибратли аҳамиятга эга.

Насоййнинг «Сунан» асари икки «Ишончлик» («Саҳиҳ») тўпладан кейинги ўринга қўйилган. Тўпладдаги ҳадисларнинг барчаси саҳиҳ эканлиги, равон ва содда тилда ифода этилганлиги сабабли айрим мағрибликлар уни ҳатто Бухорий тўпламидан ҳам афзал кўрган деган фикрлар бор. Бу Имом Насоййнинг «Сунан»и ўз даврида ниҳоятда обрўли бўлганлигидан далолат беради. Баъзи шайхлар Имом Насоййни ислом оламидаги мусаннифларнинг энг ишончлиси деб ҳисоблаганлар.

Саййид Жамолиддиннинг хабар беришича, Насойй тузган «Энг катта Сунан» («ас-Сунан ал-Қубро») асарининг илк ҳажми жуда катта бўлган. Дарҳақиқат бу асар, умуман ислом тарихидаги энг катта тўплам ҳисобланади. Ибн Асирнинг хабар беришича, ўша давр ҳукмдорларидан бири Насоййнинг бу тўпламга киритилган ҳадисларнинг барчаси саҳиҳ ёки саҳиҳ эмаслигини сўраганда, у тўпладдаги ҳадисларнинг ҳаммаси ҳам саҳиҳ эмаслигини айтган. Шунда амир саҳиҳ ҳадисларни тўпладдан ажратиб олишни буюрган. Шу тариқа «Танланган ҳадислар» (Ал-Мужтабо») деб ном олган тўплам вужудга келган.

Имом Насоййнинг «Энг катта Сунна», «Танланган ҳадислар» («Ал-Мужтабо»), «Заиф ва тўпламга киритилмаган ҳадислар» («Аз-Заиф вал-Матрукун») каби асарлари маълум. «Танланган ҳадислар»га бир нечта шарҳлар ёзилган. Уларнинг энг машҳури Сирожиддин Умар ибн Али ибн Мулкун Шофеъий, Жалолиддин Абдурахмон ибн Абу Бакр Суютий ёзган шарҳлар ҳисобланади.

Имом Насойй қатор шогирдларни тарбиялаб вояга етказган. Уларнинг орасида Абу Башран Дулабий, Абдулқосим Таброний, Имом

Абу Жаъфар Таҳовий, Муҳаммад ибн Ҳорун ибн Шуъайб, Ҳофиз Абу Бакр ибн Исҳоқ Соний ва бошқалар бор.

Имом Насоийнинг вафот этишига сабаб қилиб у билан юз берган бир воқеа келтирилади. Хабар беришларича, Имом Насоий Мисрдан чиқиб, Шомга келганида, бир даврада ундан Муовия ҳақида сўраганлар. У эса бунга жавобан халифаликка Муовиядан кўра Али авлодлари муносиброқ деган фикрни билдирган. Шунга Муовия тарафдорлари уни калтаклаб, масжиддан қувиб чиқарганлар. Насоий ана шу жароҳатлар асоратидан Рамла шаҳрида вафот этган. Аммо яна бир бошқа, яъни Ҳофиз Дорақутний ривоят қилган хабарга кўра, бу воқеа Дамашқда содир бўлган ва Имом Насоий Муовия ҳақидаги мазкур саволга «унинг қорни тўймаслик хислатидан бошқа фазилатини билмайман» дея жавоб берган. Шу боис оломон томонидан калтакланган Насоий Маккага олиб бориб қўйишларини сўраган. Маккага етиб боргач, 303/915 йилда вафот этган ва шу ерга дафн этилган.

Ибн Можа номи билан машҳур Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Можа Қазвиний (ваф. 273/886 й.) ҳам «Сунан» асарини ёзган муҳаддислардан бири ҳисобланади. 209/824 йилда таваллуд топган бу олимнинг юрти, яъни Қазвин Исфаҳондаги кичик шаҳарлардан бири эди. Уни «Боб ал-жаннат» («Жаннат эшиги») деб ҳам атардилар. У ердан турли соҳаларда кўплаб олимлар етишиб чиққанлар. Ибн Можа ўз замондошлари Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насоий, Абу Довуд ривоят қилган устозлардан, жумладан, Абу Умар Наср ибн Али Жаҳдабий Аздийдан ҳадислар ривоят қилган. Ибн Можадан Хуросон ва Мовароуннахрнинг кўплаб муҳаддислари ҳадис илмини ўргандилар.

Муҳаммад ибн Можанинг иккита акаси бўлиб, олим оилада энг кичиги эди. Ёшлигидан илм ва маърифатга чанқоқ бўлган Ибн Можа ҳадис ва ривоят илмига меҳр қўяди. У ўз саводини Қазвин шаҳрида чиқарган. Унинг биринчи устози Али ибн Муҳаммад Танофасий бўлиб, ўз даврининг машҳур кишилари билан бўлган. Муҳаммад илм ўрганиш истагида турли хил, жумладан, Ироқ, Ҳижоз, Шом, Миср, Куфа, Басра юртларига сафар қилади. Ушбу сафарлари давомида кўпгина машҳур муҳаддислар билан учрашади, улар билан мулоқотда бўлиб, улардан илм ўрганади. Унинг ҳадис илмидаги устозларидан Абу Бакр ибн Аби Шайба, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Нумайр, Ҳишом ибн Аммор, Аҳмад ибн Азҳар каби ўз даврининг таниқли олимларини айтиб ўтиш

мумкин. Муҳаммад ўзининг ўткир зеҳни билан тез орада ном қозона бошлади. Унинг илмининг кучлилигини таърифлаб, Абу Яъло Халил Қазвиний шундай дейди: «Ибн Можанинг зеҳни ниҳоятда ўткир эди. У ҳадисларни танлашда ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш тутар эди». Ибн Касирнинг таърифлашича: «Агарда кимки Ибн Можанинг илмини текширмоқчи бўлса, унинг ёзган машҳур «Сунан» китобини ўқисин шунда ҳаммаси аён бўлади».

Муҳаммад Ибн Можанинг машҳур «Сунан» асаридан ташқари «Тафсир ал-Қуръон ал-карим», «Китоб ат-тарих» номли қимматли асарлари ҳам бор. Аллома ўзининг Тарих китобида саҳобалар давридан то ўзининг давригача бўлган ровийлар тарихини баён қилган. Унинг энг асосий «Сунан» китоби эса барча уламолар томонидан юқори баҳоланиб, олти саҳиҳ китоблар ичидан ўрин олган. У ўзининг «Сунан» китобини боб ва бўлимларга ажратган. Асар 32 та бўлимдан иборат. Асарда, шунингдек, 1500 та боб ажратилган бўлиб, жами 4000 та ҳадис китобда мужассам этилган. Алломанинг ушбу асари фикҳий қоидалар асосида жойлаштирилган бўлиб, китобнинг биринчи боби «Пайғамбар суннатиға эргашиш» деб номланган. Унда қимматли ва ибратли ҳадислар келтирилган.

Алломанинг «Сунан» китоби ўзининг машҳурлиги билан олти саҳиҳ китоблар қаторидан жой олди. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, баъзи уламолар ана шу олти саҳиҳ китоблар орасида Ибн Можа китобининг ўрнига Молик ибн Анасининг «Муватто» китоби бўлиши керак деган фикрларни ҳам билдиришган. Улар Имом Моликнинг китобини Муҳаммад Ибн Можанинг китобидан ҳадисларининг саҳиҳлиги бўйича устун қўйишади.

Баъзи олимларнинг ёзишича, Ибн Можанинг «Сунан» китобида саҳиҳ, ҳасан ва заиф ҳадислар ҳам бор. Ушбу китобнинг бешта машҳур китоблар ичидан фарқи шуки, ундаги заиф ҳадисларни ажратиб ёзилганидир.

Машҳур муҳаддис олим Муҳаммад ибн Язид ибн Можа 273/886 йили душанба куни 64 ёшида вафот этган ва акалари Абу Бакр, Абу Абдуллоҳ ва ўғли Абдуллоҳлар иштирокида дафн этилган. Ибн Можанинг жанозасини акаси Абу Бакр ўқиган.

Алломанинг шогирдлари ҳам кўп бўлиб, улардан Муҳаммад ибн Исо Абҳарий, Абу Тоййиб Аҳмад ибн Рух Бағдодий, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳаким Мадинийларни келтириш мумкин. Кўпгина

машхур уламолар Ибн Можани таърифлаб шундай дейишган: «Ибн Можа ўз даврининг машхур кишиларидан бўлган, унинг ахлоқ-одоби, хулқ-атвори ҳаммага ўрнак бўлган. У Қазвин шахрининг хофизи ва машхур имоми бўлган. Ваъдага вафо қилувчи, иймонли, адолатли ва меҳр-мурувватлик ажойиб инсон эди».

Ибн Можанинг «Сунан» китобини қимматли эканини таъкидлаб кўпгина машхур олимлар унга шарҳ ёзганлар. Жумладан, Жалолоддин Суютий ўзининг асарга бағишлаб ёзган шарҳида қимматли фикрлар билдирган.

ҲАДИС:

وَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: قِيدُوا الْعِلْمَ بِالْكِتَابِ

Набий с.а.в. айтдилар: Илмни ёзиб қўйиш билан боғлаб олинглар.



Мавзу бўйича саволлар

1. Ҳадис илмининг «олтин асри» деб ном берилган даврнинг мазмун моҳиятини ёритувчи қандай маълумотларга эгасиз?
2. Бу даврда фаолият юритган мовароуннахрлик муҳаддислардан кимларни биласиз?
3. Ҳадис илмлари асосан қайси йўналишларда ривожланган?
4. Ҳадисшуносликда “қуссослар” атамаси кимларга нисбатан қўлланилган?
5. “Илм ар-рижол” ҳақида нималарни биласиз?
6. «Олти ишончли» ва «Тўққиз китоб» ўртасида қандай фарқлар мавжуд?
7. Имом Бухорийнинг қандай асарларини биласиз?
8. Имом Термизий ҳадис илми ривожига қандай ўрин тутган?



Топшириқлар

1. Мовароуннахрлик муҳаддисларнинг ҳадис илми ривожига қўшган хиссалари айтиб беринг.
2. “Жомеъ” ва “Сунан” услубида ёзилган асарларнинг ўзига хос жиҳатларини тушунтириб беринг.

3. “Сихоҳ ситта” тўпламлари ичида Ибн Можа “Сунан” асарининг тутган ўрни ҳақида гапиринг.
4. «Саҳиҳ»лардан бошқа ишончли тўпламларни сананг.

Мустақил иш мавзулари

1. Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асарига ёзилган шарҳлар.
2. Имом Доримий ва унинг “Сунан” асари.
3. Сулосиййот туркумидаги ҳадис тўпламлари.
4. Имом Насойининг ҳадис илми ривожига тутган ўрни.



Адабиётлар

1. Алимова М. Имом ад-Доримийнинг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси: тарих фан. ном. дис... автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009.
2. Имом ат-Термизий. Сунани Термизий. – Т. 1. – Т.: Қомус, 1998.
3. Муборақфурий. Сийрат ал-Имом ал-Бухорий / таржимон У.Уватов. – Т.: ТИУ, 2008.
4. Уватов У. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Т.: 2001.
5. Уватов У. Буюк муҳаддислар: Имом ал-Бухорий, Имом Муслим Имом ат-Термизий. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 1998.
6. Уватов У. Буюк муҳаддислар: Имом ал-Бухорий, Имом Муслим Имом ат-Термизий. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 1998.
7. Уватов У. Икки буюк донишманд. – Т.: Шарқ, 2005.
8. Уватов У. Имом ал-Бухорий ҳаёти. – Т.: 1998.
9. Саҳиҳ аль-Бухари. Перевод: Владимир Абдулла Нирша. – Т. I. 1-е изд. – М.: Благотворительный фонд «Ибрагим бин Абдулазиз аль Ибрагим», 2002.
10. Уватов У. Муслим ибн ал-Ҳажжож. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995.
11. Уватов У. Муслим ибн Ҳажжож. – Т.: А.Қодирий, 1995. – 64 б.
12. Уватов У. Муҳаддислар имоми. – Т.: Маънавият, 1998.
13. Абу Довуд ат-Таёлисий. Муснад Аби Довуд ат-таёлисий. – Байрут: Дор ал-маърифат, 1982.
14. Абу Довуд. Сунан Аби Довуд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1996.

РЕЖА:

1. Ҳадис илмларининг такомиллашуви.
2. Мавжуд ҳадисларнинг қайта тартибланиши.
3. Тўпламлардаги зиёда ҳадисларнинг алоҳида жамланиши.
4. Ҳадис иснодларини ўрганишга оид асарлар.
5. Мўғуллар юришидан кейинги даврда ҳадис илмининг ҳолати.

 **Таянч иборалар:** *Салб юришлари, Байтул-Мақдис, Тадрижий, Маво‘из, Атроф, Хотиматул-Хуффоз, Наққод, Ваззои*

 **1. Ҳадис илмларининг такомиллашуви.** Ҳижрий IV асрнинг бошларида (милодий X аср) Аббосийлар давлати ўз қудратини йўқотиб, аста-секин кичик давлатларга бўлиниб кета бошлади. Бундан фойдаланган Андалус (Испания) мамлакатидagi умавийлар сулоласининг давомчиси Абдурраҳмон Носир (300-350/912-961) 325/937 йилда давлат ҳокимиятини янги босқичга кўтарди. У ўзини «Амирул муъминин» деб эълон қилди. Шимолий Африкада мустақил Фотимийлар давлати, Яманда Зайдий шиаларининг мустақил давлати вужудга келди. Айни шу даврда, яъни V/XI аср охирида Европада «Салб юришлари» бошланди ва бу ҳаракат 490/1097 йилда Байтул Мақдисни эгаллади. Атобекия давлати кучайиб, шарқу ғарбни ларзага солди, Мисрга қилинган ҳужум натижасида Фотимийлар давлати кулаб, Маҳмуд Нуруддин бошчилигида Миср яна Аббосийлар давлати вилоятларидан бирига айланди, салб уруши ҳам тўхтади. Бу ишда Маҳмуд Нуруддинга, унинг зийрак ва тадбиркор лашкарбошиларида бири Салоҳиддин Айюбийнинг хизмати катта бўлди.

Шарқда Хоразмшоҳ Муҳаммад ибн Такиш жуда катта ва кучли давлат тузиб, атрофдаги барча подшоҳликларни ўзига бирлаштирди. XIII асрга келиб Чингизхон кўшинлари Марказий Осиё ҳудудига ва мусулмон мамлакатларига ҳужум қилиб, Хоразмшоҳ юртини вайрон қилди. Бу ҳарбий юришлар натижасида кўплаб халқлар ўлдирилиб, кўшин қисқа муддатда Бағдодга етиб борди ва 656/1258 йилда Халифани қатл қилиб, Аббосийлар халифалигини бутунлай тугатди.

Эътиборлиси шундаки, Шарқ ва Ғарб дунёсида турли урушлар кетаётган нотинч вазиятда ҳам, муҳаддисларнинг илм талабидаги ҳаракатлари тўхтаб қолмади. Улар бир мамлакатдан бошқасига сафар

қилиб, турли устозлардан ҳадис илмини ўрганишарди. Уламолар ўзаро илмий баҳс ва мунозаралар ўтказиб, асарларини ёзишда давом этдилар. Ҳадис иснодларини таҳлил этиш, уларни шарҳлаш, ривоят илмини ривожлантириш билан шуғулландилар. Шу тариқа ровийларнинг таржимаи ҳоллари, танланган ҳадисларнинг матнлари, иллатларини ёритиб берувчи асарлар юзага келди.

Ҳадисларнинг бу зайлда қайта тартибга солиш, яъни тадвин этиш ишларининг ривожланиши тасодифан эмас, балки тадрижий равишда амалга оширилди. IV аср уламолари ҳадис тадвинида III аср уламоларига тақлид қилмадилар, балки уларга нисбатан мустақил йўл тутдилар ва ҳадис илми ривожига ўзига хос, муносиб ҳисса қўшдилар.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ҳоким Нисобурий (321-405/933-1014) тўртинчи ҳижрий асрда ҳадис илми бўйича фаолият юритиб, катта илмий-маънавий мерос қолдирган уламолардан бири бўлиб, «Ибн ал-Бай'» («Савдо фарзанди») лақаби билан танилган, «ал-Мустадрак 'ала-с-саҳиҳайн» («Икки саҳиҳга тўлдириш») китобининг муаллифидир. Ҳокимнинг бу китобидан ташқари ўз шаҳри муҳаддис ва ровийлари ҳақидаги «Та'рих Найсобур» («Нишопур тарихи»), шунингдек, «ал-Амолий» («Имлолар»), «ал-Мадҳал ило 'илм ас-саҳиҳ» («Саҳиҳ илмига кириш»), «Тарожум аш-шуоҳ» («Устозлар таржимаи ҳоллари»), «Фадо'ил аш-Шофи'ий» («Шофий фазилатлари»), «Маърифату улум ал-ҳадис» («Ҳадис илмларини билиш») ва бошқа асарлари 1500 жузга етган. Ҳоким Нисобурий Ироқ ва Ҳижозга икки мартадан сафар қилиб, у ердаги Шайхлар билан музокара қилган, Ҳофизлар билан учрашган. У 359/970 йилда Нишопур қозиси бўлган ва 405/1014 йилда вафот этган.

Имом Доракутний номи билан машҳур Ҳофиз Абул Ҳасан Али ибн Умар ибн Аҳмад ибн Маҳдий ибн Масъуд ибн Динор Бағдодий Доракутний (305-385/917-995) ҳам ҳижрий тўртинчи асрда фаолият кўрсатган муҳаддислардандир. У ҳадис илмида «амиру-л-муъминин фи-л-ҳадис» даражасига етган бўлиб, мукаммал девон тузган, ҳадис илмининг барча қирраларини ифода этган, таҳлил қилган ва иллатларни аниқлашда алоҳида заковат кўрсатган. Ҳадисларнинг саҳиҳи билан ғайрисаҳиҳини ажратишда ўз даврининг пешвоси бўлган. Ривоят қилган ҳадисларидаги иснодлари кенг уламолар жамоасини ўз ичига олган. Дорукутний «ал-Илзомот» («Зарурий нарсалар») номли «мустадрак» (тўлдирувчи) жанридаги китобни ёзган. Шунингдек, унинг

«ас-Сунан» китоби ҳам мавжуд бўлиб, Шамсулҳақ Абу Тийб Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али Ободий томонидан Ҳиндистонда танқидий матни нашр этилган. Шунингдек, «ал-Илал байяна фихи-с-савоб мина-д-дахал» («Тўғри билан ноаниқлик баён қилиб берилган иллатлар китоби») ва «ал-Ифрод» («Ягоналаш») китоблари ҳам Дорукутнийнинг илмий меросларидан саналади. Дорукутний ёшлигидан ўта фаросатли ва зеҳни ўткир бўлган. Ибн Жавзий айтади: «Уламолар унинг ҳадисни яхши билиши, кироат илмларини эгаллаганлиги, наҳв, фикҳ ва шеърият илмида ҳам етук эканлигига, ақидаси мустаҳкам, адолатли, тенгсиз уламо эканлигига иттифоқ қилганлар». Имом Дорукутний ҳақида мактовли сўзлар беҳисоб. У 385/995 йилда вафот этган.

Бу даврда фаолият юритган муҳаддислардан яна бири Ибн Ҳиббон номи билан машҳур Ҳофиз Жалил Абу Ҳотим Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳиббон ибн Муъоз ибн Муаббад Бустий Тамимий (ваф. 354/965 й.) кўп диёрларга сафар қилиб, жуда кўп шайхлардан ҳадис эшитган. Ўз замонасининг энг кўп сафар қилган илм толибига айланган. Ибн Самъоний шундай дейди: «Абу Ҳотим ўз асрининг имоми эди. Искандария билан Шош орасида жуда кўп марта қатнаган». Ҳоким айтади: «Фикҳ, ҳадис, луғат ва ваъз илмларини ўзида мукаммал жамлаган эди. Муҳаддисларнинг оқилларидан эди». Хатиб Бағдодий айтади: «Абу Ҳотим фозил ва ишончли эди. Унинг кўп асарлари бўлиб, «ал-Анвоъ ва-т-тақосим» («Турлар ва тақсимотлар») деб номланган саҳиҳ муснад унинг қаламига мансубдир. У Искандария билан Шош орасида мингга яқин шайхдан ҳадис эшитиб ёзиб олганини айтади».

Ибн Ҳиббоннинг «Ал-Анвоъ ва-т-Тақосим» китоби бошқа муснадларга ўхшаган бобларга ажратилган ва санадларга асосланиб тартибланган эмас, балки ўзига хос усулда ёзилган. Муаллиф бу китобни беш қисмга бўлган, уларни «ал-Авомир» («Буйруқлар»), «ан-Навоҳий» («Тақиқлар»), «ал-Ахбор» («Хабарлар»), «ал-Ибоҳот» («Ҳалол қилинган нарсалар»), «Афъол ан-Набий» («Набий феъллари»), деб номлаган. Ҳар бир қисм ўз навбатида бир неча фаслларга бўлинган. Шунинг учун ҳадисларни тушунишдаги қийинчилик жуда осон ҳал қилинган. Бу китобни кейинги уламолардан Алоуддин Али ибн Булбон Форсий (ваф. 937/1531 й.) бобларга ажратган ва «ал-Ихсон фи тақриб Саҳиҳ Ибн Ҳиббон» («Ибн Ҳиббон Саҳиҳига чиройли яқинлашиш») деб номлаган.

Уламолар айтадилар: «Икки Шайхнинг саҳиҳларидан кейин учинчи ўринга Ибн Хузайманинг саҳиҳи қўйилган. Ибн Ҳиббон ҳадисларни саҳиҳга ажратишда бироз енгилликка йўл қўйган. Лекин унинг енгилликка йўл қўйиши Ҳокимникидан камроқдир. Ҳозимий айтади: «Ибн Ҳиббон ҳадис танлашда Ҳокимдан кўра имконлироқдир».

Ибн Ҳиббоннинг ҳадис танлашда енгилликка йўл қўйишига сабаб, у шундай дерди: «Кимки мункар-ал-ҳадис бўлса, уни адолатли дейиш мумкин бўлмайди, магар бироз текширишдан сўнг бўлиши мумкин. Агар ровий мункар ҳадисларни ривоят қилувчи бўлса ва хабарларда ишончли ровийларга мувофиқ келса, у адолатли, ривояти мақбул бўлиши мумкин. Чунки одамлар кўпчиликнинг гапига кўра салоҳиятли ва адолатли бўлса ва улардан мункар иш содир бўлиб қолса, уларга машҳурлик ҳукми берилади. Аммо жоҳил кимсалардан фақат заиф ровийлар ҳадис ривоят қилсалар, бундай ровийлар ҳар қандай ҳолда ҳам «матрук» («ҳадислари тарк этилган»)дирлар.

Имом Табароний номи билан танилган Абулқосим Сулаймон ибн Аҳмад Табароний (ваф. 360/970 й.) учта муъжам: «ал-Кабир» («Катта»), «ас-Сағир» («Кичик»), «ал-Авсат» («Ўрта») асарларини ёзган. «Ал-Муъжам ал-кабир»да Абу Хурайрадан бошқа ҳамма саҳобалар ривоят қилган ҳадислар алифбо тартибда жойлаштирилган. Айтишларича, «ал-Муъжам ал-кабир»да «Ал-Муъжам ал-кабир» 520 000 та ҳадис жамланган. Асарга кўра олимнинг шайхлари 2 000 кишига яқин. Имом Табароний ривоят қилган ҳадислари ва шайхлари кўплигидан, ўзидан кейин яшаган шайхларидан ҳам ҳадислар ривоят қилган. Ҳадислар орасида жуда ажойиб ва ғаройиблари кўпдир. Бу китобда барча нафис, азиз ва мункар ҳадислар жамланган.

Аммо «ал-Муъжам ас-сағир» бир мужалладдан иборат бўлиб, унда баъзи шайхларнинг ҳар биридан биттадан, баъзиларидан эса иккитадан мукамал санадлари билан ҳадис ривоят қилинган. Ривоят қилган шайхларнинг сони мингта, ривоят қилган ҳадисларнинг сони бир ярим мингтадир.

Бу даврда Абу Муҳаммад Қосим ибн Асбағ ибн Муҳаммад ибн Юсуф Баёний Моликий (ваф. 340/951 й.), Андалуснинг Қуртуба (Кордова) шаҳридан ўттиз мил масофада жойлашган Баёна қишлоғидан бўлиб, у «ас-Саҳиҳ ал-мунтақо» («Соф саҳиҳ») номли китоб ёзган.

Абу Али Саид ибн Усмон ибн Саъид ибн Сакан Бағдодий (ваф. 353/964 й.) Мисрда истиқомат қилган ва у ҳам «ас-Саҳиҳ ал-Мунтақо»

(«Соф саҳиҳ») номли китоб ёзган. Бу китобнинг иккинчи номи «ас-Сунан ас-сиҳоҳ ал-маъсура ани-н-Набий» («Набийдан танланган саҳиҳ суннатлар») деб номланади. Муаллиф бу китобни эҳтиёж сезилиши мумкин бўлган барча бобларга ажратиб ёзган. Шу билан бирга китобнинг охирида ўз наздида саҳиҳ саналган ҳадисларни иснодсиз ҳолда қўшимча сифатида келтирган. Абу Али Бағдодий айтади: «Мен китобимда мужмал ҳолда келтирган ҳадислар уламолар томонидан саҳиҳлигига ижмоъ қилинган ҳадислардир. Агар қайси ҳадисдан кейин номлари тилга олинган имомлардан бирортаси ихтиёр қилган нарсани зикр қилган бўлсам, у зикр қилган нарсани қабулига ва уни фақат ўша имом ихтиёр қилганига ҳужжат келтирдим. Агар ҳадис ривоят қилувчилардан бирортасини ёлғиз ўзини зикр қилган бўлсам, унинг сабабини баён қилдим ва унинг ёлғиз ровий эканлигига далил келтирдим».

Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад Таҳовий (ваф. 321/933 й.) «Маъони ал-осор» («Асарлар, яъни ҳадислар маънолари») китобини ёзган. Бу китоб уламолар ҳузурида жуда катта қадр ва қимматга эга. Унда зикр қилинишича, Таҳовийнинг асҳоблари ҳадислардан шарият аҳкомлари ҳақида бир мажмуа китоб ёзишни устозларидан илтимос қилдилар. Зеро, бу даврда «мулҳид ва зиндиқ бўлган илмсиз жоҳиллар аҳкомларнинг «носих»и нима, «мансух»и қайси, тушунмасдан мусулмонлар этикодини ва амалини қайтаришга уринмокда эдилар». Таҳовий ушбу китобни ёзиб, уни бобларга ажратди. Ҳар бир бобда ҳукмларнинг носих ва мансуҳини, уламоларнинг таъвилларини, саҳиҳ ривоятга далил келтириш қоидаларини баён этди.

 **2. Мавжуд ҳадисларнинг қайта тартибланиши.** Ҳижрий учинчи ва тўртинчи аср (милодий IX-X асрлар) ҳадис илмида жуда катта ривожланиш юз берди. Бу даврда оламшумул аҳамиятга эга бўлган «Саҳиҳ», «Сунан», «Жомиъ», «Мустадрак», «Мустаҳраж» каби оғзаки ҳадисларни ёзма равишда ўзида мужассам қилган ҳадис тўпламлари яратилди. Аммо IV/X аср охиридан бошлаб бу соҳада аввалгидек йирик тўпламларни яратиш ишлари камайди. Ҳадис илми уламоларининг эндиги асосий вазифалари – жамланган ҳадисларни мавзулар бўйича қайта тартиблаш ва шу йўл билан янги тўпламларни тузишдан иборат бўлиб қолди. Жумладан, муаллифлар мавжуд саҳиҳларни жамлаш, шарҳлаш, тўлдириш ишлари билан машғул бўлдилар.

Икки саҳиҳ, яъни Имом Бухорий ва Имом Муслимларнинг «Саҳиҳ» асарларини жамлаш ишлари амалга оширилди. Бу соҳада Ибн ал-Фурот номи билан танилган (ваф. 414/1023 й.) Исмоил ибн Аҳмад биринчилардан бўлди. Кейинчалик бу ишни Муҳаммад ибн Наср Ҳумайдий Андалусий (ваф. 488/1095 й.) давом эттирди. У ўз китобига икки «Саҳиҳ»ни жамлаш билан бирга уларда мавжуд бўлмаган зиёда ҳадисларни ҳам қўшди. Шк каби тўпламни яратган Ҳусайн ибн Масъуд Бағавий (ваф. 516/1122 й.), Муҳаммад ибн Абдулҳақ Ашбилий (ваф. 582/1186 й.), Аҳмад ибн Муҳаммад Қуртубийлар (ваф. 642/1245 й.) ана шундай муаллифлардан эдилар.

«Ас-Сихоҳ ас-ситта» («Олти ишончли тўплам») китобларини жамлаш ҳам ана шу даврда амалга оширилди. Аҳмад ибн Разин ибн Муовия Абдарий Сарахсий (ваф. 535/1141 й.) «Тажрид-ас-сихоҳ» номли китобига олти саҳиҳ тўплам ҳадисларини жамлади. Аммо бу китоб яхши тартибланмаганлиги ва баъзи «матрук» (тарк этилган) ҳадислар ҳам аралашиб қолгани учун кўнгилдагидек чиқмаган. Кейинчалик Ибнул Асир Жазарий номи билан машҳур Абу Саодат Муборак ибн Муҳаммад Шофеъий (ваф. 606/1210 й.) бу китобни қайта таҳрир қилиб, янгидан тартиблади. Ундаги асл саҳиҳ тўпламлардан тушиб қолган ҳадисларни қайта ёзиб тўлдирди, тушуниш қийин жумла ва ҳадисларни шарҳлади, ҳадислар иснодларини қисқартирди, ровийлардан фақат саҳоба ёки тобиийларнинг ўзини қолдирди. Шунингдек, ҳадис қайси саҳиҳдан олинганини, яъни манбасини зикр қилди. Саҳоба ва тобиийларнинг сўзларини фақат зарур бўлган жойдагина қолдирди, китоб бобларини алифбо бўйича тартиблади ва уни «Жоми‘ ал-усули-аҳодис ар-Расул» («Расул ҳадисларига асосларни жамловчи») деб номлади. Шундан сўнг бу асар ўқувчи учун қулай ва қийинни осон қилувчи мукамал бир китобга айланди. «Жомеъ-ал-Усул» китоби Муҳаммад ибн Марвазий (ваф. 682/1283 й.), Ҳибатуллоҳ ибн Абдурраҳим Ҳамавий (ваф. 718/1318 й.) ва Абдурраҳмон ибн Али Шайбоний Зубайдий (ваф. 944/1538 й.) томонларидан мухтасар қилинган.

«Олти саҳиҳ» китобларидаги ҳадисларни жамлаш бошқа муаллифлар томонидан ҳам амалга оширилган. Жумладан, Ибн ал-Харрот номи билан танилган Абдулҳақ ибн Абдурраҳмон Ашбилий (ваф. 582/1186 й.) ҳам ана шундай ишни амалга оширган.

Мазкур даврда турли китоблардан олинган ҳадисларни жамлаш ишлари ҳам амалга оширилди. Имом Ҳусайн ибн Масъуд Бағавий (ваф. 516/1122 й.) «Масобиҳ ас-сунна» («Суннат чироқлари») 4484 та саҳиҳ ва ҳасан ҳадисларни жамлаган. Бағавий «саҳиҳ» деганда Икки Шайх ёки улардан бири ривоят қилган ҳадисни, «ҳасан» деганда эса Абу Довуд, Имом Термизий ва бошқа муҳаддислар ривоят қилган ҳадисни назарда тутди. Агар ҳадислар орасида заиф ёки ғариби бўлса, уни очик баён этади. Инкор этилган (мункар) ва тўқима (мавду') ҳадислардан бирорта ҳам қўшмаган. Бу китоб уламолар орасида алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Шунингдек асарга кўплаб шарҳлар ҳам ёзилган. Уни Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Хатиб Табризий (ваф. 740/1339-40 й.) қайта ишлаб, бобларига изоҳ берган, ҳадисни ривоят қилган саҳоба ва ҳадис олинган китоб ҳақида тушунчалар берган, саҳиҳ ва ҳасан ҳадислар ёзилган ҳар бир бобга учинчи фаслни зиёда қилган. Хатиб Табризий китобини 737/1337 йилда ниҳоясига етказган ва уни «Мишкот ал-масобиҳ» («Чироқлар тоқчаси») деб номлаган. «Мишкот»га кўплаб уламолар шарҳ ёзганлар. Улардан бири улуғ муфасссир ва муҳаддис Қози Носириддин Абдуллоҳ ибн Умар Байзовийдир (ваф. 685/1286 й.).

Абул Фараж Абдулраҳмон ибн Али Жавзий (ваф. 597х.) «Жомеъ-ал-масонид ва-л-алқоб» китобига Икки Шайх «Саҳиҳ»ларини, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал «Муснад»ини, Термизий «Жоми'» асарини жамлади. Бу китобни Абул Аббос Аҳмад ибн Абдуллоҳ Маккий Табарий (ваф. 964/1557 й.) тартиблаган.

Имом Ҳофиз Ҳасан ибн Аҳмад Самарқандий (ваф. 491х.) «Баҳр ал-асонид» номли китоб ёзиб, унда юз минг ҳадисни жамлаган, уларни шарҳлаб ва тартибга солган. Уламолар бу китобга «Ислом оламида бунга ўхшаш китоб йўқ», деб баҳо берганлар.

Ҳукмга оид ҳадисларни танлаб ёзиш ишлари амалга оширилди. Имом Ҳофиз Абдулғани ибн Абдулвоҳид Макдисий Димашқий (ваф. 600/1204 й.) ўзининг «Умдат ал-аҳком» («Ҳукмлар устуни») китобида Имом Бухорий ва Имом Муслим бир хил (би-л-иттифок) ривоят қилган аҳком ҳадисларини жам қилган. Уни Ибн Дақикул Ийд исмли олим шарҳлаган. «Умдат ал-аҳком» китоби шарҳи билан бирга Мисрда тўрт жуз китоб ҳолида нашр қилинган.

Аҳком, яъни ҳукмларга оид ҳадислар фақиҳ уламолар орасида машҳур бўлиб, аммо улардан илм толиблари фойдаланиши қийин эди. Чунки, улар ҳадис китобларида ёзилган минглаб ҳадисларнинг

орасида ёки фақиҳларнинг бир неча жилдлик китоблари орасида ётар эди. Бунинг устига уларнинг иснодлари узун бўлганидан талаба ўзи қидирган ҳадисни топиши мушкул. Шу сабабли уламолар турли китоблардан аҳком ҳадисларини териб олиб, уларнинг маъноси ҳам, санади ҳам машҳур бўлгани учун санадларини қисқартириб, бир китобга жамлаганлар.

Ҳофиз Харрот Абу Муҳаммад Абдулҳак Ашбилий (ваф. 582/1186 й.) «ал-Аҳком ас-суғро» («Кичик ҳукмлар») номли ҳадис китобини жам қилган. У шундай дейди: «Мен бу китобда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган тарқоқ ҳадисларни бир жойга жамладим. Бу ҳадислар шариат ҳукмлари, ҳалол, ҳаром ва баъзи буюриш ва қайтариш мавзуларида бўлиб, умматни ҳидоятга бошловчилари ва пешволари бўлган Абу Убайдуллоҳ Молик ибн Анас, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Абул Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож Кушайрий Нисобурий, «Олти саҳиҳ»нинг қолган муаллифлари ва бошқа ҳадис китобларидан олиб жамладим».

Ана шундай асарлардан бири Ибн Дақиқ ал-Ийд (ваф. 702/1303 й.) томонидан ёзилган «ал-Илмом фи аҳодийс ал-аҳком» («Ҳукмга оид ҳадислар билан таништириш») китобидир. Унда муаллиф ҳукмга оид ҳадисларнинг матнларини санадларини тушириб қолдирган ҳолда жамлаган. Зарурий ўринларда муаллиф ҳадисларга шарҳ ҳам ёзган. Бу шарҳлар ниҳоясига етказилмаган бўлса-да, китобнинг ҳажми бекиёс катта. Чунки, китобда фикҳий фойдали маслаҳатлар, оят ва ҳадислардан олинган ҳукм ва хулосалар жуда кўп.

Зайниддин Абу Фазл Абдурраҳим ибн Ҳусайн Ироқий (725-806/1325-1404) ҳам бу усулда асар ёзган. Унинг «Тақрийбал-Асонид ва тартийбал-Масонид» китобида ўзининг ўғли Абу Заръа учун аҳком ҳадисларини жамлаган. Ироқий ўзининг хутбасида шундай дейди: «Мен ўғлим Абу Заръа учун мухтасар бир китобга машҳур имомларнинг ривояти асосида санадлари муттасил бўлган аҳком ҳадисларни жамлаб беришни ирода қилдим. Толиби ҳадис ҳадислардан бир нечасини санадлари билан ёдлаб олмаса, унга қаттиқ айб саналади. Зеро музокара ва далил келтириш вақтида катта китобларни варақлаб юришдан ва асл манбага мурожаат қилишдан холи бўлади. Мен бу даврда санадлар жуда узун бўлгани учун уларни ёдлаб олиш қийинлигини кўриб ва мутақаддимларнинг санадларини қисқартириш толибга анча енгиллик

келтиришини билиб, аслида санадлари жуда ҳам саҳиҳ бўлган бир нечта ҳадисларнинг санадларини қисқартириб жамламоқни истадим».

Ироқий кейин ҳадис китобларидан ҳадисларни қандай танлаб олгани ва нақл қилганини баён этади. Бу китоб жуда боблари кўп бўлган катта ҳажмли китобдир. Уни муаллифнинг ўзи шарҳ қилиб, шарҳининг муқаддимасида ровийларнинг ва китоб асносида зикр этилган одамларнинг таржимаи ҳолларини умумий фойда бўлсин, деб келтирган. Аммо бу шарҳ ниҳоясига етмаган. Кейинчалик муаллифнинг ўғли Абу Заръа (ваф. 826/1423 й.) шарҳни ниҳоясига еткизган ва унга «Тарҳ ат-тасриб фи шарҳ ат-тақриб» («Тақриб китобини шарҳлаш бўйича фикр ташлаш») деб ном қўйган.

Ҳукмга оид ҳадисларни ўзида мужассам қилган яна бир асар Ибн Ҳажар Асқалоний (ваф. 852/1448 й.) томонидан ёзилган «Булуғ ал-маром мин аҳодис ал-аҳком» («Ҳукмга оид ҳадислардан маромга етиш») номли китобдир. Унда 1400 та аҳком ҳадислари жамланган. Бу китоб бир мужалладли ҳолда Мисрда нашр этилган. Унга бир қатор уламолар шарҳ ёзганлар. Жумладан, Муҳаммад ибн Исмоил Санъоний (ваф. 1182/1768 й.) «Субул ас-салом» («Тинчлик йўллари») номли тўрт жузли шарҳ ёзган бўлиб, бу китоб Мисрда нашр этилган. Ҳадис илми бўйича етук олимлардан бири бўлган Фозил Сиддиқхон (ваф. 1307/1890 й.) «Фатҳ ал-аллом» («Барча нарсани билувчи Аллоҳнинг очиши, билдириши») номли шарҳи Мисрда нашр этилган.

Ҳофиз Ҳужжат Абдулазим ибн Абдулқавий ибн Абдуллоҳ Мунзирий (ваф. 656/1258 й.) «ат-Тарғиб ва-т-тарҳиб» («Тарғиб этиш ва қайтариш») номли китобни ёзган. У ҳадисларни жамлаш, уларнинг даражасини баён этишда энг яхши китоб деб тан олинган. Унга ҳозирги замондаги уламолар, маърузачилар катта эътибор қаратганлар. Бу китоб ҳам Мисрда бир неча марта нашр этилган.

Бир мазмундаги ҳадислар алоҳида тўпламларга жамланди. Бу даврда бир гуруҳ муҳаддислар «Кутуб ал-атроф» («Мавзудош ҳадислар китоблари») тўпламларини туза бошладилар. Бунинг маъноси шуки, бир муҳаддис ҳадислардан бирининг бир жиҳатини танлайди ва ҳадис китобларидан шу жиҳатга алоқадор ҳадисларни жам қилади. Бундай ҳадислар барча саҳиҳлар, муснадлар, суаналардан олинishi мумкин, баъзан махсус бир китоб ичидаги ҳадислардан териб олинishi мумкин.

Қуйидаги муаллифлар «Атроф ас-саҳиҳайн» тўпламини тузганлар:

– Ҳофиз Иброҳим ибн Муҳаммад Димашқий (ваф. 400/1010 й.);

– Абу Муҳаммад Халаф ибн Муҳаммад Воситий (ваф. 401/1011 й.);
– Абу Нуайм Аҳмад ибн Абдуллоҳ Исфаҳоний (ваф. 430/1039 й.);
Шунингдек, қолган саҳиҳ китобларига ҳам қатор «атроф»лар тузилди. Жумладан:

– Ибн Асокир номи билан машҳур Абул Қосим Али ибн Ҳасан Димашқий (ваф. 571/1176 й.) «Атроф ас-Сунан ал-арба‘а» («Тўрт Сунан атрофи») номли алифбо тартибидаги уч жилдли китобни ёзган. Бу китоб «ал-Ашроф ‘ало ма‘рифат ал-атроф» («Атрофни билиш бўйича шарафли сўзлар») номи билан ҳам юритилади;

– Муҳаммад ибн Тохир Макдисий (ваф. 507/1114 й.) «Атроф ал-кутуб ас-ситта» («Олти китоб атрофлари») китобини ёзди. Бу китобда хато ва ноаниқликлар кўп ва тартиб йўқ бўлгани учун, Ҳофиз Шамсуддин Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн Ҳусайний Димашқий (ваф. 765/1364 й.) уни чиройли қилиб тартибга солган.

Ҳижрий VI асрнинг охири ва V асрнинг бошларида (X-XI асрлар) уламолар ўртасида урф бўлганидек, кейинги даврларда ҳам «Кутуб ал-атроф» асарларини ёзиш ишлари давом этди. Кўплаб уламолар шу соҳани ривожлантирдилар. Жумладан:

– Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний «Атҳоф ал-махара би-атроф ал-ашара» («Ўн тўпламга атроф ёзиш бўйича моҳир уламоларнинг тухфалари») номли саккиз жилдли китоб ёзган. Бунда ўнта тўплам – «ал-Муватто», «Муснад аш-Шофи‘ий», «Муснад Аҳмад», «Муснад ад-Доримий», «Мунтақо Ибн ал-Жоруд», «Саҳиҳ Ибн Ҳиббон», «Мустандрок ал-Ҳоким», «Мустаҳраж Абу Авона», «Шарҳ Ма‘они-л-осор», «Сунан ад-Дорукутний» асарларини қамраб олган;

– Ибн Ҳажар Асқалоний «Атҳоф ал-махара» китобидага ўнта муҳаддис орасидан Имом Аҳмаднинг муснадидан олинган атроф ҳадисларни ажратиб алоҳида икки мужалладли китоб қилди ва уни «Итроф ал-Муснад ал-му‘таллий би-атроф ал-Муснад ал-Ҳанбалий» («Ҳанбалнинг Муснади атрофлари билан иллатли муснадларни далиллаш») деб номлади;

– Ибн Ҳажар Асқалоний Ҳофиз Зиё Макдисийнинг «ал-Аҳодис ал-мухтора» («Танланган ҳадислар») китобидан ҳам атроф ҳадисларни ажратиб олиб бир катта китобга жамлаган. Шунингдек, у «Муснад ал-Фирдавс» китобининг атрофларини ҳам жамлаган;

– Абу Фазл Ироқий Ибн Ҳиббоннинг «Саҳиҳ»идаги атроф ҳадисларни бир китобга жам қилган;

– Шаҳобуддин Абул Аббос Аҳмад ибн Абу Бакр Киноний Бусирий Шофеъий (ваф. 840/1437 й.) ҳам «Атроф ал-Масонид ал-ашара» («Ўнта Муснад атрофлари») номли китобига «Муснад Абу Довуд», «Муснад Абу Бакр ал-Ҳумайдий», «Муснад Мусаддад», «Муснад Муҳаммад ибн Яҳё ал-Адний», «Муснад Исҳоқ ибн Роҳувайх», «Муснад Ибн Абу Шайба», «Муснад Аҳмад ибн Муниъ», «Муснад Абд ибн Ҳумайд», «Муснад Абу Усома ал-Ҳорис», «Муснад Абу Яъло ал-Мавсилий» китобларидан атроф ҳадисларни олиб жамлаган.



3. Тўпламлардаги зиёда ҳадисларнинг алоҳида жамланиши.

Уламолар ҳадис илмига қизиққан илм толибларига янада осон бўлиши учун, аввалги уламоларнинг ёзган китобларини «тартиб», «тахзиб» (тозалаш), «интиқо» (софлаш) ва «тахриж» (иснодларини келтириш) қилишдан ташқари, ўзларининг билимларини ва санъатларини кўрсатиш учун ҳадис китобларини «Заво'ид» («Зиёдалар», «Қўшимчлар») тарзида ҳам жамлаганлар.

Маълумки, ҳар бир мусанниф ўз китобига барча ҳадисларни кирита олмайди. Чунки, ҳадислар денгиз мисол туганмасдир. Ҳар бир мусанниф имкони борича улардан олади. Шунинг учун ҳам мусаннифларнинг китоблари узун, қисқа, кўп, оз бўлади. Кейинги давр мусаннифлари икки ёки ундан кўп муҳаддисларнинг китобларини олиб, бир-бирига таққослаб, иккинчи китобда мавжуд бўлган, аммо биринчи китобда келтирилмаган қўшимча ҳадисларни битта китобга жамлаб, «Заво'ид» номи билан жамлаганлар. Бу каби тўпламлар бир неча турли китобларни ўз ичига олган.

Ҳофиз Шаҳобиддин Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Исмоил ибн Салим Бусирий (ваф. 840/1437 й.) қаламига мансуб учта китоб мавжуд:

- «Заво'ид Сунан Ибн Можа ала-л-кутуб ал-хамса»;
- «Заво'ид ас-Сунан ал-кубро ли-л-Байҳақий ала-л-кутуб ас-ситта».
- «Итҳоф ал-махара би-завоид ал-масонид ал-ашара». Бу асар куйидаги ўнта муаллиф муснадларини ўз ичига олади: Абу Довуд Таёлисий, Ҳумайдий, Мусаддад, Ибн Абу Амр, Исҳоқ ибн Роҳавайх, Абу Бакр ибн Абу Шайба, Аҳмад ибн Муниъ, Абд ибн Ҳумайд, Ҳорис ибн Муҳаммад ибн Абу Усома ва Абу Яъло Мавсилий.

Ҳофиз Ибн Ҳажар Аскалонийнинг «Китоб ал-матолиб ал-олия би-завоид ал-масонид ас-самония» («Саккиз муснад қўшимчаларига юқори талаблар») китоби бўлиб, ундаги «ал-Масонид ас-самония» («Саккиз муснад») деганда Ибн Абу Умар Аданий, Абу Бакр Ҳумайдий,

Мусаддад, Таёлисий, Ибн Муниъ, Ибн Абу Шайба, Абд ибн Хумайд ва Ҳориснинг муснадлари назарда тутилган. Ибн Ҳажарнинг Баззор, Аҳмад муснадларига ёзган «Заво’ид ала-л-кутуб ас-ситта» («Олти китобга завоид») асари ҳам мавжуд.

«Заво’ид» асарлар бир муаллиф томонидан бир неча турда ҳам ёзилган. Масалан, Ҳофиз Нуруддин Абул Ҳусайн Али ибн Абу Бакр ибн Сулаймон Ҳайсамий Мисрий (ваф. 807/1405 й.) Аҳмад ибн Ҳанбалнинг «Муснад» асарида «Олти Ишончли тўплам»да келмаган ҳадисларни жамлаб, унга «Заво’ид Муснад Аҳмад ала-л-кутуб ас-ситта» («Аҳмад Муснадининг олти китобга қилган қўшимчалари») деб ном берган. Шунингдек, Ҳайсамий «Олти ишончли тўплам»га кирмаган қўшимча ҳадисларни жамлашда давом этиб, «Заво’ид Муснад ал-Баззор ала-л-кутуб ас-ситта» («ал-Баззор Муснадининг олти китобга қилган қўшимчалари») тўпламини тузди. Бу китобнинг иккинчи номи «ал-Баҳр аз-заҳҳор фи завоид Муснад ал-Баззор» («ал-Баззор Муснади қўшимчаларини ўзида захира қилган денгиз») деб аталади.

Ҳофиз Нуруддин Ҳайсамий мазкур асарлар билан чекланмади. У кейинги муҳаддисларнинг асарларидаги «Олти ишончли тўплам»га кирмаган ҳадисларни кидиришда давом этди. Ҳайсамийнинг «Заво’ид Муснад Абу Я’ло ал-Мавсилий ала-л-кутуб ас-ситта» («Абу Я’ло ал-Мавсилий Муснадидан олти китобга зиёдалар») асари бир жилддан иборат. Кейинги асар «Заво’ид ал-Мўъжам ал-кабир ли-т-Табароний ала-л-кутуб ас-ситта» («ат-Табароний ал-Мўъжам ал-кабир асарида олти китобга зиёдалар») деб номланиб, Ҳайсамий унда Имом Табаронийнинг «ал-Мўъжам ал-кабир» («Катта қомус») асарида келган «Олти ишончли тўплам»дан ташқари ҳадисларни жамлаган. Шунга ўхшаш асар «ал-Бадр ал-мунир фи заво’ид ал-Мўъжам ал-кабир» («ал-Мўъжам ал-кабир зиёдалари бўйича ёрқин тўлин ой») ном билан аталиб, аввалги китобни тўлдиради ва у уч мужалладан иборат. Ҳайсамийнинг «Заво’ид ал-мўъжам ал-авсат ва-л-асғар ли-т-Табароний ала-л-кутубис-ситта» («Табаронийнинг ўртача ва кичик қомусларидаги олти китобга зиёдалар») китоби икки мужаллад бўлиб, у «Мажма’ ал-баҳрайн фи заво’ид ал-му’жамайн» («Икки қомус зиёдалари бўйича икки денгизнинг туташуви») деб ҳам аталади.

Мазкур «Заво’ид»ларнинг муаллифи Ҳофиз Нуриддин ҳадис илмини ўрганишда ўз замондоши, ҳадис илмининг етук намояндаларидан бири – Ҳофиз Абул Фазл Ирокий (725-806/1325-1404) билан илмий

ҳамкорликда бўлган. Шунингдек, Ҳайсамий унинг куёви ва шогирди эди.

Ҳофиз Нуриддин кейинчалик ўзининг мазкур «Заво'ид» китобларини катта бир мажмуа қилиб жамлади ва унга «Мажма' аз-Заво'ид ва манба' ал-фавоид» («Зиёдалар мажмуаси ва фойдалар манбаи») деб ном берди. Муаллиф бу мажмуада иснодларни қисқартирди, ҳадисларнинг саҳиҳини, ҳасанини ва заифини ажратди. Китоб фойдаланишга қулай ажойиб бир мажмуа бўлдики, бугунги кунгача ҳам ундан ўқувчилар фойдаланиб келади.

Ҳофиз Нуриддиннинг яна бир китоби Ибн Ҳиббон «Саҳиҳи» асарининг Икки Шайх «Саҳиҳ»ларига ёзилган «Заво'ид»и бўлиб, унинг номи «Маврид аз-зам'он ила заво'иди Ибн Ҳиббон» («Ибн Ҳиббон заво'идига чанқоқ одамнинг келадиган жойи») деб аталади.

Юқорида «Заво'ид» жанридаги асарларга айрим мисоллар келтирилди. Аммо улардан ташқари бошқа муаллифлар ҳам ана шу жанрда кўплаб тўпламлар тузган.

Ҳадис китобларини бир тўпламга жамлаш каби улкан ишлар амалга оширилди. Уламолар аввалги муаллифларнинг китобларидан фойдаланган ҳолда саҳиҳлардаги ҳадисларни бир тўпламга жамлаш, турли китоблардан танлаб олинган ҳадисларни бирлаштириш, бир мавзудаги ҳадисларни жамлаш ва «Заво'ид» ҳадисларни ажратишдан ташқари турли ҳадис мажмуъаларини бир китобга жамлаш билан ҳам шуғулланганлар. Бундай китобларни «ал-Жавоми' ал-‘омма» («Умумий жоме'лар») деб юритилган.

Ўнта тўпламни ўзида мужассам қилган ана шундай асарлардан бири Ибн Касирнинг «Жоме' ал-масонид ва-с-сунан ал-ҳодий ли-ақвам ас-сунан» («Энг тўғри суннатга бошловчи муснад ва сунанлар тўплами») номли китоби эди. Ибн Касир номи билан машҳур ушбу олимнинг тўлиқ исми – Ҳофиз Исмоил ибн Умар Қураший Димашқий (ваф. 774/1372 й.) бўлиб, мазкур асарда икки «Саҳиҳ», Абу Довуд, Насоий, Термизий, Ибн Можжа «Сунанлар»и, Имом Аҳмад, Баззор, Абу Яъло «Муснад»лари, Табаронийнинг «ал-Му'жам ал-кабир» асарларини бир китобга жамлаган.

Ҳофиз Абдурахмон ибн Абу Бакр Суютийнинг (ваф. 911/1505 й.) «Жам' ал-жавоми'» («Тўпламлар мажмуаси») китоби «Олти саҳиҳ» ва бошқа мажмуаларни ўз ичига олган. Суютий Расулulloҳ (с.а.в.) дан ривоят қилинган ҳадисларнинг барчасини бир китобга жамлашни

ният қилган эди. Аммо у китобини ниҳоясига етказа олмай вафот этди. Бу китобда заиф ҳадислар билан бирга, кўплаб тўқима ҳадислар мавжуд бўлгани учун, уни Алоуддин Али ибн Ҳусом Ҳиндий (ваф. 975/1567 й.) ўзининг «Канз ал-уммол фи сунан ал-ақвол ва-л-аф‘ол» («Сўз ва феълга оид доимий амалдаги ҳадислар хазинаси») номли китобида заиф ва тўқима ҳадислардан тозалаб, тартибга солган. Кейин у «Мунтахаб канз ал-уммол» («Канз ал-уммол сайланмаси»)да уни мухтасар қилган. Алоуддин Ҳиндийнинг «Канз ал-уммол» китоби ҳам, унинг мухтасари ҳам Ҳиндистонда нашр этилган. Мазкур китоб Суютийнинг ўзи томонидан ҳам мухтасар қилинган бўлиб, уни «ал-Жоме‘ ас-сағир фи ҳадис ал-Башийр ан-Назир» («Хурсандчилик ва кўрқитиш хабарини берувчи кишининг ҳадислари бўйича кичик тўплам») деб номлаган.



4. Ҳадис иснодларини ўрганишга онд асарлар. Баъзи мусаннифлар ўзларининг турли ислом илмларига хос, масалан, ақоид, фикх, усул, тафсир, ҳадислар шарҳи, тасаввуф ва луғат китобларида далил келтириш, исботлаш мақсадида ҳадислар келтирадилар ва уларнинг олинган манба номига ишора қилиш билан кифояладилар. Бунда ҳадисларнинг матнларини ҳам, иснодларини ҳам таҳлил қилишга, саҳиҳларини заифларидан ажратиб кўрсатилмайди. Шу сабабли баъзи муҳаддис ҳофизлар мазкур муаллифлар китобларида фойдаланган ҳадисларни тўпламлардан ажратиб олиб, алоҳида бир китобга жамладилар ва уларни таҳлил қилиб бердилар. Жумладан, Ҳофиз Абу Муҳаммад Жамолиддин Абдуллоҳ ибн Юсуф ибн Муҳаммад Ҳанафий Зайла‘ий (ваф. 762/1361 й.) Маҳмуд Замахшарийнинг «ал-Кашшоф» тафсиридан манбасига ишора қилинган «марфу‘» ҳадисларни бир китобга жамлади ва уларнинг иснодларини баён этди.

Жамолиддин Зайлаий Ҳофиз Зайниддин Ироқий билан бирга ҳадис тўпламларини кўриб чиқиб, мутолаа қилдилар. Ироқий Имом Ғаззолийнинг «Ихё’ улум ад-дин» («Дин илмларини тирилтириш») китобида келтирган ҳадисларни ва Имом Термизий «Сунан»ининг ҳар бир бобида ишора қилган ҳадисларни «тахриж» қилди. Зайлаий эса «ал-Кашшоф»нинг ҳадисларини ва Бурҳониддин Марғинонийнинг «ал-Ҳидоя» асарида келтирган ҳадисларни тахриж қилди.

Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний ҳам Зайла‘ийнинг тахрижини қисқартирди ва унга Зайлаий эътибор қилмаган «марфу‘» ҳадисларни зиёда қилди ва унга «ал-Кофий аш-шоф фи тахриж аҳодис ал-Кашшоф»

(«ал-Кашшоф ҳадисларини таҳриж қилиш бўйича кифоя қилувчи китоб») деб ном берди. Бу китоб «ал-Кашшоф»нинг охирги жузи билан бирга Мисрда нашр этилган. Ибн Ҳажар Асқалоний Имом Нававийнинг «ал-Азкор» («Зикрлар») ва «ал-Арба‘ин» («Қирқлик») китобларидаги ҳадисларни таҳриж қилган. «Ал-Масобих», «ал-Мишкот» китобларидаги ҳадисларни ҳам таҳриж қилиб, унга «Ҳидоят ар-рувот ило таҳриж аҳодис ал-Масобих ва-л-Мишкот» («Ровийларни ал-Масобих ва ал-Мишкот ҳадисларини тўғри таҳриж қилишга бошлаш») деб ном берган.

Иснодларни таҳлил этиш ишлари давом этиб, Шайх Муҳаддис Абдуллауф Муновий ва Шайх Муҳаммад Ҳимматзода ибн Ҳасан Ҳимматзода (ваф. 1175/1762 й.) «Тухфат ар-ровий фи аҳодис ал-Байзовий» («ал-Байзовий ҳадисларидаги ровийларни тухфа қилиш») номли китобида Қози Байзовий тафсирида келган ҳадисларни алоҳида жамлаб, уларнинг саҳиҳ ва заифини ажратиб берди.

Ҳофиз Суютий (ваф. 911/1505 й.) Қози Йезнинг (ваф. 544/1149 й.) «аш-Шифо» китобидаги ҳадисларни «таҳриж» қилиб, уни «Маноҳил ас-сафо фи таҳриж аҳодис аш-Шифо» («аш-Шифодаги ҳадисларни таҳриж қилиш бўйича соф сувлок») деб номлаган.

Ҳадис иснодларини аниқлаш бўйича Тожиддин Субкий (727-771/1327-1370) ҳам фаолият кўрсатган бўлиб, у Қози Байзовийнинг (ваф. 685/1286 й.) «Минҳож ал-усул» («Усул ад-дин, яъни ақида илмининг дастури, йўли») китобидаги ҳадисларни «таҳриж» қилган. Шунингдек, Ҳофиз Зайниддин Ироқий (725-806/1325-1404) ҳам мазкур «ал-Минҳож» асаридаги ҳадисларни таҳриж қилган.

Ибн Ҳажар Асқалоний, Ибн Мулаққин, Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдулҳодий Макдисиёлар (ваф. 724/1324 й.) ҳам Ибн Ҳожибнинг «усул» илмига оид «ал-Мухтасар» асаридаги ҳадисларни таҳриж қилганлар.

Жамолиддин Зайла‘ий ҳанафий мазҳаби бўйича ёзилган «ал-Ҳидоя» ҳадисларини таҳриж қилган ва «Насб ар-роя ли-аҳодис ал-Ҳидоя» («ал-Ҳидоя асаридаги ҳадислар учун байроқ ўрнатиш») деб ном берган. Бу китоб Мисрда нашр этилган. Зайла‘ийнинг мазкур китобидан «ал-Ҳидоя»нинг жуда кўп шориҳлари фойдаланганлар. Жумладан Ибн Ҳажар Асқалоний ўзининг «Тарих»ида Зайла‘ийни: «Ҳадис матнини, ровийларнинг исмларини, ҳадиснинг «фуру‘» («соҳалар»)ни билишда денгиз мисолидир», – деб таърифлаган. Ибн Ҳажарнинг «ад-Дироя фи

мунтахаб таҳрижи аҳодис ал-Ҳидоя» («ал-Ҳидоя ҳадислари таҳрижи сайланмасини билиш») номли китоби 1350/1931 йилда Деҳлида нашр этилган. Шунингдек, Зайниддин Ироқий ҳам Имом Ғаззолийнинг «Ихё улум ад-дин» («Дин илмларини тирилтириш») китобидаги ҳадисларни таҳриж қилган.

Турли илмий китоблардаги ҳадисларни «таҳриж» қилиб тузилган асарларда муҳаддислар фақиҳлар ҳужжат сифатида келтирган ҳадисларнинг саҳиҳи ва заифини ажратиб берганлар. Бундан мақсад одамлар муаллифлар келтирган ҳадисларнинг барчасига кўр-кўрона эргашиб, амал қилиб кетавермай, уларга танқидий ёндашишга чақириш эди.

Халқ орасида оғзаки тарқалган ҳадисларни «таҳриж» қилиш ишлари амалга оширилди. Баъзан ҳадис илмидан беҳабар кишилар турли мазмундаги гапларни «Расулulloҳ ҳадислари», деб ҳадис сифатида талқин қила бошладилар. Бу «ҳадислар»нинг баъзилари саҳиҳ, баъзилари заиф, яна баъзилари эса тўқима ҳадислар эди. Одамларнинг орасида тарқалган ва ҳадис деб номланган шундай гапларни муҳаддис уламолар эътибордан четда қолдирмаганлар ва бепарво бўлмаганлар. Уларни жамлаб, алоҳида китобларга ёзганлар ва таҳлил асносида саҳиҳларини заифларидан ажратиб берганлар.

Ана шундай асарлардан бири Ҳофиз Шамсиддин Муҳаммад ибн Абдулрахмон Саховийнинг (831-902/1428-1497) «ал-Мақосид ал-ҳасана фи-л-аҳодис ал-муштаҳира ала-л-алсина» («Тилларда машҳур бўлган кўпгина ҳадислар бўйича чиройли мақсадлар») номли китобида омма халқ тилидан кўп эшитиладиган ҳадисларни жамлаб, таҳлил қилган. Бу китобни Саховийнинг шогирди Абдулрахмон ибн Дийбаъ Шайбоний мухтасар қилган ва унга «Тамйиз ат-таййиб мина-л-хабис фимо ядуру ала-л-алсинати мина-л-ҳадис» («Тилларда айланадиган ҳадисларнинг яхшисини ёмонидан ажратиш») деб ном берган. Кейинчалик ушбу «ал-Мақосид ал-ҳасана» бошқа муаллифлар томонидан мухтасар қилиниб, «ад-Дуррат ал-ломи'а фи баён касирин мина-л-аҳодис аш-шо'и'а» («Кўпгина кенг тарқалган ҳадисларни баён қилиш бўйича ярқирок дурдона») деб ном берган.

Мазкур йўналишда қалам тебратган Шайх Иззуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Халилий (ваф. 1057/1647 й.) ўзининг «Тасхил ас-субул ило кашф ал-илтибос аммо дора мина-л-аҳодис байна-н-нос» («Одамлар орасида

айланган ҳадислардан ноаниқликни кетказишга олиб борадиган йўлларни осонлаштириш») деб номлаган.

Одамлар орасида оғзаки равишда тарқалган турли тўқима ҳадислар ҳақида кенгрок тушунчага эга бўлиш, саҳиҳ ҳадисларни улардан ажратиб олиш учун ушбу йўналишда қилинган ишлардан вокиф бўлиш жуда фойдали ва зарурийдир. Ана шундай ишлардан бири Ҳофиз Исмоил ибн Муҳаммад Ажлуний (ваф. 1162/1749 й.) томонидан ёзилган «Кашф ал-хафо ва музил ал-албос амма-штаҳара мина-л-аҳодис ало алсинат ан-нос» («Одамлар тилларида машҳур бўлган ҳадислардан қоронғуликни очиш ва ноаниқликни тугатиш») номли китоби эди. Бу асар Саховийнинг «ал-Мақосид ал-ҳасана» китобидан мухтасар қилиб ёзилган ва бошқа китоблардан олинган ҳадислар билан тўлдирилган. Бу китоб уламолар орасида машҳур ва жуда фойдали манба ҳисобланади. Бу асар икки жилдли қилиб Мисрда нашр этилган.



5. Мўғуллар юришидан кейинги даврда ҳадис илмининг ҳолати. Аббосийлар халифалиги 1258 йилдаги мўғулларнинг босқинчилик юришлари натижасида кулатилди. Мўғуллар аввал Ҳалабга, кейин Дамашққа хужум қилиб, даҳшатли қирғин-барот урушларини олиб бордилар. Бу пайтда Мисрни пойтахт қилган Айюбийлар давлати ҳам инқирозга юз тутиб, унинг ўрнини мамлуклар давлати эгаллаган эди. Мўғулларга мамлуклар қарши чикдилар ва «Айни Жолут» деган жойда юзма-юз жанг бўлиб, мўғуллар енгилиб ортга кочдилар. Аббосий мамлукларидан бўлган подшоҳ Зоҳир Бейбарс (1260-1277) тахтга ўтирди. Аббосийларнинг янги пойтахти Қоҳира шаҳри бўлди. Бироқ ҳукмронлик мамлуклар қўлида бўлиб, «халифа» деб эълон қилинган муътасим уларнинг қўлида бир кўғирчоқ эди.

VII/XIII аср ниҳоясида барбарлар ҳукмрон бўлиб турган Мағриб мамлакатидан бошқа барча мусулмон ўлкалари устидан турклар ўз ҳукмронликларини ўтказиш бошладилар. VIII/XIV аср бошида Усманийлар давлатининг асосчиси Усмон Кажак салжуқийлар давлатини йўқ қилиб, усманий турклар давлатини барпо қилди ва бу давлатнинг ҳудуди аста-секин кенгайиб, мамлуклар давлатини ва унинг атрофидаги барча давлатларни қўлга киритиб, ҳатто Константинополь (Истанбул) ҳам фатҳ этилди. Мисрдаги аббосийлар ҳукмронлиги йўқ қилиниб, IX/XV аср ўрталарида пойтахт Истанбулга кўчирилди ва Турк султони ўзини мусулмонларнинг халифаси деб эълон қилди. Миср

усмонийлар давлатининг бир вилоятига айлантирилди. Натижада бу ердаги илмий марказлар фаолияти сусайди. Бу даврга келиб ҳадис илмларини ўрганиш, илм талабида сафар қилиш, устоз-шогирд муносабатларини давом эттириш имкониятлари камайди.

Аммо ҳадис илми уламолари орасида бу илм учун фидойи бўлган олимлар ҳам бор эди. Улардан бири ҳадис бўйича бир қатор китоблар муаллифи Ҳофиз Абул Фазл Имом Зайниддин Абдурраҳим ибн Ҳусайн Ироқий Исрий (ваф. 806/1404 й.) турли шаҳарларга сафар қилиб, ҳадис ёзиш мажлисларини ташкил этди. Кўплаб муҳаддислар унинг ривоятларини ёзиб олдилар. Манбаларда таъкидланишича, Ироқий илм толибларига турли шаҳарларда 400 дан ортиқ маротаба имло, яъни ҳадис ёзиш мажлисларини ўтказган. Унинг шогирди Ибн Ҳажар Асқалоний шундай ёзади: «Устоз ҳадис имлоси мажлисини ҳижрий 796 (мил. 1394) йилда бошлаган эди. Унинг сабаби билан Аллоҳ Суннатни қайта тирилтирди. У одамлар билан тўрт юз (400) мартадан кўпроқ мажлис ўтказиб, ҳаммасида минглаб таҳзиб, таҳрир қилинган, долзарб мавзулардаги ҳадисларни ёздирди».

Фидойи олимлардан яна бири Шаҳобиддин Абул Фазл Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Али ибн Ҳажар Асқалоний Мисрий (ваф. 852/1448 й.) эди. Жалолуддин Суютий муҳаддис Ибн Ҳажар Асқалонийнинг ҳадис илмидаги мақомига катта баҳо бериб ва ундан кейинги даврда бу илмнинг пасайиш даври бўлганини таъкидлаб шундай дейди: «Ибн Ҳажар билан (ҳадис илми талабидаги) сафар ҳам, пешволик ҳам ниҳоясига етган. Унинг даврида ундан бошқа муҳаддис бўлмаган. У ҳадис илми соҳасида жуда кўп китоб ёзган. Илм толибларига эса мингдан ортиқ мажлис ўтказиб, ҳадислар ёздирган».

Ҳадис илмининг яна бир фидойиси – Ибн Ҳажар Асқалонийнинг шогирди Ҳофиз Саховий (ваф. 902/1497 й.) бўлиб, у ўзининг «Фатҳал-Муғис би-шарҳ алфийат ал-ҳадис» («Ҳадис мингталигининг шарҳи бўйича Ёрдам берувчининг очиши») китобида шундай ёзади: «Мен Макка ва Қоҳиранинг кўп жойларида ҳозиргача 600 дан ортиқ мажлис ўтказиб, илм толибларига ҳадис ёздирдим».

Аммо ҳадис илмини тарқатишнинг бу усули аввалги асрлардаги каби кенг ёйилмади. Бу даврда уламолар бутун эътиборларини аввалги китобларни жамлаш, мухтасар қилиш, шарҳлаш, иснодаларини аниқлаш каби ишларга қаратдилар.

ҲАДИС:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ:

آفَةُ الْعِلْمِ النَّسْيَانُ وَإِضَاعَتُهُ أَنْ تُحَدَّثَ بِهِ غَيْرَ أَهْلِهِ

**Расулуллоҳ (с.а.в.) айтадилар: Илмнинг офати – унутиш
ва уни илмга рағбати бўлмаган кишиларга ўргатиш эса
уни зое қилишдир.**



Мавзу бўйича саволлар

1. Ҳижрий III ва IV асрларда ҳадис илмининг ҳолати орасида қандай фарқ мавжуд?
2. Ибн Ҳиббон ишончли ҳадисларни саралашда қандай услубларни илгари сурган?
3. Ҳадис илмида турғунлик даврининг юзага келиш сабаблари нимада?
4. Суннани «тадвин» қилиш жараёнида ҳадис илмида қандай йўналишлар шаклланди?
5. Ҳукмларга оид ҳадислар жамланган асарлардан қайсиларини биласиз?
6. Ибн Ҳажар Асқалоний ҳадис илмига қандай ҳисса қўшган?
7. XV асрда фаолият юритган муҳаддислардан кимларнинг номларини айта olasиз?



Топшириқлар

1. Тўртинчи аср муҳаддис уламоларининг «ўзига хос мустақил йўл тутиб, ҳадис илми ривожига муносиб ҳисса қўшдилар», – дейилган жумланинг моҳиятини ёритиб беринг.
2. «Заво'ид» тўпламларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот тўпланг.
3. Мўғуллар юриши арафасида мусулмон оламидаги ижтимоий вазиятни аниқланг.

Мустақил иш мавзулари

1. «Мавзу» ҳадисларнинг пайдо бўлиши ва қўпайиш сабаблари.
2. Ҳадисларни «тахриж» қилишга оид асарлар.
3. Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний ва унинг илмий мероси.
4. X асрда Мовароуннаҳрда ҳадис илмининг ривож.



Адабиётлар

1. Абу Лайс Ас-Самарқандий, Ал-Фақиҳ. Танбеҳул-Ғофилийн (Ғафлатдан уйғотиш). – Т. III. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003.
2. Абу Тохирхожа. Самария // Абу Тохирхожа. Самария. Наршахий. Бухоро тарихи. Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. Ибрат. Фарғона тарихи. – Т.: Камалак, 1991.
3. Зиёдов Ш. Абу Мансур ал-Мотуридий ёзма мероси ва унинг «Китаб ат-та’вилот» асари: фалс. фан. ном. дис... автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003.
4. Муратов Д. Абдуллоҳ ас-Субазмунийнинг «Кашф ал-осор» асари ҳадис илмига оид манба. Номзодлик диссертацияси. – Т.: 2008.
5. Окилов С. Абу-л-Муъин ан-Насафий ва унинг Мотуридия таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси («Табсирату-л-адилла» асари асосида). Тарих фанлари номзоди ... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005.
6. Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс Насафий. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.
7. Мустафо ал-Буғи. Комментария 40 ҳадис имам ан-Навави / перевод Владимир Абдулла Нирша. – Казань: 2004.
8. Усмонов И.С. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба. Тарих фанлари номзоди ... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2006.
9. Иёд ибн Мусо. Шарҳ саҳиҳ Муслим. – Байрут: Дор ал-вафо, йили кўрсатилмаган.
10. Ибн Можа. Сунан. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1998.
11. Бадр ад-Дин ал-Айний. Умдат ал-қорий шарҳ саҳиҳ ал-Бухорий. – Байрут. Дор ихё ат-тирос ал-арабий, нашр йили йўқ.


РЕЖА:

1. Минтақага исломнинг кириб келиши.
2. Минтақага ҳадисларнинг кириб келиши.
3. Муомалада бўлган ҳадис мавзулари.
4. Илк муҳаддис уламолар.

🔍 **Таянч иборалар:** *Марказий Осиё, Шоҳи Зинда, Саид ибн Усмон, Табарий, Хуросон, Рихла, Мунтахаб, Китоб ал-қанд.*



1. Минтақага исломнинг кириб келиши. Араблар келишидан аввал Марказий Осиё аҳолиси турли табақа ва касб-кор эгаларидан иборат эди. Бу шаҳарда хунармандчиликнинг турли соҳалари ва савдо-сотик минг йиллар давомида тараққий этиб келган. Бу ҳудуд қадимий давлатчилик ҳамда бой моддий ва маънавий маданиятга эга бўлган. Иқтисодиётнинг умумий ривожланиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, хунармандчилик, шаҳар қурилиши ва ташқи савдо-сотикда акс этди. Бу ҳудудда ўзига хос сўғд ёзуви мавжуд бўлиб, санъат, керамика, меъморлик, рассомлик, мусиқа маданиятлари ривожланганлиги унда савдогарлар, турли санъат намояндалари ва



Минтақада «Мовароуннаҳр» деб аталган, марказий шаҳарлари Самарқанд ва Бухоро бўлган ҳудуд турли илмлар қатори ҳадис илмининг ҳам ривожланишида асосий ўринни эгаллайди. Зеро бу ҳудуд қадимдан йирик иқтисодий-маданий марказлардан бири эди. Сўғдликларнинг қарвонлари Хитой, Монғолия, Ҳиндистон, Эрон, Сурия, Миср, Византия шаҳарларига қатнар эди. Маҳаллий аҳоли дунё савдо-сотиқ муносабатларида катта мавқени эгаллаган эди. Хитойни Европа шаҳарлари билан боғловчи Буюк Ипак Йўли айнан мана шу ҳудуддан ўтар эди. Натижада Мовароуннаҳрнинг ташқи дунё билан алоқалари мустақамланиб, илм-фаннинг тараққий этишига пухта замин тайёрлади.

VII аср иккинчи ярмида Эронда Сосонийлар сулоласи (224–651) кулаганидан сўнг араблар Марвни эгалладилар ва шу ердан туриб Амударё ортидаги ерларга, яъни Мовароуннаҳрга юришларни амалга оширдилар. Бир-бирлари билан душманлик кайфиятида бўлган ҳукмрон доиралар бу ҳаракатларда ўз заифликларини кўрсатиб қўйдилар. Ҳокимиятдан норози бўлган баъзи деҳқонлар араблардан ёрдам кутиб, улар тарафига ўтдилар. Қолган деҳқонлар ўз ҳокимиятларини ҳимоя қилиш учун курашга отландилар. Худди шу пайтда маҳаллий жамиятдаги турли табақалар орасидаги бирликнинг йўқлиги яққол сезилиб қолди.

Араб қўшинлари Мовароуннаҳр ҳудудларида VII аср ўрталаридаёқ пайдо бўлишига қарамасдан, ислом динининг марказий шаҳар – Самарқандга кириб келиши бевосита арабларнинг шу ерга кириб келиб, яшаши билан боғлиқ. 60 йил давом этган урушлари (644–704) мобайнида араблар 18 йил Амударё ортига юриш қилдилар, қолган 42 йил ичида эса ўзаро ички муаммолар ва қабилавий низоларни бартараф этиш билан машғул бўлдилар. Бу даврдаги ҳарбий фаоллик Умавийлар ички сиёсий ҳаёти билан боғлиқ бўлди: Марказий Осиё учун нисбатан тинч бўлган йиллар араб қабилалари орасидаги ўзаро муносабатларнинг кескинлашган даврига тўғри келса, араб қўшинларининг фаоллашув йиллари эса давлатдаги вазиятнинг барқарор бўлган даврида юз берди. Келтирилган далиллардан нафақат маҳаллий аҳоли, балки араблар орасида ҳам мазкур даврда ўзаро зиддиятларнинг мавжуд бўлганлигини кўриш мумкин.

Мовароуннаҳрга биринчилардан бўлиб кирган халифа Муовиянинг Хуросондаги волийси Абу Усмон Саид ибн Усмон ибн Аффон (ваф.

675 йилдан кейин) Самарқанд дарвозаси олдида турганида унинг ёнига Хуросондан Пайгамбар амакиваччаларидан бўлган Абу Жаъфар Қусам ибн Аббос етиб келди. Саид ибн Усмон уни иззат икром билан қарши олди. Қусам Самарқандни истило этишда Саидга ҳамроҳ бўлди. Усрушанага етганларида Қусам вафот этди. Мазкур икки киши манбаларда Мовароуннаҳрга илк кирган саҳоба ва тобиийлардан, яъни ҳадисларни бу ҳудудга олиб келган кишилар сифатида зикр этилади.

Абу Жаъфар Табарийнинг ёзишича, Мовароуннаҳр ҳудудида уюшган ҳолда арабларга қарши кураш олиб боришга ҳаракат қилинган. Араблар юришлардан сўнг Марвга қайтганларида, марказий осийлик ҳукмдорлар Хоразм яқинида йиғилиб, бир-бирларига қарши ҳужум қилмаслик ҳақида мажбурият олишар эди. Маҳаллий аҳоли араблар ҳукмронлигини қаршиликсиз осонгина қабул қилмадилар. Араб кўшинларига ташқаридан келган ёт кучлар сифатида қараб, уларга қарши курашдилар. Бу курашлар манбаларда маҳаллий кўзғолонлар сифатида зикр этилади.

704 йилда Хуросонга Ҳажжож ибн Юсуфнинг ўнг қўли бўлган Қутайба ибн Муслим (704-715) ноиб сифатида келди. Қутайба биринчи бўлиб Мовароуннаҳрда араблар ҳокимиятини ўрнатди. Қутайба ўзи фатҳ этган ерларда, жумладан, Самарқанд ва Бухорода масжидлар қурдирди. Кўпинча маҳаллий аҳолининг эски ибодатхоналари масжидларга айлантирилар эди.

Сўғдлар ҳукмдори Тархун Самарқандда араблар билан сулҳ тузди ва ўлпон тўлашга ҳамда гаровга ўз одамларини юборишга розилик берди. Ҳукмдорнинг бундай йўл тутиши сўғдликларга ёқмади ва улар унинг ўрнига укаси Ғуракни (710-737) ихшид (подшоҳ) қилиб сайлашди. Кейинчилик Ғурак ҳам Қутайба билан сулҳ тузди.

Самарқанд аҳолисининг таркиби Қутайба билан кирган араб кўшинлари ва улар билан биргаликда Мовароуннаҳр ва Хуросондан келган ҳарбийлар ҳисобига ҳам турли этник гуруҳлар билан бойиди. Буни қуйидаги фактдан ҳам кўриш мумкин: 710 йили Қутайба 20 минг сонли ўз қўшинини укаси Абдуррахмон ибн Муслим бошчилигида Самарқандни забт этиш учун юборди. Ўзи эса унинг кетидан асосий кўшин билан олға юрди. Унинг қўшинида араблардан ташқари хоразмликлар ва бухороликлар ҳам бор эди. 712-13 йили ана шундай юришларининг бири давомида Бухоро, Кеш, Насаф, Хоразмдан унга 20 минг жангчи етказиб беришни талаб қилган. Шундай қилиб араб

қўшинларининг сафи уларга қўшилган ерли аҳолининг ҳисобига ҳам кенгайиб борар эди. Абу Ҳафс ан-Насафий Самарқанддаги илк муҳаддислар қаторида Қутайбанинг укаси Абдуррахмон ибн Муслимнинг таржимаи ҳолини ҳам келтиради. Абдуррахмон араблардан энг биринчи Самарқанд амири бўлди.

Умавийлар ҳукмронлигига чек қўйган Абу Муслим ҳаракати (747–749) Мовароуннаҳр тарихида катта ўрин эгаллайди. Абу Муслимнинг келиб чиқиши араб манбаларида аниқ кўрсатилмаган. Ўша даврда: «Арабларнинг бошқа халқлардан ва бошқа халқларнинг араблардан устунлиги йўқдир, магар устунлиги таквога кўрадир», деган ҳадиснинг кенг тарқалгани ушбу замонда араблар ва араб бўлмаган мусулмонлар мавқеларининг тенглашувига бўлган интилишларнинг кучли бўлганидан дарак беради.

Абу Муслимнинг халифа томонидан хиёнаткорона ўлдирилишидан сўнг маҳаллий аҳолининг назарида у халқпарвар қаҳрамонга айлана бошлади. Тарихчи олим Абу Ҳафс Насафий (1068–1142) ўзининг «Китоб ал-қанд» асарида унинг номи «Соҳиб ад-давла Абу Муслим Абд ар-Раҳмон ибн Муслим ибн Шанфирруз ал-Марвазий» деб муҳаддислар қаторида ҳурмат билан тилга олиши XII асрда унинг Самарқанд муҳитида обрўси баланд бўлганлигидан дарак беради. Ўша даврда муҳаддислик нафақат илм соҳаси, балки юксак мартаба ва кўпчилик интиладиган мансаб даражасига кўтарилган эди. Шу сабабли ҳам юқори лавозимли кишилар битта бўлса-да, ҳадис ривоят қилишга, ўз номларининг муҳаддислар қаторида саналишига интилганлар.

Абу Муслимнинг қатл этилиши Хуросон ва Мовароуннаҳрда норози гуруҳлар ва диний-ижтимоий ҳаракатларнинг яшириниб ётган чўғларининг гулханга айланишига сабаб бўлди. VIII асрда бўлиб ўтган қўзғолонларни озуқалантирган ўша даврдаги маздакийлик, ҳуррамийлик, мухаммира ва мубаййида ғояларини ҳисобга олмай туриб воқеаларни тўғри тушуниш мумкин эмас. Бу каби оқимларнинг мафкуралари ўша даврда тўқилган сохта ҳадисларда акс этган. Улар ривоят қилган нафақат ёлғон ҳадислар, балки ишончли ҳадисларда ҳам бу гуруҳларнинг мақсад ва моҳиятларини кўриш мумкин.

VIII асрда бу ҳудудга кириб кела бошлаган ислом дини IX ва X асрларга келиб анча муқим ўрнашди. Аввалда қуроли тўқнашувлар кўринишида бўлган зиддиятлар энди илоҳиёт, шунингдек ҳадис соҳаларига кўчган эди. Араблар орасида ўз манфаатларини кўзлаб,

маҳаллий аҳоли анъаналарини қораловчи ҳадисларни тўқиш майли кучли бўлган бўлса, маҳаллий аҳоли ўз қарашлари ва урф-одатларини химоя қилиб ҳадис айтганлар.



2. Минтақага ҳадисларнинг кириб келиши. Муҳаддислар фаолияти, яъни ҳадисларни йиғиш мақсадида «рихла», яъни сафарга чиқишлари VII асрда жуда кам юз берадиган воқеалардан эди. Иснодларнинг таркибини таҳлил қилишнинг кўрсатишича, VIII асрдан бошлабгина муҳаддисларнинг ҳадис талабида фаол ҳаракатлари бошланганлигини ва турли шаҳарлардаги ҳадис марказлари орасида боғланиш пайдо бўлганлигини кўрсатади. Чунки хижрий биринчи асрнинг охириги уч ўн йиллигида (690-720) ислом оламининг алоҳида маъмурий марказларида ҳадисга бўлган қизиқиш орта борди. Шу жумладан, Мовароуннаҳрда ҳам ҳадис илмининг пайдо бўлиши ундан аввал бўлиши мумкин эмас. Аммо Мовароуннаҳр ҳадис илмининг вакиллари ўз ўтмишдошлари сифатида бу минтақага илк кириб келган араб саркардалари ва улар билан бирга келган саҳоба ва тобийларни минтақадаги илк муҳаддислар қаторида номларини ва ривоят қилган ҳадисларини келтирадилар. Масалан, Абу Ҳафс Насафий Саид ибн Жаноҳ Бухорийнинг «Китоб ал-қибла» асари воситасида Мовароуннаҳрда 674–675 йилда кириб келган тўққиз кишининг номини келтиради:

1. Саид ибн Усмон ибн Аффон;
2. Қусам ибн ал-Аббос;
3. Абу-л-Олия Руфай ибн Михрон;
4. Муҳаммад ибн Восиъ;
5. Бурд (Анас ибн Моликнинг мавлоси);
6. ад-Даххок ибн Музоҳим;
7. ал-Лайс ибн Аби Сулайм;
8. Зиёд ибн Михрон;
9. Хулайд ибн Ҳассон.

Саид ибн Усмон умавий халифа Муовия ибн Аби Суфённинг Хуросонга тайинлаган волийси бўлиб, 674–75 йилда у Самарқандга қилинган юришда қўшинга раҳбарлик қилди. Саид ибн Усмоннинг халифа Муовия тарафидан Хуросонга волий этиб жўнатилишига сабаб умавий халифа уни пойтахтдан узоқлаштиришни кўзлагани эди. Чунки Муовия ўғли Язидни ўзига валиаҳд қилиб тайинлаганида Мадина аҳли бу қарордан норози бўлиб, «Язид бунга эриша олмайди,

ундан (Муовиядан) кейин амир Саиддир», деган мазмундаги шеърни айтадилар. Шундан сўнг Саид халифаликка даъвогарлик қилмаслиги учун Муовия уни Хуросонга волий қилиб юборди. Абу Ҳафс Насафий Саид ибн Усмоннинг ҳадис илмига алоқадорлигини кўрсатиш мақсадида унинг Марв масжидидаги минбардан туриб хутбада ўз отаси Усмон ибн Аффондан эшитган икки ҳадисни ривоят қилганлигини келтиради. Аммо Саид ибн Усмон муҳаддис сифатида ўлкада фаолият олиб бормаган.

Абу Жаъфар Қусам ибн Аббос (ваф. 676 й.) Самарқандга қилинган юриш даврида Саид ибн Усмон ёнида бўлган. Пайғамбарга амакивачча бўлмиш бу саҳобанинг Самарқанддаги тақдири ҳақида халқ орасида турли ривоятлар мавжуд. Улардан бирига кўра, бу саҳоба кофирлардан қочиб, унинг қаршисида мўъжизали тарзда очилган қояга (яна бир ривоятга кўра чоҳга) кириб гойиб бўлган. Аммо тадқиқотчилар орасида «Шоҳи зинда» зиёратгоҳи ўрнида исломдан олдин ҳам муқаддас ҳисобланган жой бўлган, Қусам ибн алАббоснинг яқинлари бўлмиш Аббосийлар даврида эса унга алоҳида эътибор қаратилиб, машҳур зиёратгоҳга айлантирилган бўлиши керак, деган фикрлар ҳам мавжуд. Насафий бу саҳоба ривоят қилган икки ҳадисни келтиради. Улардан бири: «Фазлу қарам ва адолатни Аллоҳнинг раҳмдил бандаларидан талаб қилинлар, шунда уларнинг паноҳида кун кечирасизлар», маъносидаги ҳадис.

Қусам ибн Аббос мақбараси ёнига кейинчалик халқ орасида алоҳида ҳурматга лойиқ кишилар дафн этилганлар. Жумладан, Самарқандда яшаган Тоҳир ибн Юнус Фоний (ваф. 1125 й.), Самарқандда Қодирхон даврида хатиблик қилган Абу Муҳаммад Абдураҳмон ибн Яҳё Жикилий (ваф. 1122 й.), Умар ибн Муҳаммад Хаббоз (ваф. 1129 й.) каби муҳаддисларнинг қабрлари Қусам мазори атрофидан жой олди. Шу жойда Қусам ибн Аббос мадрасасига асос солинди ва бу мадраса кейинчалик муҳим ҳадис марказларидан бирига айланди.

Абул Олия Руфай ибн Михрон (ваф. 712 й.) Саид ибн Усмон билан биргаликда Амударёни биринчилардан бўлиб кечиб ўтган басралик тобиийлардан эди. Саид ибн Усмон Абул Олияга юқори баҳо беради. Бир ривоятга кўра, Абул Олия Жайхун ортида биринчи бўлиб азон айтган ва Саид унинг «Абу-л-Олия» кунясини «Олийлик» ва «Руфай» исмини «Улуғлик» деб таъбирлаб, унинг исм ва кунясини яхшиликнинг нишонаси деб билган. Абу Бакр халифалиги даврида исломни қабул

қилган бу шахс воситасида Анас ибн Молик ва Савбон ибн Нахшал каби саҳобалардан ҳадис ривоят қилинади. Чунончи, у қуйидаги ҳадисини ривоят қилган: «Ким менга ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамасликка қафолат берса, мен унга жаннатнинг қафолатини бераман».

Абул Олиядаги зоҳидларга хос вазминлик ўзи ривоят қилган ҳадисдан ва у ҳақда айтилган хабарлардан ҳам билиниб туради. Айтишларича, Басрада фитна чиққан пайтда Абул Олия шаҳардан қочиб чиқмоқчи бўлади. Шунда унинг қулоғига «Эй мутаваккил» («Аллоҳга таваккул қилувчи»), деган овоз эшитилади. Бундан таъсирланган Абул Олия ўз ватанида қолишга қарор қилади.

Ҳадис ровийлари – саҳоба ва тобиийлар ҳарбий юришлар давомида қўшин бошлиқларининг ёнида турувчи маслаҳатчилари сифатида биринчилар сафида янги ерларга кириб борардилар. Манбада келишича, Муҳаммад ибн Восеъ ана шундай мақомда бўлган. У Саид ибн Усмон билан Самарқандга келган ва кейинчалик Қутайба ибн Муслимнинг ёнида турган сафдошларидан бўлган. Чунки Қутайба у ҳақда шундай дейди: «Қачонки бошимга бир мушкул иш тушганида, мен Муҳаммад ибн Восеъга мурожаат қилсам, унинг дуосининг шарофати билан Аллоҳ мушкулимни осон қилади».

Бурд исмли тобиий Анас ибн Моликнинг мавлоси эди. Бурднинг шахси Самарқандни улуғловчи ҳадислар билан боғлиқ бўлгани учун «Мунтахаб»нинг муаллифи Муҳаммад ибн Абдулжалил Самарқандий унинг номини асарнинг бошида «Самарқанднинг фазилатлари ҳақидаги» қисмида келтирган.

Самарқандга биринчи кирган араб саркардалари Мовароуннаҳрни фатҳ этиш мақсадида келган эдилар. Уларнинг кўпчилиги тобиийлардан бўлиб, Пайғамбар ҳақида билганларини атрофдагиларга гапириб берган бўлишлари мумкин. Юқорида номлари зикр этилган шахсларнинг Мовароуннаҳрда бўлганлиги ҳақидаги ривоятлар кейинги давр муҳаддислари томонидан исломнинг бошқа йўналиш олимлари билан мунозараларда ўз анъаналарининг қадимийлигини исботлаш учун хизмат қилган. Мазкур шахсларнинг Самарқандда бўлганликлари эпизодик ёки афсонавий характерга эга эканлиги юқоридаги мисоллардан кўриниб турибди.

Дарҳақиқат, Самарқандга ҳадис элементларининг кириб келиши шаҳарда муқим ҳолда яшай бошлаган араб-мусулмонлар жамоаси билан бевосита боғлиқ. 712 йили Қутайба ибн Муслим араб қўшинларини

Самарқанд аҳолисининг уйларида жойлаштирди. Самарқанд ихшиди Ғурак шахристонни араб горнизонига бўшатиб берди ва ўзининг қароргоҳини Иштихон шахрига кўчирди.

Абу Ҳафс Насафий «Китоб ал-қанд» асарида Мовароуннаҳрга биринчилардан кирган кишилар ривоят қилган бир қатор ҳадисларни келтириб, уларнинг бу ердаги илк муҳаддислардан эканини исботламоқчи бўлади. Улардан бирида Усмон ибн Аффондан шундай ҳадис ривоят қилинади: «Расулulloҳ қачон қабрга қарасалар ёки номини тилга олсалар, йиғлар эдилар. Биз у кишидан «Эй Расулulloҳ, сиз нима учун дўзахни, охиратни зикр этасиз, аммо йиғламайсиз, лекин қачон қабрни зикр этсангиз, дарҳол йиғлашга тушасиз?» деб сўрадик. Шунда Расулulloҳ: «Эй Усмон, мен кўрган нарсалар ичида қабрдан кўра даҳшатлироғи йўқ. Чунки у – дунё манзилларининг энг охиргиси. Ким унда бахтли бўлса, ундан кейин ҳам бахтли бўлади, ким унда бахтиқаро бўлса, ундан кейин ҳам бахтсиз бўлади. У ерда ҳар бир кишига эртаю кеч ўзининг борадиган жойи – жаннат ёки дўзах кўрсатиб турилади».

Самарқандда илк даврда араб саркардалари марфуъ ҳадислардан кўра кўпроқ саҳоба, тобиий, халифа, ҳокимларнинг сўзларини хабар сифатида ривоят қиладилар. Ёки бу тарихий шахсларнинг сўзлари ҳикматли мақоллар сифатида ривоят қилинади.

Абу Ҳафс Насафий ўзининг «Китоб ал-қанд» асарида илк даврда Мовароуннаҳрга кирган ва муҳаддислик фаолиятини олиб борган Балх, Нишопур, Марв, умуман Хуросон ёки Араб мамлакатларидан келган кўплаб кишилар ҳақида хабар беради. Бундан келиб чиқадики, ҳадис илмининг минтақага кириб келишида ташқи алоқаларнинг ўрни катта бўлган. Бу ердаги муҳаддисларнинг кўпчилиги фақат ҳадис илми билан чекланмай, адаб илми ва шеърят соҳаларида ҳам самарали фаолият юритганлар.

 **3. Муомалада бўлган ҳадис мавзулари.** Илк муҳаддисларнинг ҳаёти тимсолида ўша даврда турли гуруҳлар ўртасидаги кечган курашларни кўришимиз мумкин. XI-XII асрларда минтақада саҳиҳ ҳадислар халқ орасида кенг муомалада эди. Масалан, Самарқанднинг «Работ ал-мурабба» деган жойида ҳадис имло қилган муҳаддис Абус Самсом Зулфиқор ибн Муҳаммад Ҳасаний ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади:

«Ким бир одамни ҳидоятга чақирса, унга эргашиган одам каби савобга эга бўлади, унинг савоби ҳеч қанча камаймайди. Ким бировни залолатга бошласа, гуноҳда унга эргашиган одам каби бўлади, унинг гуноҳи ҳам ҳеч камаймайди».

Ҳадислар орасида қариндош-уруғчилик, силаи раҳм мавзуси долзарб ҳисобланарди. Жумладан, Самарқандда яшаган Абул Фадл Зиёд ибн Муҳаммад Хўжандий ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади:

«Кимки менга бир нарсага қафолат берса, мен унга тўрт нарсага қафолат бераман: силаи раҳмни бардавом қилса (қариндош-уруғчиликни маҳкам тутса), оиласи уни яхши кўради, ризқи кенг бўлади, умри узок бўлади, Аллоҳ таоло ўзи ваъда қилган жаннатига киритади».

Инсонлар орасидаги меҳр-шафқат, доимо келажакка умид билан яшашга чакирувчи ҳадисни аш-шайх ал-фақиҳ ал-имом Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ас-Саккок ривоят қилади:

«– Аллоҳ таоло юзта раҳматни яратди ва биттасини ўз халқи орасига ташлади. Улар шу раҳмат билан ўзаро меҳр-окибатда бўладилар. Ваҳоланки, Аллоҳ ҳузурида 99 та раҳмат турибди. Агар имонли киши Аллоҳ ҳузуридаги азобларни кўрганида, асло жаннатдан умид қилмай кўяр эди. Агар кофир Аллоҳ ҳузуридаги раҳматдан хабардор бўлганида, асло унинг раҳматидан ноумид бўлмас эди».

Аҳиллик, биродарлик ва бағрикенгликка чакирувчи ҳадислар ҳам кенг муомалада бўлиб, ал-Исбижобий номи билан машҳур аш-шайх ал-имом Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ас-Самарқандий бу мавзуда шундай ҳадисни ривоят қилади:

«– Душанба ва пайшанба кунлари жаннат эшиклари очилади ва Аллоҳга ширк келтирмаган кишиларнинг гуноҳлари кечирилади. Аммо бир-бири билан аразлашган икки кишининг гуноҳи кечирилмайди ва айтиладики, бу иккиси ярашмагунларича уларни рад этинглар».

Ота-онага яхшилик қилиш, уларни норози қилмаслик мавзусидаги ҳадислар барча замонлардаги каби ўша даврда ҳам долзарб ҳисобланган. Абул Маҳосин Салмон ибн Али Балхий қуйидаги ҳадисни ривоят қилади:

«Агар ота-онага оқ бўлиш учун «уф»дан кўра ёмонроқ сўз бўлганида Аллоҳ уни ҳаром қилган бўлар эди. Оқ бўлган киши хоҳлаган амалини

қилсин, ҳеч қачон жаннатга кирмайди. Солиҳ фарзанд хоҳлаган ишини қилсин, ҳеч қачон дўзахга кирмайди».

Бундан кўринадики, олим яшаган даврда ҳадислар халқ орасида одоб-ахлоқ, ота-онага ҳурмат, инсонпарварлик ва холислик каби хислатларни тарбияловчи бой маънавий манба вазифасини бажарган.

Абу Ҳафс Насафий ривоят қилган ҳадисларда кўпроқ зуҳдга (зоҳидликка) эътибор қаратилган. Зуҳд деганда олим таркидунёчиликни эмас, балки мулоимлик, хушмуомалалик, озига сабр қилиб, асосий эътиборни илмга сарфлашни назарда тутар эдилар. Олим тасаввуфда «зоҳид» унвонига сазовор бўлган бўлса-да, жамиятдан узоқлашиш йўлини тутмади. Аксинча, доимо инсонлар манфаати учун хизматда бўлиш, юқори илм даражаларини эгаллаш учун ўзи устида ишлаш билан машғул бўлди. Шунингдек, ўз атрофига муридларни тўплаб, «шайхлик» даъвосини ҳам қилмади. Бир эмас, бир неча илм соҳаларини эгаллади. Абу Ҳафс Насафийнинг зуҳд ва тасаввуфга ихлоси баланд эканини унинг шеърга солган ҳадисларининг мавзуларидан ҳам билиш мумкин.

Абу Ҳафс Насафий Қуръоннинг фазилатларини гапириб, уни ёд олишга тарғиб қилувчи ҳадисларни кўплаб ривоят қилгани ўша даврда қориларнинг баланд мавқега эга бўлганидан дарак беради. Самарқандда 1115-16 йили Абу Ҳафс Насафийнинг имлоларида ҳозир бўлган аш-шариф ал-ҳофиз Бакр ибн ал-Хусайн ал-Басрий қуйидаги ҳадисни ривоят қилади:

– Қуръон соҳиби (ҳофизи) боғланган туя соҳиби кабидир. Уни маҳкам тутса – уни ушлаб қолади, агар ташлаб қўйса – кетиб қолади.

Аш-шайх ал-имом ал-хатиб Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад ал-Иштихоний қориликнинг фазилати хусусида шундай ҳадисни келтиради:

– Қуръон қориси учун бир ижобат бўлувчи дуо бордир. Агар унинг соҳиби хоҳласа, уни бу дунёда сўрайди, агар хоҳласа, уни охирагга қолдиради.

XII асрга келиб Қуръон, илк ислом давридан фарқли равишда ёзма китоб шаклида ҳам катта аҳамият касб этган эди. Буни Абу Наср Аҳмад ибн Али Насафий Анас ибн Молиқдан ривоят қилган ҳадисдан кўришимиз мумкин:

«Кимки Куръонни ўрганса, ўргатса ва олдида «Мусҳаф» бўла туриб, унга қараб такрорлаб турмаса, қиёмат куни бу китоб унинг бўйнига осиблиб келади ва айтади: «Эй Оламларнинг Раббиси, сенинг бу банданг мени ташлаб қўйди, бизнинг орамизда ҳукм чиқар!»

Мазкур даврда ҳадисларни сохталаштириш билан бирга Куръон оятларига ҳам турли ғаразли мақсадда тафсир ва изоҳлар берилиш ҳолатлари бўлганини шайх имом Абул Ҳасан Али ибн Абдурраҳим Сакодарий ривоят қилган ҳадисдан маълум бўлади:

«Ким Куръон бўйича билмай туриб сўзласа, ўз жойини жаҳаннамдан тайёрласин».

Ўша даврда ҳадислар ўлка маънавий ҳаётини юксалтиришга хизмат қилган.



4. Илк муҳаддис уламолар. VIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрда ислом илмларининг ёйилиши хуросонлик уламолар томонидан амалга оширилган бўлса, шу асрнинг иккинчи ярмига келиб маҳаллий уламолар етишиб чиқа бошладилар.

Абу Муқотил Ҳафс ибн Салм Фазорий Самарқандий (ваф. 823 й.) минтақа ҳадис мактабининг шаклланиши ва тараққий этишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган маҳаллий олимлардан эди. У сулолавий муҳаддислар оиласининг бошлиғи сифатида маълум.

Абу Муқотил Самарқандий илм талабида кўплаб сафарлар қилди, устоз, дўст ва шогирдлар орттирди. Абу Муқотил Самарқандийнинг икки фарзанди ва невара куёви олимдан ҳадислар ривоят қилганликлари унинг муҳаддисларнинг бобокалони бўлганлигини кўрсатади. Германиялик профессор У. Рудольф ўзининг «ал-Мотуридий ва Самарқанддаги суннийлик теологияси» асарида Абу Муқотилни Абу Ҳанифа каломининг вужудга келишидан то ал-Мотуридий таълимотининг шакллангунича бўлган оралик даврда яшаган буюк илоҳиётчи-мутакаллим сифатида кўриб чиқади. У. Рудольф ўз тадқиқотлари натижасида шу пайтгача Абу Ҳанифага тегишли деб ҳисобланган, ҳанафийлик бўйича муҳим манба бўлган «Китоб ал-олим ва-л-мутааллим» асари аслида Абу Муқотилга тегишли деган хулосага келади. Аммо Абу Муқотил Самарқандий бу асарда ўзининг Абу Ҳанифадан олган билимлари асосида унинг таълимотини ёритган. Ўқувчи учун тушунарли тилда баён қилинган бу асарни ёзиш билан

Абу Муқотил Мовароуннаҳрда ҳанафия мазҳабининг кенг тарқалишига ўзининг катта ҳиссасини қўшди.

Абу Муқотил ҳадис бўйича, асосан, Абу Ҳанифа анъаналарини давом эттирди. Манбалар унинг 10 дан ортиқ устозлари ва 20 га яқин мовароуннаҳрлик шогирдлари ҳақида маълумот беради. Устозлари орасида Басра ва Балх мактабларини қўрган, кейинчалик Самарқандга келган, Имом Бухорий томонидан «ишончли муҳаддис» (сиқа) деб эътироф этилган Абу Саҳл Касир ибн Зиёд (VIII аср) ҳам бор эди.

Абу Муқотилнинг шогирдларидан Абу Бакр Аҳмад ибн Наср ал-Атакий Мовароуннаҳрдаги ҳадис илмининг ривожланишида устозидан кейин унинг ишини кенг миқёсда давом эттирган муҳаддислардан эди. «Китоб ал-қанд» унинг 20 га яқин шогирди бўлганлиги ҳақида гувоҳлик беради.

Абу Муқотил сулолавий муҳаддислар оиласининг бошлиғи эди. Унинг икки ўғли – Салм ибн Ҳафс (ваф. 826 й.) ва Умар ибн Ҳафс (ваф. 834 й.) Самарқанднинг қозилари эдилар. Абу Муқотилнинг неvara куёви Солим ибн Ғолиб (ваф. 869 й.) ҳам Самарқанддаги ҳадис илмига ўз ҳиссасини қўшган муҳаддислардан бўлган.

Минтақада илк ислом даврида бундан ташқари жуда кўп сулолавий муҳаддис оилалари бўлиб, улар бу ватанда илм-маърифат тарқатишда ўзларининг муносиб улушларини қўшганлар. Бу ерда ҳадис илми билан жамиятнинг турли табақа вакиллари шуғулландилар. Улар орасида ҳоким, қози, суфий, муаддиб, муаззин ва турли касб эгалари бор эди.

Ҳадис илми вужудга келган даврдан бошлаб муҳаддислар ҳадис талабида ўзга юртларга сафар қила бошладилар. Ана шу даврдан бошлаб муҳаддисларнинг илмий ҳаётини фақат биргина шаҳар ёки мамлакат миқёсида чегаралаш мумкин бўлмай қолди. Кўпчилик муҳаддислар она ватанлари Марказий Осиёда бўлсада, асосий илмий фаолиятларини ундан ташқарида олиб бордилар. Бошқа муҳаддислар асл насаблари бу минтақадан ташқарида бўлса ҳам, кўҳна ўлкамизда ҳадис илмининг тараққий этишига хизмат қилдилар.

Ҳадисларни саралаш бўйича Мовароуннаҳр муҳаддислари ислом оламида етакчи ўринни эгалладилар. Имом Бухорий, Имом Термизий каби барчага маълум муҳаддислар бунга яққол мисолдир. Аммо ҳадис

илмининг бошланғич даври учун илк давр муҳаддисларидан Абу Муоз Холид ибн Сулаймон ал-Балхий, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий, Абу Мути Балхий каби олимларнинг хизматлари бекиёс.

Абу Муоз Холид ибн Сулаймон ал-Балхий (ваф. 805-06 й.) ўз даврининг кўзга кўринган олими бўлиб, минтақамизга ҳадисларнинг кириб келишида алоҳида ўрин тутган эди. Манбаларнинг хабар беришича, олим 100 минг ҳадисни ёддан билган. У Хуросон амири Али ибн Исо ибн Моҳон ва унинг қозиси Аъмаш томонидан Мовароуннаҳрга сургун қилинди. Бунга сабаб Абу Муоз қози Аъмашнинг ўзича хато ҳукм ва фатво чиқаришига йўл қўймаганида эди. Абу Муоз йўлда Термиздан ўтди. Термизда Абдулазиз ибн Холид ибн Зиёд ибн Жарвал олимнинг ҳурматини жойига қўйиб, кутиб олди, унга шарафли меҳмон сифатида иззат-икром кўрсатди. Абдулазиз ўша даврда Термиз, Сағониён, Вошжирдга қози эди. Аммо бундан хабар топган Аъмаш эса уларнинг иккалаларини ҳам сургун қилдирди. Улар Фарғона ва Шошда ислом маърифатининг тарқалишида, ҳадис ва Қуръон илмларининг ривожланишида катта хизмат кўрсатдилар. Улар Балхга қайтишларида Самарқандга кирдилар. Манбаларда уларнинг қўлларида Мовароуннаҳрлик юз мингга яқин киши мусулмон бўлгани ҳақида маълумот берилади.

Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Муборак Ҳанзалий Марвазий (736-797) – ҳадисдаги табақаси бўйича иккинчи даражали тобиийлардан эди. Ҳадис, фикҳ ва тасаввуфда замонасининг етакчи олими. Хоразм туркийларидан Муборак ибн Водихнинг ўғли бўлган. Хуросоннинг илмий-маданий маркази Марвда туғилган. Бутун умрини илм ва савобли амалларга бахш этган. Кўп мамлакатларга саёҳат қилган. Саёҳатларида Абу Ҳанифа билан кўришган ва унинг энг мумтоз шогирдлари сафидан ўрин олган. Суфийлик, фикҳ, ҳадисшунослик, тарих, филология ва тафсирга оид асарлар ёзган. 20 минг ҳадисни ўз ичига олган 20 та асарини Абу Ҳанифанинг фикҳ бобларига кўра тартиб этган. Илк бора Арбаъин (қирқ ҳадис) тўпламини тузган. Аҳмад ибн Ҳанбал ҳам Абдуллоҳ ибн Муборак илмларидан баҳраманд бўлган. Имом Бухорийнинг отаси Исмоил Абдуллоҳ ибн Муборакнинг шогирдларидан бўлган. Олим Тарсус (Сурия)дан қайтаётганда вафот

этган ва Фурот дарёсининг қирғоғидаги Хиш шаҳрида дафн этилган. Унинг «Китоб аз-зуҳд ва-р-рақоик» («Зоҳидлик ва нозик масалалар китоби») номли 16 жуздан иборат китоби бизгача етиб келган.

Имом Доримий номи билан машхур Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн Баҳром ибн Абдусамад Доримий Ҳофиз Самарқандий (ваф. 869 й.) юртимиздан чиққан илк йирик муҳаддислардандир. У тўққиз ҳадис тўпламлари орасида эътироф этилган «ал-Муснад» мажмуини таълиф этди. Унинг асари сунаҳадис тўпламлари услубида ёзилгани учун уламолар уни «Сунани Доримий» деб номлаганлар. Унинг бу асари тўққиз мўътабар ҳадис тўпламлари сафига киради.

Имом Доримий 798 йили Самарқандда дунёга келди. Худди шу йили Абдуллоҳ ибн Ҳумайд Самарқандга волий бўлиб келганлиги шарафига Доримийга Абдуллоҳ деб ном бердилар. Ана шу хижрий йилида Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий ҳам вафот этган эди. Унинг бобоси Бану Дорим қабиласининг мавлоси бўлган сабабли унга «Доримий» нисбаси берилган.

Доримий илк таҳсилини Самарқандда олди. Шундан сўнг у Мовароуннаҳр илм марказларига, жумладан, Бухоро, Хуросон, Бағдод, Куфа, Восит ва Басра шаҳарларига бориб, у ердаги машхур кишилардан таълим олди. Дамашқ, Ҳимс (Хомс) шаҳарларининг аҳли илмлари билан учрашди. Ҳижозда бўлиб, Макка ва Мадина аҳли илмларидан ҳам таълим олди. Сафар давомида жамлаган илмларини она Ватанига олиб келиб, бу ердаги толиби илмларга улашди.

Доримий фақат Самарқандда эмас, балки бутун ислом оламида ҳадис илми тараққиётига улкан ҳисса қўшган олим сифатида катта шуҳрат қозонди. Ҳижоз ва Мағриб сафарларида бўлган дабусиялик муҳаддис Зулайм ибн Ҳутайт (ваф. 866 й.) шундай дейди: «Мен Мағриб ноҳияларидан қайси бирига кирган бўлсам, ўша ерда Абдуллоҳ ибн Абдурахмоннинг номи Самарқанддагидан ҳам кўра машхурроқ эди».

Доримий ўзидан кейин ҳадис илмида пешқадам бўлган шогирдларини қолдирди. Улардан бири Абд ибн Ҳумайд Кашший Доримийни ўз устози дея зикр этиб: «Дунёда Абдуллоҳ ибн Абд ар-Раҳмон каби киши йўқдир», деб таърифлайди. Аҳмад ибн Ҳанбал мовароуннаҳрлик бир кишига уч бора «сенга ўша саййидни тавсия этаман», деб унинг Абдуллоҳ ибн Абдурахмон эканини таъкидлайди. Бу эса кўзга кўринган муҳаддислардан бўлган Аҳмад ибн Ҳанбал Доримийнинг ишончли муҳаддис эканлигига ва илмда беназир

бўлганлигига ҳамда ҳадис илмини мукаммал эгалламоқчи бўлган киши ундан илм олиши лозимлигига ишора қилганлигини кўришимиз мумкин. Машҳур муҳаддис Абу Муҳаммад Ражо ибн Муражжо Ҳофиз Марвазий (ваф. 863 й.) айтади: «Мен Аҳмад ибн Ҳанбални, Исҳоқ ибн Роҳувайҳни, Али ибн Мадинийни, Шозкунийни кўрдим, аммо улар орасида Абдуллоҳдан кўра ҳофизроқ кишини учратмадим». Яна у айтади: «Мен Шом, Миср, Ҳижоз, Яман, Ироқ элларини кездим, аммо Абдуллоҳ каби кишини учратмадим».

Имом Доримийдан машҳур муҳаддислар Муслим, Абу Довуд, Термизий, Муҳаммад ибн Башшорлар ҳадис ривоят қилишган. Абдуллоҳ ибн Аҳмад, Исо ибн Умар Самарқандийлар эса, у зотдан ҳадис илмини сабоқ олишган.

Имом Доримий ҳижрий 255 йил зу-л-ҳижжа ойининг иккинчи пайшанбасида аср намозидан сўнг вафот этди. Жума куни ҳайит арафасида дафн этилди. Бу милодий 869 йил 16 ноябр кунига тўғри келади. Имом Бухорий устоз Доримийнинг вафоти ҳақида эшитганида кўзларидан ёш тўкиб, илм аҳли катта жудоликка юз тутганини айтади.

Мовароуннаҳрда илмлар ривожига ҳадисларнинг ўрни катта бўлди. Ҳадис илми тараққиёти фикҳ, калом, адаб ва шеърят каби бошқа соҳаларнинг ҳам ривожига туртки берди.

Абу Мансур Мотуридий (ваф. 944 й.) ўзининг асосий асари «Китоб ат-тавҳид»да ислом ақидаларини нақлий билан бир қаторда ақлий илмлар ёрдамида асослаб берди. Бунда олим асосан Куръон оятларига суянди. Аммо баъзи ўринларда у Имом Бухорий ва Имом Термизий каби ишончли муҳаддислар келтирган ҳадислардан далил сифатида фойдаланди. Аммо бу асарда келтирилган ҳадисларнинг иснодлари берилмаган. Демак, рационалист мутакаллимларнинг «аҳл ал-ҳадис»дан фарқли равишда ислом манбаларига ўзига хос ёндашувлари бўлган.

Минтақага ҳадисларнинг кириб келиши илк арабларнинг кириши билан бўлган бўлса, кейинчалик бу соҳанинг ривожланишида маҳаллий олимларнинг хизматлари катта бўлди. Илк даврда муҳаддислар ҳаракатида танқидий ёндашув устувор бўлди. Мўътабар ҳадис тўпламларининг пайдо бўлиши, тарқалиши муҳаддисларнинг мавқе ва нуфузларини янада мустаҳкамлади.

ҲАДИС:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ بَرَّ وَالِدَيْهِ طُوبَى لَهُ زَادَ اللَّهُ فِي عُمْرِهِ
**Расулulloҳ с.а.в. айтдилар: Кимики ота-онасига яхшилик
қилган бўлса, унга қандай яхши?! Аллоҳ Таоло унинг
умрини узайтиради.**



Мавзу бўйича саволлар:

1. Ҳадислар Марказий Осиёга қачон кириб келди?
2. Қусам ибн Аббоснинг Самарқанддаги ҳаёти, “Шоҳи зинда” зиёратгоҳи ҳақида нималарни биласиз?
3. Мовароуннаҳрга ислом динининг тарқалишида Абул Олиянинг ўрни қандай?
4. Минтақадаги илк ҳадис илми ривожига ҳисса қўшган олимлардан кимларни биласиз?
5. Мовароуннаҳрда қандай мавзулардаги ҳадислар кўпроқ муомалада эди?
6. Абу Муқотил Самарқандий ҳадис илми ривожига қандай ҳисса қўшган?
7. Номлари машҳур бўлмаган қандай муҳаддисларни биласиз?
8. Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Доримий Самарқандий ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?



Топшириқлар

1. Ўзбекистон тарихидан минтақага ислом динининг кириб келишига оид мавзу билан яқиндан таншиб чиқинг.
2. Буюк ипак йўли харитаси билан танишиб чиқинг ва у қайси йирик шаҳарлардан ўтганини аниқланг.
3. Марказий Осиёда муомалада бўлган ҳадисларнинг мавзуларини аниқланг.
4. Минтақага илк ҳадис илмининг кириб келишига хизмат қилган олимларнинг номларини сананг.
5. Мавзу охирида келтирилган ҳадиснинг манбасини аниқланг.

Мустақил иш мавзулари

1. Марказий Осиёдаги йирик ҳадис марказлари.
2. Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти.
3. Абу Муқотил Самарқандийнинг ҳадис илмидаги ўрни.
4. Ҳанафий мазҳабига оид ҳадис тўпламлари.
5. Абу Ҳафс Насафийнинг “Китоб ал-қанд” асари.



Адабиётлар:

1. Мовароуннаҳр алломаларининг ҳадис илми ривожига қўшган хиссалари / Масъул муҳаррир И.Усмонов. – Т.: Мовароуннаҳр, 2011.
2. Мўминов А.Қ. Ҳанафий уламоларнинг марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII/VIII-XIII асрлар). Тарих фанлари доктори ... дис. автореф. – Т. Тошкент ислом университети, 2003.
3. Нажмиддинов З. Абу Зайд ал-Дабусий меросининг Мовароуннаҳрда фикҳ илми ривожига тутган ўрни: тарих фанлари номзоди ... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007.
4. Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асари ҳадис илми бўйича муҳим манба // Шарқшунослик. – Т.: ТошДШИ, 1997. – № 3.
5. Уватов У. Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига тутган ўрни (ал-Имом ал-Бухорий, Муслим, Имом ат-Термизий). Докторлик диссертацияси. – Т.: 2001.
6. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий. ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд / Юсуф ал-Ҳодий таҳрири остида. – Техрон: Ойина-йи мирос, 1999.
7. Абу-л-Муайяд ал-Хоразмий, ал-Имом ал-Муваффақ ибн Аҳмад ал-Маккий. Маноқиб Аби Ҳанифа. – Байрут: Дору-л-китоб ал-илмия, 1981.

II БОБ. ҲАДИС ИЛМЛАРИ

9-МАВЗУ

ҲАДИС ВА УНИНГ ОДОБЛАРИ

РЕЖА:

1. Ҳадис одоблари.
2. Ҳадисларни тушуниш учун керак бўладиган омиллар.
3. Ҳадислар Қуръон оятларини шарҳлайди.

Таянч иборалар: *Ҳадис, Сунна, мажоз, киноя, саҳиҳ, заиф*



1. Ҳадис одоблари. Муҳаддислар илк даврдан бошлаб ҳадисларга алоҳида эътибор билан қараганлар. Ҳадис айтишнинг алоҳида ахлоқий нормаларини ишлаб чиққанлар. Унга кўра, ҳадис илми билан шуғулланадиган киши ўз одоб-ахлоқини юксак даражага олиб чиқиши асосий талаблардан бири қилиб қўйилган. Ҳадис илмига оид асарларда муҳаддис ва толибнинг одоби қандай бўлиши кераклиги ҳақида алоҳида боблар ажратилган. Чунончи ҳадис илми билан шуғулланмоқчи бўлган кишининг одоби ҳақида Хатиб Бағдодий ўзининг «ал-Жомеъ ли-ахлоқ ар-ровий ва адаб ас-сомеъ» («Ровийнинг ахлоқи ва эшитувчининг одоби ҳақида тўплам») асарида батафсил маълумот бериб ўтган. Бу асар ўз йўналишида ёзилган мукаммал қўлланма ҳисобланади. Бу асарни Доктор Маҳмуд Таҳҳон тадқиқ этиб, танқидий матнини нашр этган (2 жилдли. Ар-Риёд, 1983).

Ҳадис илми билан шуғулланувчи кишидан биринчи навбатда талаб этиладиган хислат бу ўз сўзида ўта ростгўй бўлиши эди. Муҳаддис ва шогирдга қўйилган умумий талабларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

1. Пок ниятли ва холис бўлиш, мансаб ва шухратпарастлик каби мақсадлардан қалбни соф тутиш.
2. Ҳадисларни савоб учун ўрганиш ва ўргатиш.
3. Илми ва ёши ўзидан катталар ҳузурида уларнинг изнисиз сўзламаслик.
4. Ўз устозини ҳурмат қилиш.
5. Ҳадис сўралган киши жавобини билмаса, биладиган кишига йўллаш.
6. Ёмон ниятли кишига ҳам яхшилик тилаб ҳадис айтиш.
7. Ҳадис илмини мукаммал эгаллашга интилиш.
8. Аввало ўз юртидаги аҳли илмлардан таҳсил олиш.
9. Ҳар бир сўзни кунт билан ўрганиш.

10. Тингловчининг ақл тарозуси кўтармайдиган сўзни гапирмаслик.
11. Ҳадис илмига оид китобларни доимий мутолаа қилиш.
12. Илм даражаларидан босқичма-босқич кўтарилиш.
13. Ҳадис ўрганиш ва ўргатиш учун покланиб, хушбўй нарсаларни сепиш.
14. Ростгўй бўлиш ва ёлғондан узоқ юриш.
15. Машҳур ҳадисларни сўзлаш.
16. Ишончли кишилардан ривоят қилиш.
17. Кичик гуноҳлардан ҳам узоқ юриш.
18. Хатодан, нотўғри гапиришдан, нотўғри маъно беришдан ва ўзгартириб сўзлашдан эҳтиёт бўлиш.
19. Турли ноўрин ҳазиллардан тийилиш.
20. Тавозели бўлиш.
21. Инсонларга манфаатли нарсаларни гапириш.
22. Аниқ билмаган нарсани гапирмаслик.
23. Ҳадисларни аралаштириб юбормаслик.
24. Устоздан таҳсил олиш ва ҳоказо.

Юқоридаги рўйхатда ҳадис илмида устоз ва шогирдга тегишли умумий ва хусусий одоб шартлари санаб ўтилган. Ҳадис илми олимлари мазкур талабларга қай даражада қатъий риоя қилганлари манбаларда кўплаб мисоллар орқали келтирилади. Масалан, Ибн Салоҳ «Улум ал-ҳадис» («Ҳадис илмлари») асарида муҳаддисдан қандай масъулият талаб қилиниши ҳақида Молик ибн Анасининг ҳадис айтишда қатъий риоя этган амал ва хатти-ҳаракатларни мисол қилиб келтиради:

«Молик ибн Анас, Аллоҳ ундан рози бўлсин, агар ҳадис айтмоқчи бўлса, таҳорат қиларди, сўнг соқолини текисларди-да, тўшагининг ўртасига ўтириб, виқор ва салобат билан ҳадис айтар эди». Шунингдек, Имом Молик ҳадисни йўлда, туриб ёки бўлмаса, шошиб турганда айтишни макруҳ деб билган. У «Расулуллоҳ (с.а.в.)дан гапираётган нарсамни яхшилаб идрок этишни хоҳлайман», дея таъкидларди.

Асмаий айтади: «Ҳадис ўргатувчи олимда ҳам, таълим олувчида ҳам тўрт хислат мавжуд бўлиши керак. Агар улар тўлиқ бўлса, уларнинг ишлари ҳам мукамал бўлади, аксинча, улардан бирортаси бўлмаса, уларнинг ишлари номукамалдир. Олимдан талаб этиладиган тўрт хислат: ақл, сабр, мулойимлик ва бор илмини аямаслик. Илм олувчида эса: қизиқиш, яқинларидан фироқда бўлиш, ёдлаш қобилияти ва ақл. Зеро, олим агар дарс беришни ақли билан яхши тадбир қилмаса,

дарслари аралашиб кетади, сабрли бўлмаса, илмни талабага тўлиқ етказиб бера олмайди, талабага мулойим бўлмаса, талабани илмдан бездиради, шунингдек, илмни қизганса, талаба фойда ололмайди. Талабада эса агар қизиқиш бўлмаса, илм ололмайди, қалбини илм учун яқинларидан фироқ қилмаса, ақли илм учун ишламайди ва ёдлаш қобилияти суст бўлади, демак, хотираси ёмон бўлгач, худди сувга китобни ташлагандек бўлади, ақли бўлмаса, ҳеч нарсани тушунмайди».

Ҳадис илмида устоз ва шогирдга қўйилган аввалги талаблардан бири – ниятнинг тўғри бўлишига Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган қуйидаги ҳадис келтирилади: «Амаллар фақатгина ниятлар билан эътиборлидир ва ҳар бир киши учун унинг ният қилган нарсасигина берилади. Бас, кимнинг ҳижрати Аллоҳ ва Расули учун бўлса, унинг ҳижрати Аллоҳ ва Расули учун деб эътибор қилинади. Кимнинг ҳижрати бирор дунё молини қўлга киритиш бўлса, унга эришади ёки бирор аёл учун бўлса, уни никоҳига олади. Кишининг ҳижрати нима учун қилинган бўлса, ўша учундир».

Ҳадис ривоят қилувчи киши асосий эътиборини Расулуллоҳнинг ҳадисларини эшитиб тарқатишга қаратиши ва бунда улкан ажрга эришишни мақсад қилиши лозимлиги қуйидаги ҳадисдан келиб чиқади: «Аллоҳ таоло биздан бирор нарсани эшитиб, бошқаларга, эшитганидек, етказган одамни хурсанд қилади. Кўп эшитувчилар етказувчидан кўра илмлироқдир» (Термизий ривояти).

Муҳаддисдан ҳадис сўралган вақтда билганларини етказиш талаб қилинади. Бунга қуйидаги ҳадис далолат қилади: «Кимдан илм сўралса, у билганини яширса, Қиёмат куни унинг оғзи оловдан бўлган юган билан юганланади» (Абу Яъло ривояти). Агар сўралувчи жавобни билмаса, сўраган кишини биладиган кишига рўбарў қилиши лозим бўлади.

Баъзан ҳадис илми олимларига шум ниятдаги кишилар ҳам савол беришар, бунда ўзларининг ғаразли мақсадларини кўзлар эдилар. Шундай ҳолатда ҳам уламолар бундай жоҳил кишиларнинг жаҳолатига маърифат билан жавоб беришни, ёмон ниятли кишига ҳам яхшилик тилаб ҳадис айтишни талаб қилиб қўйганлар. Чунки ҳар онда бу каби кишиларнинг ниятлари яхши томонга ўзгариб қолиши мумкин. Бундай иш залолатга кетган кишини ҳидоятга бошлаш деб баҳоланган. Ҳадиси шарифда айтилишича, Расулуллоҳ ҳазрат Алига шундай деганлар: «Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сенинг ҳидоятинг билан бир кишини тўғри йўлга бошлаши сен учун қизил туядан яхшироқдир».

Ҳадис толибининг илмга оид мажлисларга ва таълим олишга интилиши талаб этилган. Бунга саҳобаларнинг фаолиятлари мисол бўлади. Масалан, Анас ибн Молик айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга савол беришдан қайтарилган эдик. Шу боис, саҳро аҳлидан бирор оқил кишининг Мадинага келиши бизни қувонтирар эди. У Расулуллоҳдан савол сўрарди, биз жавобини эшитар эдик» (Муслим ривояти).

Анас ибн Молик айтадилар: «Саҳро аҳлидан бир киши келиб, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга савол берди:

– Ё Расулуллоҳ! Қачон Қиёмат бўлади?

– Сенинг ҳолингга вой!, – дедилар Расулуллоҳ, – Қиёмат учун нималар ғамлаб қўйдинг, ўзи?

– Ҳеч нарса тайёрлаганим йўқ! Фақат Аллоҳ ва Расулини яхши кўришим бор, холос.

– Сен яхши кўрганинг билан бирга бўласан!

– Биз ҳам шундайми? – деб савол ташладик.

– Ҳа! – деди Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам. Ўша куни биз роса севиндик (Бухорий ва Муслим ривоятлари)».

Яна бир мисол, Абу Вокид Лайсий ривоят қилади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда одамлар билан ўтирган эдилар. Уч киши кириб келди. Иккитаси Расулуллоҳ томон келди, биттаси қайтди. Қолган икки киши Расулуллоҳ олдиларида тўхтадилар. Шунда бири халқа ичидан жой топиб ўтирди. Иккинчиси халқанинг орқасига ўтирди. Учинчиси орқасига қайтиб кетди. Расулуллоҳ ўз ишларидан фориғ бўлганлардан кейин шундай деди: «Сизларга уч нафар киши ҳақида хабар берайми? Улардан бири Аллоҳдан бошпана сўради. Аллоҳ унга бошпана берди. Иккинчиси ҳаё қилди, Аллоҳ ҳам ундан ҳаё қилди. Аммо учинчиси Аллоҳдан юз ўгирди» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Тингловчининг акли етмайдиган нарсани гапирмасликка Анас ибн Молик ривоят қилган ушбу ҳадис келтирилади: «Пайғамбар (с.а.в.) бир сўз айтмоқчи бўлсалар, тушунарли бўлиши учун уч марта қайтарар эдилар» (Имом Бухорий ривояти). Бошқа бир ҳадисда келишича, Расулуллоҳ (с.а.в.) айтадилар: «Осонлаштиринглар, қийинлаштирманглар, хушхабар беринглар, одамларни қочириб юборманглар».

Ростгўй бўлиш ва ёлгондан узоқ юриш ҳақида Шўъба ибн Ҳажжож (ваф. 160/777 й.) шундай дейди: «Ким бир кишининг ёлгончилигини била туриб ундан ҳадис ривоят қилса у ҳам ёлгончилардан биридир».

Шунингдек, улуғ зотлар билан суҳбатлашганда уларни улуғловчи сўзлар айтиш, уларни исмлари билан эмас, ҳурматни ифодаловчи сўзлар билан мурожаат этиш лозим. Уларга берилган эътибор, атрофдагиларни ҳам эътиборсиз қолдирмайди.



2. Ҳадисларни тушуниш учун керак бўладиган омиллар.

Ҳадисларни яхши тушуниш учун зарур омиллар ҳадисга оид манбаларда:

ضوابط لحسن فهم السنة النبوية

яъни «Пайғамбар суннатларини яхши тушуниш шартлари» деб аталади. Ҳадислар ҳам Қуръони карим каби ўзига хос тил, услубга эга. Шунинг учун ҳадислар маъно-мазмунини тушунишда маълум кўникмаларга эга бўлиш керак, акс ҳолда уларни нотўғри тушуниш мумкин. Замонавий ҳадисга оид адабиётларда ҳадисларни тушунишда керак бўладиган қуйидаги бир нечта омиллар санаб ўтилади:

1. Араб тилини яхши билиш.
2. Ҳадисларни Қуръонга мувофиқ ўрганиш.
3. Бир мазмундаги ҳадисларни қиёсий ўрганиш.
4. Ҳадисларнинг сабаб ва мақсадларини чуқур тушуниб етиш.
5. Ҳадиснинг аниқ мақсадини англаш воситаларини ажрата билиш.
6. Ҳадислардаги мажоз ва ҳақиқатни ажрата билиш.
7. Ғойиб ва ҳозирни ажрата билиш.
8. Кўринишидан бир-бирига зид бўлган ҳадисларнинг моҳиятини тушуна олиш.

1. Араб тилини яхши билиш ҳадис илми билан шуғулланаётган киши учун зарурий бўлган илмлардан бири. Бу ҳадисларни тўғри тушунишга ёрдам беради. Муҳаддис араб тили грамматикасини тўлиқ билган ҳолда, унга тегишли бўлган балоғат ва фасоҳат илмларини ҳам ўзлаштирган бўлиши лозим. Пайғамбар (с.а.в.) қурайш қабиласидан эканини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Бу лаҳжанинг бошқа араб қабилалариникидан фарқли жиҳатлари бор эди. У марказий шаҳарлардан бири Маккага хос бўлгани учун анча мукамал ва фасиҳ (адабий) ҳисобланган. Шу нуқтаи назардан Пайғамбар (с.а.в.) га бу нарса ўз таъсирини ўтказмай қолмаган. Шунингдек, балоғат ва

фасоҳатли Куръон ҳам у кишига илҳомланиш манбаи бўлган. Натижада Пайғамбар сўзлари Куръондан кейин иккинчи асосий манба бўлиб ҳисобланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, кам сўзлардан ташкил топган ва кўп маънога эга ҳадисларни, улардан олинадиган шаръий ҳукм, панд-насихат ва ибратлардан иборат ҳадисларни тўлиқ тушуниш ва ўзлаштириш учун араб тили, унинг балоғат ва фасоҳатини мукаммал ўрганиш лозим бўлади. Муҳаддисдан мазкур билимларни муайян даражада эгаллаш талаб этилган.

2. Ҳадисларни Куръонга мувофиқ ўрганиш араб тилида:

فهم السنة في ضوء القرآن الكريم

яъни «Суннатни Куръони карим зиёсида тушуниш», деб аталади. Бу ҳадисларни тўғри тушуниш учун керак бўлган омиллардан бири. Куръон исломнинг асосий муқаддас манбаси ва унда бу диннинг асосий таълимот ва қоидалари берилган. Пайғамбар ҳадислари ҳам Куръони карим таълимотига зид бўлиши мантиқан тўғри келмайди. Ҳадислар Куръони каримнинг шарҳи, тафсилоти бўлгани учун ҳам уларни Куръон таълимоти билан қиёслаб ўрганиш лозим бўлади.

Бироқ кейинчалик ҳадислар орасида Куръони карим таълимотига мос келмайдиганлари кўпайиб кетди. Бу эса уларнинг турли кишилар томонидан тўқилган ва сохта эканини кўрсатади. Агар ҳадис Куръони карим таълимотига зоҳиран мос келмаса, унда ҳадиснинг шарҳини ўрганиб чиқиш лозим бўлади.

3. Бир мазмундаги ҳадисларни қиёсий ўрганиш араб тилида:

جمع الاحاديث الواردة في الموضوع الواحد

яъни «Бир мавзуда келган ҳадисларни жамлаш» деб аталади. Бу ҳадис маъносини тўғри тушуниш учун лозим бўлган омиллардан бири. Ҳадиснинг маъноси яхши тушунилмаса, шу мавзудаги бошқа ҳадислар ўрганилиб, ўзаро қиёсланади. Натижада ҳадисларни тушуниш имконига эга бўлинади. Масалан, Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади:

Абу Амома Боҳилий (р.а.) омонга қараб туриб дедилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Мана шу қайси бир қавмнинг уйига кирса, албатта, Аллоҳ таоло ўша уйга хорликни киритади» деганларини эшитдим».

Зоҳиран бу ҳадисда деҳқончилик ишларидан қайтариш, унга тарғиб қилмаслик маъноси бордек кўринади. Натижада мусулмон

киши деҳқончилик қуроллари уйига киритмаслиги, зироат ишлари билан шуғулланмаслиги лозим деган фикр келиб чиқади. Гўёки ислом деҳқончиликка қарши деган хулоса чиқишига сабаб бўлади. Аммо ислом таълимотига кўра, хусусан ҳадисларда деҳқончиликка, боғдорчиликка, умри охирига етган киши ҳам бир дона бўлса-да, дарахт экиб кетишига тарғиб этилади. Буни кейинги келадиган ҳадисларда кўриш мумкин.

Масалан, Имом Бухорий, Имом Муслим ва бошқа муҳаддислар ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар (с.а.в.): «Қайси бир мусулмон бир дарахт ёки экин экса-ю, ундан қуш, инсон ёки ҳайвон еса, албатта шу егани учун ўша кишига садақа бўлади», деганлар. Шунингдек, Имом Муслим Жобир розияллоху анхудан қуйидаги ҳадисни ривоят қиладилар: «Мусулмон бир дарахт экса-ю, ундан инсонми, ҳайвонми, қушми еб турса, албатта унинг учун қиёмат кунигача садақа бўлиб туради», – дедилар.

Имом Бухорий ва Имом Аҳмадлар Анас (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар (с.а.в.): «Агар қиёмат қоим бўлаётганда сизлардан бирортангизнинг кўлида бир дона хурмо кўчати бўлса, қиёмат қоим бўлгунча уни экишга қодир бўлса, экиб қўйсин» деганлар. Имом Табарий қилган ривоятда Аммоора ибн Хузайма ибн Собит қуйидагиларни айтадилар: «Умар ибн Хаттобнинг отамга: «Ерингни экишга нима тўсқинлик қилади?» деяётганини эшитдим. Отам: «Мен ўлай деб турган қари чолман» деди. У: «Сенга қасам билан айтаманки, албатта экасан» деди. Умар ибн Хаттоб отам билан бирга ўз кўли билан экин экаётганини кўрдим». Имом Аҳмад ривоятида Абу Дардо (р.а.): «У киши (Абу Дардо) Дамашқда кўчат экиб турсалар, олдиларидан ўтиб кетаётган бир одам: «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг саҳобаси бўлиб туриб шу ишни қиласанми?» деди. У эса: «Сен шошма, мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: «Ким бир дарахт экса-ю, ундан одамми ёки Аллоҳнинг махлуқларидан бирортасими еса, албатта шу туфайли ўша одамга садақа бўлади» деганларини эшитганман» деди.

Ислом тарихига назар ташласак, Пайғамбар (с.а.в.) бирор кишини деҳқончиликдан, омон ишлатишдан қайтарганлари маълум эмас. Мадина аҳли боғдорчилик ва деҳқончилик билан бемалол шуғулланган. Ҳадис ва фикр ҳақида китобларда ҳам деҳқончилик, зироатчилик ҳақида алоҳида боблар ажратилган ҳамда юқоридаги ҳадисларга қўшимча яна қўллаб ҳадисларни келтириш мумкин.

Демак, «омоч кирган уйга хорлик киради» маъносидаги ҳадисни қандай тушуниш керак? Муҳаддис уламолар бу саволга қониқарли жавоблар берганлар.

Имом Бухорий бу ҳадисни «Зироат асбоблари билан овора бўлиб қолиш ёки унга ҳаддан ташқари берилиш оқибатларидан огоҳлантириш» бобида келтирган. Бобнинг номидан ҳам кўриниб турибдики, бу ҳадис орқали омовга ёпишиб олиб, бошқа нарсалар, хусусан Ватан ҳимоясига оид ишлардан бепарво бўлиш оқибатида душмандан енгилиб, хор бўлишдан огоҳлантирилган. Ёки илм олиш каби бошқа зарурий ишлар турганида деҳқончиликни баҳона қилиш ноўрин экани назарда тутилган.

Шунингдек, Имом Аҳмад ва Имом Абу Довудлар ривоят қилган ҳадисда: «... Зироатдан рози бўлиб, ... юраверсангиз, Аллоҳ бошингизга хорликни келтиради...», дейилади. Яъни ҳаёт учун керак бўладиган ишларни тарк қилиш ножоиз экани назарда тутилган.

4. Ҳадисларнинг сабаб ва мақсадларини чуқур тушуниб етиш араб тилида:

فهم الأحاديث في ضوء اسبابها ومقاصدها

яъни «ҳадисларни сабаб ва мақсадлари зиёсида тушуниш» деб аталади. Бу ҳадисларнинг маъносини тўғри англаш учун зарур бўлган омиллардан бири. Баъзи ҳадиси шарифларнинг айтилиш сабаби ва ўзига хос кўзланган мақсадлари бор. Баъзи ҳадисларда маълум бир шахсга, замонга, маконга, шарт-шароитга оид бўлган муаммолар айтиб ўтилган бўлади. Шу каби сабабларга кўра ҳадисларни тўғри тушуниш учун етарли илм, қунт, сабот, шаръий ҳукмларни тушуна олиш, ислом дини таълимотларини яхши ўзлаштирган бўлиш зарур. Бу эса ҳадиси шарифларда келган кўрсатмаларнинг умумий, хусусий, вақтинча, доимий, жузъий ва куллий (мутлақ) эканини яхши англаб олиш ва идрок қилишга ёрдам беради.

Саҳобаи киромлар ҳадисларнинг сабаблари ва мақсадларига қараб амал қилишда ҳаммага ўрнак бўлишган. Чунки улар Расулуллоҳ билан бирга яшаганлар, улар орасида ҳадиси шарифларни нима учун, қандоқ, қай тарзда, нима мақсадда айтилганини биладиганлар кўп бўлганлар.

Шунингдек, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вақтларида фитр садақаси ҳайит куни бомдод намозидан кейин, ҳайит намозидан олдин чиқарилар, кўпроқ хурмо ва буғдойдан иборат бўлар эди. Чунки ўша пайтда Мадинадаги асосий овқат шулардан иборат эди. Мусулмонларнинг барчаси бир жойда яшар, бир-бирларини яхши

танир эдилар. Бомдоддан кейин фақир-фуқароларни топиб, уларга фитр садақасини беришга улгуриш мумкин эди.

Саҳобаларнинг даврида ислом дини тарқалиб, мусулмонлар сони кўпайди. Шаҳар-қишлоқлар катталашди. Бомдод намози билан ҳайит намози орасида фитр садақасини тарқатиш мумкин бўлмай қолди. Шунда саҳобалар бу ҳолатни тўғри тушуниб, фитр садақасини ҳайитдан бир ёки икки кун олдин берадиган бўлишди.

Кейинроқ мусулмон ўлкалари янада кенгайганидан сўнг мазҳаббоши уламолар барча омилларни ҳисобга олиб, баъзилари фитр садақасини рамазон ойининг ярмидан, баъзилари эса аввалидан берса бўлади, деган фатво чиқардилар. Шунингдек, ҳар юртдаги кўп саналган таомдан ёки ўша таомнинг қийматини бериш ҳам мумкинлиги ҳақида фатволар чиқарилди. Демак, ҳадисларда Пайғамбар (с.а.в.) фитр садақасини бомдод билан ҳайит намози орасида, буғдой ва хурмодан беришни тайин қилганлари ҳақидаги ривоятга асосланиб ҳозирги вақтда ҳайитдан аввал ёки буғдой ва хурмодан бошқа нарсадан фитр садақаси бераётган кишиларни айблаш дуруст эмас.

Баъзан «одамлар ҳозирги кунда иссиқ сувда таҳорат қилмоқдалар, ҳолбуки Пайғамбаримиз совуқ сувда таҳорат олганлар», деб қишда ҳам совуқ сувда таҳорат қилиб, касал орттириб олиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Аммо бу ҳам ҳадиснинг сиртини ушлаб, жавҳарини, аслини тушунмасликнинг бир кўринишидир.

5. *Ҳадиснинг аниқ мақсадини англаш воситаларини ажрата билиш араб тилида:*

فهم التمييز بين الوسيلة المتغيرة والهدف الثابت للحديث

яъни «ҳадиснинг ўзгарувчи воситаси ва ўзгармас мақсади орасидаги фарқни тушуниш» деб аталади. Ҳадисларни тўғри тушуниш учун зарур бўлган омиллардан бири. Ҳадисларни фаҳмлаб етиш, уларга амал қилишда хатога сабаб бўладиган жиҳатлардан бири ҳадисдан кўзланган мақсад қолиб, кўпроқ мақсадга эришиш йўлидаги воситага эътибор беришдан келиб чиқади. Масалан, «Мисвок оғизни тоза қилувчи, Раббини рози қилувчидир». Бундан асосан нима воситасида бўлса ҳам оғизни тозалалаб юриш мақсади кўзда тутилган.

Имом Бухорий, Имом Насоий, Имом Шофийлар Оиша онамиздан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ: «Мисвок оғизни тозаловчи ва Роббини рози қилувчидир», – деганлар. Очиқ-ойдин кўриниб турибдики, ҳадисдан асосий мақсад оғизни тоза тутишга қизиқтиришдир. Мисвок,

деганда бута шохидан, кўпроқ «Арок» деб аталувчи дарахтдан олинган ёғоч тушунилади. Агар ҳадиснинг лафзига асосланадиган бўлсак, дунёдаги барча мусулмонларга Арок дарахти ёғочидан мисвок етказиб бериб туриш керак бўлади. Баъзи кишилар шундай тушунишади. Имом Абу Ҳанифа мазҳабларида латта ёки панжа каби оғизни тозалаши мумкин бўлган ҳамма нарса билан, мисвок қилса бўлаверади, дейилган. Демак, замон ўзгариши билан пайдо бўлган янги тиш тозалаш воситаларини ишлатиш ҳам айни муддаодир.

Тиб борасида ривоят қилинган ҳадиси шарифларнинг кўпида ва шунга ўхшаш нарсаларда ўша давр ва шароитларидан келиб чиқиб айтилган сўзлар кўплаб учрайди.

6. Ҳадислардаги мажоз ва ҳақиқатни ажрата билиш араб тилида:

علم التفريق بين الحقيقة والمجاز في فهم الحديث

яъни «Ҳадисни тушунишда ҳақиқат ва мажоз орасидаги фаркни билиш» деб аталади. Бу ҳадисларни тўғри тушуниш учун зарур бўлган омиллардан бири. Ҳар бир тилнинг ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзига хос ва мос киноя, қочирим, ўхшатиш каби нозик услублар ишлатилади. Бундай услубларни оддий инсон бўлган пайғамбарлар ҳам ишлатганлар. Шу сабабли ҳам мажоз билан ҳақиқатни ажрата билиш лозим. Масалан, ҳадисларда «сочим тикка бўлди» ибораси келган. Бу ўринда мажоз ишлатилган бўлиб, ҳақиқатда ҳам шундай воқеа содир бўлганлиги тушунилмайдиган, балки ибора далолат қиладиган мазмун англашилади. Бу ўринда «ўта хайрон бўлдим» деган маъно тушунилади.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар (с.а.в.) ўз аёлларига: «Менинг ортимдан энг тез етадиганингиз – қўли узунингиз», деганлар. Яъни – бу қўли узунингиз мендан кейин биринчи вафот этиб, у дунёда менга энг тез қўшиладиганингиз, деганидир. Ушбу ҳадисдаги мажозни, ҳатто Расулуллоҳ аёлларининг ўзлари ҳам тўғри тушунмаганлар. Улар, бу шарафга қай биримиз ноил бўлар эканмиз, деб қўлларининг узунлигини ўлчаб кўрганлар. Сирни эса воқелик кашф этган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин биринчи бўлиб Зайнаб бинт Жаҳш вафот этган. У зот розияллоҳу анҳо ҳунарманд аёл бўлиб, қўл меҳнати билан топганларидан тез-тез садака қилар эди. Ҳадисдаги қўлнинг узунлигидан мурод – садакани кўп қилиш экани вақт ўтиши билан маълум бўлган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва Имом Насойилар Жаҳима розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда ёрдамга муҳтож онасини қўйиб урушга

чиқишга рухсат сўраб келган йигитга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам «Сен У(она)ни лозим тут, жаннат унинг қадами остидадир», деганлар. Албатта, жаннат ўша йигитнинг онаси қадами остида эмас. Балки, гап онасининг қадамини ўпиб бўлса ҳам хизматини қилиб, розилигини олган киши жаннатга сазовор бўлиши ҳақида кетмоқда.

Ҳадисдаги мажозни тушунмаслик оқибатини англатиш учун куйидаги ҳодиса мисол қилиб келтирилади:

«Араб оламида кўзга кўринган бир қонуншунос «Саҳиҳи Бухорий» китобини сотиб олибди. Сўнг варақлаб «Нилу Фурот, Сайхун ва Жайхун ҳаммаси жаннат дарёларидир», деган ҳадисни ўқибди. Ҳайрон бўлибди. Мазкур дарёларнинг оқиб чиқадиган жойи маълум. Ҳаммаси ҳам жаннат эмас, оддий ердан оқиб чиқади. Бухорийнинг китобида ҳам бўлмаган нарсалар ёзилган экан, деб ундан юз ўгирибди.

Агар ўша қонуншунос бир оз камтарлик билан чуқурроқ фикрлаганида эди, Бухорийнинг шарҳларидан бирортасини ўқиб кўрар ёки бирор ҳақиқий олим кишидан сўрар эди. Ана шунда унга ҳадисдаги ҳақиқат ойдек равшан бўлар эди. Ваҳоланки, араб тилидаги мажоз ва ҳақиқат илмлари бўйича билимдон олим Имом Ибн Ҳазм мазкур ҳадис тўғрисида куйидагиларни ёзади: «Саҳиҳ ҳадисларда келишича, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Нилу Фурот ва Сайхуну Жайхун ҳаммаси жаннат дарёларидандир», ёки «Менинг уйим билан минбарим орасида жаннат боғларидан бир боғ (равза) бор», деганларида баъзи жоҳиллар гумон қилганидек, равза жаннатдан кесиб олинганини ёки мазкур дарёлар жаннатдан оқиб чиққанини билдирмайди. Расулulloҳнинг равзаи шарифлари жаннатдан бўлиши, ўша ернинг фазлига далолат қилади. Мазкур дарёлар эса баракали бўлгани учун жаннат дарёлари, деб номланганлар.

7. Ғойиб ва ҳозирни ажрата билиш араб тилида:

التفريق بين الغيب والشهادة

яъни «ғайб ва шоҳид орасини ажрата олиш», деб аталади. Бу ҳам ҳадисларни яхши тушуниш учун зарурий омиллардан бири. Қуръонда хабари келган ғайб олами, яъни жаннат, дўзах қабилар билан бу дунёдаги кўриниб турган нарсаларни ажрата билиш. Яъни жаннат тавсифланганда бу дунёдаги қабиларга мутлақ ўхшатиб тасаввур қилиниши ҳам тўғри бўлмайди. Кўплаб оят ва ҳадисларда

у жаннатларнинг ердаги боғлардан ўзига хос фарқ ва афзалликлари борлиги ҳақида айтилган.

Кўпгина ҳадиси шарифларда ғайб олами ҳақида сўз юритилган. Булар биз яшаётган оламда кўзимизга кўринмайдиган, масалан, фаришталар, жинлар, шайтонлар, иблиснинг лашкарлари, Арш, Курси, Лавҳул Махфуз, жаннат, дўзах каби нарсалардир. Ғайб ҳақидаги ҳадислар асосан охират ҳаётига оид масалалардир. Бу каби масалалар имон шартларига киритилган бўлиб, мўмин киши уларни шарҳ ва далилларсиз қабул қилаверади. Бу каби ҳадисларни «ақл бовар қилмайди, шунинг учун қабул қилинмайди», дейилмайди.

Шунинг учун саҳиҳ ҳадисда келган бу каби маънодаги сўзларни ўзбошимчалик билан шарҳлагандан кўра, бу маънони мен тушуна олмаяпман, дейиш афзал. Ислом тарихида Қуръон ва ҳадисдаги баъзи ғайбий нарсаларни ўз ақллари билан ўлчаб хулоса ва ҳукм чиқаришга ҳаракат қилган гуруҳлар орасида низолар пайдо бўлган.

8. *Кўринишидан бир-бирига зид бўлган ҳадисларнинг моҳиятини тушуна олиш араб тилида:*

الجمع او الترجيح بين مختلف الحديث

яъни «Ихтилофли ҳадисларни ўзаро жамлаш ва кучлиларини ажрата билиш», деб аталади. Ҳадисларни тўғри тушуниш учун керак бўлган омиллардан бири. Ишонччилик даражаси тенг бўлиб, ҳукм олиш мумкин бўлган баъзи ҳадислар бир-бирига зоҳирда қарама-қарши бўлиб кўринади. Ҳадисларни шарҳлаётган киши шу икки ҳадисни бир нуқтада бирлаштириб хулоса чиқариши лозим бўлади.

Ҳадис илмига оид мазкур жиҳатларни билиш юзлаб ҳадисларни осон ва тўғри тушунишга ёрдам беради.



3. Ҳадислар Қуръон оятларини шарҳлайди. Ҳадислар Қуръон оятларини тафсир қилади, ёритади, улардаги буйруқлар, қайтаришларнинг моҳиятини очиб беради. Ҳадислар Қуръон оятлари мазмунларини очиб беришида тўрт ҳолат мавжуд:

1) Ҳадислар Қуръон оятлари мазмунларини таъкидлайди. Масалан, «Мусулмон кишининг моли ҳалол бўлмайди, магар ўз розилиги билан бўлса», – деган ҳадис «Эй мўминлар, молларингизни ўрталарингизда ноҳақ йўллар билан емангиз!» (Нисо, 29) оятининг мазмунига таъкиддир. Яна «Аёллар ҳақида Аллоҳдан қўрқинглар. Зеро улар олдингиздаги ёрдамчилардир. Уларни Аллоҳнинг амонати сифатида олгансизлар. Аллоҳнинг сўзи билан уларнинг фаржларини ҳалол

қилгансизлар», – деган ҳадис Қуръондаги «Улар билан хушмуомала бўлиб, тинч-тотув яшанглар» (Нисо, 19) – деган оятни таъкидлайди. Ҳадисда «Шубҳасиз, Аллоҳ таоло золимга муҳлат бериб қўяди. Агар уни (гуноҳи туфайли азоб билан) ушлаганда, нажот тополмай қоларди», – деган ҳадис «Парвардигорингиз (аҳли-эгалари) золим бўлган шаҳарларни ушлаганида, мана шундай ушлар» (Ҳуд, 102) – деган оятнинг мазмунини таъкидлайди.

2) Ҳадислар Қуръон оятларидан ирода қилинган маънони баён қилиб, очиб беради. Бунга мисол – Қуръонда намоз, закот, рўза ва ҳаж аҳкомлари умумий тарзда айтиб кетилган. Уларнинг маъноларини ҳадислар батафсил шарҳлаб беради. Шунингдек, Қуръон оятларида мутлақ (умумий тарзда) айтилган ҳукмларни ҳадислар муқайяд қилиб (хослаб ва аниқлаб) беради. Масалан, Қуръонда келган ибодат билан боғлиқ оятларнинг кўпчилигида уларнинг қандай амалга оширилиши ва вақтлари аниқ кўрсатилмаган бўлиб, мазкур тафсилотлар ҳадисда берилади. Шунингдек, Қуръонда умумни ифода қилган ҳукмларни ҳадислар хослаб беради. Масалан, «Имон келтирган ва Ўз имонларини зулм билан аралаштирмаган зотлар» – ояти каримасидаги «зулм» сўзининг маъносини умум деб тушунган саҳобалардан баъзилари: «Қайси биримиз зулмдан сақлана оламиз?» – деб ҳайратга тушдилар. Шунда Расулulloҳ томонидан бу оят «Ундай эмас, бу оятдаги зулмдан мурод ширқдир», – деб шу хослаб берилди.

Қуръон оятларидан англашиладиган мушқилотни ҳадислар равшанлаштириб беради. Рамазон ойидаги саҳарлик баён этилган: «Ва то тонгдан оқ ип билан қора ип ажараладиган пайтгача еб-ичаверинглар», – оят маъносини саҳобаларнинг баъзилари ўзларича тушунганлар ва ёнларига оқ ва қора рангли ипларни қўйиб олиб, улар аниқ кўзга кўринадиган пайтгача еб-ичишда давом этганлар. Ҳолбуки бунгача тонг отиб кетган. Расулulloҳ «Улар кундуз ва кечасидур», – деб оятнинг маъносидан мурод кундузи билан кечасининг ажралиш вақти эканини равшанлаштириб берганлар.

3) Ҳадислар Қуръонда зикр этилмаган ҳукмларни ҳам баён этиб беради. Масалан, ҳадисдаги «*(Денгизнинг) суви пок, унда яшайдиган ҳайвонларнинг ўлиги ҳам ҳалол*», – деган ҳукм Қуръон оятларида зикр этилмаган. «Ўткир тишли ваҳший ҳайвонлар ва ўткир тирноқли ваҳший қушлар ҳамда хонаки эшак гўштининг ҳаромлиги» ҳақида айтган ҳадислар Қуръонда мавжуд эмас.

4) Ҳадислар Қуръондан англашиладиган баъзи ҳукмларни насх (бекор) қилади. Масалан, «Бировингизга ўлим келган пайтида агар у (ўзидан кейин) мол-дунё қолдираётган бўлса, адолат-тўғрилиқ билан ота-онага, қариндош-уруғга васият қилиши фарз этилди. (Бундай васият қилиш) Аллоҳдан қўрқувчилар устидаги бурчдир», – дейилган оятда васият фарз қилинган. «Меросхўр учун васият қилинмайди», – деган ҳадис мазкур оят ҳукмини насх қилади.

Суннат Қуръон ҳукмларини шарҳлаб, изоҳлаб, унда очиқ-ойдин айтилмаган, оят ичига кирмаган ҳукмларни батафсилроқ тушунтириб, тушунишни осонлаштириш учун хизмат қилади. Қуръон оятлари маъносини ҳадислари билан изоҳлаш уч усул билан амалга ошади:

1) «*Илҳоқ*» («*Қўшимча*») қилиш усули. Бунда Қуръонда бир нарсанинг ҳалоллигига, бошқа бир нарсанинг ҳаромлигига ҳукм қилган. Учинчи бир нарса ҳам борки, уни ҳалол нарсалар қаторига қўшиладимиз, ҳаром нарсалар қаторига, бу ҳақда оятда ҳеч нарса дейилмаган. Шу учинчи нарсани қайси томонга қўшилишини ҳадислар ажратиб беради. Бундан келиб чиқадики, суннат бутунлай янги нарсани ҳалол ёки ҳаромлиги ҳақида ҳукм қилса ҳам, аммо мавзу бўйича Қуръон оятининг шарҳи, баёнидир.

Масалан, Қуръонда пок нарсалар ҳалол қилинган ва ифлос нарсалар ҳаром қилинган. Аммо баъзи нарсалар борки, улар икковининг орасида бўлиб, ҳалол томонга қўйиш ҳам, ҳаром томонга қўйиш ҳам мумкин. Ҳадисда ана шу нарсанинг қайси томонга қўйилиши аниқлаб берилади. Бунга мисол тариқасида ҳадисда «Ўткир тишли ваҳший ҳайвонлар ва ўткир тирноқли ваҳший қушлар ҳамда хонаки эшак гўштининг ҳаромлиги» ҳақида: «Шубҳасиз, улар ҳаромдир», – дейилган. Нажосат ва тезак егани учун ҳадисда суғур гўшти ва сутини истеъмол қилишдан ҳам қайтарилган. Аммо, зоб (чўл эчкиэмари ёки калтакесаги), чўл каклиги, қуён каби жонзотларнинг гўшти ҳалол дейилган.

Яна бир мисол: оятда «Айтинг: «Сизлар учун (барча) покиза нарсалар ва яна сизларнинг таълимингизни олган жониворларнинг – Аллоҳ сизларга билдирган нарсалардан билдириб қўлга ўргатганингиз жониворларнинг (тутиб келтирган овлари) ҳалол қилинди» (Моида, 5), – деган оятда ўргатилган ҳайвон томонидан тутилган овнинг гўшти ҳалол қилинган. Ўргатилмаган ҳайвон томонидан тутилган овнинг гўшти эса ҳаром қилинган. Бунда ҳайвон ўзи учун овлаган нарсани ейишдан қайтарилган. Ўргатилган ҳайвон ов овласа-ю, овининг бир

қисмини еб қўйса, овнинг қолган қисми эгасига ҳалолми ёки йўқми, деган саволга куйидаги ҳадис жавоб беради: «Ўргатилган ҳайвон ўзи тутган овидан еса, ундан сен емагин. Қўрқаманки, у ўлжани ўзи учун тутган бўлиши эҳтимоли бор».

Қуръонда денгиздан тутилган ов ҳалол қилинган, аммо ўлимтик эса ҳаром қилинган. Агар ўлимтик денгиздан топилсачи? «Денгизнинг суви пок, ўлимтиклари эса ҳалолдир», – деган ҳадис сувда ўлган денгиз ҳайвонларини ҳалол эканига ҳукм қилган. Шунингдек, Қуръонда шаръий сўйилган ҳайвон гўшти ҳалол қилинган, ўлимтик гўшти эса ҳаром қилинган. Сўйилган ҳайвон қорнидан ўлик ҳолда чиққан боласи ҳақида ҳадисда: «Онасининг сўйилиши боласининг ҳам сўйилишидир», – деб ҳалолга ҳукм қилинган.

2) «Қиёс» усули. Қуръонда бир ҳукм келган. Ҳадисда сабаблари бир хил бўлган бошқа ҳукмни унга қиёс қилиб қўшилган. Унга мисоллар:

Оятда опа-сингилни бир никоҳда жамлаш, яъни бир киши иккаласини бир вақтда ўз никоҳига олиши ҳаром қилинган (Нисо, 23). Бундан мурод қариндошлик риштасининг узилишидан сақлаш эди. Расулulloҳ томонидан опа-сингилга қиёс қилиб, никоҳида бўлган аёлнинг аммаси ва холасини ҳам бир никоҳда жамлашни ман этилди ва: «Албатта сизлар, агар шундай қилсангизлар (аёл билан аммаси ёки аёл билан холасини бир никоҳда жамласангизлар), қариндошлик риштасини узасизлар», – дейилди (Ибн Ҳиббон ривояти).

Қуръонда «Эмизган оналарингиз, эмишган опа-сингилларингиз (ни никоҳлаб олиш сизларга ҳаром қилинди», Нисо, 23), – деб шу икки тоифа аёлга, аслида бегона бўлса ҳам, сут ҳурматида уларга уйланиш ҳаромлиги баён этилган. Ҳадисда уларга қиёс қилиниб, эмизган онанинг опа-сингиллари, яъни холаларни, аммаларни, эмишган ака-ука, опа-сингилларнинг қизларини ҳам никоҳга олиш ҳаром эканлиги айтилиб: «Албатта Аллоҳ таоло насабдан нимани ҳаром қилган бўлса, разоъдан (эмишишдан) шуни ҳаром қилди», – дейилади (Имом Термизий ривояти).

3) «Истинбот ва ижтиҳод» усули. Қуръонда умумий маъно баён қилган бир неча оятлардан ҳадисда ижтиҳод асосида қисқа, лўнда хулосалар баён этилган. Масалан, Қуръонда ихлос мадҳ этилган, риёкорлик мазаммат қилинган бир неча оятлар, жумладан: «Қолбуки, улар фақат Ягона Аллоҳга, У Зот учун динни холис қилган, тўғри йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга... буюрилган эдилар» (Баййина, 5), «Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор

бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани шерик қилмасин!» (Каҳф, 110), «Албатта мунофиқлар дўзахнинг энг тубан жойида бўлурлар» (Нисо, 145) мазмунидаги оятлардан ҳадисда иқтибос ва ижтиҳод қилинган бўлиб: «Шубҳасиз, амаллар ниятга қараб бўлади. Ва шубҳасиз, ҳар бир одам учун ният қилгани бўлади», – деган ҳадис айтилган.

Шунингдек, «Уларга (аёлларга) зулм қилиш билан зарар етказиш учун ушлаб турмангиз!» (Бақара, 231), «Болалари сабабли ота ҳам, она ҳам зарар кўрмасин!» (Бақара, 233), «Уларни (талок иддасида бўлган аёлларни турган жойларидан) қисиб чиқариш учун уларга зиён етказманглар!» (Талок, 6), «Ва берган маҳрларингизнинг бир қисмини қайтариб олиш учун хотинларингизни (бошқа эрга тегишдан) тўсиб туриб олманглар!» (Нисо, 19), «Ва на қотиб, на гувоҳга зарар етмасин» (Бақар, 282), мазмунидаги оятлардан иқтибос олиб, Расулulloҳ томонидан: «Ўзинг ҳам зарар кўрма, бировга ҳам зарар етказма», – деган ҳадис ривоят қилинган.

Юқорида келтирилган уч усул - **илҳоқ қилиш**, қиёслаш, истинбот ва ижтиҳод ҳамда уларнинг ҳар бирига келтирилган мисоллардан кўринадики, суннат Қуръон оятлари маъноларини изоҳ ва баён қилиб беради.

ҲАДИС:

وَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الْحَيَاءُ مِنَ الْإِيمَانِ

Набий с.а.в. айтдилар: Ҳаё имондандир.



Мавзу бўйича саволлар

1. Муҳаддислар ҳадис ўрганишда нималарга эътибор берганлар?
2. Ҳадис илми одобларининг қандай умумий ва хусусий шартлари мавжуд?
3. Олим Асмаий ҳадис ўргатувчи ва ўрганувчига лозим бўлган қандай тўрт хислат ҳақида гапиради?
4. Ҳадисларни тўғри англаш қандай омиллар билан боғлиқ?
5. Ҳадислардаги мажоз ва ҳақиқатни ажрата билишнинг аҳамияти нимада?
6. Қуръон ҳукмлари ва ҳадислар ўртасида қандай боғлиқлик бор?
7. Ҳадисларни шарҳлашда тарихни билишнинг қандай аҳамияти бор?
8. Оятлар маъносини ҳадислари билан изоҳлаш қандай усуллар билан амалга оширилади?



Топшириқлар

1. Ҳадисларни ривоят қилишда эътибор берилиши лозим бўлган масалалар ҳақида гапиринг.
2. Ҳадисларни тинглаш ва уларни бошқаларга етказиш билан боғлиқ бўлган мавзулардаги ҳадислардан мисол келтиринг.
3. Қуръон оятлари мазмунларини таъкидловчи ҳадисларни топинг.
4. Қуръон оятлари маъносини ҳадислари билан изоҳлаш усулларини айтинг.

Мустақил иш мавзулари

1. Доктор Маҳмуд Таҳҳоннинг “Тайсир мусталаҳ ал-ҳадис” асари.
2. Суннат - Қуръон оятлари маъноларини изоҳлаш усули сифатида.
3. Ибн Салоҳ ва унинг «Улум ал-ҳадис» асари.
4. Муҳаддис ва шогирд одоблари.



Адабиётлар

1. Ҳадиси Қудсий. / Масъул Муҳаррир: Абдуллоҳ Исмоил Маҳдум. – Т.: Мовароуннаҳр, 1996.
2. Жалолуддин ас-Суютий. Тадриб ар-ровий фи шарҳ тақриб ан-Навовий. 2 жилдли. Димашк: Дор ал-фикр, 1996.
3. Ибн Арабий. Оридат ал-Аҳвазий би шарҳ жомеъ ат-Термизий. – Байрут. Дор ал-фикр, 1995.
4. Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Таҳзиб ат-таҳзиб. – Байрут. Дор ал-кутуб ал-исломия, 1994.
5. Ибн Ҳажар Асқалоний. Нузҳат ан-назар шарҳ нухбат ал-фикар. – Байрут: Нашр йили кўрсатилмаган.
6. Ибн Халликон. Вафаёт ал-аъён ва анба абно аз-замон. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1998.
7. Иброҳим ибн Муҳаммад. Ал-Баён ва ат-таъриф фи асбоб вуруд ал-ҳадис аш-шариф. – Байрут: Ал-мактаба ал-илмия. 1982.
8. Ибн Ҳажар Асқалоний. Ҳадй ас-сорий муқаддима фатҳ ал-борий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1997. 1-жуз.
9. Муҳаммад Жамалиддин Қосимий. Қавоид ат-таҳдис. – Байрут. Дор ал-кутуб ал-илмия, нашр йили кўрсатилмаган.
10. Хатиб Бағдодий. Ал-Жомеъ ли ахлоқ ар-ровий ва адаб ас-сомеъ. – Ар-Риёд. Мактаба маъориф, 1983. 1-2 жузлар.

РЕЖА:

1. Суннат ислом дини манбаси сифатида.
2. Ислом илмлари орасида суннатнинг тутган ўрни.
3. Суннатнинг вазифалари.



Таянч иборалар: *Хужжат, Истинбот, Хабар, Осор, Балоғат, Муснид, Ҳоким, Ҳофиз*



1. Суннат ислом дини манбаси сифатида. Ислом динининг биринчи манбаси Қуръони карим бўлса, иккинчиси ҳадислардир. Ҳадислар орасида фикҳий ҳукмларни ечишда истифода этиладиган қисми кўпроқ «суннат» сўзи билан юритилади. «Ҳадис» ва «сунна» («суннат») сўзлари кўпинча ёнма-ён, баъзан эса бир-бирининг ўрнини алмаштириб келади. «Сунна» сўзининг луғавий маъноси – «одат», «тариқа», «йўл» бўлиб, истилоҳда Пайғамбар одатлари, тутган йўллари, тақрир, яъни кўриб қайтармаган ва буюрган ишларига нисбатан ишлатилади. Бошқача қилиб айтганда, бу истилоҳ Муҳаммад (с.а.в.) турмуш тарзларини англатади. «Ҳадис» ва «суннат» истилоҳларини чуқур ўрганиш улар ҳақида атрофлича тушунчага эга бўлишга ёрдам беради.

Уламолар суннат ҳам Қуръон оятлари каби Аллоҳ тарафидан Расулulloҳга фаришта Жаброил алайҳиссалом орқали нозил қилинган «вахий»нинг ўзига хос бир тури эканини таъкидлайдилар. Яъни Аллоҳ таоло ўз Пайғамбарига билдирган нарсаларни у киши томонидан амалга оширилган. Расулulloҳ гапирган сўзларнинг барчаси ваҳий эканига Қуръони каримдаги қуйидаги оятлар далил қилинади:

يٰۤاَيُّهَا يٰۤاَيُّهَا لَا اِلٰهَ اِلَّا وَهْنًا اِى وَهْلًا نَعْقُطْنِيْ اَمَوْ. يٰۤاَمَوْ مَكْبَحًا لِّدَّ اَمَ.

«Сизларнинг соҳибингиз (Муҳаммад) залолатга кетгани ҳам йўқ, йўлдан озгани ҳам йўқ! (Яна у Қуръонни) хом хаёдан олиб сўзлаётгани йўқ. У (Қуръон) фақат (Аллоҳ томонидан) нозил қилинаётган (туширилаётган) бир ваҳийдир» (Нажм, 2-4).

Мазкур оятда келган «вахий қилинаётган ваҳий» ибораси баъзи уламолар томонидан «Қуръондир», деб талқин этилса, бошқалари томонидан «Пайғамбар алайҳиссалом гапирган барча сўзлари», деб тафсир қилинади. Ҳар ҳолда Расулulloҳ айтган сўзлари оддий эмас, балки илоҳий хусусиятга эга экани ҳадисларда ҳам таъкидланади.

Масалан, тоби‘ий Ҳассон ибн Атия шундай ривоят қилади: «Ҳазрат Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳ (с.а.в.)га Қуръонни олиб тушганидек суннатни ҳам олиб тушарди ва Қуръонни ўргатганидек суннатни ҳам таълим берарди». Шунингдек, Макхул (рз.а) айтади: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Аллоҳ менга Қуръонни берди ва унинг икки баробарича ҳикматни ҳам», дедилар (Иккала ҳадис Ибн Можжа ривояти).

Юқорида келтирилган оят ва ҳадислардан маълум бўлишича, суннат Қуръони карим каби илоҳий ваҳийнинг бир кўриниши ҳисобланади. Аммо «суннати набавия»нинг Қуръони каримдан фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд, яъни «суннат»нинг маъноси Аллоҳ ҳузуридан нозил бўлган, лафзи эса Расулуллоҳ (с.а.в.)га мансубдир. Шу сабабли суннатни сўзма-сўз эмас, балки умумий маъноси чиқадиган даражада ривоят қилиш мумкин. Аммо Қуръон оятларидан иқтибос келтирганда бирор ҳарфини ҳам ўзгартирмай бериш талаб этилади. Суннат фариштанинг воситаси билан уйқуда ҳам, уйғоқликда ҳам нозил бўлиши мумкин. Шунинг учун, унинг лафзи Қуръондан фарқли мўъжиза эмас, тиловати ҳам ибодат эмас.

Ислом тарихида суннатни рад этиб, «биз фақат Қуръонгагина эргашамиз» деган даъволар билан чиққан тоифалар кўп бўлган. Уларнинг мақсадлари ислом динининг асосий моҳиятини ўзида мужассам қилган Пайғамбар ҳадислари, амалда кўрсатган намуналари, Қуръонга берган шарҳларини инкор этиб, оятларни ўз манфаатларига мос равишда талқин этиш эди. Уламолар мусулмонлар орасидаги бирликни сақлаб қолиш учун суннатни тан олмайдиган гуруҳлар иддаоларига бирламчи диний манба – Қуръон оятлари билан ва мантикий асосда раддиялар бердилар.

Тафсир китобларида берилишича, Қуръонда ҳадис «ҳикмат» сўзи билан берилган. Масалан «Жум‘а» сурасининг 2-оятида шундай дейилади: **«У (Аллоҳ) омиёлар (саводсиз кишилар) орасига ўзларидан бўлган, уларга (Унинг) оятларини тиловат қиладиган, уларни (ширк ва жаҳолатдан) поклайдиган ҳамда уларга Китоб (Қуръон) ва Ҳикмат (ҳадис)ни ўргатадиган (бир) пайғамбарни (Муҳаммадни) юборган зотдир».**

Суннат исломнинг асосий манбаларидан эканига қуйидаги Қуръон оятлари далолат қилади:

1. (Эй Муҳаммад,) айтинг: «Агар сизлар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. (Шунда) Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади, Аллоҳ кечирувчи ва раҳмлидир» (Оли Имрон, 31).

2. (Эй Муҳаммад,) Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда Сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин Сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича-бўйинсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар (Нисо, 65).

3. Кимки пайғамбарга итоат этса, демак, Аллоҳга итоат этибди (Нисо, 80).

4. (Пайғамбарнинг) амрига ҳилоф иш қиладиган кимсалар ўзларига бирон фитна-кулфат етиб қолишидан ёки аламли азоб етиб қолишидан ҳазир бўлсинлар! (Нур, 63).

5. Албатта сизлар учун Аллоҳнинг Пайғамбарида гўзал намуна бордир (Аҳзоб, 21).

6. Аллоҳ ва Унинг пайғамбари бир ишни ҳукм қилган-буюрган вақтида бирон мўмин ва мўмина учун (Аллоҳнинг ҳукмини қўйиб) ўзлари хоҳлаган ишларини ихтиёр қилишлари жоиз эмасдир. Ким Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига осий бўлса, бас, у очик йўлдан озиш билан йўлдан озибди (Аҳзоб, 36).

7. Пайғамбар ўзи сизларга ато этган нарсани олинглар, У зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар (Ҳашр, 7).

8. Сизга эса одамларга нозил қилинган нарсаларни (яъни, Шариат аҳкомларини) баён қилиб беришингиз учун ва шояд тафаккур қилсалар, деб бу Эслатмани – Қуръонни нозил қилдик (Наҳл, 44).

Ислом динида суннатнинг қатъий далил эканига мазкур оятлар ҳужжат сифатида келтирилади. Суннатнинг асосий вазифаларидан бири Қуръонни шарҳлаб, баён қилиб беришдан иборат. Шундан келиб чиқиб, суннатга амал қилиш Қуръонга амал қилиш билан баробар ҳисобланади. Баъзи ғаразли кимсалар Мадина уламоларидан бўлган Мутриф ибн Абдуллоҳга (IX аср): «Бизга ҳадис ривоят қилмасдан, фақат Қуръондан гапиринг», – дейишди. Мутриф унга: «Мен ҳам Қуръонга бирор нарсани бадал қилмайман, аммо Қуръонни ўзимдан билимдонроқ одам (яъни, Расулуллоҳ)нинг гаплари билан гапираман» – деб жавоб берди.

Саҳоба Абдуллоҳ ибн Масъуд Аллоҳ яратган хилқатни, яъни ўз киёфасини бузиб, ўзгартирган аёллар ҳақидаги ҳадисни айтди. Бу гапни

Бани Асад қабиласидан бўлган бир аёл эшитиб келди ва Абдуллоҳ ибн Масъуддан:

– Сен пардоз қилган аёл ҳақида ёмон сўз айтдингми? – деб сўради. Абдуллоҳ ибн Масъуд деди:

– Расулуллоҳ (с.а.в.) айтган гапни мен нима учун айтмайман, ҳолбуки, Қуръонда борку! – Аёл:

– Мен Мусҳафнинг икки муқоваси орасини (яъни, ҳаммасини) ўқиб чиқдим, аммо бундай гапни топмадим, – деди. Абдуллоҳ ибн Масъуд аёлга деди:

– Агар ўқиб чиққан бўлсанг топардинг. Пайғамбар ўзи сизларга ато этган нарсани олинглар, У зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар (Ҳашр, 7), – деган оятни ўқимадингми? Расулуллоҳ (с.а.в) киёфани ўзгартиришдан қайтарган эдилар.

Ривоят қилинишича, Товус ибн Кайсон (р.а.) аср намозидан сўнг икки ракат нафл ўқирди. Абдуллоҳ ибн Аббос (рз.а.):

– Асрдан сўнг нафл ўқима! – деб Товусни қайтарди. Товус:

– Расулуллоҳ (с.а.в.) суннатга айланиб қолмасин, деганлар, – деди. Ибн Аббос (рз.а.) унга:

– Расулуллоҳ (с.а.в) аср намозидан кейин намоз ўқишдан қайтарган эдилар. Билмайман, бу ўқиган икки ракат учун жазо оласанми ёки ажр оласанми? Чунки, Аллоҳ Аҳзоб сурасида (36-оят) шундай деган: «Аллоҳ ва Унинг пайғамбари бир ишни ҳукм қилган-буюрган вақтида бирон мўъмин ва мўъмина учун (Аллоҳнинг ҳукмини қўйиб) ўзлари хоҳлаган ишларини ихтиёр қилишлари жоиз эмасдир».

Суннат ислом динининг асосий манбаларидан бири эканига юқоридаги Қуръон оятлари ҳам далил сифатида келтирилади.

Ҳадисларда ҳам суннат исломнинг иккинчи асосий манбаси эканига далолат қилувчи далиллар мавжуд. Хусусан, «Ҳажжат ал-вадо» («Видолашув ҳажи») хутбасида Пайғамбар (с.а.в.) шундай дейдилар: «Сизларга икки нарсани қолдирыяпман, агар уларни маҳкам ушласангиз, ҳақ йўлдан ҳеч қачон адашмайсизлар. Бири Аллоҳнинг Китоби, иккинчиси менинг суннатимдир».

Шунингдек, Пайғамбар (с.а.в.) Муоз ибн Жабални Яманга юбораётганларидаги суҳбат ҳам суннатнинг манба эканига далил қилиб келтирилади. Имом Термизий ривоят қилган ушбу ҳадисда Муоз ҳукм чиқаришда биринчи ўринда Аллоҳнинг китоби, кейинги ўринда

Расулуллоҳнинг суннати билан иш тутишини айтганида уни бу фикри Пайғамбар (с.а.в.) томонидан қўллаб-қувватланган эди.

Исломнинг асосий таълимоти ва қонун-қоидалари Қуръони карим оятларида зикр этилган бўлса, суннатда уларнинг тафсилоти келади. Зеро, ҳадисларда келган буйруқлар, қайтариқлар, кўрсатилган намуналар, саҳобаларнинг амалларига билдирилган муносабатлар асосида диний йўл шаклланган. Шу сабабли ҳам суннат Қуръон оятлари билан бир қаторда диний далил сифатида тан олинади.

Суннат ислом манбаларидан бири деб қатъий белгилангани сабабли, айрим гуруҳлар томонидан фақат Қуръонни тан олиш даъвоси билан суннатни рад этилиши ақидавий жиҳатдан имон талабларига зиддир.



2. Ислом илмлари орасида суннатнинг тутган ўрни. Суннатга исломнинг турли илм соҳалари намояндалари ўзига хос тарзда ёндашадилар. Ислом илмлари вакиллари бир-биридан фарқли соҳалар билан шуғулланганликлари сабабли улар суннатни ўз соҳалари нуқтаи назаридан келиб чиқиб тушунадилар ва ифодалядилар.

«Усул ал-фикҳ» уламолари суннатни «шаръий ҳужжат» сифатида қабул қиладилар. Унга кўра, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг қилган ишлари, айтган сўзлари ва саҳобаларнинг амалларига муносабатлари суннат бўлиб, улар диний қонун-қоидалар учун асос вазифасини ўтайди. Бошқача қилиб айтганда, фақиҳлар наздида Пайғамбар (с.а.в.) қонун чиқарувчи «мужтаҳид»лар учун асос қўювчи вазифасини бажарган. Шу сабабли улар Расулуллоҳдан етиб келган ривоятларни ўз асарларида ҳукм чиқариш учун асос қилиб олганлар.

Шунингдек, усул уламоларининг баъзилари «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг асҳоблари қилиб юрган ишларнинг ҳаммаси, жумладан Қуръонни мусхаф қилиш, ҳадисларни тадвин қилиш қабилар ҳам суннат бўлади, бу нарса Қуръонда ва Расулуллоҳ (с.а.в.) қилган ишлари орасида бўлса ҳам, бўлмаса ҳам», – дея таъкидлядилар. Бунга Имом Муслим Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилган ушбу ҳадисни далил келтирадилар: «Менинг суннатимни ва мендан кейинги рошид халифаларимнинг суннатларини маҳкам ушланглар!»

Масалан, Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилади: «Али ибн Абу Толиб (ра) Абдуллоҳ ибн Жаъфарга маст қилгувчи ичимлик ичган кишини қирқ марта урдирди ва: «Бас, етади. Расулуллоҳ (с.а.в.) ва Абу Бакр Сиддиқ қирқ мартадан урдирганлар, Умар ибн Хаттоб уни саксонтага чиқарган, ҳаммаси суннатдир»,

деди». «Усул ал-фиқҳ» уламоларининг таъкидлашларича, мазкур ривоятдаги воқеа, Умар ибн Хаттобнинг маслаҳати билан Мусхафнинг йиғилиши, етти қироатдан бир қироатга ўтилиши, ҳадисларнинг жамлаб ёзилиши ва шу каби саҳобалар маслаҳати билан маъқулланган ишлар ҳам суннат қаторида саналади.

«Фуру‘ ал-фиқҳ» уламолари Расулуллоҳнинг амалларини шаръий ҳукмга далил сифатида ўрганадилар. Чунки улар бандаларнинг амалларига «вожиб», «ҳалол» ёки «ҳаром» эканлиги нуқтаи назаридан қарайдилар. Бунда улар Пайғамбар (с.а.в.)га эргашиш ва ажр-савобга эга бўлиш учун амал қиладилар. Шу нуқтаи назардан, улар ўз асарларида амал қилиниши керак бўлган шарий ҳадисларни ўз китобларида келтирганлар.

Ҳадис уламоларининг наздида Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг сўзлари, феъллари, тақрирлари – саҳобаларнинг қилганларига муносабатлари, жисмоний ва ҳулқий сифатлари, сафарда ўзларини тутишлари, пайғамбарлик ваҳийси келишидан олдинги қилган ишлари. Масалан, Ҳиро ғорида қилган зикр-санолари, одамлар билан қилган муомалалари, чиройли ҳулқлари ва феъллари, халқ орасида ростгўйлик ва омонатдорлик билан ном чиқаришлари ҳақидаги ривоятлар ҳам суннат бўлиб, улар Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг пайғамбарликларини исботлашга хизмат қилади. Бундай тарихий ривоятларга асосланган суннат ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитиб ривоят қилинган «ҳадиси набавий» билан баробардир.

Муҳаддислар Расулуллоҳ (с.а.в.)ни тўғри йўлга бошловчи имом деб билганлар ва у кишининг айтган сўзлари, қилган ишлари, сийратлари, ҳулқлари ва маъқуллаган ишларининг барчасини ўз китобларида келтирганлар. Шунинг учун муҳаддисларнинг ҳадис тўпламларида ақида, ҳукм, риқоқ (нафосат), одоб-ахлоқ, тафсир, тарих (пайғамбарлар тарихи) ва сийрат (Расулуллоҳ сийратлари), Пайғамбар (с.а.в.)дан сўнг вужудга келган ва келажакда бўладиган «фитналар», турли кишиларга тегишли «маноқиб» (фазилатлар) ва «масолиб» (нуксонлар)га доир ҳадислар келтирилади.

«Ваъз ва иршод уламолари»нинг таърифича, «суннат – шариат буюрган ва қайтарган ҳукмлар, яъни бидъатнинг муқобилидаги амал», – дейдилар. Ҳадис илмига оид асарларда «Ваъз ва иршод уламолари» номи билан берилган ушбу гуруҳ намояндлари ҳадисларни ўрганиш билан бир қаторда ўз олдиларига одамларга ваъз-насиҳат, хутбалар

ўқиш орқали одамларни ҳадислардан хабардор қилиш вазифасини қўйган кишилар эдилар. Уларнинг таъкидлашларича, бир мусулмон киши Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўргатганларига мувофиқ амал қилса, бу қилган амали Қуръон оятларида мавжуд бўлмаса ҳам, унинг бажаргани суннатдир. Қилинган амал Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг таълимотларига муҳолиф бўлса, унинг қилган амали бидъат ҳисобланади.

Ислом динида суннатнинг аҳамияти катта эканини кўрсатиб бериш учун уламолар қуйидаги жиҳатларни санаб ўтганлар:

1) Расулуллоҳдан билмайдиган нарсалари сўралса, Аллоҳдан ваҳий келишини кутиб сукут сақлардилар;

2) Расулуллоҳ бирор муҳим масалани тушунтирсалар, тингловчилар яхши англаб олишлари учун уни уч марта такрорлардилар;

3) Расулуллоҳ баъзи масалаларни саҳобалар ҳукмига ташлаб, уларнинг ақл-идрок даражалари, илмларини синаш билан бирга уларнинг фикр-мулоҳазаларини олардилар;

4) Расулуллоҳ бирор саволга жавоб берсалар, шу мақомга мос келадиган ёки жавоб билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳам сўзлаб ўтардилар;

5) Расулуллоҳ дин ҳақида таълим бериш орасида тингловчиларда малоллик пайдо бўлмаслиги учун суҳбат орасида қизиқарли мавъизалар билан мавзунини ўзгартириб турар эдилар. Абдуллоҳ ибн Масъуднинг шогирдлари у кишидан ҳар куни мунтазам ҳадис ривоят қилиб беришни сўрдилар. Шунда Ибн Масъуд (рз.) рози бўлмай: «Расулуллоҳ (с.а.в.) бизларда малоллик пайдо бўлмаслиги учун дин таълими орасини мавъизалар билан узиб турардилар», деб жавоб бердилар.

6) Расулуллоҳ баъзи масалаларни алоҳида «хос» саҳобаларга чуқур тушунтириб берганлар. Бунда баъзи бошқа саҳобалар яхши тушунмай қолиб фитнага сабаб бўлмаслиги учун уларни киритмас эдилар.

Ушбу санаб ўтилганлардан суннат мусулмонларга Пайғамбар (с.а.в.) томонидан қолдирилган ҳидоятга бошловчи панд-насихат, кўрсатма сифатида ворид бўлганини ва ислом динида алоҳида аҳамиятга эга эканини маълум бўлади. Бу далиллар Қуръондан ташқари нарсалар қаторида суннатни инкор этувчиларга раддия бўлади.

 **3. Суннатнинг вазифалари.** Қуръонда келган кўп оятларнинг мазмуни умумий бўлиб, баъзан уларда баён қилинган мақсадни очиқ-ойдин тушуниб олиш қийин бўлади. Ислом динида Пайғамбар (с.а.в.)

нинг асосий вазифаларидан бири илоҳий ваҳийни инсонларга батафсил тушунтириб беришдан иборат эди. Бу ҳақда Қуръони каримнинг Наҳл сураси, 44-оятда ҳам таъкидланади: «Сизга эса одамларга нозил қилинган нарсаларни (яъни, Шариат аҳкомларини) баён қилиб беришингиз учун ва шояд тафаккур қилсалар, деб бу Эслатмани – Қуръонни нозил қилдик».

Ислом манбаларида келган мазкур далилларга асосланиб, ҳадис илми олимлари суннатни исломнинг иккинчи манбаси эканини таъкидлайдилар. Шу нуктаи назардан суннатнинг ўзига хос ишлатилиш хусусиятлари ва вазифалари мавжуд экани маълум бўлади. Фикҳий асарларда суннатнинг хусусиятларидан келиб чиқиб ундан мустақил диний манба сифатида диний масалаларда ҳукм олишда далил тарзида фойдаланилади.

Ислом динида суннатнинг ўрни юқори эканини уламоларнинг билдирган фикрларидан ҳам кўриш мумкин. Суннат Қуръони каримнинг тафсири, шарҳи, изоҳи, Расулulloҳ биринчи муфассир бўлгани учун фақиҳ Ибн Ҳазм шундай дейди: «Агар бир киши биз фақат Қуръондан топган ҳукмлармизга амал қиламиз деса, у уммат ижмоси билан кофир бўлади».

Ислом таълимотига кўра, эркак кишига тилла тақинчоқларни тақмаслик, ипак кийим киймаслик лозимлиги ва шу каби масалаларнинг ҳукми Қуръонда келмаган, балки суннати набавий орқали собит бўлган. Шунга қарамай, яъни «Қуръонда келмаган», деб мазкур ҳукмлар динда инкор этилмайди. Тоби‘ийлардан бўлган Айюб Сахтиёний (ваф. 68/687 й.) айтади: «Агар бир кишига суннат ҳақида гапирилса, у «шуни кўйгин, менга Қуръондан гапиргин» деса, билингки у ўзи адашган ва бошқаларни ҳам адаштирувчидир» деган.

Юқоридаги ҳужжат ва далиллардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, суннати набавий Қуръони карим каби мустақил манба ва у Қуръон учун шарҳ ва тафсилотдир.

Суннат Қуръони карим оятларини тафсир қилиш, улардаги ҳикматни очиб беришида тўрт ҳолатни кўриш мумкин:

- I. Суннат оят мазмунини таъкидлайди;
- II. Оятлардан ирода қилинган маънони баён қилиб (очиб) беради;
- III. Қуръонда зикр этилмаган ҳукмларни баён этиб беради;
- IV. Қуръон оятларидан англашиладиган баъзи ҳукмларни насх (бекор) қилади.

Юқоридаги биринчи ҳолатга мисол тариқасида «Мусулмон кишининг моли агар ўз рози бўлмаса ҳалол бўлмайди», – деган ҳадисни келтириш мумкин. У Қуръондаги «Эй имон келтирганлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангиз!» (Нисо, 29) оятининг мазмунига таъкиддир. Шунингдек, «Аёллар ҳақида Аллоҳдан қўрқинглар. Зеро улар олдингиздаги ёрдамчилардир. Уларни Аллоҳнинг омонати сифатида олгансизлар. Аллоҳнинг сўзи билан уларнинг фаржларини ҳалол қилгансизлар», – деган ҳадис Қуръондаги «Улар билан тотув турмуш кечирингиз» (Нисо, 19) ояти каримани таъкидлаб келади. Яна бир мисол шуки, «Шубҳасиз, Аллоҳ таоло золимга муҳлат бериб қўяди. Агар уни ушлаганда, нажот тополмай қоларди», – деган ҳадис «Аҳолиси золим юртларни (азобга) тутганда Раббингизнинг тутиши шундайдир» (Худ, 102) деган оятнинг мазмунини таъкидлайди. Шунингдек, намоз, рўза, ҳаж каби ислом арконлари зикр этилган «Намозни баркамол ўқинг, закот беринг!» (Бақара, 83), «Эй имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди» (Бақара, 183), «Йўлга қодир бўлган одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш (фарзи) бордир» (Оли Имрон, 97) деган оятларни шарт ва рукнларини изоҳсиз ва шарҳламасдан таъкидлаб келади. Жумладан, Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда шудай дейилади: «Ислом беш нарсанинг устига қурилди: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг расули, деб гувоҳлик бериш, намоз ўқиш, закот бериш, рамазон рўзасини тутиш ва йўлга қодир киши учун байтни ҳаж қилиш».

Иккинчи ҳолатга кўра суннат Қуръон оятларидан ирода қилинган маънони баён қилиб беради. Бу каби баён қилишнинг етти хил тури санаб ўтилган:

1) Қуръон оятларида аҳкомлари умумий келтирилган намоз, закот, рўза ва ҳаж каби амалларнинг тафсилоти суннатда келади;

2) Қуръон оятларида умумий тарзда айтилган ҳукмларни, суннат хослаб ва аниқлаб беради. Масалан, оятда «Аллоҳ фарзандларингизга (мерос тақсимида) бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида (беришни) буюради» (Нисо, 11) дейилган бўлса-да, кимларга бу ҳукм тегишли эмаслиги ҳадисдан маълум бўлади. Жумладан, Саҳиҳ Муслимда келган ҳадисда «Биз (пайғамбарлар) мерос қолдирмаймиз, биз тарқ қилган нарса садақадир» дейилган. Сунан Термизийда эса «Қотил мерос олмайди», деган ҳадис келган.

3) Куръон оятларида умумни ифода қилган ҳукмларни суннат ҳослаб беради. Масалан, «Имон келтирган ва имонларига зулм (ширкни) аралаштирмаганлар...» (**Анъом, 82**), ояти каримасидаги «зулм» сўзининг маъносини умум деб тушунган саҳобалардан баъзилари: «Қайси биримиз зулмдан сақлана оламиз?», деб хайратга тушишди. Расулуллоҳ «Ундай эмас, бу оятдаги зулмдан мурод ширкдир», деб зулм сўзининг маъносини ҳослаб бердилар.

4) Тушунилиши қийин бўлган Куръон оятларини равшанлаштириб беради. Масалан, «Шунингдек, тонггача, яъни оқ ипнинг қора ипдан (тонгнинг тундан) ажараладиган вақтигача еб-ичаверингиз» (Бақара, 187) ояти маъносини Адий ибн Ҳотам каби баъзи саҳобалар ўзларича тушуниб, ёнларига оқ ва қора рангли ипларни қўйиб олиб, улар аниқ кўзга кўринадиган пайтгача еб-ичишда давом этганлар. Ҳолбуки, бунгача тонг отиб кетган. Расулуллоҳ «Улар кундуз ва кечасидур», деб оятнинг маъносидан мурод кундузи билан кечаси эканини аниқлаштириб берганлар.

5) Куръонда келган ҳукмлардан қоидалар чиқаради. Масалан, «Болалари туфайли ота ҳам, она ҳам зарар кўрмасин!» (Бақара, 233), «...ва уларни (турган жойларидан) сиқиб чиқариш мақсадида уларга зарар етказмангиз!» (Талок. 6.), «Котиб ҳам, гувоҳ ҳам зарарланмасин» (Бақара, 282) «Уларга зулм қилиб зарарлантириш ниятида ушлаб турманг» (Бақара, 231) дейилган оятлардаги ҳукмларнинг барчасидан келиб чиқувчи қоида Ибн Можа ривоят қилган «Исломда зарар ҳам, зарар бериш ҳам йўқ» дейилган ҳадис маъносида жамланган.

6) Куръондаги мутлақ ҳукмлар билан боғлиқ фарзларни белгилаб беради. Масалан, оятда «Кўҳна уй (Каъба)ни тавоф қилсинлар» (Ҳаж, 29) дейилган. Бу буйруқ тавофни умумий ҳолда фарз қилади. Набавий суннат эса Байтуллоҳни фақат таҳорат билан тавоф қилиш лозим эканини қайд этган.

7) Куръонда зикр қилинган аслга қараб янги ҳукмни чиқаради. Масалан, «Эй имон келтирганлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангиз! Ўзаро розилик асосидаги тижорат бўлса, у бундан мустасно» (Нисо, 29) дейилган оятга кўра, совуқ ёки шамол офати етиб келиши хавфи борлиги учун суннат бўйича пишмаган меваларни олдиндан сотиш мумкин эмас деб белгиланган. Чунки сотиб олувчига мевадан зарар кўриш хавфи бор. Шунинг учун Расулуллоҳ «Ўйламайсанми, Аллоҳ меванинг ҳосилини бермаса, сизлардан

бирингиз биродарининг молини ноҳақ олган бўладими?» деганлар (Бухорий ривояти).

Учинчи ҳолат, яъни суннат Қуръонда зикр этилмаган ҳукмларни ҳам баён этиб беришига мисол тариқасида «(Денгизнинг) суви пок, унда яшайдиган ҳайвонларнинг ўлиги ҳам ҳалол», ҳайвон сўйилганда, унинг корнидан ўлик ҳолда чиққан боласи ҳақидаги «Онасининг сўйилиши боласининг ҳам сўйилишидир», «Ўткир тишли ваҳший ҳайвонлар ва ўткир тирноқли ваҳший қушлар ҳамда хонаки эшшак гўштининг ҳаром» экани ҳақида айтилган ҳадислардан чиқадиган ҳукмлар Қуръони карим оятларида мавжуд эмас.

Тўртинчи ҳолат, яъни суннат Қуръон оятларидан англашиладиган баъзи ҳукмларни насх (бекор) қилишига мисол тариқасида «Қай бирингизга ўлим ҳозир бўлганида (яқинлашганида ўзидан кейин) бирор яхшилик (бойлик) қолдираётган бўлса, ота-она ва қариндошларига маълум миқдорда васият қилишлик битилди (фарз қилинди). Бу тақволи кишилар зиммасидаги бурчдир» (Бақара, 180), деб васият фарз қилинган оят ҳукмини насх қилувчи «Меросхўр учун васият қилинмайди», деган ҳадисни келтириш мумкин.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, сунна Қуръондан кейинги ислом динининг асосий манбаларидан бири бўлиб, ўз ўрни ва аҳамиятига эга.

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ:

فَعَلَيْكُمْ بِسُنَّتِي وَسُنَّةِ الْخُلَفَاءِ الرَّاشِدِينَ الْمُهْتَدِينَ

Расулulloх (с.а.в.) айтдилар: Менинг суннатимни ва мендан кейинги ҳидоятга бошловчи рошид халифаларнинг суннатларини маҳкам ушланглар!

ҲАДИС:



Мавзу бўйича саволлар

1. Қуръонда суннатга қандай муносабат билдирилган?
2. Фикҳда суннат қандай ўрин тутади?
3. Шариатда ҳадис қандай манба сифатида қабул қилинади?
4. Ҳадис ҳукмларини Қуръон ҳукмларига қиёслаш мумкинми?
5. Қуръондаги ҳикмат сўзи қандай тафсир қилинади?

6. Суннатнинг ислом динида ҳужжат эканига қайси ҳадислар далолат қилади?

7. Саҳобаларнинг қилган ишлари ҳам суннат сифатида қабул қилиниши мумкинми?

8. Суннат Қуръон оятлари тафсилотини берган қандай масалаларни биласиз?



Топшириқлар

1. Илк ислом даври, яъни тадвин асридан мерос бўлиб қолган, ҳозирда мавжуд бўлган ҳадислар мажмуаси қайси олимларга тегишли эканлигини аниқланг!

2. Мавзу охирида келтирилган ҳадиснинг манбасини аниқланг.

3. Фикҳ илми ривожда суннатнинг тутган ўрнини изоҳлаб беринг.

4. Суннат ислом динининг асосий манбаларидан бири эканини тасдиқловчи оят ва ҳадислардан айтиб беринг.

Мустақил иш мавзулари

1. Суннатнинг Қуръон оятларини шарҳлаши.

2. Қуръонда суннанинг диний манба эканини таъкидлаб келган оятлар.

3. Суннат Қуръоннинг шарҳи ва тафсилоти сифатида.

4. «Фуру‘ ал-фикҳ» уламоларининг суннатга муносабатлари.



Адабиётлар

1. Жўзжоний, Абдулҳаким Шаръий. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2002.

2. Обидов Р. Суннат, ҳадис ва муҳаддислар. – Т.: Мовароуннаҳр, 2012.

3. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2012.

4. Talat Koçyigit. Hadis usûlü. – Ankara: Türkiye diyanet vakfı yayınları. 2004.

5. Абдурахмон Итр. Маъолим ас-сунна ан-набавийа. – Зарқо: Мактабат Манор, 1986.

6. Абу Исо ат-Термизий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ ва ҳува сунан ат-Термизий. – Байрут: Дор ихё ат-тирос ал-арабий. 1995.

7. Мустафо ас-Сибъий. Ас-Сунна ва маканатуҳа фи ташриъ ал-ислабий. – Ар-Риёд: Мактабат ал-варроқ, 1998.

РЕЖА:

1. «Мусталаҳ ал-ҳадис» илмининг шаклланиши.
2. Ҳадис иснодига оид истилоҳлар.
3. Ҳадис ровийларига оид истилоҳлар.
4. Ҳадис матнига оид истилоҳлар.

Таянч иборалар: *Ҳадис, Суннат, Хабар, Асар, Балоғат, Муснид, Ҳоким, Ҳофиз,*



1. «Мусталаҳ ал-ҳадис» илмининг шаклланиши. Ҳадисларни чуқур таҳлилий ўрганиш зарурати «Ҳадис илми» ва унга тегишли истилоҳларни тўғри ишлатишни тақозо этувчи «Мусталаҳ ал-ҳадис» соҳасининг шаклланишига олиб келди. Зеро, «Ҳадис илми»нинг ўзи «Мусталаҳ ал-ҳадис» («Ҳадис истилоҳлари»), «Илм ар-рижол» («Кишилар, яъни ровийларни билиш»), «ал-Жарҳ ва-т-таъдил» («Ишончсиз ва ишончлига ажратиш») каби бир неча соҳаларни ўз ичига олувчи илмлар мажмуаси ҳисобланади.

«Мусталаҳ ал-ҳадис» («Ҳадис истилоҳлари») – ҳадис илмида ишлатиладиган атамаларни ўрганувчи соҳа. У «Улум ал-ҳадис» («Ҳадис илмлари»), «Усул ал-ҳадис» («Ҳадис асослари») номлари билан ҳам юритилади. «Мусталаҳ ал-ҳадис» ўзига хос шартлар, турли усул ва қоидалар асосида *санад* ва *матн* ҳолатини ўрганади. Ҳадисларнинг тўғрисиини нотўғрисидан, яъни саҳиҳини заифидан ажратади.

Уламолар ҳадисдан ҳукм олиш ва унинг ишончлилигини аниқлаш жиҳатидан «Ҳадис илми»ни икки қисмга бўладилар:

(۱) *تَيَاوَر نَدِيحًا مِلَّء*

- 1) Ҳадисни ривоят нуқтаи назаридан билиш;

(۲) *تَيَاوَر د نَدِيحًا مِلَّء*

- 2) Ҳадисни тушуниш нуқтаи назаридан билиш;

«Ҳадисни ривоят нуқтаи назаридан билиш» деганда Пайғамбар (с.а.в.)нинг сўзлари, феъллари, тақрирлари, сифатлари, ҳадисдан қандай маъно ва фойдалар олиш мумкинлиги ҳақидаги билим тушунилади.

«Ҳадисни тушуниш нуқтаи назаридан билиш» деганда санад ва матнни билиш, унинг ишончлилик даражасини аниқлаш, шунга кўра ҳадиснинг қабул қилиниши ёки рад этилишини ўрганиш тушунилади.

Ҳадис иснодида узилиш бор ёки йўқлигига қараб «мутавотир» («узлуксиз»), «мавқуф» («тўхтатилган»), «мақтуъ» («кесилган») каби турларга бўлинади.

Ҳадисни ривоят қилган ровийлар занжирининг ҳолатига қараб ҳадислар саҳиҳ, ҳасан, заъиф, муттасил, мурсал бўлиши мумкин. Ҳадиснинг мазкур истилоҳлар билан ифодаланган сифатига қараб унинг ишончли ёки ишончсиз экани белгиланади. Фикҳ илмида шаръий ҳукм чиқариш учун ҳадисларнинг қай даражада ишончли эканини билиш жуда муҳим. Шунинг учун ҳам муҳаддис уламолар исноддаги ҳар бир кичик иллатни алоҳида ном билан атаганлар. Бунда ривоятнинг ҳаққонийлиги, шартлари, турлари, ҳукмлари ва ровийларнинг аҳволи, муҳаддисларнинг ҳадисларни ривоят қилишдаги шартлари, ривоят қилаётган ровийларнинг таркиби ва унга тегишли бўлган барча масалаларни эътибордан четда қолдирмаганлар.

Ҳадисни ривоят қилишда, киши эътиборини тортмайдиган майда нарсалар ҳам муҳаддислар томонидан ҳисобга олинган. Масалан, «анъана» йўли билан ривоят қилинган ҳадис «тахдис» ёки «ихбор» йўли билан узатилган ҳадисдан фарқ қилинади. Чунки «анъана» усули иснодда «ан», яъни «дан» сўзи билан ифодаланади. Масалан, иснодда «Иброҳим ан Муҳаммад», яъни «Иброҳим Муҳаммаддан» ривоят қилгани акс этса, тингловчи сўзловчидан ҳадисни қайсидир номаълум йўл билан қабул қилиб олгани англанади.

«Таҳдис» усулида сўзловчи тингловчига ҳадис айтишнинг барча талабларига риоя қилган ҳолда ривоятни узатгани тушунилади. Устоз ҳадисни таҳорат билан ўтирган ҳолда айтган ва шогирд унинг оғзидан шахсан ўз қулоғи билан эшитган бўлса, ҳадис «тахдис» йўли билан узатилган ҳисобланади. Бунда шогирд устоздан эшитган ҳадисини «ҳаддасано» ёки «ҳаддасани» шаклида ифодалайди.

Ривоят қилинган ҳадис матнига қараб унинг маъноси ўрганилса, ҳадиснинг ривоят қилиниш усулига қараб унинг қабул қилиш мумкин ёки мумкин эмаслиги белгиланган. Масалан, иснод занжирида бирор ровий номаълум ёки тушиб қолган бўлса, у «мунқатиъ», яъни «кесилган» деб аталади ва қабул қилинмайди.

Исноддаги ровийларнинг барчаси мавжуд бўлса-ю, аммо улардан баъзиси муҳаддислар томонидан ишончсиз деб саналса, у ҳолда ҳам ҳадис қабул қилинмайди. Бу каби ровийларнинг ишончлилик даражасига қараб баҳолаш учун ҳам «Мусталаҳ ал-ҳадис» илмида алоҳида истилоҳлар қўлланилган. Масалан, «ишончли», «ишончсиз»,

«каззоб» ва ҳ.к. Ҳадис илмида ровийлар, яъни иснодда номи келган кишилар ҳақидаги маълумотларни билишга алоҳида бир соҳа бағишланган бўлиб, у «Илм ар-рижол» («Кишилар илми») деб аталади.

Абу Шома номи билан машҳур бўлган тарихчи, фақиҳ олим Шихобуддин Абул Қосим Мақдисий (599-665/1202-1267) ҳадис илмини, яъни ҳадисларни билиш шартларини уч қисмга бўлади: 1) ҳадис матнини ёдлаб, унинг моҳиятини билиш; 2) иснодларни ёдлаб, ровийларини билиш, саҳиҳ ҳадисни заифдан ажратиш; 3) ҳадисларни жамлаш, ёзиш ҳамда ҳадис талабида турли жойларга сафар қилиш.

Мазкур йўналишларни биринчи бўлиб тизимга солган олим қози Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Абдурраҳмон ибн Халлод Ромаҳурмузий (ваф. 320/932 й.) ҳисобланади. У ўзининг «ал-Муҳаддис ал-фосил байна-р-ровий ва-л-во'ий» («Ривоят қилувчи ва англоvчи орасини ажратувчи муҳаддис») асарини ёзиб, бу йўналишда илк қадамни қўйди. Иккинчи бўлиб нишопурлик олим, Ҳоким Найсобурий номи билан танилган муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Найсобурий (ваф. 405/1014 й.) «Мусталаҳ ал-ҳадис» бўйича «Маърифат улум ал-ҳадис» («Ҳадис илмларини билиш») асарини ёзди ва шундан сўнг мазкур йўналишда тадқиқотлар ривожланди.

«Мусталаҳ ал-ҳадис» илмига оид зикр этилганлардан ташқари Хатиб Бағдодийнинг (ваф. 463/1071 й.) «ал-Кифоя фи илм ар-ривоя» («Ҳадис ривоят қилишда етарли илм»), «ал-Жоми' ли ахлоқ ар-ровий ва адаб ас-соми'» («Ривоят қилувчининг ахлоқи ва эшитувчининг одоби тўплами»), Қози Иёзнинг (ваф. 544/1149 й.) «ал-Илмо' ило маърифат усул ар-ривоя ва тақйид ас-само'» («Ривоят қилиш асослари ва эшитилганларни қайд этишни билиш бўйича кўрсатма»), Ибн Салоҳ Димашкийнинг (ваф. 704/1305 й.) «Улум ал-ҳадис» («Ҳадис илмлари») ёхуд «Муқадамат Ибн Салоҳ» («Ибн Салоҳ муқаққимаси»), Ибн Ҳажар Асқалонийнинг (ваф. 852/1448 й.) «Нухбат ал-фикар фи мусталаҳ аҳл ал-асар» («Асар аҳли истилоҳлари бўйича танланган фикрлар»), Имом Муҳйиддин Яҳё ибн Шараф Нававийнинг (631-676/1233-1277) «ат-Тақриб ва-т-тайсир ли-маърифат сунан ал-башир ан-назир» («Хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи суннатларини билишга яқинлашиш ва уни осонлаштириш»), Жалолиддин Суютийнинг (ваф. 911/1506 й.) «Тадриб ар-ровий фи шарҳ Тақриб ан-Нававий» («Нававийнинг Тақриб асарини шарҳлаш бўйича ровийни машқ қилдириш») асарларни келтириш мумкин.

XX аср муаллифларидан Муҳаммад Жамолиддин Қосимийнинг (ваф. 1332/1914 й.) «Қаво‘ид ат-таҳдис мин фунун мусталаҳ ал-ҳадис» («Мусталаҳ ал-ҳадис фанларидан ҳадис айтиш қоидалари») каби асари ҳам мазкур йўналишга оид. Замонавий асарлардан Маҳмуд Таҳҳоннинг «Тайсир мусталаҳ ал-ҳадис» («Ҳадис истилоҳларини осонлаштириш»), Абдурахмон Итрнинг «Ма‘олим ас-сунна ан-набавия» («Пайғамбар суннати аломатлари»), Нуриддин Итрнинг «Манҳаж ан-нақд фи улум ал-ҳадис» («Ҳадис илмларини танқидий ўрганиш услуби») ва бошқа 100 дан ортиқ асарларни келтириш мумкин.

Юқорида зикр этилган асарларда нафақат ҳадис илми истилоҳлари ёритилган, балки шу илм билан боғлиқ барча зарурий маълумотлар келтирилган.



2. Ҳадис иснодига оид истилоҳлар. Муҳаддислар ҳадисларнинг саҳиҳлик, яъни ишончлилиқ даражасини аниқлашда, асосан, унинг «иснод» (ёки «санад») деб аталувчи ровийлар занжирини акс эттирган қисмига эътибор бердилар. «Матн» деб аталган ҳадиснинг асосий қисмини Пайғамбардан мусаннифга етиб келиш йўлини «иснод» кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда ҳадис икки асосий қисмдан ташкил топган бўлади: иснод ва матн.

«Иснод» (таянч, далил, асос) ҳадиснинг таркибий қисми бўлиб, истилоҳда «ҳадисни унинг айтувчисига боғлаш» маъносини беради. Бунда ҳадис матнини Пайғамбар (с.а.в.)дан муҳаддисга етказувчи кетма-кет бир-бирига узатган ровийлар занжири тушунилади. Ҳадисга «таянч» ҳисобланган «иснод» қанчалик ишончли кишиларни ўз таркибига олган бўлса, ҳадис шунчалик саҳиҳ ҳисобланади. Исноднинг бошида мусанниф (масалан, Имом Бухорий) ўзи ҳадис эшитган устози ёки ровийсини келтиради. Сўнг у кимдан эшитган бўлса, ўшанинг номини, кейин у одам ўзига ҳадис айтган кишининг номини келтиради. Шу тариқа исноднинг охирида Пайғамбар (с.а.в.) номидан ҳадис матни келтирилади. Масалан, Имом Бухорий ўз асарида бир иснодни қуйидагича беради: «Бизга Абдуллоҳ ибн Юсуф ушбу ҳадисни айтди. У бизга Молик хабар берди, деган, у эса Ибн Шихобдан эшитган. У Муҳаммад ибн Жубайр ибн Мутъимдан, у отасидан эшитган экан. Жубайр ибн Мутъим Расулуллоҳ (с.а.в.)дан қуйидагиларни эшитдим, деган...», деб ҳадис келтирган. Иснод кучли деб топилса ҳадис саҳиҳ ҳисобланади. Акс ҳолда ҳадис ҳасан ёки заиф деб ҳисобланиши мумкин. Иснодлар орасида сунъий равишда тузилган сохталари ҳам учрайди.

«Матн» (*араб.* мустаҳкам; матн) – ҳадиснинг таркибий қисми. Истилоҳда санаднинг ниҳояси, яъни маънолардан ташкил топган ҳадиснинг лафзлари ёхуд санаднинг тугаган жойидан бошланган Пайғамбар (с.а.в.) ёки бошқалар (саҳоба, тобиий, муҳаддис, фақиҳ) нинг сўзи. Масалан, Муслим ривоят қилади: Абу Бакр ибн Абу Шайба Абу Усомадан, Абу Усома Ҳишомдан, Ҳишом эса Муҳаммад ибн Сириндан, Ибн Сирин Абу Ҳурайрадан, Набий (с.а.в.) дедилар: «Киши биродарининг совчиси устига совчи қўямасин...». Бунда санаднинг тугаган жойидан бошланган Набий (с.а.в.)нинг сўзлари, феъллари, тақрирлари ёки сифатларига матн дейилади.

Иснод ўзининг тузилишига кўра бир неча турга бўлинади. Масалан, ҳадис иснодидаги барча кишиларнинг номлари аниқ ва маълум бўлса, у ҳолда иснод «муттасил» (узлуксиз) деб аталади. Ҳадиснинг ҳақиқий ёки сохта экани иснодда келтирилган шахсларнинг исмларини таққослаш йўли билан текширилган. Иснод кучли деб топилса матн ҳам ишончли ҳисобланган. Шунинг учун муҳаддисларнинг асосий вазифаларидан бири ҳадисларнинг иснодини кучли ёки кучсиз эканини кўрсатиб бериш бўлган. «Иснод» сўзи «санад» билан синоним сифатида ишлатилади.

Исноди муттасил равишда ўз ниҳоясига етган, яъни санади билан ривоят қилинган ҳадисларни «Муснад» деб аталади. Бундан ташқари «муснад» сўзи «иснод» маъносида ҳам келиши мумкин. Шунингдек, ҳадисларни иснодларига кўра, яъни ровийларига кўра тартиблаб жамланган илк ҳадис тўпламлари ҳам «Муснад» деб аталган.

«Муснад» туридаги тўпламларда ҳадислар уч хил тартибда жойлаштирилиши мумкин:

1) Саҳобаларнинг исмлари алифбо тартибда жойлаштирилиб, бир саҳоба ривоят қилган барча ҳадислар бир жойда келтирилади, кейин эса бошқа саҳоба ва ҳ.к.

2) Саҳобанинг фазилатига қараб тузилади. Масалан, «Ашараи мубашшара» («жаннатийлиги башорат берилган ўнта саҳоба») номларидан бошланади.

3) Саҳобаларнинг исломга кириш тарихига кўра: аввал Абу Бакр ва бошқалар.

Муснад тўпламлари орасида Аҳмад ибн Ҳанбалнинг (ваф. 240/855 й.) «Муснад» асари машҳур.

«Мусаннаф» («Асар», «Танлаб олинган») тўпламларида «Муснад»лардан фарқли равишда ҳадислар муайян мавзуларга ажратилган ҳолда берилади. Бу услуб мавзуларга қараб тўплангани учун фойдаланиш анча қулай. Масалан, Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ»и шу турга мансуб.

Иснодлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳадисларнинг айримлари тўғри Пайғамбар (с.а.в.)дан эмас, балки саҳоба ёки тобиийдан ривоят қилинади. Расулulloҳгача етиб борган иснодлар «марфу» («кўтарилган», «етиб борган») деб аталади. Аммо саҳобада тўхтаган иснод «мавқуф» («тўхтаган, тўхтатилган») деб юритилади. Иснод қайси табақага бўлса-да узлуксиз етиб борган бўлса, у «муттасил» (узлуксиз) деб аталади.

Ҳадис ривоят қилишда табақаларнинг ўрни ҳам алоҳида аҳамиятга эга. «Табақа» (кўплиги «табақот»: *араб.* даража, босқич) деганда Пайғамбар (с.а.в.)дан ҳадис ривоят қилувчиларнинг тартиблари тушунилади. Масалан, саҳобалар – биринчи табақа, тобиийлар – иккинчи табақа, атбо‘ ат-тоби‘инлар – учинчи табақа ва ҳ.к. Мазкур мезон асосида кейинги муҳаддислар ровийларга аталган асарларини ҳам тузганлар. Бундай асарлар «табақот» жанрига мансуб ҳисобланади. Бундай тўпламларда ровийларнинг таржимаи ҳоллари табақаларига қараб тартибланган бўлади.

Иснод тўлиқ бўлиб, тўғри Пайғамбар (с.а.в.)га етиб борган бўлса, «муттасил марфу», агар саҳобага етиб борган бўлса, «муттасил мавқуф» деб аталади. Масалан, «Молик Ибн Шихобдан, у Солим ибн Абдуллоҳдан, у отасидан, у Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қилади» деган иснодда бошдан то охиригача муттасил (узлуксиз) ва Расулulloҳ (с.а.в.) га қадар кўтарилган (етиб борган), шунинг учун у «муттасил марфу» ҳисобланади. «Молик Нофе‘дан, у Ибн Умардан, у киши дейдилар» дейилгандаги иснод Ибн Умаргача узлуксиз, аммо Расулulloҳ (с.а.в.) гача етмаган ва саҳобада тўхтаб қолганлиги учун муттасил *мавқуф* дейилади.

Муттасил ҳадис ҳукми саҳиҳ, ҳасан ёки заиф бўлиши мумкин. Саҳобага муттасил равишда етган ҳадисда: «Молик Нофи‘дан, у эса Ибн Умардан эшитган «Ким бирор кишидан қарз олса, унга қарзини қайтариб бериши шартдир», деган. Ушбу ҳадис ўз ниҳоясига муттасил ҳолда етган.



3. Ҳадис ровийларига оид истилоҳлар. Ҳадис илмида ровийлар, яъни ҳадисларни ривоят қилувчи, уларни таҳлилий ва танқидий ўрганувчи, алоҳида тўпламларга жамловчи кишиларга нисбатан алоҳида истилоҳлар берилган. Шунингдек, уларнинг билим даражаси, ҳадис илмидаги мавқеи, ёдлаган ҳадислари миқдори, ровийларга оид маълумотларни билишига қараб алоҳида номлар билан аталган. Мазкур номлар ҳадис илми истилоҳида «алқоб ал-муҳаддисин» («муҳаддисларнинг лақаблари») деб юритилади.

«Лақаб» ҳадис илмида икки хил – ижобий ёки салбий маънодаги сўзларга нисбатан ишлатилиши мумкин. Масалан, «тож ал-милла» («миллатнинг тожи») ёки «а'раж» («чўлок») ва бошқаларни келтириш мумкин. Масалан, олим Саъд Фаҳмий Аҳмад Билолнинг «Сирож ал-мунир фи алқоб ал-муҳаддисин» («Муҳаддислар лақаблари бўйича ёрқин чироқ») асарида ҳадис илми билан шуғулланган кишиларни қуйидаги гуруҳларга ажратган: толиб ал-ҳадис (ҳадис талаб қилувчи), ровий (ривоят қилувчи), муҳаддис (ҳадис айтувчи), муфид (фойдали) ва ҳоказо (қаранг 1-илова). Баъзи муҳаддисларга бир эмас, бир нечта лақаблар берилган. Улар орасида муҳаддисларга лақаб сифатида берилган «ровий», «мусанниф», «муҳаддис» каби истилоҳлар кўп ишлатилади.

«Ровий» («ривоят қилувчи») – санад занжирида туриб ўзидан олдинги кишидан ҳадис эшитиб, кейингиларга айтган кишига нисбатан ишлатиладиган истилоҳ. У ривоят қилган сўз – «ривоят», «матн», «ҳадис», «осор» деб аталиши мумкин. Мазкур ривоят Пайғамбар (с.а.в.), саҳоба ёки тобиийнинг сўзи бўлиши ҳам мумкин. Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий каби оғзаки ривоятларни китобга жамлаган муҳаддислар «ровий» деб аталиш билан бирга «мусанниф» («тузувчи, тасниф қилувчи»), «муҳаддис» деб ҳам аталади. Ровий ҳадисларни исноди билан ривоят қилса, уни «муснид» («иснодли ровий») деб аталади. Муснид ҳадис илмини билмаслиги ҳам мумкин, аммо ҳадис матни ва иснодини хатосиз айтиши лозим.

«Мусанниф» («Синфловчи, классификацияловчи, тартибловчи») истилоҳи ҳадисларни мавзуларига кўра ёзма равишда тартибли жамлаб, китоб ҳолига келтирган муаллифга нисбатан ишлатилади. Бу каби тўпламларни тузишда мусанниф фойдаланувчи учун ҳадисларни топиш осон ва қулай бўлишини ҳам назарда тутлади.

«Муҳаддис» сўзининг луғавий маъноси «ҳадис айтувчи» бўлиб, истилоҳда ҳадисларнинг маъноси, ривоят қилиш услуби ҳамда иснодаги ровийлар ҳолатини тадқиқ қилиш, ҳадисларни ишончли ёки ишончсизлигига қараб саралаб тўплаш ва шарҳлаш салоҳиятига эга бўлган олимга нисбатан ишлатилади. «Муҳаддис»нинг «амир ал-муъминин фи-л-ҳадис», «ҳоким», «хужжат», «ҳофиз» даражаларига бўлинади. Муҳаддис ҳадисларни исноди билан ривоят қила олгани учун «муснид» деб ҳам аталиши мумкин.

Олимлар «муҳаддис» даражасига қўйилган талаблар бўйича турли фикрларни билдирганлар. Баъзи олимлар «биз йигирма минг ҳадис ёзмаган кишини муҳаддис деб ҳисобламаймиз», деганлар. Имом Тожуддин Субкий (ваф. 771/1369 й.) айтади: «Иснод, иллатини, ровийларининг исмини, олий ва нозилини, шу билан бирга матннинг турли кўринишларини билган ҳамда олти ишончли тўпламни, улар қаторида Аҳмад ибн Ҳанбал «Муснад»ини, Байҳақийнинг «Сунан»ини, Табаронийнинг «Мўъжам»ини эшитган... киши муҳаддис дейилади». Шундай қилиб, илк даврда муҳаддис сўзи оддийгина ҳадис илми билан шуғулланган кишига берилган бўлса, вақт ўтиши билан унга қўйилган талаблар ортиб борган.

«Муҳаддис» сифатида танилган олимлардан қуйидагиларни келтириш мумкин: Ҳошим ибн Башир ибн Абу Ҳозим Қосим Воситий (ваф. 183/799 й.), Аҳмад ибн Марвон Моликий (ваф. 293/906 й.), Аҳмад ибн Ҳожар Ҳайтамий (ваф. 973/1566 й.), Абу Ҳафс Насафий Самарқандий (ваф. 537/1142 й.) ва бошқалар.

«Амир ал-муъминин фи-л-ҳадис» («ҳадис бўйича муъминларнинг амири») атамаси муҳаддисликнинг энг юқори даражаси учун ишлатилади. У барча ҳадис илми *ривояти* ва *диroyaтини* батафсил ўрганган олим. Ҳадис илмида билмаганидан билгани кўп ҳисобланади. Уламолар бу даражага Суфён Саврий (ваф. 161/778 й.), Имом Шуъба (ваф. 170/786 й.), Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Доракутний (ваф. 385/995 й.) каби муҳаддисларни киритганлар. Охирги шу даражага эришган олим Имом Ибн Ҳажар Асқалоний (ваф. 852/1448 й.) ҳисобланади.

«Ҳоким» («хукм юритувчи») даражаси ривоят қилинган барча ҳадисларнинг исноди, матни, жарҳ ва таъдили, тарихи ва иллати, ғариби ва ихтилофи, носих ва мансуҳини камчиликларсиз дақиқ ўрганган кишига нисбатан ишлатилади. Бироқ баъзи олимлар ҳоким атамасини муҳаддисга хос эмас дейдилар.

Бу даражага эришган олимлардан «Беш ишончли тўплам» муаллифлари – Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом Термизий, Имом Насойилар ҳамда Ҳоким номи билан танилган Абдуллоҳ Найсабурий (ваф. 405/1015 й.) ва Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарий (ваф. 310/922 й.) ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

«Хужжат» («хужжат, далил») даражаси ҳокимдан кейин турадиган, ҳадис матни ва санади ҳақидаги илмларни пухта эгаллаши билан, улардан фойдаланган ҳолда зарурий масалаларни ҳал қилишда хужжат келтира оладиган кишига берилган. «Хужжатга» шундай таъриф берилган: «Уч юз минг ҳадис матни ва санадини ёддан биладиган, ровийларининг жарҳи, таъдили ва тарихини билган киши бўлиб, ҳадисларнинг умумий ва хос жиҳатларини ажратиб бера олади». Суфён ибн Уяйна (ваф. 198/814 й.), Ҳусайн Муаллим ибн Заквон (ваф. 145/762 й.), Ҳишом ибн Урва ибн Зубайр (ваф. 146/763 й.), Са'ид ибн Мансур (ваф. 227/842 й.), Абдулмалик ибн Муҳаммад (ваф. 323/935 й.) каби олимлар «хужжат» даражасига етишганлар.

Ҳусайн Муаллим ибн Заквон (ваф. 145/762 й.), Ҳишом ибн Урва ибн Зубайр (ваф. 146/763 й.), Абу Нуайм Журжоний, Абдулмалик ибн Муҳаммад (ваф. 323/935 й.) каби олимлар «хужжат» лақабига эга бўлганлар.

«Ҳофиз» («ёдловчи, ёддан билувчи, (хотирасида) сақловчи») муҳаддисликнинг юқори даражаларидан бири ҳисобланади. «Ҳофиз» даражаси талаблари бўйича ҳам уламолар турлича фикр билдирганлар. Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Афифуддин Ҳанафий Бухорий (870-941/1466-1535): «Ҳофиз деб юз минг ҳадис матни ва санадини, унинг ровийлари жарҳи, таъдили ва тарихини билган кишидир», деган. Ибн Ҳажар Аскалоний: «Ҳофиз деб муҳаддислар наздида бир неча шартга эга бўлган ровийни айтилади. Агар ровийда улар жам бўлса «хофиз» дейилади. Улар: 1) ҳадисни китоб саҳифаларидан эмас, одамлар оғзидан эшитишни талаб қиладиган; 2) ровийлар табақаси ва мартабасини биладиган; 3) жарҳ ва таъдил қилишни биладиган, саҳиҳини заифидан ажрата оладиган, матнлардан кўп нарсаларни чиқара оладиган бўлиши керак», дейди.

Абдурраҳмон ибн Маҳдий (ваф. 198/814 й.), Ибн Абу Ҳотам Розий (ваф. 327/939 й.), Ибн Асокир Али ибн Ҳасан Абулқосим (ваф. 571/1176 й.) каби олимлар «хужжат» лақаби билан танилганлар.

«Муҳаддис» ва «Ҳофиз» бир хил маънода ишлатилади, деган фикрлар ҳам мавжуд. Абдуррахмон ибн Махдий (ваф. 198/814 й.), Ибн Абу Ҳотам Розий (ваф. 327/939 й.), Ибн Асокир номи билан машҳур Абулқосим Али ибн Ҳасан Димашқий (ваф. 571/1176 й.) каби муҳаддислар «ҳофиз» лақаби билан танилганлар.

Ҳадис илмида «асҳоб ал-ҳадис» («ҳадис эгалари»), «аҳл ал-ҳадис» («ҳадис аҳли»), «аҳл ал-асар» («ҳадис аҳли») атамалари ҳам машҳур. Бу номлар ҳадис илми билан шуғулланган муҳаддисларга ишлатилган. Бу ном фикҳда «асҳоб ар-раъй» (раъй, яъни мустақил фикр эгалари) ёки «аҳл ар-раъй» (раъй аҳли)дан фарқли асосан ҳадисларга таяниб ҳукм чиқарган олимларга нисбатан берилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳадис илмига оид манбаларда ровийларга оид истилоҳлар олимларга хос бўлган хусусиятлар – фазилатлари, жисмоний камчиликлари, эришган даражаларига қараб берилган.



4. Ҳадис матнига оид истилоҳлар. Икки қисмдан иборат ҳадиснинг иккинчи матн қисми бу асосий қисм ҳисобланади. Унга оид истилоҳларнинг аввалгиси бу «ҳадис» сўзидир. Бу истилоҳга уламолар қуйидагича таъриф берадилар.

«Ҳадис» сўзи луғавий жиҳатдан «гап, сўз, хабар, ҳикоя» ҳамда «янги, замонавий» маъноларини беради. Ҳадис илми истилоҳида «ҳадис» деганда Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарга нисбат берилган сўзлар, амаллар, тақрирлар ёки сифатларни ўзида мужассам қилган хабар ва ривоятлар тушунилади. Ҳадис айтиш истилоҳда «тахдис» сўзи билан берилади. «Ҳадис» сўзи тилшунослар наздида «тахдис» сўзидан олинган бўлиб, «хабар бермоқ» маъносини ифодалаган. Ибн Ҳажар Аскалоний айтади: «Шариат урфида ҳадисдан мурод Расулуллоҳ (с.а.в.)га тегишли нарсалар (гап, иш, тақрир) бўлиб, «ҳадис» (янги) дейилиши унинг Қуръонга муқобиллигига ишорадир. Зеро, Қуръон қадимдир», дейди. Шунга биноан баъзи олимлар, «ҳадис» луғатда «янги» маъносини ҳам ифодалашини эътиборга олиб, уни «қадим» (азалий) Қуръони каримнинг муқобилида қўллаганлар. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўзлари ўз сўзларини «ҳадис» деб атаб, бу ном билан ўз сўзларини бошқаларнинг сўзларидан ажратиб берганлар. Бунга мисол қилиб Имом Муслим (204-261/819-875) ривоят қилган қуйидаги ҳадисни келтириш мумкин:

من حدث عني بحديث يرى أنه كذب فهو أحد الكاذبين

**«Кимки мендан билиб туриб ёлгон ҳадис айтса,
у ёлгончилардан биридир»**

Юқорида зикр этилган таърифлар «ал-ҳадис ан-набавий» (кўпл. «ал-аҳадис ан-набавия» – «Пайғамбар ҳадислари») деб аталувчи ҳадисларга тегишли. Ҳадиснинг «ал-ҳадис ан-набавий» туридан ташқари «ал-ҳадис ал-қудсий» (кўпл. «ал-аҳадис ал-қудсия» – «Қудсий ҳадислар») тури ҳам мавжуд.

«Қудсий ҳадис» ҳам ҳадис турларидан бири бўлиб, унга берилган таърифга кўра, «маъноси Аллоҳдан, лафзи эса Расулуллоҳ (с.а.в.) дан бўлган ҳадислар»га айтилади. Шунингдек, у «Раббоний ҳадис», «Илоҳий ҳадис» деб ҳам номланади.

«Қудсий ҳадис» ҳам ваҳийнинг бир тури ҳисобланиб, уни Аллоҳ таоло ўз Пайғамбарига илҳом бериш, тушида кўрсатиш орқали билдирган. Шунингдек, бундай ҳадисларнинг аксари Аллоҳ таоло тарафидан Пайғамбар (с.а.в.)га меърож кечасида айtilган. Пайғамбар (с.а.в.) тарафидан бундай ҳадислар «бунинг маъноси Аллоҳ номидан», «Аллоҳ таоло айтади», деб саҳобаларга етказилган.

«Қудсий ҳадис» Қуръони карим билан ҳадиси набавий ўртасидаги мақомда туради деб ҳисобланади. «Қудсий ҳадис»нинг Қуръон оятларидан бир нечта фарқли жиҳатлари мавжуд. Жумладан «Қудсий ҳадис»:

1) Қуръон оятларидан фарқли равишда намозда ўқилмайди ва унинг тиловати ибодат ҳисобланмайди;

2) Қуръон оятлари каби «нақли мутавотир» ҳисобланмайди. Унинг саҳиҳ, заиф, мавзу⁴ турлари мавжуд. Ваҳоланки, Қуръон оятлари «нақли мутавотир», яъни ёлгонга келишиб олишлари мумкин бўлмаган даражадаги кўп сонли «кетма-кет, узлуксиз» ровийлар занжири орқали ривоят қилинган хабар ҳисобланади.

3) Қуръон оятлари каби «мўъжиз» («ожиз қолдирувчи») ҳисобланмайди.

4) ўзида асосан одоб-ахлоққа, шукр ва сабрга чақирувчи хислатларни мужассам этган бўлади.

5) «Қудсий ҳадис»ни инкор қилувчи киши кофир эмас, гуноҳкор ҳисобланади.

«Қудсий ҳадис»ларга бағишланган алоҳида тўпламлар тузилган. Масалан, Муҳаммад ибн Абдурауф ибн Али Муновий (ваф. 1031/1622

й.) ўзининг «ал-Итҳофот ас-сания би-л-аҳодис ал-қудсия» («Қудсий ҳадислардан мактовга лойиқ тухфалар») номли тўпламида 272 та «Қудсий ҳадис»ни жамлаган. Муҳйиддин Ибн Арабий (560-638/1165-1240) «Мишкот ал-анвор фи мо рувия ан-иллоҳи субҳонаҳу ва таоло мина-л-ахбор» («Аллоҳ субҳонаҳу ва таолодан ривоят қилинган хабарларга оид чироқлар тоқчаси») номли тўпламни тузган.

Поклик ва ҳалолликка чақирувчи, ҳаром йўл билан мол-дунё тўплашдан қайтарувчи бир Қудсий ҳадисда Пайғамбар (с.а.в.) Аллоҳ таоло номидан шундай дейдилар: «Эй одам фарзанди, билгинки, инсонга ҳалоллик қатра-қатра келур, ҳаром эса, сел каби мўл-кўл келур. Ҳар кимнинг емиши ҳалолдан бўлса, дини пок бўлур». Яна бир ёвузлик ва ёмонликдан қайтарувчи ҳадисда шундай дейилади: «Эй одам фарзанди, ёмонлик ва ёвузликлардан ўзингни узоқ тут. Зеро, ёмонлик дўзахнинг калитидир. Бу калит ўз эгасини албатта дўзахга бошлаб боради».

«Суннат» сўзи ҳам ҳадис матни билан боғлиқ истилоҳ бўлиб, у «ҳадис» атамаси ўрнида келиши мумкин. «Суннат» сўзининг луғавий маъноси «йўл», «усул», «одат» маъноларини беради. «Ҳадис» ва «суннат» бир-бирига яқин маъноли сўзлар бўлиб, манбаларда бир-бирини алмаштириб келади. Аммо улар айнан бир маънони англатмайди. Ҳадисга амал қилиш суннатга амал қилиш демакдир. «Суннат» Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг сайрати, турмуш тарзи, диний йўлларига нисбатан ишлатилади.

Баъзи муҳаддисларнинг таъриф беришларича, «ҳадис Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг гаплари ва ишларини ўз ичига олади, суннат эса фақат ишларини ифодалайди». Яна бир гуруҳ олимлар шундай таъриф берадилар: «Суннат гап, амал ва тақрирни ўз ичига олади, ҳадис эса Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг гапларигагина хос бўлиб, қавлий суннатга тўғри келади». Бу билан улар суннатни қавлий, феълий ва тақририйга бўладилар. Шунингдек, Пайғамбарнинг (с.а.в.) халқий (тана кўринишлари), хулқий (ахлоқлари) ва таржимаи ҳолларига оид маълумотлар ҳам суннат дейилади.

«Қавлий суннат» («Оғзаки суннат») Расулуллоҳнинг турли ҳолат ва муносабатларда айтган сўзлари. «Қавлий суннат» деганда ҳадислар назарда тутилади. Масалан, «Амаллар ниятлар биландир», «Ворис учун васият йўқ», «Ўзинг ҳам зарар кўрма, бировга ҳам зарар етказма».

«Феълий суннат» («Амалий суннат») Расулуллоҳдан содир бўлган шаръий ишлар ёки саҳобалар Пайғамбарнинг бажарган амаллари

ҳақида қилган ривоятларига айтилади. Масалан, Расулуллоҳнинг намоз ўқишлари, ҳаж ибодатлари, таҳоратлари ва шу каби амалларнинг бажарилиши.

«Тақририй суннат» («Маъқулланган суннат») Пайғамбар ҳузурида ёки бошқа жойда саҳобалар томонидан қилинган бирор хатти-ҳаракат ёки гап-сўзга у зотнинг индамасликлари ёки маъқуллашлари. Бунга Имом Насоий ривоятидаги саҳоба Абу Саид Худрий ривоят қилган ҳадис мисол бўлади. Унга кўра, икки киши сафарга чиқади. Намоз вақти келганда сув йўқлигидан тоза тупрокқа таяммум қиладилар ва намоз ўқийдилар. Намоз вақти ўтмасдан сув топадилар, саҳобаларнинг бири таҳорат қилиб намозни қайта ўқийди, бошқаси ўқимайди. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг олдиларига келганларида улар бўлган воқеани баён қилиб берадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) намозни қайта ўқимаганга: «Суннатни қилибсан, бошқасига эса – сенга иккита ажр (савоб) бор» дейдилар.

Имом Бухорий томонидан нақл қилинган яна бир ривоятда Расулуллоҳ (с.а.в.) бир гуруҳ қўшинни Бани Қурайзага жўнатаётиб, аср намозини ўша ерга етиб борганда ўқишларини буюрдилар. Бироқ етиб бормасларидан аср вақти киради. Шунда саҳобаларнинг бир гуруҳи намозни вақти кирганда ўша ерга етиб бормасдан ўқиб оладилар. Қайтиб келганларидан сўнг йўлда намоз ўқиганларга танбех бермаганлар.

Абу Довуд ривоятида эса Расулуллоҳ (с.а.в.) Муоз ибн Жабални Яманга юбораётганда, «бир масалага дуч келсанг қандай ҳукм чиқарасан», деб сўрайдилар. Муоз: «Аллоҳнинг китоби билан», деди. Расулуллоҳ (с.а.в.), «агар ундан жавобни топа олмасангчи», дедилар. Муоз: «Расулуллоҳнинг суннати билан», деди. «Расулуллоҳнинг суннатида ҳам бўлмасачи», деганларида, «Бор илмимни сарфлаб раъйим билан ижтиҳод қиламан», деди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) Муознинг кўксига қўл уриб «Аллоҳ таоло расулини рози қилган нарсга Расулуллоҳнинг расулини муваффақ қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин», дейдилар.

«Халкий суннат» Расулуллоҳнинг ташқи киёфа ва кўринишлари билан боғлиқ суннат. Масалан, «Расулуллоҳ кўриниш ва яратилиш жиҳатидан кишиларнинг чиройлиси эди», «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг сочлари узун эди» каби ривоятларни келтириш мумкин.

«Хулкий суннат» Расулуллоҳнинг одоб-ахлоқлари билан боғлиқ суннат. Саҳобалар Расулуллоҳнинг сабрлари, ҳилмлари, шижоатлари, саҳийликлари каби барча ахлоқий фазилатлари ҳақида ривоятлар келтирадилар. Уларнинг барчаси «хулкий суннат»га киради. «Халкий» ва «Хулкий» суннатларни ўзида мужассам этган асар Имом Термизийнинг «аш-Шамоил ан-набавия» («Набий фазилатлари») китобидир.

«Шамоил» («сифатлар», «фазилатлар») Пайғамбарнинг халкий ва хулкий суннатлари жамланмаси ва шу услубда ривоят қилинган ҳадисларга нисбатан ишлатилади. Унда Пайғамбар (с.а.в.)нинг ташқи қиёфалари ва хулқлари ифодалаб берилади.

«Хабар» ҳадис матни билан боғлиқ истилоҳ бўлиб, Муҳаммад (с.а.в.)нинг сўзлари ва хатти-ҳаракатлари ҳақидаги ривоят бўлиб, «ҳадис», «осор» сўзларига синоним сифатида келади. Хабар берувчи номи кўпинча тарихчиларга берилади. Олимлар фикрича, ҳар бир ҳадис хабардир, аммо ҳар бир хабар ҳадис бўлавермайди. Фақат Пайғамбарга мансуб хабаргина ҳадисдир.

Шиаликда ҳадис тўпламлари «ахбор» («хабарлар») деб аталади. «Ахбор» – Муҳаммад (с.а.в.) ҳамда Али (р.а.)нинг сўзлари, амаллари, шунингдек, шиаликда муқаддас ҳисобланган ривоятлар ҳақидаги ривоятлар тўплами. Суннат – Пайғамбар ва саҳобаларнинг, ахбор эса Муҳаммад (с.а.в.) ва унинг оила аъзоларидан Али ҳамда бошқа ўн икки имомнинг йўллари ва ишлари ҳақидаги ривоятларни ўз ичига олади. Ахборлар орасида ҳам сохта ривоятлар учрайди. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Яъқуб ал-Кулинийнинг (ваф. 939 й.) «ал-Кофи фи илм ад-дин», ал-Бобуя ал-Қуммий номи билан машҳур Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Алининг (ваф. 991 й.) «Китоб ман ло йахзуруҳу ал-фақиҳ», Абу Жаъфар Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ат-Тусийнинг (ваф. 1067-68 й.) «Таҳзиб ал-аҳком» асарлари шиаликдаги машҳур «ахбор» китобларидан ҳисобланади. Улардаги мавзулар ва тартиблаш ҳам суннийлик тўпламларидагига ўхшаш.

«Осор» (бирлиги «Асар» – «Асар»; «Из»; «Белги»; «Ёдгорлик»; «Ривоят») сўзи ҳам «хабар», «суннат» ва «ҳадис»нинг синоними сифатида ишлатиладиган истилоҳ. Бироқ олимлар «осор»нинг «хабар» ва «ҳадис» сўзларидан фарқи борлиги тўғрисида қуйидагича фикр билдирганлар: «Ҳадис» сўзи Пайғамбар (с.а.в.)нинг сўз, амал ва тақрирларига, «хабар» сўзи Расулуллоҳнинг, баъзан саҳобаларнинг

ёки тобиийларнинг гапларига нисбатан ишлатилса, «осор» сўзи одатда саҳобалар ёки тобиийларга мансуб сўзларга нисбатан қўлланилади. Шунингдек, баъзида «осор» сўзи Пайғамбар (с.а.в.) ёки илк ислом жамиятининг одатларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Ҳадис ва суннатни акс эттирувчи истилоҳлар уларнинг етиб келиши, узатилиши, унинг айнан кимга тегишли эканига қараб турлича кўринишда бўлган. Манбаларда ҳадис матнига оид истилоҳлар ва уларга берилган таърифлар баъзан бир-биридан фарқ қилишига қарамай, асосан муштарак маъноларда ишлатилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳадис илмининг асосий қисмини «мусталаҳ ал-ҳадис» ташкил этади. Зеро, ҳадис истилоҳлари ҳақида атрофлича билимга эга бўлмай туриб ҳадис илмини тўғри тушуниш мушкул.

ҲАДИС:

وَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: قَيْدٌ وَتَوَكَّلْ

Расулulloҳ с.а.в. айтдилар: Уловингни боғлаб қўйиб сўнг таваккал қилгин!



Мавзу бўйича саволлар

1. Мусталаҳ илми нимани ўргатади?
2. Санад, иснод ва матн қандай маъноларга эга?
3. Муснид, муҳаддис, ҳофиз ва ҳокимнинг маънолари бирми?
4. Ҳадис қандай қисмларга бўлинади?
5. Ҳадиси қудсий нима?
6. Суннат қандай турларга бўлинади?
7. Шиалиқда асосан қандай ҳадислар олинади?
8. Осор ва ҳабар сўзларининг ҳадисдан қандай фарқи бор?



Топшириқлар

1. “Муснад” туркумидаги ҳадис тўпламларининг таркибий тузилишини айтиб беринг.
2. Муҳаддислар томонидан ҳадисларнинг ишончлилиқ даражасини аниқлашда қўлланилган ўзига услубларни санаб беринг.
3. «Мусталаҳ ал-ҳадис» илмига оид асарлар ҳақида маълумот беринг.

4. Абул Қосим Мақдисийнинг ҳадисшуносликка оид шартларини изоҳланг.

5. Мустакил иш мавзулари

6. Жамолиддин Қосимий «Қавоид ат-таҳдис» асарида ҳадис илми билан шуғилланувчилар ҳақида берган таърифи.

7. Ҳофиз лақабини олган алломалар.

8. «Улум ал-ҳадис ва мусталаҳуху» китобида ҳадисга берган таърифи.

9. Усул ал-фикҳ китобларида суннага берилган таърифлар.

10. Ҳадиси кудсий жамланган асарлар.



Адабиётлар

1. Ҳамроқулов Ж. Мусталаҳ ал-ҳадис. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004.

2. Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.

3. Маҳмуд ат-Таҳҳон. Тайсир мусталаҳ ал-ҳадис. Тошкент: Мовароуннаҳр, 1992.

4. Müstebe Uğur, Doç. Dr. Ansiklopedik hadis terimleri sözlüğü. – Ankara: Türkiye Diyanet vakfi yayınları/76, 1992.

5. Ал-Ғаззолий. Ал-Мустасфо мин илм ал-усул. – Байрут: Дор Ҳодир. 1995.

6. Ал-муъжам ал-муфаҳрис ли-алфаз ал-ҳадис ан-набавий. Ношир Венсинк. – Лейден: Брилл, 1936.

7. Муҳаммад Абу-л-Лайс ал-Хайрободий. Муъжам мусталаҳат ал-ҳадис ва улумих. Ва ашҳур ал-мусаннифин фикҳ. – Урдун: Дор ан-нафоис, 2009.

8. Субҳи Солих. Улум ал-ҳадис ва мусталаҳуху. – Байрут: Дор ал-илм ли-л-малайин, 1991.

РЕЖА:

1. Хабарнинг муҳаддисгача етиб келишига кўра бўлиниши: мутавотир ва оҳод.
2. Ривоятнинг кимдан эканига кўра турлари.
3. Исноднинг нозик жиҳатлари.

 **Таянч иборалар:** *Мутавотир, Азиз, Ғариб, Маишхур, Марфу‘, Мавқуф, Мақту‘, Олий*



1. Хабарнинг муҳаддисгача етиб келишига кўра бўлиниши: мутавотир ва оҳод. Муҳаддислар хабарнинг Расулуллоҳдан мусаннифга етиб келиш йўллари қараб бир неча қисмга бўлганлар. Улар орасида ишончлилик даражаси энг юқори ҳисобланувчилари «мутавотир» деб аталиб, ҳадис илмида унга кенг таъриф берилган.

«Мутавотир» (араб. المتواتر - кетма-кет, узлуксиз) сўзининг луғавий маъноси «кетма-кет, узлуксиз» бўлиб, истилоҳда эса ёлғонга келишиб олишлари мумкин бўлмаган даражадаги кўп сонли ростгўй кишиларнинг бир-бирларига узатиши орқали етиб келган ривоятдир. Бундай ҳадис муҳаддислар томонидан шак-шубҳасиз ишончли деб қабул қилинади.

Ҳадис мутавотир бўлиши учун ривоятни Пайғамбардан муҳаддисга етказувчи «ровийлар занжири» нечта бўлиши кераклиги хусусида турли фикрлар мавжуд. Жумладан, Қуръондаги **«Иффатли аёлларни (зинокор деб) ҳақоратлаган, сўнгра (бу даъволарига) тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсалар...»** (Нур, 4) деб бошланувчи, зинокорнинг айбини тасдиқ этиш учун унга тўртта гувоҳ лозимлиги ҳақидаги оятдан келиб чиқиб, баъзи олимлар «тўрт ровий нақл қилган ҳадис мутавотирдир», дейдилар. Бошқалар эса «Бешинчиси (яъни гувоҳлиги): **Агар ёлғончилардан бўлсам...**» (Нур, 9) оятини далил қилиб келтириб, ушбу ададни бешта деб ҳисоблайдилар.

Мутавотир ҳадисга қўйилган талабни кучайтира бориб, ровийлар занжири ададини ўнта дегувчиларнинг сўзига қараганда, ўндан пасти бирликлардир, яъни табиий сонлар, кўплик эса ўн ва ундан юқори сонлардир.

Баъзилар «Биз улардан ўн иккита йўлбошчини (танлаб) юбордик» (Моида, 12) оятини далил қилиб, мутавотир ҳадиснинг ровийлари энг камида ўн иккита бўлиши керак, деганлар. Яна бир гуруҳ олимлар бу

ададнинг йигирмата бўлиши лозимлигини шарт қиладилар. Улар бунга «Сизлардан йигирмата сабрлиларингиз икки юз кишини мағлуб қилади» (Анфол, 65) оятини хужжат қиладилар. Умуман, бир қанча муҳаддислар мутавотир ҳадис ровийларининг ададини белгилашга ҳаракат қилиб, 40, 70, 313 эркак ва 2 аёл (Бадр жанги аҳллари сонларича) дейдилар. Гарчи уларнинг барча далиллари Қуръони каримдан олинган бўлсада, бироқ бу нарсага, яъни мутавотир ровийлар сонига очиқ далил бўла олмайди, чунки юқоридаги оятларнинг ҳар бири ўзига хос масалада нозил бўлган.

Аммо кўпчилик олимларнинг фикрича мутавотир ҳадис ровийларининг сони ўндан кам бўлмаслиги керак, дейдилар. Баъзи олимлар наздида мутавотир ҳадис ровийларининг адади муайян бир сон билан белгиланмаган.

Мутавотир ҳадислар ўз навбатида икки турга бўлинади: лафзий ва маънавий.

«Лафзий мутавотир» – юқорида зикр этилган жамоа иснодининг аввалида ҳам, ўртасида ҳам, охирида ҳам бир лафзда ва бир суратда ривоят қилинган ҳадис. Лафзий мутавотир даражасидаги ҳадисларга мисол тариқасида «ойнинг ёрилиши» воқеаси, «Ким менинг номимдан қасддан ёлғон тўқиса, ўзига дўзахдан жой тайёрлаб қўйсин», – деган ҳадислар, шафоат, устуннинг инграгани воқеаси, махсига масх тортиш, исро ва меърож, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг бармоқлари орасидан сув отилиб чиққани, саҳоба Қатоданинг кўзи қайта кўриши, озгина овқатдан кўп аскарларнинг баҳраманд бўлиши ҳақидаги ҳадисларни келтирадилар.

«Маънавий мутавотир» – фақат маъноси мутавотир бўлган ҳадис. Бундай ҳадислар кўп. Масалан, дуода икки қўлни кўтариш тўғрисидаги ҳадис бўйича Расулуллоҳдан юзга яқин ҳадис ривоят қилинган бўлиб, уларга кўра ҳар бир дуони қўлни кўтариб қилганлар. Ҳадисларнинг барчаси муайян мавзуларда бўлишига қарамай, улардаги муштарак жиҳат – дуода қўлнинг кўтарилиши бўлиб, мана шу эътибордан мутавотир бўлади. Ҳадис олимлари маънавий мутавотирнинг бошда «оход» ҳадис бўлиши зарарсиз деб ҳисоблайдилар, бундай ҳадис биринчи табақадан сўнг машҳур бўлиб кетади ва кенг тарқалади. «Барча амалларга ниятга қараб ажр берилади», ҳадисини маънавий мутавотир ҳадислар сирасига киритилади.

Муҳаддислар лафзий ва маънавий мутавотир хабарнинг ишончли эканига бир овоздан иттифоқ қилганлар. Мутавотирнинг шартлари қуйидагилардан иборат:

- 1) Ровийларнинг кўп сонли бўлиши.
- 2) Бу кўплик санаднинг барча табақаларида бўлиши.
- 3) Ривоятлар ровийдан тингловчига «эшитиш», «кўриш» каби аниқ маълумот узатиш усули орқали етказилган бўлиши.

Мутавотир ҳадисларнинг барчаси мақбул ҳисобланади ва ровийларининг ҳолати борасида баҳс қилинмайди. Улар уламолар томонидан мақбул ҳадислар сифатида қабул қилиниб, вожиб амал сифатида тўлалигича бажарилган. Аҳли сунна ақидасига кўра, мутавотир ҳадисни инкор этиш имон шартларига зид ҳисобланади. Мутавотир бўйича муҳаддис Жалолиддин Суютий «ал-Азҳор ал-мутаносира фи-л-ахбор ал-мутавотира» («Мутавотир хабарлар бўйича сочилган гуллар») асарини ёзган.

«Оҳод» (ёлғиз, ягона) – исноднинг муҳаддисга етиб бориши бўйича мутавотирдан кейинги ўринда турувчи тури. Оҳод ҳадиснинг ровийлари сони мутавотир даражасига етмаган озчиликни ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу каби ҳадисларни пухта текширувдан ўтказиш талаб этилади. Уламолар Оҳод ҳадис билан собит бўлган ҳукмни вожиб амаллар қаторига киритадилар. Оҳод ҳадис иснодига кўра учга бўлинади: машхур, азиз, ғариб. Амал қилиниши бўйича эса улар *мақбул* ва *мардуд*га бўлинади.

«Машхур» (машхур, ҳаммага маълум) – истилоҳда иснодидаги ровийлар занжири уч ва ундан ортиқ бўлган ва мутавотир даражасига етмаган ҳадислар. Машхур ҳадислар ҳар доим ҳам саҳиҳ шартларига жавоб бермайди. Машхур ҳадис саҳиҳ, ҳасан, заиф, ҳатто мавзӯ (тўқима) бўлиши ҳам мумкин. Ҳанафий мазҳаби олимлари машхурни оҳод турига киритмайдилар. Машхур саҳиҳ ҳадисга мисол тариқасида Имом Бухорий ривоят қилган «Сизлардан бир киши жума намозига келса, ғусл қилиб олсин», деган ҳадисни келтириш мумкин. Машхур ҳасан ҳадисга Имом Ибн Можа ривоят қилган «Исломда ўзига ҳам, бировга ҳам зарар етказиш йўқ», деган ҳадисни, машхур заиф ҳадисга Имом Ибн Адий ривоят қилган «Хитойда бўлса ҳам илм ўрганинглар» деган ҳадисни келтириш мумкин.

Машхур ҳадиснинг «истилоҳий шартлари»га жавоб бермайдиган, яъни уч ёки ундан ортиқ ровийлар занжирига эга бўлмаган, аммо турли соҳа вакиллари орасида кенг тарқалган «ноистилоҳий машхур ҳадислар» ҳам мавжуд. Бунда ҳадиснинг фақат бир ёки икки исноди бўлиши ёки умуман исноди бўлмаслиги мумкин. Бу каби ривоятлар

одамлар орасида кенг тарқалгани сабаблигина «машҳур ҳадислар» деб аталади. Бу каби ҳадислар ҳам саҳиҳ ёки заиф бўлиши мумкин. Ноистилоҳий машҳур ҳадислар бир неча турга бўлинади:

1) Асосан ҳадис аҳллари орасида машҳур бўлган ҳадислар. Масалан, Анас ибн Моликнинг «Расулulloҳ (с.а.в.) бир ой давомида рукудан кейин Риъл ва Заквон қабилаларини дуоибад қилдилар» ҳадиси.

2) Аҳли ҳадис, уламолар ва омма орасида машҳур бўлган ҳадислар. Масалан, «Мусулмон бошқа мусулмонларга тили ва кўли билан озор бермайдиган кишидир» ҳадиси.

3) Фақиҳлар орасида машҳур бўлган ҳадислар. Масалан, «Ҳалол нарсаларнинг ичида Аллоҳ таоло ёмон кўргани талокдир».

4) Усул уламолари орасида машҳур бўлган ҳадислар. Масалан, «Умматимнинг хато қилиб, унутиб ва мажбурланиб қилган гуноҳлари зиммаларидан соқит қилинади».

5) Наҳв олимлари орасида машҳур бўлган ҳадислар. Масалан, «Сухайб қандай яхши банда, агар Аллоҳдан кўрқмаганда унга осий бўлмаган бўлур эди». Ушбу ҳадис муҳаддислар орасида асли йўқ ҳисобланади.

6) Оммага машҳур ҳадис. Масалан, «Шошилиш шайтондандир» каби.

«Азиз» (кучли, ғолиб, нодир ва камёб) – кам учрагани, озлиги ёки бошқа ровийлар йўли билан қувватланиб келувчи ҳадис. Истилоҳда – иснод табақаларининг барчасида ровийлар сони иккитадан кам бўлмаган ҳадисга азиз дейилади. Шу билан бирга иснод табақаларининг бирортасида ровийлар сони уч ёки ундан ортиқ бўлиши мумкин. Аммо биргина табақада бўлса ҳам ровийлар сони икки кишига тушиб қолса ҳадис азиз ҳисобланади. Чунки иснод табақаларидаги энг кам ровий эътиборга олинади. Масалан, «Сизлардан бирортангиз токи мени ота-онасидан ва бола-чақасидан ва барча инсонлардан кўра яхши кўрмагунича комил мўмин бўла олмайди», деган ҳадис иснодига кўра азиз ҳисобланади. Муҳаддислар азиз ҳадисларга бағишлаб алоҳида китоб ёзмаганлар.

«Ғариб» (битта, ёлғиз) ҳам оҳод ҳадиснинг яна бир тури бўлиб, истилоҳда – биргина ишончли одамдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисга айтилади. Ҳадисда ғариблик матнда ҳам, иснодда ҳам бўлиши мумкин. Ғариб иснодда ровийнинг ёлғиз бўлишига қараб икки қисмга бўлинади: мутлақ ғариб ва нисбий ғариб:

1) «Мутлақ ғариб» ёки «мутлақ фард» (*араб.* фард – ягона) – ғариблик ҳадис иснодининг «асли»да бўлган тури. Яъни, бунда исноднинг аслида ҳадисни биргина шахс ривоят қилади. «Исноднинг асли» деб саҳоба турган томон, яъни исноднинг охирига айтилади. Саҳоба эса иснод занжирининг ҳалқаларидан биридир. Агар ҳадисни якка бир саҳоба ёлғиз ўзи ривоят қилса, ушбу ҳадис мутлақ ғариб бўлади. Масалан, «Албатта амаллар ниятга боғлиқдир...». мутлақ ғарибга мисол бўлади. Бу ҳадис ёлғиз саҳоба Умар ибн Хаттоб томонидан ривоят қилинган. Кейинчалик, яъни саҳобадан кейинги табақаларда бу ҳадиснинг исноди мутавотир даражасига етган. Бироқ аввалда бир киши томонидан ривоят қилингани учун бу ҳадис «мутлақ ғариб» деб юритилади.

2) «Нисбий ғариб» ёки «нисбий фард» – ғариблик исноднинг аввалида бўлмай, кейинчалик ғарибга айланган тури. Бунда ҳадис иснодининг аслида, яъни саҳоба табақасида бир неча ровийлар турган бўлиб, улардан кейинги бирор табақада ягона ровий шу ҳадисни ривоят қилган бўлади. Масалан, «Пайғамбар (с.а.в.) Маккага кириб келган вақтда бошларида дубулғалари бор эди», деган ҳадис кўп саҳобалар томонидан ривоят қилинган, чунки бу ҳадис кўпчиликнинг кўз ўнгидан юз берган. Кейинги табақаларда тоби‘ий Ибн Шихоб Зухрий (50-124/670-742) ва ҳадисни ундан ривоят қилган таба‘а тоби‘ий Молик ибн Анас (93-179/712-795) ўз табақаларида ёлғиз бўлганликлари учун бу ҳадис «нисбий ғариб» деб номланган.

Муҳаддислар томонидан «мутлақ ғариб» ҳисобланмаган, «нисбий ғариб» туркумига киритиладиган, аммо бошқа ғариб ҳадислардан фарқли бўлганлари ҳам бор. Уларни ҳадис илмига оид китобларда қуйидагича гуруҳларга бўлиб кўрсатилади:

1) Ишончли бир ровий ривоят қилган ҳадис. Бунда ҳадисни бир нечта ровийлар ривоят қилган бўлиб, улар орасида ишончлиси битта бўлади. Уни «фалончидан бошқа ишончли одам ривоят қилмаган», дейилади.

2) Бир ровий фақат иккинчи бир ровийдан ёлғиз ўзи ривоят қилиши. Масалан, Саид ибн Мусаййабдан Ҳасан Басрий ривоят қилган ҳадис. Тоби‘ийлардан бўлган Саид ибн Мусаййабнинг бошқа кўплаб шогирдлари ҳам бўлган, аммо ундан Ҳасан Басрий ривоят қилган ҳадисни бошқа ҳеч қайси шогирд ривоят қилмаган.

3) Бир мазҳаб аҳллари ёки бирор олим шогирдларининг ривоят қилиши. Масалан, ҳанафий мазҳаби олимларидан бўлган тоби‘ий

Иброҳим Наха‘ийдан Ҳаммод ривоят қилади, ундан Абу Ҳанифа, ундан Абу Юсуф ривоят келтирадилар.

4) Бирор минтақа ёки шаҳар аҳллари ўзаро ривоят қилган ҳадислар. Масалан, фақатгина Шом аҳли орасида ривоят қилинган, аммо бошқа ерларда бу ҳадис учрамайди.

5) Бирор шаҳар ёки минтақа аҳолисигина бошқа шаҳар ёки минтақа аҳолисидан ривоят қилган ҳадислар. Масалан, Ҳижоз аҳлидан Шом аҳлининг ривояти.

Шунингдек, ғариб ҳадислар инсодаги ва матндаги ғариблик эътибори билан ҳам бир нечага бўлинади:

1) Матн ва исноди жиҳатдан ғариб. Бу бир матннинг биргина киши томонидан ривоят қилиниши. Бунда ривоят қилинган матн бошқа жойда учрамайди.

2) Фақат иснод жиҳатидан ғариб. Бу бир гуруҳнинг саҳобалар жамоасидан ривоят қилган ҳадисни бошқа киши бошқа саҳобадан фақат бир ўзи ривоят қилиши. Имом Дорақутний (ваф. 385/995 й.) ўзининг «Ғароиб» асарида шу турга оид ҳадисларни жамлаган.

Юқорида зикр этилган оҳод ҳадис турларининг ишончлиликлари даражаси унинг «оҳод», яъни «ягона» эканига қараб заиф ҳисобланмайди. Балки улардан ҳар бирининг ўз талабига қараб улар устидан ҳукм чиқарилади.

Ислом тарихида ўтган «ал-Қадария», «ал-Рофиза» каби бидъатчи фирқалар оҳод ҳадисларга амал қилиш мумкин эмас деб ҳисоблаганлар. Аммо муҳаддис уламолар уларнинг бу фикрларини инкор этганлар. Чунки, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг мактубларини олиб боровчи элчилар ҳам ёлғиз хабарчи бўлганлар, аммо шунга қарамай, уларнинг етказган хабарларига амал қилинган. Шунингдек, «ал-хулафо ар-рошидун» ва бошқа саҳобалар ҳам, ўзларига бир киши орқали етказилган суннат, ҳукм, фатволарни қабул қилганлар ва итоат этганлар. Хабарнинг ростлигига ҳужжат келтиришни элчидан талаб қилмаганлар.

Аҳли сунна уламолари оҳод ҳадисларни қабул қилиб, унга амал қилганлар. Зеро, саҳобалар ва тоби‘ийлар бир-бирларидан диний масалаларни сўрайдилар. Жавоб олгач, «мен аввал бу ҳақда бошқа бировдан ҳам сўрайман, рост бўлса амал қиламан», демасдан, қабул қилардилар. Улар бир-бирларидан эшитган сўзга шубҳа билдирмас ёки уни инкор қилмасдилар. Бу эса ҳадисларни қабул қилишда уларнинг оҳод экани тўсиқ эмаслигини кўрсатади.

Ҳадислар ичида оҳод бўлганлари кўплаб учрайди ва уларни ҳадис уламолари рад этмаганлар. Ҳадис ривоят қилиш қоидаида «Битта саҳоба томонидан ривоят қилинган, иккинчисининг ривояти билан тасдиқланмаган ҳадис қабул қилинмайди», деган қоида йўқ. Бундай асоссиз фикр фақат бидъатчи фирқалар томонидангина айтилган. Биргина Имом Ибн Шихоб Зухрийнинг ўзи олтмишта ҳадисни ривоят қилган, ҳадис имомлари эса уни рад қилмасдан тўлалигича қабул қилганлар».



2. Ривоятнинг кимдан эканига кўра турлари. Иснодлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳадисларнинг айримлари тўғри Пайғамбар (с.а.в.)дан эмас, балки саҳоба ёки тобиийдан ривоят қилинади. Расулуллоҳгача етиб борган иснодлар «марфу'» (кўтарилган, юқори қўйилган) деб аталади. Аммо саҳобада тўхтаган иснод «мавкуф» (тўхтаган, тўхтатилган) деб юритилади. Баъзан иснод тоби'ий айтган сўзга бориб тақалади. Бу ҳолда ҳадис «мақту'» (кесилган) деб аталади.

«Марфу'» (кўтарилган, юқори қўйилган) ҳадис илми истилоҳида, Расулуллоҳга нисбат берилган иш, гап, тақрир ёки сифатларга айтилади. Унинг санади «муттасил» (узлуксиз) ёки «мунқати'» (узилган) бўлиши ҳам мумкин. Ҳадисни, одатда, саҳоба «Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитдим», деб ривоят қилади.

Баъзи ҳолларда ҳадис тўпламларида тоби'ий ёки таба'а тоби'ийлар ҳам «Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитдим» деб ҳадис ривоят қилиш ҳолатлари учрайди. Расулуллоҳ даврида яшамаган одамнинг у кишидан ҳадис ривоят қилиши ҳақиқатдан узоқ бўлса-да, аммо ҳадис исноди шаклан Пайғамбарга бориб тақалгани учун уни «марфу'» деб аталади. Аслида бу каби ҳадис иснодларида қандайдир сабабга кўра саҳоба ёки тоби'ий номи тушиб қолган бўлиб, таба'а тоби'ий ва тоби'ий ўша номи тушиб қолган киши орқали ҳадисни ривоят қилган бўлади. Иснодда саҳоба номи тушиб қолган, аммо Расулуллоҳ номидан ривоят қилинган ҳадис «мунқати' марфу'», яъни «узилишли кўтарилган» ҳадис деб аталади.

Марфу' ҳадислар қуйидаги турларга бўлинади:

1) «Қавлий марфу'» – Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг сўзлари. Бунда бирор саҳоба ёки тоби'ий «Расулуллоҳ (с.а.в.) бундай деганларини эшитдим...» дейди. Масалан, Пайғамбар (с.а.в.): «Агар умматимга машаққат бўлмаганида эди, ҳар бир намоз пайтида мисвок тутишга буюрар эдим», деганлар. Бу ривоятни саҳоба Расулуллоҳга етказиб,

у кишидан эшитганини ривоят қилган. Ҳадис Расулulloҳгача кўтарилгани учун «қавлий марфу» дейилади.

2) «Феълий марфу» – Расулulloҳнинг ишларидан иборат марфу. Бунда саҳоба ёки бошқа бир киши «Расулulloҳ (с.а.в.) шундай қилган эдилар...» дейди. Масалан, «Пайғамбар (с.а.в.) ҳадяни қабул қилар ва унга яраша қилиб қайтарар эдилар» деган ҳадисда Расулulloҳнинг феъллари келтирилмокда ва бунда ҳам ривоят биринчи бажарувчисигача кўтарилмокда.

3) «Тақририй марфу» – Расулulloҳ тақрири, яъни маъқуллашидан иборат марфу. Агар бир саҳоба «Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларида шундай бир иш қилинди...» деб ушбу ишнинг Расулulloҳ (с.а.в.) томонидан маъқулланганини ривоят қилса, бу «тақририй марфу» бўлади. Масалан, «...Пайғамбаримиз (с.а.в.) дастурхонларида зобб (эчкемарга ўхшаш судралиб юрувчи) истеъмол қилинди» ҳадисини келтириш мумкин.

4) «Васфий марфу» – Расулulloҳ (с.а.в.)нинг сифатларидан иборат марфу. Бирор бир саҳобанинг ёки ундан кейингиларидан бирортасининг «Расулulloҳ (с.а.в.) ундай зот эдилар, бундай хулқ соҳиби эдилар...» дейиши васфий марфуга мисол бўлади. Марфуга амал қилиш ривоятнинг ишончлилигига боғлиқ.

«Мавқуф» (тўхталган) ҳадисда – ривоят қилинаётган хабар саҳобага етганда тўхтаб қолиб, иснод занжири охирига, яъни Расулulloҳга етиб бормаган бўлади. «Мавқуф» саҳобага нисбат берилган гап, иш ёки тақрирдир. Яъни, мавқуф бир саҳобага ёки бир гуруҳ саҳобаларга берилган бўлади. Нисбат берилаётган нарсга гап, иш ёки тақрир бўлсин, ушбу иснод саҳобага қадар узлуксиз ёки узилган ҳолда етиб келган бўлиши мумкин. Агар ривоятнинг исноди саҳобага узлуксиз етиб келган бўлса, у «муттасил мавқуф» (узлуксиз тўхтаган) деб аталади. Агар узилишлар билан етиб келган бўлса, у ҳолда бу ривоят «мунқати мавқуф» (узилишли тўхтаган) деб аталади.

Мавқуф ҳадислар ҳам қавлий, феълий ва тақририй бўлади. Али ибн Аби Толибнинг: «Инсонларга билган нарсаларини гапиринглар. Аллоҳ ва Унинг Расулини ёлғончига чиқаришларини хоҳлайсизларми?» деган сўзлари қавлий мавқуфга мисол бўлади. Феълий мавқуфга мисол: «Ибн Аббос таяммум қилган ҳолда имомликка ўтдилар», деган ҳадис. Тақририй мавқуфга баъзи тобиийларнинг: «Мен бир саҳобанинг

олдида шу ишни қилдим, инкор қилмадилар», деган сўзлари мисол бўлади.

Мавқуф ҳадис Расулуллоҳдан эмас, балки қандайдир иш, гап ёки тақрир саҳобадан содир бўлади. Аммо саҳобалар Расулуллоҳдан кўрган, билган нарсаларига таяниб гапирганлари ё амал қилганлари сабабли улар ҳам ҳадислар қаторига киритилган. Мавқуф ҳадислар ҳам муттасил, мунқати‘, муаллақ, му‘дал бўлиши мумкин. Мавқуф ҳадислар баъзан марфу‘га тенглаштирилади ва улар олимлар томонидан «хукман марфу‘» деб номланган.

Мавқуф ҳадислар бир неча қўринишга эга:

1) Саҳобалар томонидан борлиқнинг яратилиши каби узоқ ўтмишда бўлган ишлар ҳақида хабар бериб айтилган гаплар.

2) Саҳобалар томонидан охирзамон, қиёмат куни, турли фитналар каби келажақда бўладиган ишлардан хабар бериб айтилган гаплар.

3) Бир амалга махсус ажр ёки махсус азоб бўлиши тўғрисидаги гаплар. Шунга ўхшаш хабарлар саҳобалардан ривоят қилинган бўлса, «хукман марфу‘» ҳисобланади.

Мавқуф ҳадисларга амал қилиш борасида қуйидаги фикрлар мавжуд: Аслида «мавқуф» ҳужжат бўла олмайди, чунки у фақат саҳобаларнинг ишлари ёки гаплари халос. Агар саҳобаларнинг амаллари суннатга тўлиқ мувофиқ келгани эътиборга олинса, хукман марфуъ бўлмаса ҳам баъзи заиф ҳадислардан кучли бўлади. Хукман марфу‘ бўлса, марфу‘нинг ўзидек ҳужжат бўла олади. Ибн Абу Шайба (ваф. 235/850 й.) ва Абдураззоқларнинг (ваф. 211/826 й.) «Мусаннаф» асарлари мавқуф ва макту‘ ривоятларни ўз ичига олган.

«Макту‘» (узилган) – тоби‘ий ёки ундан кейинги табақадан бўлган кишига нисбат берилган гап ёки иш. Макту‘ни мунқати‘ билан адаштирмаслик лозим, чунки макту‘ матнга, мунқати‘ эса иснодга хос сифат. Ҳадис макту‘ бўлса ҳам исноди тоби‘ийга қадар узлуксиз бўлиши мумкин. Масалан, Имом Бухорий ривоят қилган матнда Ҳасан Басрий: «Сен унинг ортида намоз ўқийвер, бидъати ўзига қайтади», деган. Бу қавлий макту‘га тўғри келади. Феълий макту‘га «Ҳиллат ал-авлийё» китобидаги Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Мунташир ривоятида: «Одатда Масруқ ўзи ва оиласи орасида парда тортиб, уларни ва дунё ишларини қолдириб намоз ўқишга киришар эди», дейилган ривоятни мисол қилиб келтириш мумкин.

Бу борада, яъни марфу‘, мавкуф ва макту‘ ҳақида Имом Абу Ҳанифа шундай деганлар: «Расулуллоҳ (с.а.в.)дан келган ҳар нарса бош устига, саҳобалардан келганини эса орасидан яхшироғини танлаб оламиз, аммо тоби‘ийлардан келган бўлса, биз ҳам улардек кишилармиз». Бу билан мактунинг шариат ҳукмларида ҳужжат бўла олмаслигини маълум қилди. Аммо тоби‘ий зикр қила туриб, «юқорига оширган» ёки шунга ўхшаш маънода тоби‘ийдан юқори табақаларга мансубликка далолат қилувчи сўзлар айтган бўлса, бу ҳадис «мурсал марфу‘» бўлади. Макту‘ бўйича Ибн Аби Шайба (ваф. 235/850 й.) ва Абдураззоқларнинг (ваф. 211/826 й.) «Мусаннаф» номли асарларини келтириш мумкин.



3. Исноднинг нозик жиҳатлари. Ҳадис илми тарихида баъзан катталар кичиклардан ёки оталар ўз фарзандларидан ҳадис ривоят қилиш ҳолатлари кузатилади. Бу каби ҳолатлар кам учрасада, улар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ҳадис истилоҳида ўз атамаларига эга.

1) «Мудаббаж ва акрон»:

– «Мудаббаж» (безатилган) – табақада бир-бирига яқин бўлган ровийларнинг бир-биридан қилган ривояти. Бунда ривоят икки тарафлама бўлиши шарт. Саҳобалар орасидаги мудаббажга мисол: Абу Ҳурайранинг Оишадан, Оишанинг Абу Ҳурайрадан ривоят қилиши. Тоби‘ийлар орасидаги мудаббажга мисол: Зухрийнинг Умар ибн Абдулазиздан, Умар ибн Абдулазизнинг Зухрийдан ривоят қилиши. Таба‘а тоби‘ийлар орасидаги мудаббажга мисол: Моликнинг Авзойидан, Авзойининг Моликдан ривоят қилиши. Бу мавзу бўйича Имом Доракутнийнинг (ваф. 385/995 й.) «ал-Мудаббаж» номли асарини ёзган.

– «Акрон» (тенгдош) – ёши ва санади жиҳатидан тенгдош ровийлардан қилган ривоятлари. Агар ривоят қилиш фақат бир тарафлама бўлсагина, бу ҳолат «акрон» дейилади. Аксинча юқорида таъкидланганидек, «мудаббаж» ҳисобланади. Акронга мисол: Сулаймон Тамимийнинг Мисъар ибн Кудомдан ривоят қилиши. Чунки улар бири-бирига тенгдош ҳисобланади, лекин Мисъар ибн Кудом эса Сулаймон Тамимийдан ривоят қилмаган.

2) «Ривоят ал-ақобир ан асоғир» (катталарнинг кичиклардан ривоят қилиши) – ровийнинг ёшда, табақада, илмда ва ҳифзда ўзидан қуйида турган кишидан ривоят қилиши. Масалан, саҳобалар тоби‘ийлардан

ҳадис ривоят қилганлар. Шунингдек, олимроқ киши илмда ва хотирада ўзидан сустроқ ровийдан ҳам ҳадис ривоят қилган.

Катталарнинг кичиклардан ривоят қилиши уч қисмга бўлинади:

– хабарни қабул қилувчи киши ёш, табақа, илм ва ҳифзда хабарни берувчидан катта бўлади;

– хабарни қабул қилувчи киши ёшда эмас, балки даража жиҳатидан хабарни берувчидан юқори бўлади, бунда ҳофизлик даражасидаги олим ҳофиз бўлмаган ёши улуғ кишидан хабарни қабул қилиб олади; масалан, Имом Молик ибн Анас таба‘а тоби‘ий Абдуллоҳ ибн Динордан ривоят келтирган;

– хабарни қабул қилувчи киши ёшда ҳам, даражада ҳам хабарни берувчидан юқори бўлади; масалан, Барқоний ўзининг шогирди Хатибдан ривоят қилган. Барқоний Хатибнинг устози бўлиб ёши ҳам катта, даражаси ҳам юқори ва ундан кўп нарсани билган. Бу йўналишда Ҳофиз Исҳоқ ибн Иброҳим Варроқ (ваф. 403/1013 й.) «Мо равоҳу ал-кибор ‘ан ас-сиғор ва-л-обо ‘ан абно’» («Катталарнинг кичиклардан ва оталарнинг ўғиллардан ривоят қилганлари») асарини ёзган.

3) «Собик ва лоҳик» (ўтган ва кейинги) – анча аввал ўтган ровийдан кейинги ровийнинг ривоят қилиши. Яъни бунда икки кетма-кет келган ровийларнинг вафот этган йиллари ораси жуда узоқ бўлади. Масалан, Ибн Шихоб Зухрийдан Аҳмад ибн Исмоил Саҳмий ривоят қилган. Лекин уларнинг вафот этган саналари орасидаги фарқ 135 йил. Зухрий 124/742 йил вафот этган бўлса, Саҳмий 259/873 йил вафот этган. Бундан шогирднинг умри узун бўлгани билинади ҳамда олий иснодга эришилган бўлади. Хатиб Бағдодий (ваф. 463/1071 й.)нинг «ас-Собик ва-л-лоҳик» («Ўтган ва кейинги») асари ушбу йўналишда ёзилган асар ҳисобланади.

4) «Ривоят ал-обо ан ал-абно» («Оталарнинг ўғилларидан ривоят қилишлари» – ҳадис иснодларида учрайдиган оталарнинг ўз фарзандларидан ривоят қилиш ҳолатлари. Масалан, Аббос ибн Мутталиб ўз ўғли Фазл ибн Аббосдан Муздалифада Расулуллоҳнинг икки намозни қўшиб ўқиганликлари ҳақидаги ҳадисни ривоят қилган. Бу йўналишда Хатиб Бағдодий (ваф. 463/1071 й.) «Ривоят ал-обо ан ал-абно» асарини ёзган.

5) «Олий ва нозил»:

– «Олий» (юқори) – ровийлар сони кам бўлган иснод.

– «Нозил» (куйи) – ровийлар сони кўп бўлган иснод.

Масалан, ровийларининг сони учта бўлган иснод бошқа, яъни ровийларининг сони тўртта бўлган иснодга нисбатан «олий» ҳисобланади. Аксинча, ровийларининг сони тўртта бўлган иснод бошқа, яъни ровийларининг сони учта бўлган иснодга нисбатан «нозил» ҳисобланади. Олий иснод нозил исноддан афзалдир. Нозил исноднинг ровийлари олийникидан ишончли бўлган ҳолатда эса, нозилнинг даражаси юқори бўлиши ҳам мумкин. Имом Доримийнинг «Сунан» асарида олий иснодли ҳадислар кўп учрайди. Шунингдек, муҳаддислар ўзларидан аввал ўтган муаллифларнинг асарларидаги иснодида ровийси кам олий иснодларни алоҳида китобларга жамлаганлар.

б) «Мусалсал» (силсила қилинган, кетма-кет тизилган) – исноддаги кишиларнинг барчаси ривоятни бир сифатда ёки бир ҳолатда амалга оширишига айтилади. Яъни, Пайғамбар (с.а.в.) саҳобага ҳадисларни қандай ҳолатда ўргатган бўлсалар, саҳобаларнинг тоби‘ийларга ҳам сўзма-сўз ва ҳолатма-ҳолатда ўргатиши ва ҳоказо.

Унинг қуйидагича турлари мавжуд:

– ровийларнинг сўз орқали хабарни етказиши. Бунда санаднинг бошидан охири ровийсига қадар хабарни сўзлаш, буюриш орқали етказилади. Масалан, Пайғамбар (с.а.в.) Муоз ибн Жабалга: «Эй, Муоз мен сени яхши кўраман, сен ҳар намознинг кетидан шундай дегин: Эй бор Илоҳо, Сени зикр қилишимда, Сенга шукр келтиришимда ва Сенга чиройли ибодат қилишимда менга ёрдам бер», деганлар. Муоз эса ўзидан кейингиларга ушбу ҳадисни «мен сени яхши кўраман, сен ҳар намознинг кетидан шундай дегин...», деган лафз билан ўргатган;

– ровийларнинг феъл орқали хабарни етказиши. Бунда санаднинг бошидан охири ровийсига қадар хабарни бир хил ҳолатда, бир хил амал билан амал билан етказилади. Масалан, Абу Ҳурайра (р.а.) Расулulloҳдан қилган ривоятида айтади: «Расулulloҳ (с.а.в.) менинг қўлимни ушладилар ва дедилар: «Аллоҳ ерни шанба кунини яратди». Абу Ҳурайра бу ривоятни кейинги ровийнинг қўлини ушлаган ҳолда айтиб берган. Кейинги ровийлар ҳам ҳадисни шу йўл билан узатганлар.

– ровийларнинг сўз ва феъл орқали хабарни етказиши. Бунда ровийлар санаднинг барча табақаларида қавл ва феълда ўзаро бир хилда сўз ва феъл билан ҳадисни узатадилар. Ҳар бир ровий ўзидан аввалги ровийнинг сўзи ва ҳолатини айнан такрор этади. Масалан,

Анас ибн Молик ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соқолини ушлаган ҳолда айтадилар: «Тақдирнинг яхши-ю ёмони, ширин ва аччиғи (Аллоҳдан эканига) имон келтирдим». Бунда ҳам барча ровийлар шу ҳолатни такрор қилганлар.

Иснодлар таҳлили шуни кўрсатадики, муҳаддис уламолар ҳар бир ҳадиснинг кимдан ривоят қилингани, яъни исноднинг кимга бориб тақалиши, шунингдек, мусаннифга ҳадис қандай йўллар билан етиб келганига қараб ҳадис иснодларини гуруҳларга ажратиб ўрганганлар. Шу билан бирга исноддаги ривоят қилиш билан боғлиқ ҳар бир кичик омил ҳам ҳадиснинг ишончлилиқ даражасига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин эканини ҳисобга олган ҳолда исноддаги нозик жиҳатларни ҳам эътибордан четда қолдирмаганлар.

ҲАДИС:

وَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَحَبُّ الْحَدِيثِ إِلَيَّ أَصْدَقُهُ

Набий с.а.в. айтдилар: Мен учун энг яхши гап рост гапдир.



Мавзу бўйича саволлар

1. Мутавотир ҳадис деганда нима тушунилади?
2. Қандай ҳадислар оҳод ҳисобланади?
3. Машҳур ҳадисларнинг қандай турлари мавжуд?
4. Мудаббаж ва акрон нимани билдиради?
5. Пайғамбар (с.а.в.), саҳоба ва тоби‘ийга нисбат берилган хабарлар қандай номланади?
6. Исноднинг нозик жиҳатлари деганда нималар тушунилади?
7. Машҳур ҳадисларни саҳиҳ ҳисоблаш мумкинми?
8. Қандай ривоятларга «мусалсал» дейилади?



Тошшириқлар

1. Марфу‘, мавкуф ва мақту‘ ҳадисларга мисоллар келтиринг.
2. Саҳиҳ ҳадис тўпламларининг тўртинчи табақасига мансуб бўлган асарларни айтинг.
3. Ровийларнинг ишончлилиқ даражаларини санаб беринг.
4. Носиҳ ва мансух ҳадисларга мисол келтиринг.

Мустақил иш мавзулари

1. Иснодлар таҳлилига оид ҳадис истилоҳлари.
2. Саҳиҳ ҳадис тўпламлари табақалари.
3. Ибн Салоҳ ва унинг “Муқаддима” асари.
4. Ҳадис илми ривожига Абу Исо Термизийнинг тутган ўрни.



Адабиётлар

1. Муродов Д. Ҳадисшунослик атама ва иборалари (қисқача изоҳли луғат). – Т.: Фан, 2009.
2. Абдуллоҳ ибн Абдурахмон. Тайсир ал-аллом шарҳ умдат ал-аҳком. – Байрут. Дор ал-фикр, 1999.
3. ал-Умарий Ақром Зийо. Бухус фи тарих ас-сунна ал-мушаррифа. Мадина: Мактаба ал-улум ва ал-ҳикам, 1994.
4. Ал-Ҳоким ан-Найсабурий. Ал-Мустадрак ала ас-саҳиҳайн. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1990.
5. Ал-Ҳоким ан-Найсабурий. Маърифат улум ал-ҳадис. – Байрут: 1977.
6. Ибн Салоҳ. Улум ал-ҳадис. – Дамашқ: Дор ал-фикр, 1986.
7. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ. Ал-Қабас фи шарҳ муватто ибн Анас. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1998.
8. Хатиб Бағдодий. Ал-Кифая фи илм ар-ривая. – Байрут, 1986.

РЕЖА:

1. Саҳиҳ ҳадис ва унинг шартлари.
2. Ҳасан ҳадис ва унинг ишончлилик даражаси
3. Энг ишончли ҳадис тўпламлари.
4. Ишончли ровийларнинг мартабалари.
5. Муҳкам ва ихтилоф, носих ва мансук ҳадислар.

 **Таянч иборалар:** *адолат, марфу, муттасил, саҳиҳайн, шайхон, сиқа, забт, машхур*

 **1. Саҳиҳ ҳадис ва унинг шартлари.** Ишончли ҳадис тўпламларида ҳадиснинг матнидан аввал Пайғамбар алайҳис-саломдан тортиб, муҳаддисгача бўлган ровийлар бирма-бир зикр қилинади. Муҳаддисларнинг асосий ишлари ровийларнинг ишончлилик даражасини аниқлашдан иборат бўлган. Ровийлари тўлиқ ва аниқ зикр қилинмаган ҳадислар муҳаддислар томонидан ишончли ривоят сифатида қабул қилинмаган. Шу билан бирга ровийларни ишончли деб қабул қилиш учун ҳам маълум шартлар қўйилган. Бунда, бир ҳадисни қабул қилиш учун ровий ва ҳадисга жуда қаттиқ талаблар қўйилган. Ровийларга қўйилган асосий шартлардан бири уларнинг «адолатли» ва «забтли» бўлишлари эди.

«Саҳиҳ» сўзи «соғлом», «ҳақиқий», «ишончли», «тўғри» деган маъноларни англатади. У мақбул ҳадисларнинг биринчи туридир. Саҳиҳ ҳадис истилоҳда исноди бошидан охиригача адолатли, аниқлик эгаси бўлган кишиларнинг бир-бирларидан ривоят қилиш йўли билан узатилган ҳадис бўлиб, унинг ровийси шозз ва санади ёки матнида иллат бўлмаслиги керак.

Ҳадис саҳиҳ бўлиши учун қуйидаги бешта шарт бўлиши керак:

1. *Иттисол ас-санад* – исноднинг муттасил, яъни узлуксиз бўлиши лозим. Бунда ҳар бир ровий ҳадисни ўзидан аввалги ровийдан бевосита олган бўлиши ҳамда бу ҳолат исноднинг бошидан охиригача давом этиши талаб этилади.

2. *Адолат ар-рувот* – ровийларнинг *адолати*, яъни ҳадис ровийларининг ҳар бири мусулмон, балоғатга етган, оқил, тақво эгаси бўлиб, фосиқлик, бемурувватлик, яъни нокаслиқдан узоқ бўлиши шарт.

3. *Забт ар-рувот* – ровийларнинг ҳадисни мукамал эгаллаган бўлиши, яъни унинг ровийлари ва матнига оид билимларни жуда

мустаҳкам билиши ҳамда хотирасида ёдлаган ёки ёзма равишда сақлаган бўлиши, исталган вақтда ҳадисни аниқ ва камчиликларсиз бир хилда айта оладиган бўлиши керак.

4. *Адам аш-шузуз* – шозз бўлмаслиги, яъни бир ровий ўзидан кучлироқ ровийга муҳолиф бўлмаслиги керак.

5. *Адам ал-иллат* – иллатдан холи бўлиши, яъни ҳадиснинг санади ёки матнида ноқислик ва камчилик бўлмаслиги керак.

Ушбу шартларнинг барчаси мавжуд бўлган ҳадис саҳиҳ лизотих (ўзидаги хусусиятларига кўра саҳиҳ) ҳисобланади. Агар ҳадисда мазкур беш шартдан бирортаси мавжуд бўлмаса, ҳадис *саҳиҳ* деб аталмайди. «Бу ҳадис саҳиҳ эмас» дейилса, билинадикки, ушбу ҳадисда талаб қилинган беш шартнинг бирортаси ёки барчаси мавжуд эмас. Лекин, бу ҳолат ҳадисни ёлғон дейишга асос бўла олмайди.

Ҳадиснинг саҳиҳлик даражасини қуйидаги мисол орқали кўриш мумкин: Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Юсуфдан ривоят қилган ҳадисда: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) шом намозида «Тур» сурасини ўқиганларини эшитдим», деган. Бу ҳадис қуйидаги сабаблар билан саҳиҳ ҳисобланади:

а) ҳадиснинг барча ровийлари бир-бирларини кўриб, ўз шайхи билан бевосита учрашгани ва ундан ҳадис эшитгани учун исноди муттасилдир; б) жарҳ ва таъдил олимлари фикрича, исноддаги барча ровийлар ўзининг одиллиги ва аниқлиги билан сифатланган ва улардан 1) Абдуллоҳ ибн Юсуф ишончли бўлиб, ўзининг аниқлиги (*забт*) билан ажралиб турган, 2) Молик ибн Анас имом ва ҳофиз олимлардан бўлган, 3) Ибн Шайбон Зухрий кўплаб олимларнинг фикрига кўра, кучли *забт*га эга фақиҳ ва ҳофиз бўлган, 4) Муҳаммад ибн Жубайр ишончли киши бўлган, 5) Жубайр ибн Мутъим саҳобалардан бўлган; в) ҳадисда оғиш йўқ ва бошқа бундан кучлироқ ривоятга муҳолиф эмас; г) ҳадисда камчилик йўқ.



“Мусталаҳ ал-ҳадис” илми уламолари истилоҳида “саҳиҳ ҳадис” – санади бошидан-охиригача адолатли ва йобқти киши ўзи каби ровийдан муттаъил санад билан нақл қилган ҳамда шозз ва иллатли бўлмаган ҳадисдир.

Ишончли ҳадис саҳиҳлик шартларини ўзида мужассамлаштириш даражалари жиҳатидан бир-биридан фарқланади. Бу фарқ матнда

ҳам, иснодда ҳам бўлиши мумкин. Бирор иснод бошқа иснодлардан фарқли равишда мутлақ тўғри деб айтиб бўлмайди. Чунки олимлардан баъзилари энг тўғри иснодлар борасида ҳам баҳс юритиб, уларни аниқлаштиришга ҳаракат қилганлар ва ҳар бир олим ўз наздида кучли бўлган иснодни афзал кўрган. Масалан, Исҳоқ ибн Роҳувайҳ ва Аҳмад ибн Ҳанбал каби муҳаддислар Зухрий Солимдан, у эса отаси Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттобдан нақл қилган ҳадисларни энг ишончли ҳисоблаганлар ва ўзлари мазкур иснод орқали ҳадис ривоят қилганлар. Шунингдек, Ибн Мадиний ва Фаллос каби муҳаддислар Ибн Сирин Абидадан, у Али ибн Абу Толибдан нақл қилган ҳадисларни энг ишончли ҳисоблаганлар ва ўзлари мазкур иснод орқали ҳадис ривоят қилганлар. Имом Бухорий эса Молик Нофъдан, у Ибн Умардан нақл қилган ҳадисларни энг ишончли ҳисоблаган ва ўзи мазкур иснод орқали ҳадис ривоят қилган.

Саҳиҳ ҳадисларнинг саҳиҳ лизотихдан ташқари саҳиҳ лиғайрих тури ҳам мавжуд бўлиб, унга қуйидагича таъриф берилган: «Ўзидан бошқа кучлироқ ёки баробар ҳадис билан қувватланган ҳадис саҳиҳ лиғайрих бўлади. Бу турдаги ҳадис иснодларини алоҳида-алоҳида ҳолда кўриб чиқилганда, уларнинг барчаси саҳиҳлик талабларига жавоб бермаслиги мумкин. Аммо, иснодларнинг барчасини жамлаган ҳолда қаралганда, умумий тарзда санад кучли бўлади. Саҳиҳ лиғайрих бўлган ҳадислар саҳиҳликнинг энг паст даражаси ҳисобланиб, саҳиҳ лизотихдан паст ва ҳасан лизотихдан баланд даражалидир.

Ишончли ҳадисларнинг умумий адади бўйича аниқ маълумот бўлмасада, Имом Бухорийнинг «Мен юз минг саҳиҳ, икки юз минг ғайри саҳиҳ ҳадисларни ёдладим» деган сўзи орқали уларнинг сони юз мингдан ортиқ экани билинади. Муҳаддис ва усул ал-фикҳ олимлар саҳиҳ ҳадисларни шаръий масалаларни ҳал қилишда ишончли асос сифатида қабул қилганлар.

Уламолар саҳиҳ ҳадиснинг ҳукмини қуйидагича белгиллаганлар:

1) *Саҳиҳайн*, яъни икки саҳиҳда бўлса ҳадиснинг саҳиҳлиги аниқ бўлади.

2) *Шайхон*, яъни икки *шайх*да чиқмаган ҳадис саҳиҳ бўлса, у ҳам шаръан мақбул ҳисобланади.

3) Саҳиҳ ҳадисга амал қилинмаса ҳам у мақбул ҳисобланаверади.

4) Ҳадиснинг битта саҳоба томонидан ривоят қилиниши унинг саҳиҳлигига зарар етказмайди.

Шунингдек, олимлар саҳиҳ ҳадисларни ҳам кучлилиқ жиҳатидан бир неча даражаларга ажратганлар. Жумладан, Ибн Салоҳ қуйидаги даражаларни санаб ўтган этган:

1) Имом Бухорий ва Муслим томонидан ривоят қилинган бир хил ҳадис энг саҳиҳ ҳисобланиб, улар «муттафақун алайҳи» («шунга келишилган») деб номланган.

2) Имом Бухорийнинг ўзи ривоят қилган ҳадис.

3) Имом Муслимнинг ўзи ривоят қилган ҳадис.

4) Имом Бухорий ва Муслимнинг шартларига биноан саҳиҳ бўлиб, уларнинг китобларида келмаган ҳадис.

5) Имом Бухорий шартига биноан саҳиҳ бўлиб, китобида келмаган ҳадис.

6) Имом Муслим шартига биноан саҳиҳ бўлиб, китобида келмаган ҳадис.

7) Имом Бухорий ва Муслимнинг шартидан бошқа йўллар билан ривоят қилинган ҳадислар.

Бир қатор олимлар ҳадисларнинг саҳиҳлигини ривоят қилинган минтақасига қараб ҳам белгилаганлар. Хатиб Бағдодийнинг (ваф. 463/1071 й.) фикрига кўра, Макка ва Мадина аҳллари иснодларида *тадлис* (ноаниқлик) учраш эҳтимоли кам бўлиб, энг ишончли ҳисобланади. Кейинги ўринда Яман, ундан кейин Басра иснодларидир. Аммо Куфа иснодларида иллатли ҳадислар кўп учрайди. Шунингдек, Шом аҳли ҳадисларининг ҳам кўпи *мурсал* ва *мақтуъ*дир. Бироқ, мазкур фикрлар ҳамни ҳам мутлақ ҳақиқат деб қабул қилинмайди.

 **2. Ҳасан ҳадис ва унинг ишончлилиқ даражаси.** Пайғамбар (с.а.в.)дан ривоят қилинган ишончли хабарларнинг яна бир тури «ҳасан» ҳадислардир. «Ҳасан» сўзининг луғавий маъноси «яхши», «чиройли» бўлиб, истилоҳда эса санади саҳиҳ талабларига жавоб берадиган даражадаги, аммо *заъти* пастроқ бўлган ривоятга айтилади.

Уламолар саҳиҳ билан заиф ҳадисларнинг ўртасида келган ҳасан ҳадисларни турлича таърифлаганлар. Жумладан, Ибн Салоҳ (ваф. 704/1305 й.) ўз рисоласида Имом Абу Довуднинг ҳасан ҳадисга берган таърифи ҳақида шундай дейди: «Мен китобимда саҳиҳ ҳадислар билан бирга, унга ўхшаган, унга яқин бўлган ҳадисларни ҳам зикр қилдим... Китобимга киритилган ҳадисларда агар бироз қаттиқлик бўлса, мен уни тушунтирдим. Мен тушунтирмаган ҳадислар ҳам солиҳ ҳадислардир. Уларнинг баъзилари бошқаларидан саҳиҳроқдир».

Жалолиддин Суютийнинг таъкидлашича, Абу Довуддан ривоят қилинган «солиҳ» («яроқли») сифатига эга бўлган ҳадис «ҳасан» ҳадис бўлиб, бу сўз заиф ҳадисни ҳам ифода қилади ва унга эътибор қилинади, аммо ҳужжат сифатида қабул қилинмайди.

Ибн Касирнинг айтишича, «Абу Довуд сукут сақлаган ҳадис ҳасандир». Маълумки, Имом Абу Довуд «Сунан»ига ишончли ҳадисларни жамлашда икки шартни қўйган: 1) санадининг кучли бўлиши; 2) матнининг кучли бўлиши.

«Саҳиҳ» ҳадис сингари «ҳасан» ҳадис ҳам ҳасан лизотих ва ҳасан лиғайрихга бўлинади. Юқорида «ҳасан» ҳадиснинг ҳасан лизотих турига таъриф бериб ўтилди. Демак, «ҳасан»лиги ўзида мавжуд бўлган омилларга боғлиқ ҳадис ҳасан лизотих дейилади. У ўз шартлари билан саҳиҳ лиғайрих даражасидан бир поғона қуйида туради.

Ҳасан ҳадиснинг иккинчи тури – ҳасан лиғайрих бўлиб, у нисбатан заифроқ ҳадис бўлса-да, унинг ривоят йўллари кўп бўлгани сабабли заифлик даражасидан юқорироқ туради. У ҳасан лизотихдан бир поғона қуйи мартабали, нисбатан заифроқ ҳадисдир. Заифлиги сабаби ровийнинг фосиклиги ва ёлғончилиги эмас, балки иснодидаги ровийлар ўз ривоятида кўп хато қилмаган, ҳолати равшан бўлмай, салоҳияти мавҳум, ёлғон билан айбланмаган, матни эса мазкур ровий каби бошқа киши томонидан ҳам ривоят қилинган ҳадислардир.

Демак, заиф ҳам ҳасан лиғайрих даражасига етиши мумкин. Бунинг учун қуйидаги икки ҳолатга эътибор бериш лозим: 1) ҳадис айни иснод йўлида бошқа бир ёки бир неча ўзи каби ёки ўзидан кучлироқ иснодлар билан ривоят қилинган бўлиши; 2) ҳадиснинг заифлик сабаби ровий хотирасининг сустлиги ёки иснодида узилиш бўлгани ва ё иснод ровийлари орасида мубҳам (ноаниқ) кишиларнинг бўлиши.

Ҳасан лиғайрих ҳам ислом динида ишончли асос сифатида қабул қилинади.

Ҳасан атмасини биринчи бор муҳаддис Абу Исо Термизий ўзининг «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» асарида қўллаган. Унга қадар ҳадислар саҳиҳ ва заиф турларига бўлинган. Чунончи Абу Довуд Сижистоний ўзининг «Сунан»ини ёзганда «... унга (саҳиҳга) ўхшаган, унга яқин бўлган ҳадисларни ҳам зикр қилдим...», деганида ҳали «ҳасан» атамасини ишлатмаган. Чунки ҳали бу истилоҳ ҳадис илмида муомалага кирмаган эди.

Ибн Салоҳ ўзининг «Муқаддима» асарида шундай ёзади: «Абу Исо Термизийнинг китоби «ҳасан» ҳадисни билишда асл манбадир.

Чунки, ҳасан ҳадис номини баланд айтган, «Жомеъ»ида кўплаб шундай ҳадисларни зикр этган муҳаддис Имом Термизийдир».

Имом Термизий ўз асарида «ҳасан саҳиҳ» атамасини ҳам ишлатган. Бу истилоҳ қуйидаги икки ҳолатда келади:

1) агар ҳадиснинг икки исноди бўлиб, улардан бири ҳасан, иккинчиси саҳиҳ бўлса;

2) ҳадиснинг фақат бир исноди бўлиб, баъзи олимлар уни ҳасан, бошқалари саҳиҳ деб айтган бўлса. Бу билан Имом Термизий олимларнинг бир ҳадис ҳақида билдирган икки хил фикрларини келтиради, аммо ўзининг фикрини билдирмайди.



Аҳмад ибн Ҳажар Асқалоний: “Ҳасан ҳадис санади муттасил бўлиб, шузуз ва иллатдан холи, аммо забти пастроқ адолатли ровийнинг ўзи каби одил кишидан қилган ривоятидир”.



3. Энг ишончли ҳадис тўплamlари. Ҳадис тўплamlари жуда кўп бўлсада, уламолар улар орасидан ишончилилик жиҳатидан энг юқори бўлганларини алоҳида ажратиб кўрсатганлар. Жумладан, Имом Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асари жумҳур уламолар томонидан энг биринчи ўринда турувчи китоб сифатида тан олинган. Шунингдек, Бухорий каби қатъий талабларни қўйгани сабабли Имом Муслимнинг «Саҳиҳ Муслим» номи билан машҳур «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» асари ҳам биринчилар қаторида зикр этилади. Шу сабабли ҳам мазкур икки саҳиҳ ҳадис тўплamlари Қуръондан кейинги ўринда турувчи энг ишончли манба ҳисобланади. Бу икки муҳаддис ҳадисларни саралашда ўзига хос кучли талаб ва шартларни қўйганлар. Хусусан, Имом Бухорий ҳадис иснодидаги ровийлар бир-бирдан ҳадис ривоят қилганда ўзаро айнан учрашган бўлишларини (ал-лиқо) қатъий шарт қилиб белгиллаган. Имом Муслим эса бир-бирдан ҳадис ривоят қилувчи кишилар замондош бўлишларига эътибор қаратган. Ҳар икки «Саҳиҳ»ни чуқур ўрганган уламоларнинг аксарияти «Имом Бухорийнинг китоби кучли», деган фикрда тўхталганлар.

Мазкур икки ишончли тўплам барча ҳадисларни қамраб олмаган, балки уларнинг муаллифлари бу тўплamlарда фақат энг саҳиҳ ҳадисларни жамлаганлар. Шунингдек, «Саҳиҳайн»га кирмаган

ишончли ҳадислар «ал-Кутуб ат-тис‘а» («Тўққиз китоб», «Тўққиз ишончли тўплам») таркибига киритилган бошқа тўпламлар ҳамда «Сунан ад-Доракутний», «Сунан ал-Байҳақий», Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Ҳузайма (ваф. х. 311 й.) ва Абу Ҳотим Муҳаммад ибн Ҳиббоннинг «Саҳиҳ», Ҳоким Найсобирийнинг «Мустадрак» ва бошқа ҳадис китобларидан ўрин олган.

Олимлар ҳадис китобларининг ишончилилик даражасига кўра уларни турли табақаларга бўлганлар. Зеро, ҳадис тўпламлари ҳар хил муҳаддислар ҳамда бошқа илм соҳалари вакиллари томонидан турли тарихий даврларда жамланган. Шу сабабли уларнинг савиялари ҳам бир хил бўлмаган. Шунингдек, ҳадисларни жамлаётган муҳаддиснинг билими, ҳадис жамлашга қўйган талаблари ва шу каби омилларга қараб ҳам уларнинг асарлари бир-биридан фарқланган. Ҳадис тўпламларининг саҳиҳлигига кўра ажратилган табақалари куйидагилардир:

Биринчи табақа: Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг «Саҳиҳ»лари ва Молик ибн Анаснинг «Муватто» асари билан чекланади. Уларда ҳадиснинг мутавотир, оҳод ва ҳасан турлари бор.

Иккинчи табақа: Имом Термизий ва Абу Довуднинг «Сунан»лари, «Саҳиҳайн», яъни Аҳмад ибн Ҳанбалнинг «Муснади» ва Имом Насоийнинг «Мужтабо» асарлари жуфтлиги ҳамда ҳасан ҳадисларини нисбатан кўпроқ қамраб олган бошқа тўпламлар. Муҳаддислар ушбу икки табақага алоҳида эътибор билан қараб, ақида ва шариатда асосан улардан истинбот қилганлар, яъни ҳукм чиқарганлар.

Учинчи табақа: Булар ҳадиснинг шозз, мункар ва музтариб турларидан иборат заиф ҳадислар кўп бўлган китоблар. Бу тўпламлардаги ҳадисларнинг иснодларида номи келган ровийлар ҳақида етарлича маълумот мавжуд эмас. Бунга Ибн Абу Шайба, Таёлисий ва Абд ибн Ҳумайднинг «Муснад» асарлари ҳамда Абдураззоқ, Байҳақий, Табароний ва Таҳовийларнинг ҳадис китоблари қиради. Уламолар мазкур табақага оид тўпламдаги ҳадислардан камроқ ўринларда фойдаланганлар.

Тўртинчи табақа: Кейинги асрларда бидъат ва залолатга кетган фирқа вакиллари ҳамда адолатли деб топилмаган баъзи тарихчи, суфий, ваъзхон, қиссачи ва шу каби кишилардан йиғилган шубҳали ҳадислар. Ҳадис илмига оид китобларда бу каби кишилар қаторига Ибн Мирдавайх, Абу Шайх ва Ибн Шоҳин каби ровийлар киритилган.



**Энг ишончли ҳадислар алоҳида жамланган асарлар –
“Саҳиҳи Бухорий” ва “Саҳиҳи Муслим” ислом динида
Қуръони каримдан кейинги асосий диний манба саналади.**



4. Ишончли ровийларнинг мартабалари. Маълумки, саҳиҳ ҳадис тўпламларида ҳадиснинг матнидан олдин Расулulloҳ (с.а.в.) дан тортиб, муҳаддисгача бўлган ровийлар бирма-бир зикр қилинган иснодлари келтирилган. Муҳаддисларнинг асосий ишларидан бири ровийларни ва уларнинг ишончилилик даражасини аниқлашдан иборат эди. Ҳадиснинг ровийси тўлиқ ва аниқ зикр қилинмагунича ривоят муҳаддислар томонидан ишончли деб қабул қабул қилинмаган. Шу билан бирга, ҳадис илмида ровийларнинг «ҳадиси мақбул» бўлиши учун маълум шартлар қўйилган. Улардан бири ровийларнинг адолатли (мусулмон, балоғатга етган, ақлли, фосиқлик аломатлардан холи ва б.) ва заботли (ишончли, хотираси кучли, масъулиятли) бўлишларидир. Ҳадис ривоят қилган ровийларнинг ишончилилик даражаларига кўра муҳаддис уламолар қуйидаги даражаларни белгилаганлар:

1) *Асбат* (اثبت) – энг мустаҳкам, энг собит; бу каби сифат ишончилиликнинг энг юқори даражаси бўлиб, «Фалончи бениҳоя собитдир», «Фалончи одамларнинг энг собитидир» каби иборлар таркибида келади.

Ишончли ҳадис тўпламларининг аксариятида ровийларнинг мартабаларига тегишли фикр-мулоҳазалар, уларнинг даражалари кўрсатилган. Жумладан, Абдуллоҳ ибн Юсуф «Шомлик ровийларнинг энг собити», Вуҳайб ибн Холид «Басралик шайхларнинг энг собити», Молик ибн Анас эса «Барча соҳалар бўйича энг собит киши», Хушайм ибн Башир «Саврий ривоят қилган ҳадисларнинг энг ҳофизи», Яҳё ибн Абдуллоҳ ибн Букайр эса «Лайс ривоят қилган ҳадисларнинг энг собити» ва бошқа шу каби иборалар билан таърифлаганлар.

2) *Сиқа сабт* (ثقة ثبت) – ишончли, мустаҳкам; баъзан ровийларнинг мартабалари шу каби бир ёки ундан ортиқ тавсифий сўзлар билан таъкидланади. «Фалончи ишончли собитдир» каби иборалари билан сифатланган ушбу даражадаги ровийлардан бири Язид ибн Ҳорун эди. Бошқа уламолар уни «ишончли собит» шаклида, шунингдек, Али ибн

Мадиний уни «Ундан кўра ҳофизроғини кўрмадим», Муҳаммад ибн Юсуфни «ишончли ростгўйдир», Аффон ибн Муслимни «ишончли собит мохир (ўз ишининг устаси)» каби сўзлар билан ифодалаганлар.

3) *Сиқа* (ثقة), *Ҳужжат* (حجة) – ишончли; жарҳ ва таъдил уламоларининг аксарияти машҳур ҳадис тўпламларидаги барча ровийларга нисбатан «сиқа» иборасини қўллаганлар. Бунда ровийнинг ишончилигига далолат қилувчи сифатлари оддий «Фалончи ишончлидир» ёки «Фалончи ҳужжатдир» тарзида келтирилади.

4) *Садуқ* (صدق), *Ло ба'са биҳи* (لا بأس به) – ўта ростгўй, ёмонлиги йўқ; *забтини* кўрсатмаган ҳолада, адолатли бўлган ровийга ишлатилади. Масалан, «фалончи ўта ростгўйдир», «фалончининг ёмонлиги йўқдир». Ровийлардан Абул Муғира, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ва бошқалар шундай сифатлар билан таърифланганлар.

5) «Фалончи шайхдир», «ундан кишилар ривоят қилганлар» каби ибораларни ишлатиб ровийнинг ишончли ёки ишончсиз эканини кўрсатмаганлар.

6) *Солиҳ ал-ҳадис* (صالح الحديث), *юктаб ҳадисуҳ* (يكتب حديثه) – ҳадиси яроқли, ҳадиси ёзилади; ишончлилик даражаси пастроқ бўлган ҳадисларга ишлатилади. Масалан, «фалончининг ҳадиси ярайди» ёки «унинг ҳадиси ёзилади» каби.

Шунингдек, жарҳнинг мартабаларига тааллуқли бўлган бошқа шакллардаги истилоҳлар – «фалончи ҳадис ривоят қилишда *лайийн*, яъни «юмшоқ», «бўш», «фалончи ҳужжат бўлмайди» каби лафзлар билан ҳам ровийларнинг ишончлилик даражалари кўрсатилади.

Мазкур олти даражадаги ровийларнинг аввалги учтаси мартабасига қарамай ҳужжат сифатида қабул қилинади. Тўртинчи ва бешинчи даражадагилар эса қабул қилинмайди. Лекин ҳадислари ёзилиб, бошқа ишончли (сиқа) ровийларнинг ҳадислари билан солиштирилиб, мувофиқ келгани ҳужжат сифатида ишлатилади. *Забт* эгаси бўлмаган олтинчи даражадаги машҳур ровийларнинг ҳадислари бошқа ҳадислар билан қиёслаш ёки ҳужжат сифатида ишлатиш учун эмас, балки фақат маълумот учун ёзиб қўйилади. Бироқ, айрим ҳолларда муҳаддислар нафақат юқори мартабага эга бўлган, балки мартабаси паст, яъни ишончлилик даражаси куйроқ бўлган ровийлардан ҳам маълумот учун ҳадис ривоят қилганлар. Аммо бундай ҳолатларда ҳадис матнининг ишончлилик даражасига алоҳида эътибор берганлар.



5. Муҳкам ва ихтилоф, носих ва мансух ҳадислар. Ишончли ҳадислар иккига саҳиҳ ва ҳасанга бўлиниши юқорида айтиб ўтилди. Улар мақбул (қабул қилинган) ҳадис бўлгани учун уларга амал қилинади. Аммо мақбул ҳадисларнинг барчасига ҳам амал қилинмайди. Шу нуқтаи назардан улар иккига: амал қилинадиган («маъмул бих») ва амал қилинмайдиган («ғайру маъмул бих»)га бўлинади. Яъни ҳадис ишончли деб топилса ҳам уларга амал қилинмаслиги мумкин.

Амал қилинадиган ҳадислар ҳам ўз навбатида иккига – «муҳкам» ва «носих»га бўлинади.

Амал қилинмайдиган ҳадислар ҳам иккига «ихтилофли» ва «мансух» қисмларга бўлинади.

«Муҳкам» араб тилида «аник», «мустаҳкам» маъноларини билдиради. Истилоҳда – ўзи каби бошқа бир ҳадисга зид маънода бўлмаган мақбул ҳадис. Масалан, «Ислом беш нарсага бино қилингандир...» деган ҳадисга қарши маънодаги ҳадис йўқ. Ҳадисларнинг кўп қисми мана шу турга мансуб.

«Муҳкам»нинг акси «ихтилоф» бўлиб, луғатда «тафовут», «ҳар хиллик», «фарқ», «ихтилофли» маъноларини билдиради. Истилоҳда – бир-бирига қарама-қарши маънодаги икки мақбул ҳадисга айтилади. Бундай ҳадис ўзи каби бошқа бир ҳадисдан фарқ қилса-да, уларни ўзаро мувофиқлаштириш (бирлаштириш) мумкин. Яъни, бирор саҳиҳ ёки ҳасан ҳадис мартаба ва қувват даражасида ўзи каби бошқа бир ҳадисга зохирда қарама-қарши бўлади. Буни фақат кучли олим амалга ошира олади. Масалан, Имом Муслим ривоят қилган «Қасал юқиши ва қуш учириб фол очиш йўқ...» ҳадиси билан Имом Бухорий ривоят қилган «Шердан қочганинг каби моховдан ҳам қоч» ҳадислари саҳиҳ бўлса-да, маъно жиҳатидан бир-бирига зиддир. Чунки биринчи ҳадисда «қасал юқиши» инкор қилинса, иккинчисида тасдиқ қилинмоқда. Муҳаддис уламолар бу икки ҳадиснинг ўртасини мувофиқлаштирганлар. «Қасал юқмайди», деб айтган олимлар Пайғамбар (с.а.в.)нинг: «Нарса нарсага кўчмайди» (Аҳмад ва Термизий ривоят қилган) ҳадисларини хужжат қиладилар. Олимлар тажриба юзасидан бир қўтир туяни соғлом туялар орасига кўшиб қўйганлар. Биринчи қўтир туяга қўтирлик кимдан ёки қаердан юққан?! Аллоҳ таоло қўтирлик касалини биринчи туяда қандай пайдо қилган бўлса, иккинчисида ҳам худди шундай пайдо қилган, лекин «Мохов касалидан шердан қочгандек қоч»,

деган ҳадис зарарни олдини олиш ҳисобланади. Аллоҳ таолонинг тақдирида, қазои қадарида битилгани учун киши мохов касали бор инсон билан аралашиб юрса, унда ҳам бу хасталик пайдо бўлади. Бу ҳолда қуйидагиларга амал қилинади: 1. Бу икки ҳадисни бир нуқтада бирлаштириш имкони бўлса, бирлаштирилади ва мувофиқлаштиради, сўнг уларга амал қилиш вожиб бўлади. 2. Бирор жиҳатдан уларни бирлаштириб бўлмаса, қуйидагиларга амал қилинади: а) агар улардан бири носих эканлиги маълум бўлса, уни олиб мансух-иккинчи ҳадис тарк қилинади; б) агар носих ёки мансухлиги маълум бўлса, ҳар бирини элликтадан ортиқ шартлар асосида ўрганиб чиқилади ва мақбулроғи танланиб, иккинчиси тарк қилинади (шартлар: ровийнинг ҳолидан хабардор бўлиш, воситаларнинг кам бўлиши, ровийнинг фикҳи, наҳви билиши, сўзларнинг изоҳли луғатини билиши, ёдлаши, таниқли бўлиши, тақводор бўлиши, эътиқодининг тўғри бўлиши, хабар бераётган нарсасида собит бўлиши, шайхи билан кўп бирга бўлиши ва ҳоказо); в) агар бири иккинчисидан мақбулроқ экани маълум бўлмаса, то аниқлангунча уларга амал қилинмайди, аммо бундай ҳол жуда кам учрайди. Бу ҳадис илмига оид асарларда «Ихтилоф ал-ҳадис» ёки «Мухталиф ал-ҳадис» деб юритилади. Бундай ҳадисларни ўрганиш жуда муҳим ҳисобланади. Ушбу соҳада энг биринчи асар ёзган киши Имом Шофеъий (ваф. 204/820 й.) бўлиб, у «Ихтилоф ал-ҳадис»дир ҳамда Муслим ибн Қутайба Диноварий (ваф. 276/889 й.), Муҳаммад ибн Жарир Табарий (ваф. 310/922 й.), Абу Жаъфар Таҳовий (ваф. 321/933 й.) каби олимлар ҳам бу борада қалам тебратганлар.

Амал қилинадиган ва амал қилинмайдиганнинг кейингиси носих ва мансухдир. Аввал «насх» ҳақида маълумот бериш мақсадга мувофиқ. «Насх» луғатда «бекор қилмоқ», «кетказмоқ», «ўчирмоқ», «нақл қилмоқ», «кўчирмоқ» маъноларини билдиради. Истилоҳда эса, ҳукм чиқарувчи аввалги жорий қилган ҳукмни кейингиси билан ўзгартиришига айтилади. Яъни аввалги ҳукмни кейин келган ҳукм билан кучдан қолдириши назарда тутилади. Расулulloҳ ҳам Қуръонда бўлгани каби аввал айтган ҳукмларини баъзан кейингиси билан ўзгартирганлар.

Ҳукми ўчган ҳадислар «мансух» («ўчирилган») ва ўзидан олдин келган ҳадис ҳукмини кетказувчисига «носих» («ўчирувчи») атамалари ишлатилади.

Ҳадисларнинг носих ва мансуҳини аниқлаш ниҳоятда машаққатли муҳим фан бўлгани учун муҳаддислар бу борада алоҳида китоблар ёзганлар. Муҳаддислар куйидаги қоидалар орқали уларни аниқлаш мумкин эканини кўрсатганлар:

1. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг аввал айтган ҳадисларини кейингиси билан алмаштирганларини очик баён қилишлари орқали. Масалан, Бурайда (р.а.) ҳадисида Расулуллоҳ (с.а.в.) «Мен сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим, энди уларни зиёрат қилаверинглар, чунки, қабрлар охиратни эслатади», деганлар.

2. Саҳобанинг сўзи орқали. Яъни саҳоба, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг фалон ишлари, фалон ишларидан кейин содир бўлган, дейди. Масалан, Жобир (р.а.)нинг Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг сўнгги икки буйруқларидан бири – ўт теккан нарсадан таҳорат қилинмасликка буюришлари бўлди, деган ҳадиси. Яъни оловда пишган нарсадан еб, таҳорат қилиб бўлмаслигини айтганлар.

3. Тарихни аниқлаш, яъни ҳадисларнинг айtilган вақтини: қайси бири аввал, қайси бири кейин эканлигини билиш орқали. Масалан, Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.): Қон олдириш ва қон қуйиш рўзани кетказади, деганлар. Бошқа Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг эҳромда ва рўзадорлик ҳолатда қон олдирганликларини Абдуллоҳ ибн Аббос айтган. Биринчи ҳадис Макка фатҳида айtilган. Иккинчиси эса видолашув ҳажи вақтида айtilган.

4. Ижмонинг кўрсатиши билан. Масалан, Имом Доримий ривоят қилган ҳадисда: «Қим маст қилгувчи ичимлик ичса уни дарраланглар, агар тўртинчи марта ичса ўлдириглар» дейилган. Имом Нававий бу ҳадисни ижмонинг кўрсатини ила насх қилинганини айтган. Аммо ижмо насх ҳам, мансух ҳам қилмайди, балки носихни кўрсатади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки барча саҳиҳ китобларида келган ҳадисларга амал қилиш мумкин эмас. Уларнинг орасида ихтилофли ва мансухлари мавжуд. Шунинг учун ҳадислардан бевосита ҳукм олиш мумкин эмас. Бунинг учун ҳадис тўпламларига ёзилган шарҳларни ёки фикҳий асарларга мурожаат қилиш лозим.

ҲАДИС:

وَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ:
مَنْ تَعَظَّمَ فِي نَفْسِهِ وَ اخْتَالَ فِي مَشِيَّتِهِ لَقِيَ اللَّهَ وَ هُوَ عَلَيْهِ غَضَبَانُ

**Набий с.а.в. айтдилар: Кимики ўзини катта тутиб, юриш-
туришида кибру ҳаволи бўлса, охиратда
Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлур.**



Мавзу бўйича саволлар

1. «Саҳиҳ» ҳадисга қандай таъриф берилган?
2. Ҳадис саҳиҳ бўлиши учун қандай шартлар белгиланган?
3. Саҳиҳ ҳадиснинг қандай даражалари мавжуд?
4. «Ҳасан» ҳадиснинг маъноси нима ва уни ким истилоҳ тарзида киритган?
5. Ҳадис тўпламлари ишончлилик даражасига кўра қандай табақаларга бўлинган?
6. Ишончли ровийларнинг қандай мартабалари мавжуд?
7. Муҳкам ва ихтилоф ҳадисларининг орасида қандай фарқлар бор?
8. Носиҳ ва мансуҳ ҳадислар қандай аниқланади?



Топшириқлар

1. Саҳиҳ ҳадисларнинг шартларини изоҳлаб беринг.
2. Муҳаддислар наздида “қучли иснод” сифатида танланган ровийлар занжири орқали ривоят қилинган ҳадисларга мисол келтиринг.
3. Ҳасан лизотих ва ҳасан лиғайрих даражасидаги ҳадисларни ўзига хос томонларини тушунтиринг.
4. «Тўққиз ишончли тўплам» таркибига кирган асарларни тавсифланг.

Мустақил иш мавзулари

1. Саҳиҳ ва ҳасан ҳадислар.
2. Абу Довуднинг ҳадис илми ривожига қўшган хиссаси.
3. Молик ибн Анас ва унинг «Муватто» асари.
4. Суннат ва ҳадиснинг ўзига жиҳатлари.



Адабиётлар

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий: 2 жилдли. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.

Абу Таййиб ал-Азим ал-Абодий. Шарҳ сунан Аби Довуд. – Байрут: Дор ал-фикр, 1995. 1-жуз.

Ад-Доракутний. Сунан. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1996.

Аз-Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. – Байрут: Дор ал-фикр. 1997.

Ал-Байҳақий. Ас-Сунан ал-кубро. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1999.

Ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1996.

Ал-Бухорий. Ат-Тарих ас-сағир. – Байрут: Дор ал-маърифа. 1986.

Али ибн Булбон. Саҳиҳ ибн Ҳиббон би тартиб ибн Булбон. – Байрут: Муассаса ар-рисола, 1998.

Али ибн Одам. Шарҳ сунан ан-Насойй. – Байрут: Дор ал-меърож. 1997.

Ан-Нававий. Шарҳ саҳиҳ Муслим. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2000. 1-жуз.

Ан-Насойй. Китоб ас-сунан ал-кубро. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1991.

Ан-Насойй. Сунан ан-Насойй. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1995.

Муҳаммад ал-Ҳумайдий. Ал-Жамъ байн ас-Саҳиҳайн. – Байрут: Дор Ибн Ҳазм, 1998.

РЕЖА:

1. Заиф ҳадислар, уларнинг турлари ҳамда ривоят қилиниши.
2. Исноддан ровийси тушиб қолиши сабабли заиф бўлган ҳадислар.
3. Ровийда «забт»нинг йўқлиги туфайли рад этилган ҳадислар.
4. Ровийнинг айбланиши сабабли рад этилган ҳадислар.

 **Таянч иборалар:** *заиф, мурсал, муаллақ, муъзал, мунқати‘, мудаллас, мудраж, мақлуб, музтариб, мусаххаф, мавзу*



1. Заиф ҳадислар, уларнинг турлари ҳамда ривоят қилиниши.

«За‘иф» сўзи араб тилида «кучсиз», «нимжон», «заиф» маъноларини билдиради. Истилоҳда эса «саҳиҳ»га қўйилган шартлардан (санаднинг узлуқсизлиги, ровийларнинг адолати ва забти, шоз ва иллатсиз бўлиши каби) бирини йўқотган, аммо «ҳасан» даражасига етмаган ҳадисга айтилади. Имом Нававийнинг (ваф. 676/1278 й.) таърифига кўра, «заиф – саҳиҳлик ва ҳасанлик шартларига эга бўлмаган ҳадис» ҳисобланади. Бу тур ҳадиснинг «мардуд» («рад этилган», «қайтарилган»), яъни амал қилинмайдиган гуруҳига киради.

Ҳадисларнинг рад этилиши асосан икки сабабга кўра бўлади:

1) исноддан ровийнинг тушиб қолиши, яъни санаднинг узилиши;
 2) ровийнинг ҳадис илми олимлари томонидан айбланган бўлиши.
 Ушбу икки иллат сабабли ишончлилигини йўқотган ҳадислар заифлик даражаларига кўра турли номлар билан аталса-да, улар умумий «заиф» номи билан аталади. Баъзи олимлар заиф ҳадисларнинг 49 тури мавжуд эканини таъкидлаганлар. Бошқалари эса бу сонни 63 ёки 129 тагача етиб боришини кўрсатиб берганлар.

Шунингдек, ҳадиснинг заифлиги ровийларнинг қай даражада «бўш» бўлишига қараб ҳам турлича бўлади. Унга кўра, ҳадислар заиф, жуда заиф, воҳий (ғоятда заиф), мункар (инкор қилинган) бўлади. Саҳиҳ ҳадисда бўлганидек, олимлар заифнинг ҳам энг бўшларини аниқлаганлар. «Мақбул» бўлмаган, яъни қабул қилинмайдиган заиф ҳадислар қуйидаги сабабларга кўра турлича қисмларга бўлинади:

I. Санаднинг узилиб қолиши сабабли: 1) муаллақ; 2) мунқати‘; 3) муъдал; 4) мурсал; 5) мудаллас.

II. Адолатнинг йўқлиги сабабли: 1) мавзӯ; 2) матрук; 3) мункар.

III. Забтнинг йўқлиги сабабли: 1) мудраж; 2) мақлуб; 3) музтариб; 4) мусаххаф ва мухарраф.

IV. Шоз бўлиши сабабли: шозз.

V. Иллатли бўлиши сабабли: муаллал.

Заиф ҳадисларни ривоят қилиш жоизлиги борасида олимлар ихтилоф қилганлар. Баъзилар мумкин десалар, бошқалар ножоиз деганлар. Умумий фикрга кўра, ривоят қилинаётган заиф ҳадис эътиқод масаласига ҳамда ҳалол ва ҳаромга тегишли шаръий ҳукмларга оид бўлмаса, фақат ваъз-насиҳат, яхши ва савобли амалларга чақиришдан иборат бўлса, шунингдек, турли ибратли киссаларни ўз ичига олган бўлса, уларни накл қилиш дуруст ҳисобланган.

Суфён Саврий, Абдурахмон ибн Маҳдий, Аҳмад ибн Ҳанбал каби уламолар заиф ҳадисларга нисбатан енгилроқ қараганлар. Аммо муҳаддислар бу каби ҳадисларни ривоят қилганда «Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар» иборасини ишлатмай, унинг ўрнига «Расулуллоҳ (с.а.в.)дан бундай ривоят қилинади», «бизга маълум қилишларича» каби иборалар билан ифодалаган маъқул, ҳадиснинг заифлигини била туриб уни Расулуллоҳга қатъий нисбат бериш дуруст эмас, деб ҳисоблаганлар.

Гўзал хулқлар хусусидаги заиф ҳадисларга уч шарт билан амал қилиш жоизлиги уламолар томонидан айтиб ўтилган: 1) ҳадис жуда ҳам заиф бўлмаслиги; 2) Қуръон ва суннатда собит бўлган асосга мувофиқ келиши; 3) унга амал қилинаётган вақтда аниқ ва қатъий деб эътиқод қилмай, эҳтиёткорлик йўлини тутиш. Айрим олимлар юқоридаги учинчи шарт ўрнига «Мазкур ҳадис ўзидан кучлироқ бошқа ҳадисга зид бўлмаслиги керак» эканини шарт қилиб қўйганлар.

 **2. Исноддан ровийси тушиб қолиши сабабли заиф бўлган ҳадислар.** Исноддан бир ёки бир неча ровийнинг тушиб қолишига сабаб қасддан ёки билмаган ҳолда содир этилиши мумкин. Улар исноднинг боши, ўртаси ва охирида тушиб қолишига қараб унинг тури белгиланади ва муаллақ, мурсал, муъзал, мунқати⁴ ва мудалласга бўлинади.

«Муаллақ» сўзининг луғавий маъноси «осилган», «илинган», «муаллақ» бўлиб, истилоҳда иснодининг бошидан бир ёки бир неча ровийнинг кетма-кет тушиб қолган ҳадисга айтилади. Имом Бухорий, Имом Муслим каби кўзга кўринган муҳаддислар Пайғамбар алайҳис-саломдан ишончли ровийлар бир-бирларига аниқ ва очиқ-ойдин йўл билан ривоят қилган ҳадисларнигина «сахих», яъни «соғлом», «ишончли» деб қабул қилганлар. Улар ўзларининг «Саҳих» тўпламларига ана шундай ҳадисларни жамлаганлар.

Ҳадислар орасида ишончли ровийлар ривоят қилган, аммо орада узилиш бўлганлари ҳам бор. Агар бу каби узилиш исноднинг бошида бир ёки бир неча ровийнинг тушиб қолиши билан бўлса, бу ҳадис «муаллақ» ҳисобланади. Бу каби узилиш бўлишининг сабаблари турличадир. Масалан, бир ишончли ровий иккинчи ишончли ровийни бевосита кўрмайди, балки бошқа, яъни учинчи ишончли одам орқали иккинчи ровий ривоятини эшитади. Бирок, биринчи ровий орада восита бўлган ўша «учинчи» одамни жуда ишончли санагани сабабли унинг номини зикр этмайди, фақат ўша «иккинчи» ровий мазкур ҳадисни айтганини таъкидлаб ўтади халос. Бу каби муаллақ ҳадислар «Саҳиҳ» тўпламларига баъзан киритилган, баъзан эса киритилмаган.

Жумладан, муҳаддис агар муаллақ ҳадиснинг узилиш сабабини, номи зикр этилмаган орадаги ровийнинг ишончли эканини билса ва ҳадиснинг саҳиҳ эканига ишончи комил бўлса, у ҳолда бундай ҳадисни ўзининг «Саҳиҳ» тўпламига киритган. Агар муаллақ ҳадис иснодидаги узилиш сабаби ноаниқ бўлса, номи тушиб қолган ровий ҳам номаълум бўлиб, ҳадиснинг ишончлилигига ҳеч қандай асос бўлмаса, бу каби муаллақ ҳадисларни «муаллақ мутлақ мардуд» («рад этилган мутлақ муаллақ») ҳадис деб атаганлар ва уларни «Саҳиҳ» ҳадис тўпламларига киритмаганлар.

Саҳиҳ саналган муаллақ ҳадисларда одатда исноддаги номи тушиб қолган ровийдан кейинги ривоятчидан «деди», «зикр қилди», «ҳикоя қилиб берди», «буюрди» каби аниқликни ифодалайдиган сўзлар воситасида ҳадис узатилган бўлади. Аммо муҳаддислар саҳиҳ санамаган муаллақ ҳадисларга эътибор берилса, улар одатда исноддаги номи тушиб қолган ровийдан кейинги ривоятчидан «айтилади», «ҳикоя қилинади» ёки «зикр қилинади» каби ноаниқ, қатъиятсизлик билан айтилган сўзлар воситасида айтилган бўлади ва шу сабабли ҳам улар саҳиҳ ҳадислар қаторига киритилмайди. Муаллақ ҳадислар орасида саҳиҳи бўлгани каби ҳасан, заиф каби турлари ҳам мавжуд.

Муаллақ ҳадислар иснодда нечта ровий тушиб қолганига қараб турлича бўлади: 1) санади тўлиғича тушиб қолган; 2) саҳобадан бошқа ровийлар тушиб қолган; 3) саҳоба ва тобиийдан бошқа ровийлар тушиб қолган ҳадислар.

«Мурсал» сўзининг луғавий маъноси «юборилган», «отилган», «ташланган» бўлиб, истилоҳда исноднинг охирида тобиийдан кейин турган ровий (саҳоба) тушиб қолган ҳадисга айтилади.

Мурсал ҳадиснинг иснодида тобиий «Расулуллоҳ шундай дедилар», «бундай қилдилар» ёки «хузурларида бундай бўлди» деб у кишини гўё ўз кўзи билан кўргандек қилиб айтади. Ваҳоланки, тобиий ҳадисни бевосита Расулуллоҳдан эшитмаган, балки бирор саҳобадан эшитган, аммо саҳобанинг номини айтмай ҳадисни ривоят қилади.

Мурсал ҳадиснинг бир неча хил кўринишлари мавжуд:

1) Расулуллоҳдан ҳадис эшитган саҳоба бошқа саҳобадан эшитган ҳадисини ҳам бевосита Расулуллоҳдан деб ривоят қилган мурсали. Масалан, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Зубайр каби ёш саҳобалар Пайғамбар (с.а.в.)ни ўзларининг ўспиринлик даврларида кўрганлар ва суҳбатларида бўлганлар. Улар кўплаб ҳадисларни бевосита Расулуллоҳдан эшитганлар. Шунингдек, бир қанча ҳадисларни билвосита, яъни бошқа саҳобалардан ҳам эшитиб ўрганганлар. Аммо уларни ҳам ўзлари бевосита эшитгандек қилиб ривоят қилганлар.

2) Расулуллоҳни кўрсда, ҳадис эшитмаган саҳобанинг мурсали. Бунда исноднинг охирида номи келган киши саҳоба экани маълум бўлгани учун унинг мазкур ҳадисни бевосита Расулуллоҳдан ривоят қилиши тўғрига ўхшаб кўринади. Аммо ровийлар тарихини яхши билан муҳаддис унинг ушбу ҳадисни бошқа саҳоба орқали эшитганини аниқлайди.

3) Муҳазрамнинг мурсали.

4) Саъид ибн Мусаййабнинг мурсали.

5) Шаъбий (ваф. 104/723 й.) ва Мужоҳид (ваф. 103/722 й.) кабиларнинг мурсали.

6) Ҳасан Басрий (ваф. 110/728 й.) каби тобиийларнинг мурсали.

7) Қатода (ваф. 118/727 й.), Зухрий (ваф. 123/741 й.), Ҳумайд каби кичик тобиийларнинг мурсаллари, уларнинг мурсали кўпинча саҳобалардан эмас, балки катта тобиийлардан ривоят қилинган бўлади.

Мурсалнинг ҳукми масаласида олимлар уч йўналишга бўлинганлар:

1) «Мурсал – заиф ва рад қилинган ҳадис» деган фикр кўпгина муҳаддис ва усул ал-фикҳ олимларига тегишли. Улар тушиб қолган ровийнинг номаълум эканлигини ва саҳоба бўлмаслиги мумкинлигини далил қилиб келтирадилар.

2) «Мурсал – ҳужжатликка яроқли саҳиҳ ҳадис» деган фикр Абу Ҳанифа, Молик ибн Анас, Аҳмад ибн Ҳанбал каби олимларга тегишли. Мазкур ҳолатда ҳадисни бевосита Расулуллоҳдан ривоят қилувчи киши албатта сиқа (ишончли) бўлиши ва худди шундай бошқа бир

сиқа ровийдан эшитган бўлиши шарт қилинади. Чунки сиқа тобиий бошқа бир сиқа ровийдан эшитмаган нарсасини «Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар» деб айтмайди.

3) «Мурсал – бир қанча шартлар билангина ҳужжатликка яроқли бўлади» деган фикр Имом Шофийи каби олимларга тегишли. Улар қўйган шартлар тўртта бўлиб, учтаси ривоят қилувчига, биттаси эса мурсал ҳадисга қаратилган: 1. Мурсалнинг ровийси (мурсил) тобиийларнинг улуғларидан бўлиши. 2. Мурсил кимдан эшитганини айтса, уни сиқа деб атаган бўлиши. 3. Ишончли муҳаддисларнинг ривояти ҳам лафз, ҳам маъно жиҳатидан ушбу мурсалга зид бўлмаслиги. 4. Юқоридаги уч шартга қуйидаги шартлардан бирортасининг қўшилган бўлиши: а) мурсал ҳадис бошқа бир жиҳатдан муснад, яъни исноди бутун ҳолда ривоят қилиниши; б) ушбу мурсал ҳадисни қўллаб-қувватлаб келувчи яна бир мурсал ҳадис мавжуд бўлиши; в) ушбу мурсал ҳадис бирор саҳобанинг сўзига ёки амалига мос келиши; г) жуда кўп олимлар ушбу мурсалга мувофиқ фатво берган бўлишлари. Агар мана шу шартларнинг барчаси мавжуд бўлса, мурсалнинг саҳиҳлиги маълум бўлади.

Мурсал ҳадислар қўллаб ҳадис тўпламларида, жумладан, «Саҳиҳ» асарларда ҳам келган. Шунингдек, уларни алоҳида тўплам шаклида ҳам жамлаганлар. Масалан, Ибн Аби Ҳотам Тамимий (ваф. 327/939 й.) ўзининг «Маросил» номли асарида айнан мурсал ҳадисларни келтирган.

«Муъзал» заиф ҳадиснинг яна бир тури бўлиб, бу сўз луғатда «мушкул», «қийин қилинган», «узиб қўйилган» маъносини беради, муҳаддислар истилоҳида эса иснодидан иккита ва ундан кўп ровийлар кетма-кет тушиб қолган ҳадисга айтилади. Масалан, Қаънабий машҳур муҳаддис олим Имом Моликнинг Расулуллоҳдан ривоят қилган ҳадисини келтиради. Унда Имом Молик мазкур ҳадисни «Менга Расулуллоҳдан етиб келди», деб тўғридан-тўғри ривоят қилган. Ушбу ҳадисда жумладан шундай дейилади:

– Бирор бир Пайғамбар йўқки, қўй боқмаган бўлса. – Шунда одамлар сўрадилар:

– Сиз ҳам қўй боққанмисиз? – Расулуллоҳ (с.а.в.):

– Мен ҳам, – деб жавоб бердилар.

Молик билан Расулуллоҳ ўрталарида бир неча ровийлар кетма-кет тушиб қолган, шунинг учун ушбу ҳадис муъзал ҳисобланади.

Муъзал – «мунқати’», яъни исноди узилган ҳадисларнинг бир қисми бўлиб, ўзига хос жиҳатларга эга, аммо ҳар қандай «мунқати’» ҳадис «муъзал» бўлмайди. «Муъзал» билан «муаллақ» бир-бирига ўхшаса-да уларнинг орасида фарқ мавжуд. Агар исноднинг бошидан кетма-кет иккита ровий тушиб қолган бўлса, ҳадис бир вақтнинг ўзида ҳам «муъзал» ҳам «муаллақ» бўлади. Аммо исноднинг ўртасидан иккита ровий кетма-кет тушиб қолса, ҳадис фақат «муъзал» бўлади, «муаллақ» бўлмайди. Исноднинг бошидан фақат бир ровий тушиб қолса, бу ҳадис «муаллақ» бўлади, «муъзал» бўлмайди. Муъзал заиф ҳадис бўлиб иснодда иккитадан кўп ровийнинг тушиб қолганлиги туфайли, у мурсал билан мунқати’дан ҳам даражаси паст.

«Мунқати’» ҳам заиф ҳадис тури бўлиб, бу сўз луғатда «узилган», «кесилган» маъноларини беради, муҳаддислар истилоҳида эса иснодида узилиш содир бўлган ҳадисга айтилади. Бу узилиш исноднинг боши, ўртаси, охирида бўлиши мумкин. «Муаллақ», «мурсал» ва «муъзал» ҳадисларнинг иснодида узилиш бўлгани учун ҳам мунқати’ жумласига киради. Бироқ олимлар «мунқати’»ни «мурсал», «муаллақ» ёки «муъзал»нинг шартларига тўла мувофиқ бўлмаганлиги учун алоҳида бир тур сифатида истилоҳга киритганлар.

«Мунқати’» («кесилган», «узилган», «боғланмаган») ҳадис тури исноднинг бошидан, охиридан ёки ўртасидан ровийларнинг тушиб қолган ҳолатларининг барчасига айрим муҳаддис уламолар томонидан берилган ном. Улар «мурсал», «муаллақ» ва «муъзал» ҳадисларнинг барчасини «мунқати’» деб атаганлар.

«Мудаллас» ҳам заиф ҳадис тури бўлиб, у луғатда «айби яширинган», «қоронғу», «номаълум» маъноларини беради, истилоҳда эса иснодларнинг айбини яшириш, зоҳирини яхши қилиб кўрсатишни англатади. Мудаллас икки қисмга бўлинади: 1) тадлис ал-иснод ва 2) тадлис аш-шуюх.

«Тадлис ал-иснод» – бу «иснодни яшириш» бўлиб, бунда бирор ровий ўзи кўрган ва ҳадис эшитган ровийдан ундан эшитмаган, яъни бошқадан эшитган ҳадисини ривоят қилади ёки ўзига асрдош бўлиб, учрашмаган кишидан ривоят келтирган бўлади. Бундай ҳолда ровий ўзи ҳадис эшитган шайх номидан бошқа шайхдан эшитган нарсасини ривоят қилади ва бу билан иккинчи, яъни ҳадис эшитган шайхини тушириб қолдиради. Шунинг учун бундай ҳадисларда ровий ёлгончи бўлиб қолмаслик учун «самийту» (эшитдим) ёки «ҳаддасано» (бизга

сўзлаб берди) демайди, балки мажҳулликни билдирадиган «қийла» («айтилди»), «рувия» («ривоят қилинди») ёки «ъан...» («...дан») каби лафзларини ишлатади. Шунда тушириб қолдирган ровийлар сони бир ёки ундан кўп бўлиши мумкин.

«Тадлис аш-шуюх» – «устозни яшириш» бўлиб, унда ровий ўзи кўришган ва ҳадис эшитган устозини маълум қилмаслик учун уни машҳур бўлмаган кунyasi, нисбasi ёки сифати билан зикр қилади. Агар ровий бошқа бир заифроқ ровийдан ҳадис ривоят қилиб, «бир зобит ҳофиз» ёки «аллома муҳаддис» бизга сўзлаб берди, деб унинг заифлигини яширса ва камчилигини очик зикр қилмаса ҳам тадлис бўлади. Масалан, муҳаддис Ибн Салоҳ имом Хатиб Бағдодийнинг асарларида Абулқосим Азҳарий, Убайдуллоҳ ибн Абулфатҳ Фосий, Убайдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Усмон Сайрафий деган кишилардан ривоят қилгани ва аслида эса уларнинг барчаси Хатибнинг бир устози эканини келтиради.

Ҳадис илмида бир-бирига ҳадис узатган ровийлар ўзаро учрашганлиги аниқ бўлмаса ҳам уларнинг ривояти қабул қилинмайди. Мудаллас ривоятларни Хатиб Бағдодий (ваф. 463/1071 й.) «ат-Табйин ли-асмо ал-мудаллисин» асарида жамлаган.



3. Ровийда «забт»нинг йўқлиги туфайли рад этилган ҳадислар. «Забт» деб ровийнинг ривоят қилаётган ҳадисини аниқ билишига айтилади. Ровий эшитган ҳадисларни бирор камчиликсиз ёки ортиқча қўшимчаларсиз бошқаларга ривоят қила олса, уни «забт эгаси» дейилади. «Забт» атамаси ҳадисларнинг хатосиз ёзилиш маъносида ҳам қўлланилади.

Агар ровийда забт бўлмаса қуйидаги турлар келиб чиқади:

«Мудраж» – луғатда «ичига киритилган» маъносини билдиради, истилоҳда эса, ҳадис матнида бўлмаган сўзни унга қўшиб юборилиши ёки иснод тартибини ўзгартиришга айтилади. Мудражнинг икки хил кўриниши мавжуд:

1) «Мудраж ал-иснод» («исноди мудраж») – исноднинг тартибида ўзгариши бўлган ҳолат ҳисобланади. Чунки ровий иснодни зикр қила туриб, нима сабабдандир ўзидан бирор сўзни қўшиб юборади, бошқалар эса уни ушбу исноднинг матни деб ўйлайдилар ва шундай ҳолда ривоят қиладилар. Масалан, Собит ибн Мусо: «Кимки кечаси кўп намоз ўқиса, кундузи юзи чиройли бўлади» деган гапни ривоят қилар эди. Бироқ аслида Собит ибн Мусо Қози Шарийк ибн Абдуллоҳ

ҳадисдан дарс айтаётган вақтда ҳузурига киради ва шунда Шарийк: Бизга Аъмаш Абу Суфёндан сўзлаб берган, у Жобир (р.а.)дан, Жобир (р.а.) деди: «Расулуллоҳ (с.а.в.) дебдилар», деб тингловчилар ёзиб олишлари учун бир оз сукут сақлайди ва Собитга кўзи тушиб, унинг таквоси ва парҳезкорлигини назарда тутиб, «Кимнингки тунги намоzlари кўп бўлса, кундузи юзи чиройли бўлади», деган сўз билан Собитнинг хулқини тавсифлаб беради. Собит унинг гапини юқоридаги исноднинг матни деб ўйлаб шундайлигича ривоят қилади;

2) «Мудраж ал-матн» («матни мудраж») – ҳадис матнида бўлмаган сўзнинг кириб қолишига айтилади. «Мудраж ал-матн» уч қисмдан иборат:

а) мудраж, яъни қўшилган сўз ҳадиснинг бошида бўлади. Масалан, Хатиб Бағдодий саҳоба Абу Ҳурайрадан Расулуллоҳнинг ушбу ҳадисларини ривоят қилган: «Таҳоратни мукаммал қилинглар. Товонларга дўзахдан вайл бўлсин». Бу ҳадисдаги «Таҳоратни мукаммал қилинглар» жумласи Абу Ҳурайра томонидан айтилган. Имом Бухорий ўзининг «ал-Жоме ас-саҳиҳ» асарида бу ҳадиснинг биринчи қисми Абу Ҳурайранинг сўзи эканини ажратиб кўрсатган;

б) мудраж ҳадиснинг ўртасида бўлади. Масалан, Имом Бухорий Оиша (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: «Расулуллоҳ (с.а.в.) Ҳиро Ғорида кетма-кет бир неча тун таҳаннус – ибодат қилиш – билан шуғулланганлар» деганлар. Бу ердаги «ибодат қилиш» жумласи ровий Имом Зухрийга оид ҳисобланади. Бу каби ҳолат ҳадис бошида мудраж келишидан кўра камроқ учрайди;

в) ҳадиснинг мудраж қисми матннинг охирида бўлади. Масалан, Имом Бухорий ва Муслим Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: «Кимки Аллоҳга ширк келтириб ўлса, дўзахга киради, кимки Аллоҳга ширк келтирмай ўлса, жаннатга киради». Бу ҳадисдаги «кимки Аллоҳга ширк келтирмай ўлса, жаннатга киради» деган жумла Абдуллоҳ ибн Масъудга тегишли. Бу мудражнинг энг кўп учрайдиган туридир.

Мудраж ҳадислар пайдо бўлишининг турли сабаблари бўлган. Жумладан, ровий бирор шаръий ҳукмни баён қилаётганда ўз сўзидан сўнг ҳадисни ажратмай айтиб кетади. Натижада эшитувчи унинг сўзини ҳам ҳадис матни каторида ёдлаб олади. Бунда ровий ҳадисдан шаръий ҳукм чиқарган бўлади. Баъзан эса ҳадисдаги тушунарсиз сўзни ўз ибораси билан шарҳлаб кетади. Оқибатда бу шарҳни ҳам кейинги

ровий ҳадисдан деб қабул қилади. Аслида уламолар ровийнинг қасддан «идрож» қилишини, яъни ҳадисга бегона сўзни қўшиб юборишини ҳаром деб ҳисоблаганлар. Аммо бирор тушунарсиз сўзни шарҳлаш мақсадида айтилган гап бўлса жоиз, деб истисно қилганлар. Бу бўйича Хатиб Бағдодий (ваф. 463/1071 й.) «ал-Фасл ли-л-васл ал-мудраж фи-н-накл» («Ҳадис накл қилишдаги мудражларни тушуниб етиш боби») асарини ёзган.

«Мақлуб» турдаги ҳадис ҳам ровийнинг забти бўлмаган ҳолда пайдо бўлади. «Мақлуб» сўзи луғатда «ўзгарган», «ўғирилган» маъносини билдиради, муҳаддислар истилоҳида эса ҳадис исноди ёки матнидаги бирор лафзнинг бошқаси билан ўзгартирилиши ҳисобланади. Шунингдек, матннинг олдинги қисмини кейингисига ёки аксинча кейинги ўрин олдинига алмаштирилишига ҳам айтилади. Мақлуб икки қисмга бўлинади:

1) «Мақлуб ас-санад» («санаддаги мақлуб»). Бунда ҳадиснинг исноди ўзгаришга учраган бўлади. Унинг икки хил кўриниши мавжуд: а) бир ровийнинг исмини ундан кейинги исм билан ёки отасининг исми билан ўрни алмаштирилиши; Масалан, Каъб ибн Муррани бир ровий Мурра ибн Каъб деб ўзгартириб ривоят қилади; б) ровий бир шахсни бошқаси билан қасддан алмаштириб қўяди; масалан, Солимнинг ўрнига Нофеъ деб. Агар ҳадисда бу ҳолат кузатилса, ҳадис ўғирлаб олинган деб юритилади.

2) «Мақлуб ал-матн» («матндаги мақлуб»). Бу алмаштириш матнда учраб, унинг ҳам икки кўриниши мавжуд: а) ровий ҳадиснинг кейинги бўлагини аввал, олдинги бўлагини эса кейин айтиб, ўрнини алмаштириб қўяди. Масалан, Имом Муслим ривоят қилган «ўнг қўли берган садақани чап қўли билмайди» деган ҳадисни «чап қўли берган садақани ўнг қўли билмайди», деб ўзгартирилган; б) ровий бир ҳадис иснодини бошқа ҳадиснинг матнига алмаштиради, бунинг матнини эса аввалгисининг иснодига қўйиб ривоят қилади. Бундай ҳолатни олимларни имтиҳон қилиб синаш вақтида кўриш мумкин. Масалан, бир гуруҳ бағдодликлар Имом Бухорийни имтиҳон қилиш мақсадида 100 та ҳадиснинг санад ва матн ўринларини алмаштириб синаганлар.

Мақлуб қилиш ҳолларини келтириб чиқарадиган сабаб бир нечта бўлиб, улар: 1) одамларни ўз ҳадисини олишга тарғиб қилиш мақсадида амалга оширилган ва бу ҳолат ҳадисда ўзгариш юз бергани учун муҳаддислар томонидан тақиқланган; 2) беихтиёр ровий томонидан

адашиб, хато қилиб алмаштирилган; 3) бирор муҳаддис ёки талабанинг хотираси ва билимини имтиҳон қилиш учун бўлиб, олимлар ҳадиснинг хатоси ордидан тўғриси ҳам эълон қилиш шарт билан имтиҳон жараёнида рухсат берганлар.

Маклуб ҳадислар бўйича Хатиб Бағдодий (ваф. 463/1070 й.) «Рофеъ ал-иртиёб фи-л-маклуб мин ал-асмо ва-л-алкоб» («Исм ва лақаблар маклубларидаги шак-шубҳаларни кўтариш») асарини ёзган.

«Музтариб» турдаги ҳадис ҳам ровийнинг забти бўлмаган ҳолда келиб чиқади. «Музтариб» сўзи луғатда «шикаста», «тартиби бузилган» маъноларини бериб, истилоҳда ишончилиги жиҳатидан бир хил кучга эга, аммо маъно жиҳатидан бир-бирига зид бўлган икки турли йўллар билан ривоят қилинган ҳадис.

«Мусахҳаф» ҳам забтнинг йўқлигидан келиб чиқадиган ҳадис тури. «Мусахҳаф» сўзининг луғавий маъноси «саҳифани ўзгартириб хато ўқилган», «хатога йўл қўйилган» бўлиб, истилоҳда маъно ёки лафзи сика (ишончли) ровийлар ривоят қилган ҳадисдан бошқача қилиб ўзгартирилган сўздир.

Ҳадис илмида ҳадисларга қўйилган талабнинг кучлилиги шуни кўрсатадики, уни ривоят қилувчи ровийда «забт» бўлмаса, бундай ривоятлар ишончли деб қабул қилинмайди.



4. Ровийнинг айбланиши сабабли рад этилган ҳадислар.

Ҳадисларнинг ишончилилик даражасини белгилаш ёки уларни рад этишда ривоят қилувчи ровийларнинг ёлғончилик, бидъатчилик, фосиқлик, бепарволик, жоҳиллик, кўп хато қилиш каби камчилик ва нуқсонларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Турли сабабларга кўра пайдо бўлган сохта ҳадислар араб тилида «мавзуъ» деб юритилади. У «қўйилган», «ўрнатилган», «пасайтирилган», «ташланган», «тарк этилган», «сохта» маъноларини билдиради. Муҳаддислар истилоҳида Расулulloҳга нисбат берилиб тўқилган ёлғон сўзларни билдиради. Баъзи олимлар мавзуъ ривоятни заиф ҳадисларга киритмай, алоҳида мустақил тур деб ҳисоблайдилар. Зеро «Ким менинг номимдан қасддан ёлғон ҳадис айтса, ўзига дўзахдан жой тайёрлайверсин» деган ҳадисга биноан бу турдаги ривоятлар ҳадисларнинг энг ёмони ҳисобланади.

Имом Муслим ривоят қилган «Кимки бирор сўзнинг ёлғонлигини била туриб мендан сўзласа, у ҳам ёлғончилардан саналади» деган ҳадисига биноан ривоятнинг сохталигини билган ҳар қандай кишига

ушбу ҳадисни ривоят қилиш мумкин эмас. Бироқ, фақатгина илм аҳли орасида бунинг «мавзуъ» эканини таълим жараёнида баён этиб ривоят қилиш мумкин.

Шунингдек, «мавзуъ ҳадис» атамасини ишлатиш борасида олимлар икки гуруҳга бўлинган. Бири, бу атама ишлатилмайди, чунки ҳадис истилоҳий маънода Расулуллоҳга нисбатан ишлатилади, бу эса тўқилгандир, деса, бошқа гуруҳ, «ҳадис» сўзининг истилоҳий маъносидан қочиб, унинг луғавий маъноси «сўз»ни кўзлаган ҳолда ишлатиш мумкин дейди, яъни «мавзуъ ҳадис – сохта сўз» деб.

Аввалги муҳаддислар (X асргача) асосан ишончли ҳадисларни жамлаган бўлсалар, кейинги муҳаддислар (X аср ва ундан кейин) заиф ҳадислардан сўнг сохта ривоятларни ҳам алоҳида гўплаганлар. Улардан Ибн Жавзий (ваф. 597/1201 й.), Суютий (ваф. 911/1506 й.), Алиюл Қорий (ваф. 1014/1606 й.) каби олимларнинг асарлари машҳурдир.

Пайғамбар (с.а.в.) вафотларидан кейин ҳадисларни соф, асл ҳолида сақлаб қолишни саҳобалар ўз олдиларидаги муҳим вазифалардан бири деб билдилар. Чунки бунинг бир томондан ҳадисларни кейинги авлодга ўзгармаган ҳолда етказиш зарурати тақозо этган бўлса, иккинчи томондан янги шаклланган мусулмон жамияти орасига сохта ҳадислар тўқиш орқали турли низо ва ихтилофларни солиш ниятида бўлган фитначилар ҳаракатига чек қўйиш лозим эди. Жамиятдаги бирликка раҳна солувчи мунофиқлик ҳаракатларининг асл мақсад ва моҳиятини тушуниб етган дастлабки икки халифа Пайғамбар номидан гапиришни, яъни ҳадис ривоят қилишни чеклашга қарор қилдилар. Бу қарор бошқа саҳобалар томонидан ҳам маъқулланди. Энди ким ҳаддан ортиқ кўп ҳадис айтса, ўша мунофиқ ҳисобланар эди. Бу тадбир самарали натижа берди: жамиятда Пайғамбар номидан гапириб, турли миш-мишларни тарқатишга барҳам берилди.

Бироқ вақт ўтиши билан ислом динининг тарқалиши ва мусулмонлар сонининг ортиши натижасида жуда кўплаб кишиларнинг ҳадис илми талабида сафар қилиши ривожланиб кетди. Шу сабабдан халифалар Усмон ибн Аффон ва Али ибн Аби Толиб даврларига келиб ҳадисларни камроқ ривоят қилиш амалиёти ўз-ўзидан барҳам топди. Ҳадис илмининг илк марказлари бўлган Мадина ва Макка шаҳарларига келаётган тобиийларга ҳадисларни ўргатиш саҳобаларнинг асосий машғулотлардан бирига айланди. Бундан фойдаланган мунофиқлар аста-секин мусулмонлар орасида иғво сўзларини тарқатиб, турли

низоларни келтириб чиқара бошладилар. Мусулмонлар орасида ҳар хил гуруҳларга бўлиниш юзага келди. Натижада сохта ҳадислар пайдо бўла бошлади.

Пайдо бўлган ҳар бир фирқа ўз йўли тўғрилигини исботлаш учун ўзига ҳадислардан далиллар кидирарди. Агар далил топилмаса, ўзларининг ҳақ эканликларини кўрсатиш учун ҳадислар тўқиб чиқара бошладилар.

Ҳадисларни тўқиб чиқаришда турли гуруҳлар ўзига хос ёндашганлар. Ҳадис илмига оид манбаларда таъкидланишича, хорижийлар «ёлғон гапирувчи – кофир» деб ҳисобласалар-да, ўз кучлари ва қуролларига таянганлари учун ҳадисларни бошқа оқимлардан кўра камроқ тўқиганлар. Масалан, бир хорижий тавба қилиб, «агар биз бир ишни хоҳлаб қолсак, уни ҳадисга айлантирар эдик», деган.

Шиаликда ҳам ҳадис тўқиш амалиёти кенг тарқалган эди. Шиаликдаги «Али ҳозир ҳам тирик, қайтиб келиб ерни адолатга тўлдиради», деган ва Расулulloҳдан кейин Алининг нубуввати ҳақидаги ақидалар кўплаб ҳадисларнинг тўқиб чиқарилишига асос бўлган. Масалан, «Али – башариятнинг энг яхшиси, ким шак қилса кофир бўлибди», каби мазмундаги ҳадислар тўқилган.

Муътазилийлар орасида ҳам ҳадис тўқиш ривожланган эди. Масалан, «Кимки фалон сурани ўқиса, фалон амални қилса, жаннатда ўзига етмиш мингта қаср қурибди. Ҳар бир қасрда етмиш мингта хона мавжуд. Ҳар бир хонада етмиш мингта тўшак мавжуд. Ҳар бир тўшакда етмиш мингта ҳур мавжуд» каби ҳадисларни тўқиганлар.

Умуман олганда, сохта ҳадисларнинг тўқилишига сабаб бўлган бир неча омиллар мавжуд. Уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

1) Ўзларини такводор зоҳид киши деб билган баъзи кишилар одамларни яхшиликка тарғиб қилиш, ёмонликдан қайтариш мақсадида гўёки «яхши ниятда» ҳадис тўқиганлар. Одамлар эса уларнинг ташқи кўринишларига ишониб, уларнинг тўқиганларини ҳадис деб қабул қилганлар. Уларнинг келтирган зарарлари жуда кўп эди. Зеро бу иш кўпчиликнинг ақидавий жиҳатдан адашишига сабаб бўлди. Масалан, ровий Абу Исмаил Нух ибн Аби Марямдан нима сабабдан Қуръони карим фазилатлари ҳақида оятма-оят, сурама-сура ҳадис тўқигани сўралганда, у «одамларнинг Абу Ҳанифа фикҳи ва Ибн Исҳоқнинг «Сийрат»и билан шуғулланиб кетиб, Қуръондан узоқлашгани учун», деб жавоб берган.

2) Ўз мазҳабларининг бошқаларидан устун эканлигини исботлаш мақсадида хорижийлар, шиалар ва шу каби сиёсий ва ақидавий фиркалар турли ҳадисларни тўқиганлар. Масалан, шиалар орасида «Али башариятнинг энг яхшиси, ким шубҳа қилса, кофир бўлади», деган сохта ҳадис тарқалган.

3) Айрим фитначилар жамиятдаги бирликни йўқотиш, аҳоли орасида беқарорликни пайдо қилиш мақсадида турли ҳадисларни тўқиганлар. Улар орасида бир халифанинг бошқасидан устунлиги ёки айрим халифаларнинг ноқонуний ҳокимиятга келгани ҳақидаги сохта ҳадислар кўп учрайди.

4) Баъзи кишилар подшоҳ ва ҳокимларга ёқиш учун уларни мактаб ёки ишларига мослаб ҳадислар тўқиганлар. Бунга Ғиёс ибн Иброҳим Куфий билан халифа Маҳдий орасида бўлиб ўтган воқеа мисол бўлади. Унга кўра, Ғиёс ибн Иброҳим халифа хузурига кирган вақтда Маҳдий кабутар ўйнаб ўтирган экан. Шунда Ғиёс ибн Иброҳим: «Мусобақа фақат мерганлик, чопиш, от чоптириш ё қанотлиларда мумкин», деган ҳадисни айтади. Бу аслида ишончли ҳадис бўлиб, фақатгина «қанотлилар» лафзи Ғиёс ибн Иброҳим томонидан Маҳдийга қарата тўқиб айтилганди. Буни билгач Маҳдий, «Мен ҳадисга шу сўзнинг қўшилиб қолишига сабабчи бўлдим», деб кабутарларни сўйишга амр этган.

5) Айрим қиссачилар одамларга қизиқарли ҳикояларни айтиб бериш ва уларнинг эътиборини кўпроқ тортиб тирикчилик қилиш мақсадида ҳадислар тўқиганлар. Абу Саид Мадоиний каби кишилар ўзлари ривоят қилаётган қиссани янада бойитиб ва бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилиб ҳадис тўқиган эдилар. Шунинг учун ҳам қиссалар келтирилган асарларнинг аксариятига таяниб бўлмайди.

6) Баъзи кишилар бирорта ҳам муҳаддис билмайдиган ҳадислар тўқиб одамлар орасида шуҳрат қозонмоқчи бўлганлар.

Муҳаддислар «мавзуъ» ривоятларни ҳадислардан ажратиб аниқлаш йўллариини ишлаб чиққанлар, яъни мавзуъ ҳадисларни саҳиҳ ва ҳасан, ҳатто заиф ҳадислардан ажратиб олиш борасида олимлар қоидалар жорий қилганлар. Қоидалар кўп бўлса-да, улардан саккизтаси машҳур ва улар хабарнинг сохталигини аниқлаб олишга етарли ҳисобланади. Улар:

1) Ёлғон ҳадис тўқиган кишининг ўзи иқрор бўлиши орқали. Масалан, Абу Исмаил Нух ибн Аби Марямнинг ўзи иқрор бўлиб шундай

деган: «Одамлар Куръондан юз ўгириб, Абу Ҳанифанинг фикҳи, Ибн Исҳоқнинг қиссалари билан машғул бўлганликларини кўриб ва уларни қизиқтириш учун саҳоба Абдуллоҳ ибн Аббос номидан Куръон сураларининг фазилатлари тўғрисида ҳадис тўқидим».

2) Ривоят қилинган матннинг лафзи ва маъносида заифлик бўлиши натижасида. Муҳаддислар кўп ўринларда ҳадиснинг маънодаги ғализлик, саёзликка эътибор берадилар. Чунки бу ҳолат ривоятнинг сохталигини аниқлашда далил бўла олади. Шунингдек, Пайғамбар (с.а.в.)нинг суннати ва сийратларини пухта билган муҳаддисларгина эшитаётган ҳадисининг сохта ёки сохта эмаслигини қалбан англаб ета олганлар.

3) Ривоят қилинган маъно ақлга, тажрибага, умумий қоидаларга ёки мулоҳазага зид бўлиб, уни шарҳлаб бўлмаслиги. Масалан, Абдурахмон ибн Зайд ибн Аслам: «Нух кемаси Каъбани етти марта тавоф қилган ва мақоми Иброҳимда икки ракат намоз ўқиган», деган ривоятни айтган.

4) Куръон ва суннатда келган ақидага очиқ хилоф бўлиши. Масалан, «Мен Набийларнинг охири, мендан сўнг набий келмайди, агар Худо хоҳласа бўлади» деган ривоят.

5) Пайғамбар (с.а.в.) замонида ёки у кишидан кейинги даврлардаги бўлган тарихий воқеаларга хилоф бўлиши. Масалан, Саъд ибн Муознинг гувоҳлигида «Хайбар аҳлига жизя солиғи жорий қилиниши» ҳақидаги ҳадисда, Муовия ибн Абу Суфённинг хатига биноан Хайбар яҳудийларига жизя солиғи жорий этилган ва улар мажбурий ишдан озод қилинганлиги айtilган. Тарихий маълумотга кўра, Хайбар йили жизя маълум бўлмаган ва буюрилмаган. Жизя ояти анча кейин, Табук воқеасидан сўнг нозил бўлган ва Саъд ибн Маоз Табукдан олдин Хандақ ғазотида вафот этган, Муовия эса ҳали мусулмон эмас эди.

Шунингдек, ровий шайх билан учрашмаган, бир даврда яшамаган ёки ровий туғилишидан олдин вафот этган бўлади ҳамда ровий шайхдан эшитганлигини даъво қилаётган жойда бўлмаган бўлади, яъни тарихий ва географик талабларга жавоб бермайди. Масалан, ровий ҳадисни Куфада эшитдим дейди, бироқ ҳадис айтган шайх у жойга бормаган бўлади ва шунга ўхшаш ҳолатлар учрайди. Маъмун ибн Аҳмад Ҳаравий Ҳишом ибн Аммордан хижрий 250 йилда Шомда ҳадис эшитганлигини даъво қилган. Ривоятга кўра, Маъмун хижрий 250 йилда Шомда бўлган. Ҳишом эса 245 йили вафот этган.

6) Ривоят қилинаётган матн қўпчилик хабардор бўладиган даражада улкан ишдан хабар берувчи бўлса-да, ёлғиз бир киши ёки гуруҳ томонидан ривоят қилинган. Масалан, Расулуллоҳ (с.а.в.) Видолашув ҳажидан қайтаётганда Али ибн Абу Толибнинг қўлини ушлаб, барча саҳобалар олдида, шундай деганлар: «Бу болам ва биродарим, мендан сўнг халифа бўлади, унга қулоқ солиб итоат қилинглار». Буни саҳобалардан ҳеч ким ривоят қилмаган.

7) Ривоят қилинган хабарда кичик бир иш учун қаттиқ азоб билан қўрқитилган бўлади ёки бир оддий ишга ҳам катта мукофотлар ваъда қилинган бўлади. Кичик бир мустаҳаб амал учун жаннатда абадий қолиш ҳамда минглаб ҳурларнинг ато этилиши ёки биргина мустаҳаб амални тарк этса ёки макруҳ ишни қилса дўзахда абадий қолиши тўғрисидаги ҳадис ва ривоятлар шулар жумласидандир. Масалан, «Кимки «Зуҳо» намозини фалон-фалон ракат ўқиса, унга етмиш пайғамбар савоби берилади» ҳамда «Қорни оч одамга берилган бир лўқма таом мингта жомеъ масжид қургандан афзал» ҳадиси.

8) Ҳадиснинг ишончли ҳадис ривоят қилиш салоҳияти йўқ, ёлғончиликда машҳур бўлган ва нафсига эргашган киши томонидан ривоят қилиниши. Масалан, Сайф ибн Умар Тамимий ривоят қилади: Саъид ибн Ториф олдида ўтирган эдим. Боласи мактабдан йиғлаб келиб қолди. Отаси: «Сенга нима бўлди», деб сўради. Бола: «Устозим урди», деди. Саъид: «Бугун уларни хафа қиламан», деди ва менга Икрима Ибн Аббосдан шундай марфуъ ҳадис айтди: «Болаларингизнинг устозлари сизларнинг ёмонларингиздир, етимларга жуда кам раҳм қиладилар ва камбағалларга қўпол бўладилар», деди.

Ровийларнинг айбланиши сабабли рад этилган ҳадисларнинг кейинги тури «матрук» ҳисобланади. Унинг луғавий маъноси – «тарк этилган», «ташландик»дир. Муҳаддислар истилоҳида эса иснодида ёлғончиликда айбланган ровий бўлган ҳадисга айтилади.

Ровийларнинг айбланиши сабабли рад этилган ҳадисларнинг яна бир тури «мункар» бўлиб, «инкор қилинган» маъносини билдиради. Истилоҳда эса, ровий жуда ҳам қўпол хато қилган, ғофил ёки фосиқ бўлган кишининг ривоятига айтилади. Баъзи муҳаддислар эса, мункар ҳадис заиф ровийнинг сиқа ровийга хилоф равишда қилган ривоятидир, деганлар.

ҲАДИС:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ:
مَنْ كَذَبَ عَلَيَّ مُتَعَمِّدًا فَلْيَتَّبِعُوا مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ

**Расулulloҳ с.а.в. айтдилар: Кимики менинг номимдан
ёлгон ҳадис тўқиб тарқатса, дўзахнинг хоҳлаган еридан
ўзига жой танлайверсин!**



Мавзу бўйича саволлар

1. Ҳадислар нима сабабдан рад қилинади?
2. Қандай ҳадислар «заиф» деб аталади?
3. Иснодда ровийнинг тушиб қолиши кўра қандай урларга бўлинади?
4. Ровий хотирасининг заиф эканига кўра қандай иснод турлари мавжуд?
5. «Мавзу» ҳадисга қандай таъриф берилган?
6. Ривоятнинг сохталигини аниқлаш учун қандай қоидалар ишлаб чиқилган?
7. Мавзу ҳадис тўқишнинг қандай сабаблари бор эди?
8. Қандай ҳадисларга матрук ва мункар атамаси ишлатилади?



Топшириқлар

1. Заиф ҳадисларга оид асарлардан намуналар келтиринг.
2. Муҳаддислар асарларидан муаллақ ва мурсалларга мисоллар келтиринг.
3. Пайғамбар (с.а.в.)нинг сўзларига қўшилган бошқа сўзлари бор ҳадисларни топинг.
4. Халқ орасида тарқалган сохта ҳадисларни топинг.

Мустақил иш мавзулари

1. Заиф ҳадисларни жамлаган олимлар ва уларнинг асарлари.
2. Мурсал ҳадисларнинг мазҳабларда ишлатилиши.
3. Ровийларнинг айибларини яшириш.
4. Мудраж ва мақлубга олимлар берган таърифлари.
5. Мудтариб ва мусаххафларнинг умумий томонлари.
6. Мавзу ҳадисларни жамлаган олимлардан Жамолиддин ас-Суютий ва унинг асари.
7. Халқ орасида машхур мавзу ҳадислар.



1. Уватов У. Буюк муҳаддислар: Имом ал-Бухорий, Имом Муслим Имом ат-Термизий. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 1998.
2. Абду-л-Ҳайй ал-Лакнавий. Ар-Рафъу ва-т-такмил фи-л-жарҳ ва-т-таъдил. – Қоҳира: Дор ас-Салом, 2000.
3. Ал-Муборакфурий. Тухфат ал-Аҳвазий. Муқаддима. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. Нашр йили кўрсатилмаган. 1-жуз.
4. Ар-Ромаҳурмузий. Ал-Муҳаддис ал-фосил байн ар-ровий ва ал-войй. – Байрут: Дор ал-фикр. 1984.
5. Ас-Суютий, Жалолиддин. Тадриб ар-ровий фи шарҳ тақриб ан-Навовий. 2 жилдли. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1989.
6. Ат-Таҳонавий Зафар Амад. Муқаддамат иъла ас-сунан. 21-жилдли. – Ж. 19-21. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 1997.
7. Жалоул ад-дин ас-Суютий. Ал-Лаълаий ал-маснуа фи аҳадис ал-мавдуа. – Байрут. Дор ал-кутуб ал-илмия, 1996.
8. Муҳаммад ибн Исмоил. Субул ас-салом шарҳ булуғ ал-маром. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1998.

РЕЖА:

1. «Жарҳ ва таъдил» илмининг шаклланиши.
2. «Жарҳ ва таъдил» қоидалари.
3. «Жарҳ ва таъдил» илмига оид истилоҳлар.
4. Имом Абу Ҳанифанинг «жарҳ ва таъдил» илмидаги ўрни.



Таянч иборалар: *Жарҳ, Таъдил, Адолат, Саҳиҳ, Ҳасан, Сиқа, Мардуд, Носиҳ ва мансуҳ ҳадис*



1. «Жарҳ ва таъдил» илмининг шаклланиши. «Жарҳ» сўзининг луғавий маъноси – «жароҳат етказмоқ» ёки «айбламоқ», истилоҳий маъноси эса ровийнинг муайян камчилиги туфайли у ривоят қилган ҳадиснинг рад этилиши. «Таъдил» сўзининг луғавий маъноси – «адолатли деб билмоқ» бўлиб, истилоҳий маъноси эса ровий ривоятининг қабул қилиниши.

Ҳадис илми ривожланган IX асрга келиб, муҳаддисларнинг асосий вазифаси ҳадисларни тўқима ривоятлардан ажратиб бериш бўлиб қолди. Ушбу ишни амалга оширишда маълум тамойилларни ишлаб чиқиш тақозо этилар эди. Бир томондан мазкур даврда ҳадисларни тўқиш йўли билан уларнинг сони кўпайиб кетиши кузатилган бўлса, иккинчи томондан уларни «тўғри» ёки «нотўғри»га ажратиш бўйича услублар ҳам кўпайиб кетди. Аммо улар орасида юртимиздан чиққан буюк муҳаддислар, хусусан, Имом Бухорий, Термизий, Доримий каби олимларнинг услублари биринчи ўринда турар эди.

Саҳобалар ҳадис ривоят қилишда суннатга хатоликлар, ўзгартиришлар кириб қолмаслиги учун ўта эҳтиёткор бўлган эдилар. Аксинча динда турли фитналарнинг келиб чиқишига йўл очилиши муқаррар эди. Шу сабабли улар ҳадисларни ёдлаб олишга катта эътибор берар эдилар.

«Ал-Хулафо ар-рошидун» даврида ҳадисларни соф ҳолда сақлаб қолиш асосий муаммо бўлмаган бўлса-да, улар бу ишга ўта жиддийлик билан ёндошган эдилар. Чунки узоқни кўра билган саҳобалар агар ҳадисларни ушбу даврдан бошлаб эҳтиёт қилинмаса, озгина вақт ўтиши билан уларни нотўғри жиҳатга буриб юбориш жуда осон иш эканини тушуниб етган эдилар.

Саҳобалардан Абу Бакр, Умар, Усмон, Али (р.а.) барчалари Расулulloҳдан ҳадис ривоят қилувчи кишиларнинг ниҳоятда ҳақсўз

ва эҳтиёткор бўлишларини талаб қилар эдилар. Шунингдек, ровийлар ҳам ўз сўзларида ёлғондан узоқлашиш мақсадида баъзан билган ҳадисларини ҳам айтишдан сақланар эдилар.

Хулафои рошидинларнинг ҳадисларни бу тарзда қатъий талаблар асосида қабул қилишларининг сабаби саҳобалардан ёмон гумон қилишгани сабабли эмас, балки ислом динининг асосларидан бири бўлган ҳадиснинг мусулмон жамиятидаги ўрнини юқори баҳолаганларидан эди.

Ҳадисни «жарҳ» қилишга асос бўладиган нарсa уни ривоят қилган ровийнинг ишончли эканига монелик қилувчи айбга эга бўлиши эди. Масалан, ёлғон гапириш билан ном чиқарган кишининг ривоят қилган ҳадиси муҳаддислар томонидан қабул қилинмас эди. Бунинг учун муҳаддис ровийнинг шу каби айбларини билиш лозим эди. Шунинг учун ровийлар таржимаи ҳолларига бағишланган китобларда ана шундай маълумотлар келтирилади.

Ислом таълимотига кўра одоб юзасидан кишининг айбини очиш гуноҳ саналади. Аммо ҳадисларни сохталаштиришдан ҳимоялаш, суннатни келгуси авлодга соф ҳолда етказиш зарурати юзасидан ёлғончиликда ном қозонган кишилар ҳақидаги маълумотларни жарҳ ва таъдил илмига оид асарларда муайян одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда берилиши жорий этилди.

Заиф ва ишончсиз ҳадисларни танқид қилиш билан бир қаторда саҳиҳларини мажмуаларга йиғиш жараёни ҳам бошланиб кетди. Бу соҳада олимлар турли йўналишларда иш олиб бордилар.

Саҳобалар даврида фитналар нисбатан камроқ бўлган. Вақт ўтиши билан ислом тарихида ихтилоф, фитна, фирқаланиш ҳам кўпайиб бораверди. Ҳазрат Усмон қатл қилинганларидан сўнг икки муқобил бидъат йўналиши – Алини кофирга чиқарувчи хаворижлар ва Алини пайғамбар даражасига кўтарувчи рофиза фирқалари юзага келди. Энг кўп ёлғон ҳадис тўкувчилар рофизийлар фирқаси бўлиб ҳатто уларнинг ёлғончилиги тилларда дoston бўлди.

Натижада амир ал-муминин Али ибн Аби Толиб томонидан ҳадис ривоят қилиш учун асосий талаб сифатида фақат ишончли инсон сифатида кишилардангина ҳадисни қабул қилиб, нотаниш кишилардан ҳадис олмаслик қўйилди. Бу ўша давр учун самарали натижани берди.

Шу даврдан бошлаб иснодни талаб қилишга ва ровийнинг ишончли бўлишига асосий эътиборни қарата бошладилар. Буюк тобеинлардан

Муҳаммад ибн Сирин шундай дейди: «Дастлаб кишилар иснод ҳақида сўраб суриштириб ўтирмас эдилар. Кейинчалик ҳар хил фитналар содир бўлгач тингловчилар ровийлардан «ҳадиснинг ким ривоят қилганини айтиб беринг», деб талаб қиладиган бўлдилар. Ривоят қилган кишилар «аҳли сунна»дан бўлсалар ҳадисларини қабул қилар, агар аҳли бидъатдан бўлсалар ҳадисларини қабул қилмас эдилар.

Мусулмонлар фитнадан олдин бир-бирлари орасида ишонч, омонат бўлганлиги боис иснодини сўраб ўтирмаганлар. Ҳолбуки иснод уларга янгилик эмас эди. Чунки улар жоҳилият давридаги шеър ва қиссаларнинг санадини лозим бўлганда сўраб туришар эди. Бунга улар кичик саҳобалар ва катта тобеинлар давридаги фитналардан кейингина қатъий амал қила бошладилар. Тобеинлардан Муҳаммад ибн Сирин, «Бу илм диндир, динингизни кимдан олаётганингизга эътибор беринг!», деган.

Саҳобалар ва тобеинлар ҳадисни ривоят қилиш ва уни қабул қилишдаги тутган бу йўллари улардан кейинги муҳаддисларга ровийлар ҳақидаги маълумотларни текшириш ва ривоятларини қиёсий ўрганиш учун йўл очди.

Ровийларни текшириш натижасида энг зехни ўткир ва илмлилари маълум бўлиб қоларди. Ҳадис илмининг бошқа йўналишлари ҳам эҳтиёжга кўра такомиллашиб борди. Масалан, аввал бошда ровийнинг ўзига ишонч ва эҳтиёткорлигига эътибор берилган бўлса, кейинчалик унинг хотира кучига ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Сўнг аниқ қоидалар ишлаб чиқилди, кейин эса улар асосида ҳадислар «жарҳ» ва «таъдил» қилинадиган бўлди.

Ровийлар ҳақидаги китоблардан бири Абу Абдуллоҳ Нийсобурийнинг «ал-Музаққира ли-рувот ал-ахбор» («Хабарлар ровийлари зикри») асари эди. Унда муаллиф ровийларни ўн табақага бўлган. Унда ҳар бир даврдан тўрттадан энг ишончли шахслар номлари келтирилган ва жами қирқта ровий номи мавжуд. Биринчи табақадаги тўрт киши: 1) Абу Бакр Сиддиқ; 2) Умар ибн Хаттоб; 3) Али ибн Аби Толиб ва 4) Зайд ибн Собит. Охирги – ўнинчи табақада куйидагилар номлари берилган: 1) Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳамза Асбаҳоний; 2) Абу Али Нийсобурий; 3) Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ибн Солим Бағдодий ва 4) Абул Қосим ал-Киноний Мисрий.

Тобеинлар асри охирларида (150/767) ишончли ва ишончсиз кишиларнинг «адолати» ёки «жароҳати» ҳақида йирик уламолар ўз

фикрларини билдирган эдилар. Жумладан, 150/767 да вафот этган Имом Абу Ҳанифа шундай деган эди: «Жобир ал-Жаъфийдан ҳам ёлғончироқ инсонни кўрмаганман».

Шунингдек, Аъмаш (ваф. 148/765 й.), Шўъба (ваф. 160/777 й.), Молик ибн Анас (вай. 179/795 й.), Авзоъий (вай. 156/773 й.), Суфён Саврий (ваф. 161/777 й.), Ҳаммод ибн Салама (ваф. 167/783 й.) ва кейинги табақада Абдуллоҳ ибн Муборак (ваф. 181/797 й.), Ҳошим ибн Башир (ваф. 188/804 й.), Абу Исҳоқ Фазорий (ваф. 185/801 й.), Ибн Уяйна (ваф. 197/812 й.) каби ровийларнинг барчалари ишончли бўлиб, фақат ишончлилардан ҳадис ривоят қилганлар.

Яҳё ибн Саид Қаттон (ваф. 189/805 й.) ва Абдурахмон ибн Махдийлар (ваф. 198/813 й.) ўз даврида «икки ҳужжат» деб танилган бўлиб, улар кимни ишончли десалар «мақбул», кимни жароҳатли ҳисобласалар «мажруҳ» ҳисобланар эди. Демак, айнан мана шу олимлар биринчи бўлиб бу «жарҳ ва таъдил» илмига эътибор берган, ровий ва муҳаддислар ҳақидаги маълумотларни текширган, «заиф», «матрук» каби сифатларга ажратган эдилар.

Ҳадис ва ровийларни танқидий ўрганиб, исноднинг ишончли эканига асосий эътиборни қаратган ва аввалги муҳаддислар ишини давом эттирган кейинги табақа олимлари қаторида Язид ибн Ҳорун (ваф. 206/817 й.), Абу Довуд Таёлисий (ваф. 204/819 й.), Абдураззоқ ибн Ҳумом (ваф. 211/826 й.) ва Абу Осим Заҳҳок Набил ибн Мухаллад (ваф. 212/827 й.) каби шахсларни зикр этиш мумкин. Айни мана шу ва улардан кейинги табақа олимлари даврида «жарҳ ва таъдил» ҳамда «иллатлар» тўғрисида китоблар ёзила бошланиб, унда ровийлар ҳақидаги маълумотлар баён қилина бошлади.

«Жарҳ ва таъдил» олимлари номлари рўйхатини «ҳадис илмининг олтин даври» уламолари бўлмиш Имом Доримий ва Имом Бухорийларга қадар давом эттириш мумкин. Бу илм кейинги давр муҳаддислари томонидан ҳам давом эттирилди.



2. «Жарҳ ва таъдил» қондалари. Ҳадислар тобиийлар ва улардан кейинги авлодга фақат ровийлар орқалигина етиб келди. Шунинг учун ҳам ҳадисларнинг саҳиҳ ёки заифлигини аниқлаш айнан ушбу ровийларга бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам муҳаддислар ровийларнинг ривоят қилган ҳадислари қабул қилиниши учун ўта пухта, назик шартларни қўйганлар.

Ҳадиснинг «таъдил» қилиниши, яъни уни ишончли санаб, қабул қилиниши учун унинг иснодидаги ҳар бир ровийга бир қатор талаблар қўйилади. Жумладан:

1. *Адол* – «адолатли» бўлиши, яъни қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

- 1) Ислом – мусулмон бўлиши;
- 2) Балоғат – болиғ, яъни балоғат ёшига етган бўлиши;
- 3) Ақл – оқил, яъни ақли расо бўлиши;
- 4) Тақво – гуноҳ ишлардан сақланган тақводор бўлиши;
- 5) Амал – илмига амал қилувчи бўлиши;
- 6) ас-Саломат мина-л-фисқ – фосикликдан холи бўлиши ва ҳ.к.

Ҳадис олимлари балоғат масаласида икки хил фикр билдирганлар: 1) ровий ҳадисни эшитаётганда беш ёшга тўлган бўлиши ҳам мумкин. Асос сифатида саҳоба Маҳмуд ибн Рубайдан: «Набий (с.а.в.)дан ақл ўргандим. Челақдан сув олиб менга пуркадилар, ўшанда беш ёшда эдим», деган ҳадис келтирилади; 2) баъзилар ривоятни эшитаётганда балоғат ёшини белгиламаганлар. Бола бу пайтида ёлғон гапиришни билмайдиган ҳамда эшитган нарсасига мантиқан тўғри жавоб қайтара оладиган даражада бўлиши лозим.

Мазкур шартлар топилган ровий ҳадис илмида «адолат соҳиби», яъни ҳадисларини қабул қилиш мумкин деб ҳисобланади. Акс ҳолда унда адолат йўқ деб ҳисобланади ва унинг ривояти қабул қилинмайди.

Бундан ташқари қуйидаги икки шарт адолатнинг собит бўлишига кифоя қилади:

1) одил деб эътироф этилган олимлардан бири у ровийни ҳам одил эканига ҳужжат далил келтирган бўлиши;

2) аҳли илмлар ўртасида адолатлиги машҳур бўлиб, унга мактовлар айтилган бўлиши; бу ҳолатда ўзга бир ровийнинг у ҳақда «одил» деб ҳужжат келтиришига ҳожат қолмайди.

2. *Забт* – «зобит» (хотираси кучли), хабари аниқ бўлиши шарт. Хотираси ўта ишончли, ёдлаш қобилияти кучли, хато ва янглишишлардан холи бўлиши, ғофил бўлмаслиги ҳамда васвас, кўп гумонга, ваҳимага тушавермайдиган бўлиши лозим.

Ровий зобит ҳисобланиши учун унинг ҳадис ривоят қилишида пухта, ишончли шайхлардан олишига эътибор қаратилади. Зобит ровийлардан ривоят қилса, уни ҳам зобит деб аташ мумкин. Агар ривоят ишончли (сика) ровийларнинг ривоятига муҳолиф келаверса,

унда унинг зобитлигига халал етади, натижада унинг ривоятини хужжат қилиб бўлмайдиган даражага тушиб қолади.

Фисқ иш қилган киши фосиклигидан қайтиб тавба қилса унинг ривояти қабул қилинаверади. Аммо ҳадис тўқиш, ёлғон ҳадис айтиш каби фисқ ишларни қилса-ю, кейин тавба қилган бўлса, унинг ривоят қилган ҳадислари эътиборга олинмайди, чунки яна ёлғон гапириб қўйиш эҳтимоли бор.

Шунинг учун ҳам жарҳ ва таъдил ҳақида кўпчилик ҳадисшунослар тадқиқот олиб борганлар.

«Таъдил» икки хилга бўлинади:

1. Мутлақ.
2. Муқайяд.

Мутлақ таъдил – ровийнинг қандай устозлардан ҳадис ривоят қилиши мумкинлиги алоҳида ажратилмай, одил эканига гувоҳлик берилиши; бунда ровий ривоят қилган барча ҳадислари ишончли деб қабул қилинаверади.

Муқайяд таъдил – ровийни аниқ бир муайян нарсасига масалан, шайхига ёки бир тоифага нисбатан одил деб зикр қилиниши; бунда ровий фақат ўша нарсасига нисбатангина адолатли деб тан олинади. Масалан: «у Зухрийдан ривоят қилган ҳадисда ёки ҳижозликлардан ривоят қилган ҳадисда ишончли» дейилса, ундан бошқа ривоятлари ишончли деб эътироф этилмайди.

«Таъдил» қилинувчи ровийга унинг ишончлиликлари даражасига қараб турлича сифатлар берилади. Масалан, «хува сиқа» (у ишончли), «ло юрадду ҳадисуҳу» (ҳадиси рад этилмайди), «вассақаҳу фулон» (фалончи уни сиқа, яъни ишончли деб санаган) каби сўзлар билан баҳо берилган бўлишлиги даркор.

Таъдилнинг ҳам бир қанча даражалари бор, энг юқориси энг кучли маънони англатадиганидир. Масалан:

1. Энг ишончли эканига далолат қилувчи сифат берилади: «Авсақун-нос» (одамларнинг энг ишончлиси) ёки «илайҳи-л-мунтаҳо фи-т-тасаббун» (ишончлиликларида чўққига етган, унгагина таянилади) каби.

2. Ишончли эканлигига далолат қиладиган сифатлардан бири ёки иккитаси билан таъкидланган бўлади: «хува сиқатун» (у ишончли) каби.

3. Таъкидланмасдан, ишончлилигига далолат қиладиган сифат билан айтилади: «сиқатун, хужжатун» (ишончли, хужжат) каби.

4. На жархга ва на адлга далолат қиладиган лафз билан келади: «фулонун шайхун» (фалончи – шайх, яъни устоз), «раво анху-н-нос» (ундан одамлар ривоят қилганлар) каби.

5. Жархга яқин эканлигини англатадиган лафз билан келади: «фалончининг ҳадиси яхши» ёки «ҳадиси ёзилади» каби.

Уламоларнинг фикрига кўра, таъдил қилинаётган ровийнинг ишончлилигига далил бўлувчи сифатларини зикр қилинмаслиги мумкин. Чунки таъдилнинг жуда кўп сабаблари борки, унинг ҳаммасини санаб ўтиш қийин. Аммо жарх қилишда унинг сабаби аниқ баён қилиниши керак, чунки ровийни жарх қилиш учун биргина сабаб етарли.

«Жарх» қилинувчи ровийга унинг рад қилиниш сабаби турлича сўзлар билан берилиши мумкин. Масалан: «ҳува каззобун» (у ёлғончи), «ҳува фосиқун» (у фосик), «хувва даиф» (у заиф), «ло юъхазу ҳадисуху» (унинг ҳадиси олинмайди) каби сўзлар билан. Жарх ҳам таъдил каби иккига бўлинади:

1. Мутлак;

2. Муқайяд.

«Мутлак жарх» деб ровийни бирор нарса ёки ҳолатга боғламасдан жарх қилишга айтилади. Масалан, ровий «ҳува каззобун» (у ёлғончи) деб жарх қилинган бўлса, унинг ҳеч қандай ҳадиси олинмайди.

«Муқайяд жарх» эса аксинча ровийнинг фақат бирор кишидан ёки гуруҳдан ҳадис ривоят қилиши ишончли эмаслигини билдиради. Масалан, Ибн Ҳажар Аскалоний «ат-Тақриб» номли асарида Зайд ибн Ҳаббоб ҳақида «ундан Муслим ҳам ривоят қилган, у ростгўй. Саврийдан ривоят қилган ҳадисда эса у хато қилади», дейди. Демак, Зайд ибн Ҳаббоб бошқалардан эмас, балки айнан Саврийдан ривоят қилган ҳадисларидагина жарх қилинади.

Шунингдек, Исмоил ибн Айёш ҳақида Аҳмад ибн Ҳанбал, Яҳё ибн Маъин ва Имом Бухорийлар «Шом аҳлидан ривоят қилган ҳадисларида ишончли, аммо Ҳижозликлардан ривоят қилган ҳадислари заиф», деб айтганлар. Шунга кўра Исмоил ибн Айёш фақат Ҳижозликлардан ривоят қилган ҳадислардагина заиф деб эътиборга олинади.

 **3. «Жарх ва таъдил» илмига оид истилоҳлар.** «Жарх ва таъдил» илми истилоҳлари жарх қилувчига қўйилган муайян талаб ва шартлардан келиб чиққан ҳолда турличадир:

1. Жарх қилувчи киши адолатли бўлиши (чунки фосиқ кишининг жархи қабул қилинмайди).

2. Гофил бўлмаслиги, сергак бўлиши.

3. Ровийга нисбатан ноҳақ айбловлар келиши мумкин бўлган гуруҳлар ва жихатлардан бохабар бўлиши.

4. Жарх сабабларини аниқ баён этган бўлиши (чунки ноаниқ, мубҳам бўлган жарх қабул қилинмайди. Масалан, «унинг ҳадиси мардуд, яъни рад қилинган» ёки «у заиф» деган сўзларнинг ўзи билан кифояланиш етарли эмас, то бунинг сабабларини аниқлаб, баён этмагунча).

5. Адолати аниқ, тўла ишончли деб топилган, имомлик сифати билан машҳур бўлган кишиларни жарх қилмаслиги (масалан, Нофёъ, Шўъба, Абу Ҳанифа, Молик, Бухорийлар каби. Булар ҳақида айтилган жарх эътиборга олинмайди).

Жарх ва таъдилнинг умумий қоидалари сифатида қуйидагиларни зикр этиш мумкин:

1) Одил кишининг бирон шахсдан ривоят қилиши унинг шахсига адолатли деб баҳо бериши ҳисобланмайди.

2) Олимнинг бир ҳадисга мувофиқ амал қилиши ва фатво бериши ўша ҳадиснинг саҳихлигига ҳукм бўлмайди. Шунингдек, унинг амали ёки фатвоси ҳадисга муҳолиф бўлса ҳадиснинг саҳихлигига ва ровийларига таъсир ўтказмайди.

3) Фосиқликдан тавба қилган кишининг ривояти қабул қилинади.

4) Ҳадисда ёлғончилигидан тавба қилган кишининг ривояти қабул қилинмайди.

5) Ҳадис айтишда ҳақ олган кишининг ривояти Аҳмад, Исҳоқ, Абу Хотимларнинг наздларида қабул қилинмайди. Абу Нуъаймнинг наздларида эса қабул қилинади.

Жарх қилиш ибораларининг ҳам бир неча даражалари бор:

1. Ровийнинг ривояти кучли эмаслигини билдирувчи сўз ва иборалар: «лайин» (сўзи бўш), «саййиъул ҳифз» (хотираси ёмон), «фиҳи мақол» (у ҳақида салбий фикрлар бор) каби.

2. Ҳужжат бўла олмаслиги очиқ ойдин англатувчи сўз ва иборалар: «фалончининг ривояти ҳужжат бўла олмайди», «у заиф», «унда ноаниқликлар бор» каби.

3. Ҳадиси ёзилмаслиги ва шунга ўхшаш сўз ва иборалар билан: «фалончининг ҳадиси ёзилмайди», «ундан ҳадисни ривоят қилиш ҳалол эмас», «у ўта заиф» каби.

4. Ёлгончилик ва шунга ўхшаш гумонни билдирувчи сўз ва иборалар билан: «фалончи ҳадис ўғирлаган», «ишончли эмас», «тўқиган», «сўзи тарк қилинган деган гумон бор» каби.

5. Очик ёлгончи деб сифатловчи сўз ва иборалар билан: «фалончи каззоб», «дажжол», «ёлгон ҳадис тўқувчи» каби.

6. Ёлгончилигини ўта муболағали эканини билдирувчи сўз ва иборалар билан: «фалончи одамлар ичида энг ёлгончиси», «ёлгон тўқишликда унга тенг келадигани йўқ» каби.

Юқорида зикр этилган биринчи ва иккинчи даражага мансуб бўлган шахсларнинг ҳадислари ақида ва фикҳда ҳужжат қилиб олинмайди. Аммо уларнинг одоб-ахлоққа доир, эътиқодга тегишли бўлмаган ҳадисларини ибрат учун ёзиб қўйиш мумкин. Аммо кейинги тўртта даражадаги шахсларнинг ҳадислари ҳужжат ҳам бўлмайди, ёзилмайди ҳам, эътиборга ҳам олинмайди.

Агар битта ровийда ҳам жарҳ ҳам таъдил сифати топилса ва жарҳ далиллари баён қилинган бўлса, унинг жарҳ қилинганлиги қабул қилинади.

Жарҳ ва таъдилга истилоҳлар қаторига ҳадис ривоят қилган ровий, унинг ривояти билан боғлиқ жиҳатларга билдирилган муносабатни ўзида акс эттирувчи сўзлар киради. Шунинг учун ҳам бир ровий ёки муҳаддиснинг қандай эканига баҳо бериш учун унинг ҳаёт йўли, асосий тамойиллари, ижтимоий мавқеи, илмдаги услуби каби барча қирраларини билиш талаб этилади.



4. Имом Абу Ҳанифанинг «жарҳ ва таъдил» илмидаги ўрни. Ёшда ҳам, илмда ҳам тўрт мазҳаб соҳибларининг биринчиси бўлмиш Имом Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит Куфийни кўпчилик «фақиҳ» сифатида танийди. Чунки у фикҳ илмида мисли кўрилмаган ишларни амалга оширган бўлиб, ислом оламига доврўғи кетган эди. Аммо бу олим фикҳдан ташқари ҳадис илмида, жарҳ ва таъдил соҳаларида ҳам барчага ўрнак бўлгулик мавқега эга эди. Уламолар Имом Абу Ҳанифа ҳақида ўзларининг кўплаб фикр-мулоҳазаларини келтирганлар. Улардан баъзилари бу имомнинг ҳадис илмини билмаганликда айблаб айтган фикрлари ҳадис илми тарихи ва олим таржимаи ҳолини ўрганиб чиқилганидан кейин мутлақо ўринсиз экани маълум бўлади.

Имом Абу Ҳанифа тўрт мазҳаб эгалари орасида энг ёши улуғи ва энг кўп мусулмонлар унинг мазҳабига эргашадигани ҳисобланади. Олим 80/699 йилда Куфада туғилиб, 180/796 йилда Бағдодда вафот

этган. Имом Аъзам шарафига у дафн этилган маҳалла «Аъзамия» деб номланган.

Абу Ҳанифанинг шарқу ғарбда доврӯғи кетган имом эканини барча ислом уламолари тан олганлар. Имом Аъзам саҳобаларни кўрган ва улардан ҳадис ривоят қилган тобиийлардан экани қатор уламолар, жумладан Имом Али Алиул Қорий томонидан зикр этилган.

Муҳаддислар Имом Аъзамнинг «адолат» борасида сўз юритиб, олимнинг такводор бўлганини қайта-қайта таъкидлаганлар. Имом Абу Ҳанифа илм, зуҳд, тақво борасида етакчи бўлиш билан бирга илм аҳлларини қўллаб-қувватлаб турувчи саховат эгаларидан эди. Олим хотираси кучли, ҳадис, фикҳ каби ислом илмларининг нозик қирраларини тушуниб етадиган, ҳар бир масалани ечишда атрофлича кенг дунёқараш билан ёндашадиган, мантиқий далиллар билан ҳар қандай мунозара қилувчини лол қолдирадиган заковат соҳиби эди. Бу фикрни тасдиқлаб олим Шамсуддин Заҳабий (ваф. 1348 й.) шундай дейди: «Имом Абу Ҳанифа одамзот ичида энг ақллигидир».

Барча йирик ислом уламолари томонидан Имом Абу Ҳанифанинг «муҷтаҳид имом» экани тан олинган.

Ҳанафий мазҳаби олимлари ўзларининг ҳадис китобларида асосан ўз мазҳаблари доирасида ишлатиладиган ҳадисларни жамладилар. Ана шундай ҳадис китобларидан бири Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Субазмунӣ Бухорийнинг (ваф. 951 й.) «Кашф ал-осор фи манокӣб Аби Ҳанифа» («Абу Ҳанифа *маноқиблари* бўйича ёдгорликларни кашф қилиш») асари саналади. Бу асарнинг ҳадислари кейинчалик ўн беш муснаддан ҳадисларни жамлаган Абул Муайяд Муҳаммад ибн Маҳмуд Хоразмийнинг (ваф. 1267 й.) «Жомеъ ал-масонид» китобига танлаб олинган. Ушбу асарда Абул Муайяд Хоразмий шундай ёзади: «Шомда «Муснад»нинг миқдорини камайтириб кўрсатиб, бошқа асарларнинг эса қадрини юқори кўрсатаётган баъзи бир кишиларни кўрдим. Абу Ҳанифа кам ҳадис ривоят қилган, Имом Шофийининг «Муснад»и ва Имом Моликнинг «Муваatto» («Осон қилинган») асари каби ҳадислар келтирилган «Муснад»и йўқ, деб даъво қилганлар ҳам бўлди. Шунда менинг ғайратим келиб, ҳадис уламолари тўплаган 15 та муснадни бирлаштиришга бел боғладим». Шундан сўнг муаллиф Имом Абу Ҳанифанинг ҳадисларини ўзида мужассам қилган 15 та муснад китобини номма-ном санаб ўтади.

Ҳофиз Шамсиддин Заҳабий «Маноқиб Аби Ҳанифа» номли асарида Мисъар ибн Кудомдан шундай ривоят қилади: «Абу Ҳанифа билан ҳадисда мусобақалашган эдик, биздан ғолиб келди. Таквода беллашган эдик, биздан устун келди ва у билан фикҳда талашган эдик, унинг мавқеини кўриб турибсиз».

«Жарҳ ва таъдил» илми бўйича кўзга кўринган олим Яҳё ибн Саид Қаттон Имом Абу Ҳанифанинг ҳадисдаги мавқеи ҳақида шундай дейди: «Аллоҳга қасамки, шубҳасиз, Аллоҳ ва расулидан келган нарсада у умматнинг энг билимдонидир».

Бу ривоятдан ҳам Имом Аъзамнинг ҳадис борасида ўта билимдон экани кўринади. Чунки «Пайғамбардан келган нарсада», дейилганда ҳадис илми назарда тутилган.

Уламолардан Яҳё ибн Наср ибн Ҳожиб Имом Абу Ҳанифанинг ҳадислардан фақат ўрнидагина фойдаланишини шундай ифодалайди: «Мен Абу Ҳанифанинг «менинг ҳузуримда ҳадисдан бир нечта сандиқлар бор, бундан фақат шу фойдаланаётганимиз, яъни озгина қисмини очганман холос», деганини эшитганман».

Имомнинг «адолатли» муҳаддис эканини Яҳё ибн Маиннинг айтганлари тасдиқлайди: «Абу Ҳанифа сиқа (ишончли) эди. Фақат ёдлаган ҳадисини айтар эди, ёдламаганини ҳадис, деб айтмас эди».

Абу Ҳанифанинг саҳобаларни, хусусан, Анас ибн Моликни кўрганликлари ва тобиийлардан эканликларини кўп муҳаддис ва тарихшунос олимлар таъкидлаганлар. Улардан Ибн Саъд «Табақот», Ҳофиз Шамсиддин Заҳабий «Тазкирату-л-хуффоз» («Ҳофизлар тазкираси») асарларида, шунингдек, Ҳофиз ибн Ҳажар Аскалоний, Ҳофиз Ироқий, Дорақутний, Имом Абу Маъмар Абдулкарим ибн Абдуссамад Табарийлар Имом Абу Ҳанифанинг саҳобадан ҳадис ривоят қилганлигини, яъни тобиийлардан бўлганини таъкидлаганлар. Ҳофиз Жалолиддин Суютий Абу Ҳанифанинг ривоятлари ботил эмас, балки қабул қилинишга лойиқ деб ҳукм қилганлар.

Имом Абу Ҳанифа ва унинг шогирдалри ҳақида бошқа мазҳаб раҳнаомлари ҳам юксак баҳони берганлар. Хусусан, Аҳмад ибн Ҳанбал шундай дейди: «Агар бир масалада ушбу уч кишининг сўзи тўғри келса бошқаларникига қулоқ солинмайди», деган. «Улар кимлар» деб сўралганларида, «улар Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасанлардир. Абу Ҳанифа қиёсда, Абу Юсуф ҳадисда, Муҳаммад араб тилида етук», деб жавоб берган.

Олимнинг шогирдларидан Абу Юсуф ҳам жарҳ ва таъдил олимларининг энг аввалгиларидан бўлиб, бутун ислом олами ун тан эди. Мазҳабнинг йирик уламолари илмий масалаларда у кишига мурожаат қилиб турганлар.

Абу Ҳанифанинг шогирдларидан яна бири, фикҳда шуҳрат қозонган, жарҳ ва таъдил олимларидан бўлган, хофизул ҳадис, фақиҳ, илмда денгиз имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийдир (132-189/749-805). Абу Ҳанифани маҳкам тутиб, у кишидан фикҳ ва ҳадис илмини олган. У Суфён Саврийдан, Қайс ибн Рубайдан, Умар ибн Зардан, Мисъар ибн Қудом ва бошқалардан ҳадис эшитган. Шомда Авзоъийдан, Мадинада Молик ва бошқалардан ҳадис эшитган. Шу каби шогирдларни тарбиялаган олимнинг илмдаги мавқеи ҳақида турли ноўрин шубҳаларнинг билдирилиши тўғри ҳисобланмайди.

Зикр этилганлардан кўринадики, юртимизда асосий фикҳий мазҳаб сифатида эргашиладиган ҳанафийликнинг йўлбошчиси Имом Абу Ҳанифа нафақат фикҳда, балки ҳадис илмида ҳам ўз ўрнига эга бўлган. Унинг диний масалаларда берган фатволари ҳам Қуръон оятари ва ҳадисларга мувофиқ бўлганини кўрсатади.

ҲАДИС:



Мавзу бўйича саволлар

وَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الْمُؤْمِنُ غَرَّ كَرِيمٍ وَالْفَاجِرُ خَبٌّ لَنِيْمٍ

Набий с.а.в. айтдилар: Мўмин киши соддадил, саҳий бўлади, фосиқ одам ҳийлакор, маккор ва ҳасис бўлади.

1. Жарҳ ва таъдил сўзлари қандай маънони англатади?
2. Муҳаддислар ҳадисларни жарҳ ва таъдил қилишда нималарга эътибор берганлар?
3. Қандай сабабларга кўра ровий жарҳ қилинади?
4. Жарҳга оид қандай атамалар ишлатилган?
5. Таъдил борасида олимлар қандай истилоҳларни қўллаганлар?
6. Ҳадиснинг таъдил қилиниши учун ровийга қандай талаблар қўйилган?
7. Қандай ровийлар ҳақида айтилган жарҳ қабул қилинмайди?
8. Имом Абу Ҳанифа ҳадис илмида қандай ўрин тутаети?



Топшириқлар

1. Жарҳ ва таъдил илмининг шаклланишига сабаб бўлган омилларни айтиб беринг.
2. Ровийларга “заиф” ва “матрук” сифатларини берган олимларнинг далиллари ҳақида маълумот беринг.
3. Ҳадиснинг “таъдил” қилиниши билан боғлиқ шартларни изоҳланг.
4. Жарҳ қилиш ибораларини таърифланг.

Мустақил иш мавзулари

1. Абу Абдуллоҳ ан-Нийсобурий ва унинг «ал-Музакира ли-рувот ал-ахбор» асари.
2. Язид ибн Ҳорун – буюк муҳаддис.
3. «Жарҳ ва таъдил» илми истилоҳлари.
4. Абу Ҳанифанинг ҳадис илмида тутган ўрни.



Адабиётлар

1. Раҳматуллоҳ қори Обидов. Қуръон ва Тафсир илмлари. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2003.
2. Имоми Аъзам асарлари / Таржимон ва нашрга тайёрловчи. Абдурашид қори Баҳромов. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003.
3. Абду-л-Ҳайй ал-Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳия фи тарожими-л-ханафия. – Байрут: Дору-л-кутуб ал-исломий, 1998.
4. Абду-л-Ҳайй ал-Лакнавий. Ар-Рафъу ва-т-такмил фи-л-жарҳ ва-т-таъдил. – Қоҳира: Дор ас-Салом, 2000.
5. Нуриддин Итр. Манҳаж ан-нақд фи улум ал-ҳадис. – Дамашк: Дор ал-фикр, 1988.

(Қалам, 4). Шунингдек, мазкур гўзал хулқлар бошқаларга намуна бўлиши даражасида экани ҳақида шундай дейилади: **«(Эй, имон келтирганлар!) Сизлар учун – Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбарида гўзал намуна бордир»** (Ахзоб, 21).

Юксак инсоний фазилатлардан бири кишининг сўзи ва амали бир-бирига мувофиқ бўлишидир. Ана шундай кишининг сўzlари ҳам таъсирли бўлади. Бундай фазилатни эгаллаган Расулуллоҳ алайҳис-саломнинг қолдирган ҳикматлари 14 асрдан буён сақланиб келаётгани ҳам бежиз эмас эди. Бу эса сўз ва амал бирлигига эришган, буюк суфий олимлар томонидан «комил инсон» дея таърифланган Пайғамбарнинг гўзал хулқ соҳиби бўлганини яна бир бор тасдиқлайди.

Пайғамбар алайҳис-салом атрофида кўплаб инсонлар – саҳобалар жамланишининг, яъни ягона бир жамоа бўлишининг асосий омилларидан бири сифатида Қуръонда гўзал хулқ кўрсатилган: **«Аллоҳнинг раҳмати сабабли (Сиз, эй, Муҳаммад,) уларга (саҳобаларга) мулойимлик қилдингиз. Агар дағал, тошбағир бўлганингизда, албатта, (улар) атрофингиздан тарқалиб кетган бўлур эдилар. Бас, уларни афв этинг, (гуноҳлари учун) кечирим сўранг ва улар билан кенгашиб иш қилинг! (Бирор ишга) азму қарор қилсангиз, Аллоҳга таваккул қилинг! Аллоҳ таваккул қилувчиларни севар»** (Оли Имрон, 159). Ушбу оятдан мусулмонларнинг ягона уммат, яъни бир жамоа кейинчалик жамият бўлиб шаклланишида ҳам гўзал хулқнинг аҳамияти катта бўлганини кўрсатади.

Илк ислом даврида Пайғамбар атрофидаги инсонларни тарбиялашда ҳадислар қай даражада нуфузга эга бўлган бўлса, кейинги давр учун ҳам уларнинг аҳамияти кам бўлмади, аксинча аҳамиятлироқ бўлиб борди. VIII асрда ҳадисларни жамлашга асосий эътибор қаратилиб, IX асрда мукаммал тўпламлар юзага келди. Минглаб ишончли ҳадисларни ўзида мужассам қилган «Сихоҳи ситта» («Олти ишончли тўплам») худди шу IX асрда тўла равишда ўз ниҳоясига етди. Бу даражада катта микдордаги ҳадисларни жамлаган тўпламларнинг юзага келиши мусулмон оламида уларга эҳтиёж ва қизиқишнинг нақадар кучли бўлганини кўрсатади. Муҳаддислар ҳадисларни шунчаки тўпламадилар, балки уларни ўз ҳаётлари моҳиятига айлантирдилар. Имом Бухорий буни «Мен қайси ҳадисни ўргансам, унга амал қилдим»

дея эътироф этади. Олим айтган ушбу сўзлар асосан ахлоқ-одобга доир ҳадислар хусусида эди.

Х асрдан бошлаб мавжуд ҳадис тўпламларини шарҳлаш, уларга «шарҳ» ва «ҳошия» китобларини ёзиш ривожланди. Ҳар бир тўпламга ўнлаб кўп жилдли шарҳлар ёзилди. Масалан, Имом Бухорийнинг (910-970) «ал-Жоми ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») асарининг ўзига ёзилган шарҳлардан 54 тасининг номи ҳадисшунос олим профессор У.Уватов томонидан амалга оширилган «Буюк муҳаддислар: Имом ал-Бухорий, Имом Муслим Имом ат-Термизий» (Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 1998) номли рисоласида санаб ўтилган. Аммо бу саналган шарҳлар уларнинг фақатгина бир қисми экани таъкидланган. Мазкур рақамлар ҳам Х асрдан тортиб ҳозирги кунгача ҳадисларнинг қай даражада катта аҳамиятга эга бўлганини кўрсатади. Бу шарҳлар тарих давомида пайдо бўлган ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ва ахлоқий нормаларни мукаммаллаштиришга қаратилган эди.

Имом Бухорийнинг «ал-Жоми ас-саҳиҳ» асарига Ибн Ҳажар Асқалоний (ваф. 1448 й.) томонидан ёзилган «Фатҳ ал-борий ли-шарҳ Саҳиҳ ал-Бухорий» номли шарҳи ҳақида буюк араб мутафаккири Ибн Халдун (XV аср) шундай дейди: «Ибн Ҳажар Асқалонийнинг Имом ал-Бухорий асарига ёзган «Фатҳ ал-борий» номли шарҳини бутун ислом умматининг ўрганмоғи қарзидир». Ҳақиқатан ҳам бу асар илмий жиҳатдан ғоятда мукаммал ва муҳим бўлиб, Асқалонийдан кейин «ал-Жомиъ ас-саҳиҳ»га шарҳ ёзган барча муаллифлар ана шу асардан фойдаланганлар.

Ҳадисларни ўз моҳиятига кўра ақидавий, фикҳий ва ахлоқий мавзуларга бўлиш мумкин. Улар орасида ахлоқ-одобга доирлари муҳаддислар томонидан алоҳида тўпламларда йиғилди. Уларга мисол тариқасида Имом Бухорийнинг «ал-Адаб ал-муфрад» («Одоб дурдоналари») асарини келтириш мумкин. Бу китоб ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб, юртимизда нашр этилган (Т.: Ўзбекистон, 1990).

Ақидавий ва фикҳий масалаларни ҳал қилиш учун мутакаллим ва факих уламолар одатда ишончли ҳадислардан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Аммо ахлоқий мавзудаги ҳадисларнинг ишончилиги «мутавотир» (исноди узлуксиз, энг ишончли) даражасида бўлмаса-да, уламолар фикрича, улардан тарбиявий мақсадда фойдаланиш мумкин. Абу Лайс Самарқандий ўзининг ахлоқ-одобга доир «Танбеҳал-

гофилин» (Тошкент: Мовароуннахр, 2003) номли асарида шу каби ҳадисни келтиради. Бу Саид ибн Мусаййабдан ривоят қилинган ушбу ҳадисдир:

«Ақлнинг боши Аллоҳга бўлган имондан кейин одамлар билан муросаи мадора қилиш ва уларга муҳаббатли бўлишдир. Киши кенгаш-маслаҳатдан ҳалок бўлмайди. Киши ўзининг фикри билан кифояланса, бахтли бўлолмайди. Агар Аллоҳ банданинг ҳалок бўлишини хоҳласа, аввало, унинг фикри бузилади. Албатта, дунёда яхшилик аҳллари бўлганлар охиратда ҳам яхшилик аҳлларидир. Дунёда ёмон иш эгалари бўлганлар охиратда ҳам ёмонлик эгаларидир» (Абу Лайс Ас-Самарқандий, Ал-Факих. Танбеҳул-Ғофилийн (Ғафлатдан уйғотиш). – Т. III. – Т.: Мовароуннахр, 2003. – Б. 129).

Ҳадис тўпламларига баъзан Пайғамбар сўзлари ва амалларидан ташқари саҳобаларнинг сўз ва амаллари ҳам киритилган. Бу каби сўзлар «мавқуф» (тўхтаган, охирига етмай қолган) ҳадислар деб аталади. Шунингдек, тобеинлар сўзлари ҳам ҳадис тўпламларига киритилган ва улар «мақту» (кесилган) ҳадислар деб аталган. Демак, ҳадис тўпламларида Пайғамбар алайҳис-саломдан кейинги кишилар – саҳоба, тобиийларнинг ҳам ўғитлари жамланган. Кейинчалик битилган ҳадис илмига оид асарларда ва шарҳларда эса олимлар, давлат арбоблари ва бошқа машхур кишиларнинг сўзлари ҳам бу тўпламларга киритилган. Бундан кўринадики, ҳадислар узоқ давр мобайнида ҳикматли сўзлар ва юксак ахлоқ намуналарини ўзида мужассам қилиб, халқ орасида кенг муомалада бўлиб келган.

Ҳадислар орасида ота-онани ҳурмат қилиш мавзуси алоҳида ўрин тутати. Имом Термизий ўзининг «Сунан» асарида шундай ҳадисни келтиради: «Парвардигорнинг розилиги отанинг розилигидадир, Парвардигорнинг ғазаби отанинг ғазабидадир».

Инсон эгаллаши мумкин бўлган фазилатларни баъзан 50 дан ортиқ, баъзида 100 га яқин дея таъриф берадилар. Бу каби фазилатларни синчковлик билан ўрганган уламолар уларнинг сонини 200 тагача санаганлар. Аммо улар орасида ростгўйликнинг ўзига хос кўриниши бўлган юқорида зикр этилган сўз ва амалнинг бирлиги энг юқори даражада ҳисобланади. Зеро ҳадисда айтилишича, «Аллоҳнинг наздида энг яхши гап рост гапдир».

Айтиш мумкинки, ҳадислар узоқ тарихий давр мобайнида катта тарбиявий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлиб келди. Ҳозирги кунда ҳам улар

Ўзининг маънавий-маърифий ва ахлоқий аҳамиятини йўқотгани йўқ. Шунинг учун ҳам келажаги буюк давлатни барпо этишда, халқимизни, хусусан ёшларни, юксак ахлоқий фазилатлар билан тарбиялашда ҳадислардан унумли фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.



2. Қудсий ҳадисларда ахлоқий мезонлар. Ҳадис илми истилоҳларига бағишланган мавзу доирасида «Қудсий ҳадислар»нинг таърифи бериб ўтилди. Бу турдаги ҳадислар Пайғамбар алайҳис-саломнинг «Ўз Раббиси Азза ва Жалладан ривоят қилган ҳадислар» бўлиб, уларда асосан умуминсоний ахлоқий мезонлар кўрсатиб берилган. Қудсий ҳадисларда инсон доимо яхшилик ҳақида ўйлаши, келажак ҳақида яхши гумонда бўлиш, ўзини яхши ишларга сафарбар қилиши лозимлиги уқтирилади.

Қудсий ҳадислар «аҳли китоб», яъни яҳудийлик ва насронийлик каби исломдан аввалги дин вакилларининг муқаддас манбаларида мавжуд бўлган ва ҳозиргача сақланиб қолган ҳикматли сўзларни ҳам ўзида мужассам этган. Шунинг учун ҳам уларни биргина ислом динига эътиқод қилувчилар эмас, балки ҳар қандай киши эшитганда инсон моҳиятининг нақадар юксак эканини ҳис этади. Натижада инсоннинг бу дунёда яшашидан асл мақсади фақат эзгу ишларни қилиш, бунёдкорликка интилиш бўлиши лозимлигини англаб етади. Бундай ҳадисларда илгари сурилган инсонпарварлик ғоялари инсонда бор имкониятини ишга солиб бўлса-да руҳий покланишга, ёмонликлардан тийилишга, яхши ишларни амалга оширишга ҳаракат пайдо бўлишига сабаб бўлади. Жумладан, бир қудсий ҳадисда шундай дейилади:

«Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: Эй бандаларим! Мен бандамнинг гумонидаман, истаганича гумон қилаверсин. Мен сен билан биргаман. Агар мендан яхшиликни гумон қилсанг, яхшилик бўлади. Ёмонликни гумон қилсанг, ёмонлик бўлади». Яхшиликка интилиб яшаш, ниятларни яхши, тўғри ва катта қилиш лозимлигини уқтирувчи яна бир ҳадиси қудсийда шундай дейилади: «Эй одам фарзанди, мен учун холис амал қил ва сўрагил. Мен сўровчилар истаган нарсаларининг афзалини бераман». Бу ҳадис, шунингдек, инсонни холисликка, Яратгандан бошқа кишилардан тамагирлик қилмасликка ҳам чақиради.

Кишининг дуо қилиб, ўзига яхшиликларни сўраши нафақат рухсат этилган амал, балки инсоний фазилат экани, сўрамаслик эса Яратганнинг ғазабига сабаб бўлиши қуйидаги ҳадисда зикр этилган:

«Эй бандаларим, агар мендан бир бандам сўраса, бераман, агар мендан сўрамаса, унга ғазабим келади». Зеро, инсоннинг бу каби дуо билан сўрамаслиги унинг кибрга кетиш белгиси сифатида ҳам талқин этилади.

Кудсий ҳадислар эзгуликни инсон ўзининг одатига айлантириши лозим эканини уқтиради. Зеро, яхши одатларга ўрганиш инсоннинг келажаги учун катта имкониятларни яратади. Аммо яхши ишни оддийгина қилиш эмас, балки унга одатланишга чақириладик, бундай ишларни амалга оширишга фақат унга одатланган кишигина муваффақ бўлиши мумкин. Жумладан, «Эй одам фарзанди, ҳамиша яхши ва эзгу ишларни қилишга одатлан. Зеро, эзгулик жаннатнинг калитидир. Ҳар ким уни қўлга киритса, жаннатга йўл топган бўлади», деган ҳадисда кўзда тутилган мақсадни ҳосил қилиш учун инсон ёшлигидан бошлаб зарурий илмларни олиши, касб-ҳунарга эга бўлиши, меҳнатнинг оғир ва машаққатли синовларига чидаши лозим бўлади.

Инсонга етадиган кўплаб мусибат ва машаққатларнинг сабабчиси бу бесабрлик, қаноатсизлик, ношукурликдан келиб чиқади. Ҳадиси қудсийда эса инсонга қарата айтилган ушбу сўзлар унинг сабрли, шукурли ва қаноатли бўлишга ундайди:

«Эй одам фарзанди, агар сенга ажратиб қўйилган ризққа қаноат қилсанг, ризқинг ўзи келади ва мендан ҳам мақтов оласан. Агар бу тақсимга қаноат қилмасанг, дунёни сенинг устингга султон ва сени унга хизматкор қилиб қўяман. Дунё учун чўлдаги ваҳший ҳайвонлар каби югурасан, аммо сенга тақсимлаб қўйган ризқимдан ортиғи келмайди ва ўзинг ҳам менинг наздимда маломат қилинувчилардан бўлиб қоласан».

Худди шу мазмундаги яна бир ҳадиси қудсийда шундай дейилади: «Эй одам фарзанди, келиб турган ризқингга қаноат қилмасанг, дилингга орзу-ҳавасларни солиб қўяман, улар ҳеч тугамайди ва сен улардан абадий қутула олмай қоласан». Бу ҳадис инсонни ортиқча бойликка, мол-дунёга ҳирс қўйишдан қайтаради.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳадиси қудсийда келган ахлоқий ғоялар бошқа динларнинг манбаларида ҳам учрайди. Жумладан, буддавийлик таълимотига кўра, инсон кулфат ва машаққатларининг асосий сабабчиси унинг дунё ҳою ҳавасларига берилишидир. Бундай мусибатлардан қутулишнинг ягона йўли ортиқча орзу-ҳавасларга берилишдан сақланишдир.

Қуйидаги ҳадиси қудсий ҳам инсонни шукур қилувчи бўлишга ундайди: «Эй одам фарзанди, мен яратган неъматларни еб-еб

тишларинг малолланиб чарчаб кетди-ю, лекин шикоятимдан тилинг ҳеч чарчамайди». Бу ҳадисда инсоннинг атрофида ўраб турган неъматлар сон-саноксиз экани, инсон эса уларга шукур қилиши, ортиқча шикоятбозликдан сақланиши лозимлиги уқтирилади.

Ҳалоллик ҳақида ҳадиси қудсийда шундай дейилади: «Эй одам фарзанди, дунёдаги жами нарсалар уч тоифага бўлинади. Бири менга хос, иккинчиси мен билан сенинг ўртамизда, яна бири сендадир. Сендан бўладигани дуодир ва мендан бўладигани ижобат қилмоқдир. Бас, ҳаром емасанг, дуойинг тўсилиб қолмас». Ҳалоллик ва поклик киши динининг асосий моҳияти экани қуйидаги «Эй одам фарзанди, билгилки, инсонга ҳалоллик қатра-қатра келур. Ҳаром эса, сел каби мўл-кўл келур. Ҳар кимнинг емиши ҳалолдан бўлса, дини пок бўлур», деган ҳадисда кўринади.

Инсон тилининг ширин бўлиши, ундан фақат яхши сўзларнинг чиқиши киши бахт-саодатининг калити бўлиш билан бирга, тилнинг ноўрин сўзларни гапириши, шикоят, ғийбат, тухмат каби иллатлар билан банд бўлиши инсон ҳаётининг салбий томонга кетишига сабаб бўлиши қуйидаги ҳадисда айтиб ўтилади:

«Эй одам фарзанди, агар дилингда қаролик ва баданингда дангасалик ва ризқингда танглик бўлса, бас, билгинки, буларнинг сабаби беҳуда ва бемаъно сўзларни кўп сўзлашингдандир, демак, бундан сақлан». Мазкур ҳадисда инсон фақат керакли сўзларни гапириши, зарур бўлмаган сўзлардан тийилиши, «сўзни исроф қилиш»дан эҳтиёт бўлиш нақадар муҳимлиги кўринади.

Инсоннинг ташқи кўриниши чиройли, мол-дунёси тўқис бўлиши унинг мукамаллигини билдирувчи жиҳат эмас, балки у қилаётган хайрли амаллари инсоннинг қандайлигига баҳо бериш учун асосий мезон экани ушбу ҳадиси қудсийда ўз ифодасини топган: «Эй одам фарзандлари, мен сизларнинг ҳусну суратларингизга ва мол-дунёларингизга боқмасман, балки дилларингизга ва қилган амалларингизга боқурман». Ҳадиси қудсийлар ўзида дунёдаги бошқа динларда мавжуд бўлган ғояларни ҳам мужассам қилганини юқоридаги ҳадисдан яна бир бор кўриш мумкин. Чунки зардуштийлик динида илгари сурилган «эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал» ғояларини ушбу ўтган ҳадислардан топиш мумкин.

Диннинг бошқарувчилик хусусияти шундаки, у инсонни ўз-ўзини назорат қилиши асосида комилликка эришишига имконият яратади.

Кишида уят, андиша, ор-номус ҳиссиётларини тарбиялаб, шу орқали ёмонликлардан тўсилишга, яхшиликка интилишга ундайди. Зеро, инсонни фақат жазолаш ёки мажбурлаш йўли билан қонунларга итоатда ушлаб туриш ҳар доим ҳам самара беравермайди. «Эй одам фарзанди, агар мендан уялмасанг, ҳарна хоҳласанг қилавер» деган ҳадиси қудсийда ҳаё инсон ҳаётини тартибга солувчи асосий омил сифатида тавсиф этилади. «Кимики одамлардан ҳаё қилмаса, у Аллоҳи Таолодан уялмайди», деган ҳадисда кишининг бошқа инсонлар олдидаги андишаси унинг ҳаёсини кўрсатувчи мезон экани маълум бўлади.

Инсондаги бағрикенглик, саховат, очикқўллик каби фазилатларни тарбиялаш билан бирга, ҳадиси қудсийларда бахиллик, очкўзлик каби иллатлардан қайтарилади. «Бахиллик ҳамма жойда ёмонлангандир ва дунё неъматлари чексиз эмасдир. Ризқ излаб жуда узоқ кетмоқ заҳарлидир ва ризқ бергувчи доим тирик ва қоимдир», деган ҳадисдан бахил кишининг обрўси барчанинг кўз ўнгида пасайиши ҳақида хабар беради. Бахиллик йўли билан бойиб кетишни кўзлаган инсон хато ўйлаши, бахиллик фақат ёмонлик келтириши таъкидланади. Шунингдек, ушбу ҳадисдан ўз юртида ризқ-насиба териш имкони бўла туриб, ўзга юртларга сафар қилиш, ҳаётини хавф-хатарга қўйиб, озига қаноат қилмай, мол-дунёга ҳирс қўйиш тўғри эмаслиги ва бу инсон ҳаётини заҳарлаши мумкинлиги маълум бўлади.

Қудсий ҳадисларни ўрганиш, улардаги ахлоқий фазилатларга чакирувчи ғояларни ўзлаштириш, ёшларга таълим бериш жараёнида улардан фойдаланиш кишиларни юксак инсоний сифатларга эга қилиб тарбиялашда катта аҳамият касб этади.

 **3. Ҳадисшуносликнинг диншунослик фанлари орасидаги ўрни.** Ҳадислар ислом динининг асосий манбаларидан бири бўлгани учун уларни ҳар томонлама мукамал ўрганувчи ҳадис илми, шунингдек, ҳозирги кунда алоҳида фан сифатида шаклланган ҳадисшунослик ислом илмлари билан бирга диншунослик фанлари билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Исломшунослик ҳадисшуносликдан ташқари Қуръон, тафсир, тажвид, фикҳ, ақида, тасаввуф каби илмларни ўз ичига қамраб олади. Хусусан, Қуръони карим билан боғлиқ илмларни ҳадисларни ўрганмай туриб мукамал билиб бўлмайди.

Ҳадисларнинг асосий вазифаларидан бири Қуръон оятларини тафсир қилишдан иборат. Оятда муайян масалада умумий маълумот берилган бўлса, ҳадислар уларни шарҳлайди, изоҳлайди, илоҳий кўрсатмаларга аниқлик киритади. Шунинг учун ҳам Пайғамбар алайҳис-саломнинг муфассирларнинг биринчиси деб тан олинishi бежиз эмас. Бу ҳақда Қуръони каримда «... Сизга эса одамларга нозил қилинган (маълумотлар)ни баён (тафсир) қилиб беришингиз учун ва тафаккур қилсинлар, деб бу зикрни (Қуръонни) нозил қилдик» (Наҳл, 44), деб алоҳида таъкидланиши юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Пайғамбар алайҳис-салом томонидан Муоз ибн Жабал Яманга жўнатилаётганида бўлиб ўтган суҳбатдан ҳадиснинг ислом ҳуқуқшунослигидаги мавқеини кўриш мумкин. Имом Термизий ушбу ҳадисни шундай ривоят қилади:

Расулуллоҳ (с.а.в.) Муоз ибн Жабални Яманга волий қилиб жўнатаётганларида ундан:

– Агар бирор масалага дуч келсанг, қандай ҳукм чиқарасан, – деб сўрадилар. Шунда Муоз:

– Аллоҳнинг китоби билан, – деб жавоб берди. Расулуллоҳ (с.а.в.):

– Ундан топмасангчи, – деганларида, у:

– Расулуллоҳнинг суннати билан, – деди.

– Агар улардан топмасангчи, деганларида:

– Ўз раъйим билан ижтиҳод қиламан, – деди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг кўкрагига уриб:

– Аллоҳга ҳамд бўлсинки, Расулуллоҳнинг элчисини Аллоҳ ва Расулининг сўзига мувофиқ қилди, – дедилар.

Фикҳга доир ибодот ва муомалот масалалари, хусусан, намоз ўқиш, рўза тутиш, ҳаж арконларини бажариш каби яна бошқа кўплаб амалларга ҳадислар аниқлик киритади.

Ҳадислар калом илмида, исломдаги ақидавий масалаларни ечишда ҳам ўзига хос ўринга эга. Масалан, Имом Бухорий ривоят қилган қуйидаги ҳадисда ислом динининг асосий руқнлари, улар орасида имон, эътиқоднинг биринчи ўринда туриши, яъни ақидавий масалаларнинг асосий яққол кўрсатиб берилган.

Расулуллоҳ (с.а.в.) айтадилар: «Ислом беш нарсанинг устига қурилди: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг расули», деб шаҳодат бериш, намоз ўқиш, закотни адо этиш, рамазон рўзасини тутиш ва йўлга қодир киши Байтни ҳаж қилиш».

Тасаввуф илмида ҳам ҳадисларнинг ўрни алоҳияда аҳамиятлидир. Юртимиздан чиққан, ислом динининг соф, инсонпарварлик ғояларини халққа тўғри талқинда етказиб берган кубравия, яссавия, нақшбандия каби тариқатлари асосчилари ўз таълимотларини ривожлантиришда биринчи ўринда Қуръон оятларига асосланган бўлсалар, иккинчи ўринда ва кўпроқ миқёсда ҳадислардан унумли фойдаланганлар.

Комил инсон ғояси илгари сурилган тасаввуф таълимотининг асосий қисми – руҳий мусаффолик, жисмоний поклик каби ахлоқий меъёрлар ҳадисларда акс этган. Масалан, Қуръонда **«Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз»** (Қалам, 4), деб Пайғамбар алайҳис-саломнинг хулқи бошқаларга намуна экани алоҳида таъкидланган. Шунингдек, ҳадиси шарифда «Мен чиройли хулқларни мукамал қилиб бериш учун юборилганман» дейилади. Мазкур оят ва ҳадисга биноан суфийлар комил инсон деб Муҳаммад алайҳис-саломни ҳисоблайдилар. Шунинг учун ҳам буюк суфийлик намояндалари инсон барча ибратни У кишидан олиши кераклигини таъкидлаганлар.

Ислом тарихини ўрганишда ҳам ҳадислар алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса илк ислом тарихи, Пайғамбар сийратларини ўрганишда асосан ҳадислар бирламчи ёзма манба сифатида хизмат қилади. Чунки ҳадислар илк ислом тарихида бўлган воқеаларни ўзида мужассам этган.

Ҳадисшуносликнинг диншуносликка оид фанлар билан ўзаро боғлиқлигини диншуносликдаги диннинг жамиятдаги вазифаларига кўра ўрганувчи функционализм йўналишида кўпроқ кўриш мумкин. Унга кўра, дин жамиятда тартибга солувчилик, бирлаштирувчилик, таскин берувчилик каби вазифаларни бажаради. Ислом динида ҳадислар айнан мана шу вазифаларни бажаради.

Жамиятдаги тартиб-интизомнинг издан чиқишига сабаб бўладиган беғуноҳ одамлар қонини тўкиш, ота-онани норози қилиш ва ёлғончиликнинг қабих кўриниши бўлган, ҳақни ноҳақ ва ноҳақни ҳақ қилиб кўрсатилишига олиб келадиган ёлғон гувоҳлик бериш каби иллатларнинг энг катта гуноҳ эканини таъкидловчи ҳадислар инсонларнинг бундай жиноятлардан узоқ бўлишига ундайди. «Гуноҳнинг катталари: Аллоҳга ширк келтириш, инсон қонини ноҳақ тўкиш, ота-онага оқ бўлиш ва ёлғон гувоҳлик бериш», дейилган ҳадисда ислом динининг асосий таълимоти – яккахудоликка зид бўлган ширк келтириш, яъни бутпарастлик каби иллатларга берилишдан кейинги энг катта гуноҳлар қаторида юқорида санаб ўтилган иллатлар келтирилган.

Инсонлар орасини ислоҳ қилиш, уларни бир-бирларига оқибатли бўлишларига чақирувчи ушбу ҳадис жамият аъзоларини бирлаштиришга хизмат қилади: «Биродари билан бир йил аразлашиб юриш унинг қонини тўкиш билан баробардир». Диннинг асосий шартларидан деб белгиланган ўзаро меҳр-оқибат кишиларнинг турли қийинчиликларни осонлик билан енгиб ўтишларига ёрдам беради.

Кишига таскин беришга оид ҳадислардан бирида шундай дейилади: «Мусибат етганда сабр қилувчи, берилган неъматларга шукр қилувчи, бировларнинг айбини кечирувчи, ўзи бировга зулм етказса, тавба қилувчи кишиларга хотиржамлик ва ҳидоят ато этилур». Мазкур ҳадис инсон руҳий ҳолатининг тетик бўлишига, ҳар қандай оғир машаққатларни ҳам босиқлик билан қийналмай енгиб ўтишига далда беради.

Шунингдек, ҳадислар диншуносликдаги дин фалсафаси, дин феноменологияси, дин социологияси, дин психологияси, дин антропологияси, диний этика каби кўплаб соҳаларга оид маълумотларни ўзида мужассам қилиб, улар билан узвий боғлиқдир.

Дунё динлари тарихи фанига доир маълумотлар ҳам ҳадисларда мужассамдир. Тарихда ўтган халқлар, улар билан рўй берган воқеалар, инсонлар учун ибратли бўлган ҳикоялар, пайғамбарлар ва диний эътиқодлар билан боғлиқ маълумотлар дунё динлари тарихи фанининг объекти ҳисобланади. Арабистон ярим оролида исломдан аввал яшаб ўтган Самуд, Од қавмлари каби халқлар ҳақида Қуръони каримда келган қиссаларнинг тафсилоти ҳадисларда ёритиб берилади.

Диншуносликка оид фанлар бўйича таълим бериш ва илмий тадқиқот ишларини олиб боришда ҳадисшунослик бўйича маълумотлар ва мазкур фанда қўлланган услублардан фойдаланиш самарали натижаларни беради. Хусусан, дин психологияси соҳасида диний эътиқодли инсон психологиясини билиш учун ҳадисларнинг психологик таъсирини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ислом таълимотидаги инсон тақдири ва ризқининг аввалдан белгиланганлиги муҳим ақидавий масала ҳисобланади. Унга кўра, инсонга етадиган яхшилик ва ёмонлик, ризқу насиба аввалдан белгиланган бўлиб, инсоннинг асосий вазифаси ўша ризқни ҳалоллаб олишдан иборат. Бу масалада қадарийлар ва жабарийлар орасида доимий тортишув кетган. Мазкур таълимотни нотўғри талқин этиб, инсон ҳаракат қилса ҳам, қилмаса ҳам унинг ризқи етиб келади, деб

ўзини тақдир тақозосига ҳавола қилган, ялқовликка берилган тоифалар нафақат ислом тарихида, балки бошқа динлар тарихида ҳам кўп бўлган. Сохта дарвешлик ҳаракатлари бунга яққол мисол бўлади.

Бошқа тарафдан, тақдири азални мутлақо инкор этиш, яъни инсон ҳаётида учрайдиган қийинчиликларнинг объектив ва субъектив сабаблари мавжудлигини тан олмаслик ҳам инсон психологиясига ўта салбий таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида у етган барча ёмонликлар учун ўзини ёки бошқа кимнидир айблаш «касали»га мубтало бўлади. Оқибат – стресс, яъни асабнинг доимий таранглиги ҳолати келиб чиқади. Натижада инсон бошқалар билан нормал мулоқотга кириша олмайди. Бу ишнинг орқага кетишига ва асаб билан боғлиқ касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Дин психологияси намояндаси Зигмунд Фрейднинг таъкидлашича, диний эътиқодга эга киши турли невроз касалликларидан холи бўлади. Чунки у дин илгари сурган ғоя – яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам Яратгандан деб билиб, ҳар қандай хурсандчилик ёки мусибат олдида ўзини йўқотмайди. Ҳадислар инсонни ана шундай ҳолатларда ўзини оғир-вазмин тутишга чақиради. Унда психологик барқарор кайфиятни тарбиялайди. «Бахтли одам фитна-фасодлардан четлаб юрувчи ва мусибатга сабр қилувчи кишидир», дейилган ҳадис, айниқса, мусибатга дуч келган киши учун руҳий далда беради. Бу ҳадис ҳадисшуносликнинг дин психологияси билан узвий боғлиқлигига яққол мисол бўлади.

Динда инсон психологияси билан боғлиқ кўрқув, очлик, рақобат, хурсандчилик, келажакка умид билан қараш хусусиятларидан унумли фойдаланилади. Имом Бухорий ривоят қилган «Зулм Қиёмат куни (золим учун) зулмат бўлади!», мазмунидаги ҳадис инсоннинг қиёматдаги зулматдан кўркиб бировга зулм қилишдан қайтишига сабаб бўлади.

Очлик хусусияти билан боғлиқ куйидаги ҳадисни келтириш мумкин. Унда Имом Бухорий саҳоба Абдуллоҳ номидан ривоят қиладилар: «Биз – кучимизни қаерга ишлатишни билмайдиган бир гуруҳ йигитлар Расулulloҳ (с.а.в.) билан бирга эдик, шунда у зот бизга: «Эй йигитлар, сизлардан кимда-ким қудрати етса, уйлансин, чунки бу унинг кўзларини тубан тушириб, ўзини зинодан сақлайди, қудрати етмаганлар эса, рўза тутсин...!», деб айтдилар», деган ҳадисда очлик инсонни фаҳш ишлардан тийилишига ёрдам бериши хусусида сўз боради.

Инсон ички дунёсидаги рақобат хусусиятига оид ҳадисни Имом Термизий саҳоба Ибн Умардан ривоят қилади: «Расулulloҳ (с.а.в.) отларини пойгага тайёрлаб, мусобақада иштирок этардилар». Имом Бухорий ривоят қилган яна бир ҳадисда айтилишича, Пайғамбар алайҳис-салом бир қабиланинг ўқ отиш мусобақаси уюштирганини кўрдилар ва дедилар:

– Отинг, Исмоил ўғиллари, отангиз яхши мерган эди. Отинг, мен ҳам фалончиларнинг тарафдориман, – деб, қўллари билан бир жамоани кўрсатдилар. Ҳаракат бўлмагач:

– Нега отмаяпсизлар?, – деб сўрадилар:

– Сиз уларни тарафдори бўлсангиз қандай мусобақалашамиз?!, – дедилар. Бунга жавобан Расулulloҳ (с.а.в.):

– Отинг, мен барчангиз билан биргаман, -дедилар.

Ҳадисшунослик, шунингдек, тарих, этнография, социология, тилшунослик каби бошқа фанлар билан ҳам узвий боғлиқки, ҳадислар тарихнинг бир қисми бўлгани сабабли бу илмларни ўрганишда ҳадислар ўзига хос ўринга эга ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ислом динида Қуръондан кейинги иккинчи манба ҳисобланган ҳадис ва уни ўрганишга бағишланган ҳадисшунослик фани қатор илмлар билан бир қаторда диншунослик соҳалари билан чамбарчас боғлиқлиқдир. Шу сабабли ҳам ҳадисшунослик фанининг охириги ютуқларидан бохабар бўлиш, ҳадисларни ўрганиш инсон илмий дунёқарашининг янада кенг бўлишига ёрдам беради.

ҲАДИС:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ:
صَلِّةُ الرَّحْمِ وَحُسْنُ الْخُلُقِ وَحُسْنُ الْجَوَارِ يَغْمُونَ الدِّيَارَ وَ يَزِدْنَ فِي الْأَعْمَارِ

**Расулulloҳ с.а.в. айтдилар: Қариндошларга силаи
рахм қилиш, хушхулқлик ва яхши кўшничилик юртни
обод ва умрни зиёда этади.**



Мавзу бўйича саволлар

1. Ҳадисларнинг тарбиявий аҳамиятини нималарда кўриш мумкин?
2. Пайғамбар (с.а.в.) хулқлари ҳақида Қуръонда нима дейилган?
3. Имом Бухорийнинг «Жоме ас-саҳиҳ» асарига нечта шарҳ ёзилган?
4. Ота-онани ҳурмат қилишга оид қандай ҳадисларни биласиз?

5. Қудсий ҳадислар кўпроқ қандай мавзуларга бағишланган?
6. Ҳадисшуносликнинг Диншунослик фанлари орасидаги ўрни қандай?
7. Дин психологиясига оид қандай ҳадисларни биласиз?
8. Тақдир масаласига оид ҳадислар инсон психологиясига қандай таъсир кўрсатади?



Топшириқлар

1. Миллий ва диний қадриятларимизда акс этган ҳадислардан мисол келтиринг.
2. Абу Лайс Самарқандийнинг ахлоқ-одобга оид асари ҳақида маълумот беринг.
3. Ота-онани ҳурмат қилиш мавзусига оид ҳадисларни ёд олинг.
4. Саховат ва бахилликка доир ҳадиси қудсийларни жамланг ва шарҳларини ўрганинг.

Мустақил иш мавзулари

1. Ёшлар тарбиясида диний қадриятларнинг тутган ўрни.
2. Ислом таълимотида комил инсон ғояси.
3. Ахлоқий нормаларни мукаммаллаштиришда ҳадисларнинг аҳамияти.
4. Одоб-ахлоққа оид ҳадис тўпламлари.



Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005.
3. Минг бир ҳадис. – Т. 2 жилдли / Арабчадан Абдулазиз Мансуров таржимаси. – Т.: Ўзбек маскани, 1991.
4. Ризоуддин ибн Фахриддин. Жавомеъул Калим. – Т.: Мовароуннахр, 2004.
5. Ҳадиси Қудсий. / Масъул Мухаррир: Абдуллоҳ Исмоил Махдум. – Т.: Мовароуннахр, 1996.
6. Ан-Нававий. Шарҳ риёз ас-солиҳин мин калом саййид ал-мурсалин. – Байрут: Дор ал-ватан. 1995.
7. Бабаханов Ш.З. Великие мухаддисы о мире и дружбе между народами (из шести общепризнанных сборников). – Т.: 1998.
8. Юсуф Қарзовий. Кайфа натаомал маа-с-сунна ан-набавия. – Қоҳира: Дор аш-шурук, 2004.

ГЛОССАРИЙ

‘АБОДИЛА (араб. **عبادة** – Абдуллоҳлар) – ҳадис ва фикҳ илмида «Абдуллоҳ» исмли тўрт саҳобага нисбатан ишлатиладиган атама. Улар: 1) Абдуллоҳ ибн Аббос; 2) Абдуллоҳ ибн Умар; 3) Абдуллоҳ ибн Зубайр; 4) Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос.

АВСАҚУ-Н-НОС (араб. **أوثق الناس** – энг ишончли кишилар) – жарҳ ва таъдил илмига оид ибора бўлиб, адолатли эканига ҳукм қилинган энг ишончли, ҳадислари энг кўп қабул қилинадиган ровийга нисбатан ишлатилади.

АВҲО АЛ-АСОНИД (араб. **أوهى الأسانيد** – энг заиф иснодлар) – «асаҳху-л-асонид» (энг тўғри иснодлар) истилоҳининг акси бўлиб, **заиф** ровийлардан юзага келган иснодларга берилган ном.

АДАБ АЛ-МУҲАДДИС (араб. **ادب المحدث** – муҳаддис одоби) – муҳаддисга қўйилган талаблардан бўлиб, муҳаддис юксак маънавиятли ва гўзал хулқли бўлиши керак. Баъзи талаблар адаб толиб ал-ҳадис билан умумий.

АДАБ АТ-ТОЛИБ (араб. **أدب الطالب** – толибининг одоби) – ҳадис (илмини) ўрганаётган талаба риоя этиши керак бўлган одоблар. Бу одоб ҳадисларда келган келган сифатлар билан безатилган бўшили керак.

‘АДАМ АС-СИҲҲА (араб. **عدم الصحة** – саҳиҳликнинг йўқолиши) – саҳиҳлик шартларидан бири йўқ бўлган ҳадисларга айтилади. Бундай ҳадислар ҳам ҳасан, ҳам заиф бўлиши мумкин.

‘АДОЛАТ (араб. **العدالة-адолат**) – мусулмон, балоғатга етган, ақли расо ва мурувватли тақводор, фосиқ бўлмаган ровий.

‘АДОЛАТНИНГ ЙЎҚЛИГИДАН РАД ЭТИЛГАН ҲАДИСЛАР (араб. **الحديث المردود بسبب عدم العدالة**) – ровийнинг бирор сабаб билан айбланиши. Улар: мавзуъ, матрук ва мункар.

‘АЗИЗ (араб. **العزیز-кучли, ғолиб, нодир ва камёб**) – иснод табақасининг барчасида ровийлари сони иккитадан кам бўлмаган ҳадисга айтилади.

АЛ-АИММА АЛ-ХАМСА (араб. **الأئمة الخمسة** – беш имом) – бу атама олти ишончли муҳаддисларидан бештаси – Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом Термизий ва Имом Насойиларга нисбатан ишлатилади.

АЛ-АИММА АС-СИТТА (араб. **الأئمة الستة** – олти имом) – бу атама олти ишончли муҳаддислар – Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом

Абу Довуд, Имом Термизий, Имом Насоий ва Имом Ибн Можаларга нисбатан ишлатилади.

АКСАР АС-САҲОБАТУ ФАТВАН (араб. أكثر الصحابة فتوا – энг кўп фатво айтган саҳобалар) – саҳобалар орасида энг кўп фатво берган – Абдуллох ибн Аббос, Умар ибн Хаттоб, Али ибн Абу Толиб, Абдуллох ибн Умар, Зайд ибн Собит, Абдуллох ибн Масъуд ва Оишаларга ишлатилади.

АКСАР АС-САҲОБАТУ ҲАДИСАН (араб. أكثر الصحابة حديثا – энг кўп ҳадис ривоят қилган сҳобийлар) – саҳобалар орасида энг кўп ҳадис ривоят қилган: Абу Ҳурайра (р.а.) (5374 та), Абдуллох ибн Умар (р.а.) (2630 та), Анас ибн Молик (р.а.) (2286 та), Ҳазрат Оиша (р.а.) (2210 та), Абдуллох ибн Аббос (р.а.) (1660 та), Жобир ибн Абдуллох (р.а.) (1540 та), Абу Сайид Ҳудрий (р.а.) (1170 та).

АНСОР (араб. الانصار – ёрдамчилар, сафдошлар) – хижратдан сўнг мадиналик саҳобаларга берилган ном.

АРБАУН (араб. الاربعون – қирк) – ҳадис тўплами турларидан бўлиб, бир боб ёки турли хил бобларда бир иснод ёки бир неча иснод билан 40 та ҳадис келтирилади.

АСБОБ ВУРУД АЛ-ҲАДИС (араб. اسباب ورود الحديث – ҳадиснинг ворид бўлиш сабаблари) – ҳадисларнинг айтилиш сабабларини аниқлайдиган соҳа.

АСҲОБ АЛ-АЛФ (араб. اصحاب الالف – минг ҳадис эгалари) – ривоят қилган ҳадисларининг сони мингдан икки минггача бўлган саҳобалар учун қўлланиладиган ном. Мас., Абдуллох ибн Аббос (р.а.) 1660 та ҳадис ривоят қилган.

АСҲОБ АЛ-АЛФАЙН (араб. اصحاب الالفين – икки минг ҳадис эгалари) – ривоят қилган ҳадисларининг сони икки мингдан ошган саҳобалар учун қўлланиладиган ном. Мас., Абдуллох ибн Умар 2630 та ҳадис ривоят қилган.

АСҲОБ АЛ-МИЪА (араб. اصحاب المئة – икки минг ҳадис эгалари) – ривоят қилган ҳадисларининг сони юзтадан икки юзтагача бўлган саҳобалар учун қўлланиладиган ном. Мас., Саҳл ибн Саъд 188 та ҳадис ривоят қилган.

АСҲОБ АЛ-МИАТАЙН (араб. اصحاب المئتين – икки юз ҳадис эгалари) – ривоят қилган ҳадисларининг сони икки юздан уч юзтагача бўлган саҳобалар учун қўлланиладиган ном. Мас., Саъд Абу Ваққос 270 та ҳадис ривоят қилган.

АСҲОБ АЛ-МИЙН (араб. اصحاب المين – юзлаб ҳадис эгалари) – ривоят қилган ҳадисларининг сони мингдан оз, уч юздан зиёда бўлган саҳобалар учун қўлланиладиган ном. Мас., Абдуллоҳ ибн Масъуд 848 та ҳадис ривоят қилган.

АСҲОБ АС-СУФФА (араб. اصحاب الصفة – суффа эгалари) – Мадинага келган уй-жойи йўқ фақир муҳожирлардан иборат гуруҳга берилган ном. Мас., Абу Ҳурайра, Жуъал ибн Суроқа (ра).

АСҲОБ АЛ-УЛУФ (араб. اصحاب الالف – минглаб ҳадис эгалари) – ривоят қилган ҳадисларининг сони уч мингдан ортиқ ҳадис ривоят қилган саҳобалар учун қўлланиладиган ном. Мас., Абу Ҳурайра (р.а.) 5374 та ҳадис ривоят қилган.

АСҲОБ АЛ-ҲАДИС, аҳл ал-ҳадис, аҳли ҳадис, аҳл ал-асар (араб. اصحاب الحديث, اهل الحديث, اهل الاثر – ҳадис эгалари, ҳадис соҳиблари) – ҳадис илми билан шуғулланувчи муҳаддислар.

АХБОР (бирлиги – хабар, араб. الاخبار – хабарлар) – шиаларнинг муқаддас ривоятлари, Муҳаммад (с.а.в.), Али (р.а.) ва қолган имомларнинг сўзлари, ишлари ҳақидаги ривоятлар тўплами.

АШАРАИ МУБАШШАРА (араб. العشرة المبشرة – ўнта башорат қилинганлар) – жаннатийлиги айtilган ўн саҳоба - Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Абдурахмон ибн Авф, Саъд ибн Абу Вакқос, Зубайр ибн Аввом, Талха ибн Убайдуллоҳ, Абу Убайда ибн Жарроҳ, Саъд ибн Зайдга ишлатилади.

БАЛОҒАТ, БОЛИҒ (араб. البلاغة او بالغ – болоғат, етуклик, мукаммал, тугалланган) – ровийнинг адолатли бўлиши учун қўйилган талаблардан бири. Ҳадис илмида 5 ёш қилиб белгиланган.

БИДЪАТ АР-РОВИЙ (араб. بدعة الراوي – ровийнинг бидъати) – жарх илмидаги атама. Ровий дин ишларига бидъат амалларни киритадиган ёки ўзи бу каби ишларга берилган бўлади. Унинг ҳадиси қабул қилинмайди.

ВАСИЯТ (араб. الوصية – васият қилиш) – шайх ўзи ривоят қилган ҳадислар ёзилган китоб(лар)ни ўлими арафасида ёки сафарга кетаётганида шогирдига ёки бирор кишига В. қилиб қолдириши.

ВАЗАЪ ҲАДИСАН (араб. وضع حديثا – ҳадис тўқиган) – жарх ишлатиладиган атама ровий бўлиб, ровий ҳадис тўқиб чиқарган бўлади.

ДИРОЯТ ИЛМИ (араб. علم الدراية) – муҳаддисга етиб келган ҳадисни умумий қоидалар асосида мақбул ва рад қилиниши жиҳатлари ўрганади. Ҳадис назарияси

ЖАРҲ (араб. الجرح-жароҳат етказиш, айблаш) – диёнати билан халққа танилган муҳаддиснинг тадқиқоти натижасида ровийда ёки унинг ривоятида ёмон бир иллат (нуқсон) борлиги учун у нақл қилган ривоятни рад этиши ва ровийга нисбатан салбий баҳо бериши.

ЖАРҲ ВА ТАЪДИЛ (араб. الجرح والتعديل – айблаш ва адолатли санаш) – ровийларнинг адолати ва забти ҳақида баҳс юритиб, уларнинг ишончли ёки ишончсизлиги ҳақида якуний ҳулоса чиқарувчи ровийга танкидий ёндашиш услуби.

ЖОМЕЪ (араб. الجامع – жамловчи, тўплам, кўплиги-жавомеъ) – барча ҳадис мавзуларини ўзида жамлаган тўплам.

ЗАБТ (араб. الضبط – аниқ (хотира)) – ровийнинг ривоят қилаётган нарсасини аниқ билиши.

ЗАИФ (араб. الضعيف – кучсиз, нимжон) – саҳиҳ шартларидан бирортасини йўқотган бўлиб, бу билан ҳасан даражасига етмаган ҳадис.

ЗИНДИҚ (араб. الزندق) (кўпл. الزنادقة) – ислом тарихида, асосан, монийлик, маздакийлик ва ҳуррабийлар таълимоти вакиллари англатувчи истилоҳ; кенг маънода «Аллоҳга ишонмовчи», мўминнинг зидди. Зиндиқ сўзи исломга сосонийлар давридаги эроний лаҳжадан ўтган. Маздакийлар зиндиқ деб Авестони янгича, аллегорик талқин этувчи кишиларни аташган.

ИЖОЗАТ (араб. الاجازة – ижозат, рухсат) – ровий (шогирд)га ривоят қилиши учун шайх (устоз) томонидан оғзаки ёки ёзма рухсат берилиши. Мас., шайх ўз шогирдига: Сенга Имом Термизийнинг «Сунан»ини ривоят қилишга И. бераман, дейиши.

ИЛАЛ АЛ-ҲАДИС (араб. علل الحديث – ҳадиснинг иллатлари) – ҳадислардаги ҳамма ҳам тушунмайдиган ва ташқаридан фарқи сезилмайдиган иллат деб аталувчи яширин камчиликлар.

ИЛЛАТ (араб. العلة – сабаб, иллатли, касаллик. Кўп. илал) – ҳадиснинг санади ёки матнида бўлган унинг саҳиҳлигига зарар етказувчи кўзга кўринмайдиган махфий камчилик.

ИЛМ АР-РИЖОЛ (араб. علم الرجال – кишилар илми, шахсларни билиш) – ҳадис илмининг ровий ҳақида тўлиқ маълумотни ўрганувчи соҳаси.

ИСНОД (араб. الاسناد – таянч, далил, асос) – ҳадисни унинг айтиувчисига боғлаш, яъни матнга олиб борадиган кишилар (ровийлар) занжири.

ИХТИЛОФ (араб. الاختلاف – тафовут, ҳар хиллик, фарқ, ихтилофли) – икки макбул ҳадиснинг бир-бирига қарама-қарши келиши.

КИТОБАТ (араб. الكتابة – ёзиб бериш ёки олиш) – шайх шогирдига эшитган ҳадисини ёзиб бериши ёки ровий ўз ҳузуридаги кишидан ёки қачондир эшитган кишисидан хотирасида қолган нарсани ёзиши ёхуд ёздириши.

КУНЯ (араб. الكنية) – ровийнинг ота ёки она, ўғил ё киз, ака ё опа, амаки ё амма, тоға ё хола билан танилиши. К. эгаларининг исмларини билиш орқали бир ровийни бошқаси билан чалкаштирилмайди.

КУТУБ АЛ-АРБАЪА (араб. كتب الأربعة – тўрт китоб) – саҳихайн ва сунан китобларидан икkitасига нисбатан ишлатилади.

КУТУБ АС-САБЪА (араб. كتب السبعة – етти китоб) – олти ишончли деб тан олинган китобларга қўшимча тарзида Имом Доримийнинг «Сунан»ига нисбатан ишлатилади. Баъзилар Имом Моликнинг «Муватто»сини еттинчиси деб ҳисоблайдилар.

ЛАҚАБ (араб. اللقب) – кишининг сифатини билдириб, унинг даражасини кўтариш ёки пасайтириш ҳамда уни мадҳ этиш ёки қоралаш учун ишлатиладиган атама.

МАВЗУЪ (араб. الموضوع – қўйилган, ўрнатилган, пасайтирилган, ташландиқ, тарк этилган, сохта) – Расулulloҳ (с.а.в.)га нисбат берилиб тўқилган ёлгон сўз. Сохта (тўқима) ҳадис.

МАВҚУФ (араб. الموقوف – тўхталган) – макбул ва мардуд хабарларга берилган умумий атама бўлиб, ривоят қилинаётган хабар саҳобага етганда тўхтаб қолиб, иснод занжири охирига (Пайғамбар (с.а.в.) га) етказилмаган бўлади. М. саҳобага нисбат берилган гап, иш ёки тақрирдир. Яъни, М. бир саҳобага ёки бир гуруҳ саҳобаларга берилган бўлади.

МАНСУХ (араб. المنسوخ – ўчирилган) – ҳукми ўчган ҳадис. қ. Носих.

МАРФУЪ (араб. المرفوع – кўтарилган, юқори қўйилган) – макбул ва мардуд хабарларга берилган умумий атама бўлиб, Расулulloҳ (с.а.в.)га нисбат берилган иш, гап, тақрир ёки сифатлар. Унинг санади муттасил ёки мунқати‘ бўлиши мумкин.

МАТН (араб. المتن – мустаҳкам, матн) – санаднинг ниҳояси, яъни маънолардан ташкил топган ҳадиснинг лафзлари ёхуд санаднинг тугаган жойидан бошланган Пайғамбар (с.а.в.) ёки бошқалар (саҳоба, тобиий, муҳаддис, фақиҳ)нинг сўзи.

МАТРУК (араб. المتروك – тарк этилган, ташландик) – иснодида ёлгончиликда айбланган ровий бўлган ҳадис.

МАШҲУР (араб. المشهور – машҳур, ҳаммага маълум) – иснод йўлларининг ҳар бирида учта ва ундан ортиқ шахслар томонидан ривоят қилинган ва мутавотир даражасига етмаган ҳадислар.

МАҚБУЛ (араб. المقبول – мақбул, яхши, лойик) – ҳукми қабул қилиниши мумкин бўлган оҳод ҳадисларга берилган ном.

МАҚЛУБ (араб. المقلوب – ўзгарган, ўгирилган) – ҳадиснинг исноди ёки матнидаги бирор лафзни бошқаси билан ўзгартириш ёки олдингисини кейингисига ёки аксинча кейинги ўрин олдинига алмаштириш.

МАҚТУЪ (араб. المقطوع – узилган) – мақбул ва мардуд хабарларга берилган умумий атама бўлиб, тобиий ёки ундан кейинги табақадан бўлган кишига нисбат берилган гап ёки иш.

МУАЛЛАҚ (араб. المعلق – боғлаб осиб қўйилган, илинган) – исноднинг бошидан бир ёки бир неча ровийнинг кетма-кет тушиб қолиши.

МУДАЛЛАС (араб. المدلس – айби яширинган, коронғу, номаълум) – иснодларнинг айбини яшириш, зоҳирини яхши қилиб кўрсатиш.

МУДРАЖ (араб. المدرج – бирлашган, қўшилган, ичига киритилган) – иснод тартибини ўзгартириш ёхуд матнда бўлмаган нарсани унга ажратмай қўшиб юборилиши.

МУЗТАРИБ (араб. المضطرب – шикаста, низом ҳолати бузилган) – қуввати жиҳатдан бир хил кучга эга бўлган турли йўллар билан ривоят қилинган ҳадис. М.ни бир ровий икки марта ёки кўпроқ ёки икки ровий ё бир неча ровий ривоят қилган бўлиши мумкин.

МУКАССИРУН (араб. المكثرون – кўп ривоят қилганлар) – Расулulloҳ (сав)дан 1000 дан ортиқ ҳадис ривоят қилган саҳобага берилган атама.

МУНКАР (араб. المنكر – инкор қилинган) – ҳадис ровийсига таъна қилинишининг сабаби унинг жуда ҳам кўпол хато қилиши, ғофиллиги ёки фосиклиги бўлса, у ҳолда унинг ҳадиси М. дейилади. Яна баъзилар эса М. ҳадис заиф ровийнинг сика ровийга хилоф равишда қилган ривоятидир, дейдилар.

МУНҚАТИ (араб. المنقطع – узилган, кесилган) – иснодида қандай жиҳатдан бўлмасин (боши, ўртаси, охири) узилиш содир бўлган ҳадис. Бу жиҳатдан муаллақ, мурсал ва муъдал ҳам М. жумласига киради.

Олимлар М.ни мурсал, муаллақ ёки муъзалнинг шартларига тўла мувофиқ бўлмаганлиги учун алоҳида бир тур сифатида истилоҳга киритганлар.

МУНОВАЛА (араб. *المناولة* – тақдим қилиш) – шайхнинг ўз шогирдига эшитганини ёки ёзганини, «бу фалончидан ривоят, уни мендан ривоят қилгин» деб бериши (тақдим қилиши).

МУРСАЛ (араб. *المرسل* – юборилган, отилган, ташланган) – исноднинг охирида тобиийдан кейин турган (саҳоба) ровийси тушиб қолган ҳадис. М. ҳадисда катта ёки кичик тобиий Расулulloҳ (с.а.в.) «шундай дедилар» ёки «бундай қилдилар» ёки «хузурларида бундай бўлди» деб айтса, шу ҳол муҳаддислар наздида М. ҳисобланади.

МУСАЛСАЛ (араб. *المسلسل* – занжирланган, кетма-кет, тизма) – исноддаги кишиларнинг барчаси ривоятни бир сифатда ёки бир ҳолатда амалга ошириши. Яъни, Пайғамбар (с.а.в.) саҳобага ҳадисларни қандай ҳолатда ўргатган бўлсалар, саҳобаларнинг тобиийларга ҳам сўзма-сўз ва ҳолатма-ҳолатда ўргатиши ва ҳ.

МУСАҲҲАФ (араб. *المصحف* – ўзгартириб юборилган саҳифа, нотўғри ўқилган ёки ёзилган) – маъно ёки лафзи сиқа ровийлар ривоят қилган ҳадисдан бошқача қилиб ўзгартирилган сўздир. Бунда ёзилган хатнинг харфлардаги нуқталарига нисбатан ўзгариш айtilган.

МУСНАД (араб. *المسند* – асосланган, таянч, далилланган, яъни иснодга асосланган) – 1. Исноди муттасил равишда ўз ниҳоясига, яъни Пайғамбар (с.а.в.)га етган ҳадис, яъни санади билан ривоят қилинган ҳадис. 2. Санад, иснод сўзларининг синоними. 3. Ҳадис тўпламларининг тури.

МУСТАДРАК (араб. *المستدرک* – тўлдирмок) – муҳаддис ўзидан олдинги муҳаддис ўз шартларига кўра китобига киритмай кетган ҳадисларни тўплаб тўлдирган янги асари.

МУСТАЛАҲ АЛ-ҲАДИС (араб. *مصطلح الحديث* – ҳадис атамалари) – ҳадис илмида ишлатиладиган атамаларни ўрганувчи соҳа. Турли усул ва қоидалар асосида санад ва матн ҳолатини ўрганиш илмидир. Ҳадисларнинг тўғриси яки нотўғрисида, яъни саҳиҳини касалидан ажратади.

МУТАВОТИР (араб. *المتواتر* – кетма-кет, узлуксиз) – муҳаддисгача етиб келган ҳадис тури бўлиб, одатда, ёлғонга йўл қўйиши мумкин бўлмаган ростгўйлиги эътироф этилган даражадаги кўпчилик

кишиларнинг бошдан охиригача ўзлари каби кишилардан нақл қилган ривоятидир.

МУТТАСИЛ (араб. المتصل – уланган, узлуксиз) – исноди узлуксиз бўлган хоҳ марфуъ, хоҳ мавқуф ҳадислар. Яъни ровийлар силсиласи – санад узлуксиз Расулulloҳ (с.а.в.)га етиб борган бўлади.

МУТТАФИҚ ВА МУФТАРИҚ (араб. المتفق والمفترق – бир хиллик ва турлилик) – ровийларнинг исми шарифлари, куня, насаблари лафзда ва хатда бир хил бўлгани ҳолда уларнинг шахсияти турли бўлиши.

МУХАЗРАМ (араб. المخضرم – икки даврда яшаган) – илк ровийлар тоифасидан бўлиб жоҳилият даврида яшаб, Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ҳаётлик пайтларида имон келтирган, лекин ўзлари билан кўриша олмаган кишилар.

МУЪЗАЛ (араб. المعضل – мушкул, қийин қилинган, узиб қўйилган) – иснодидан иккита ва ундан кўп ровийлар кетма-кет тушиб қолган ҳадис. Бунда ровийларнинг исноднинг қайси қисмидан тушиб қолгани аҳамиятли эмас.

МУЪТАЛИФ ВА МУХТАЛИФ (араб. المؤلف والمختلف – келишиш ва ихтилоф) – ровийларнинг исмлари, лақаблари, куня ва насаблари ёзувда бир хил бўлиб, лафзда (ўқилишида) ихтилоф қилиши.

МУҲАДДИС (араб. المحدث – ҳадис ривоят қилувчи (олим), ҳикоя қилувчи, суҳбатдош) – ровийларга берилган хос номлардан бири. Ҳадис илмининг ривояти ва диroyати ҳамда исноддаги ровийлар ҳолатини тадқиқ қилиш билан шуғулланади.

МУҲКАМ (араб. المحكم – аниқ, мустаҳкам) – ўзи каби бошқа бир ҳадисга зид бўлмаган мақбул ҳадис.

МУҲОЖИР (араб. المهاجر – муҳожир, ҳижрат қилган) – Макка фатҳидан олдин Мадинага кўчиб борган маккалик саҳобаларга берилган ном.

НАСХ (араб. النسخ – бекор қилмоқ, кетказмоқ, ўчирмоқ, нақл қилмоқ, кўчирмоқ) – шорёъ (шариъат соҳиби, ҳукм чиқарувчи) аввалги жорий қилган ҳукми кейингиси билан ўзгартириши, яъни ҳукм кучдан қолиши. Бу билан ҳадисларнинг носих (ўчирувчи) ва мансухи (ўчирилган) ўрганилади.

НОСИХ (араб. الناسخ – ўчирувчи) – ўзидан олдин келган ҳадис ҳукмини кетказувчи матн.

ОЛИЙ ВА НОЗИЛ ИСНОД (араб. الاسناد العالي والنازل – юқори ва қуйи иснод) – исноддаги кишиларнинг сони кам (мас., учта ровий) бўлган

ҳадисга олий (юқори), кўп бўлганига (мас., тўртта ровий) нозил (куйи) дейилади.

ОСОР (араб. **الاثار** – из, асар) – хабар, суннат ва ҳадиснинг синоними.

ОҲОД (араб. **الاحاد** – ёлғиз, ягона) – ровийлар сони мутавотир даражасига етмаган ҳадис тури.

РИВОЯТ ИЛМИ (араб. **علم الرواية**) – Пайғамбар (с.а.в.)нинг муайян сўзлари, феъллари, тақрирлари, сифатлари, уларни ривоят қилиш, сўзларнинг ўзгаришини ва аниқ эканини тадқиқ қилинади. Яъни, ҳадис матнидан келиб чиқадиган илмни ўрганади.

САНАД (араб. **السند** – таянч) – ҳадис матнига олиб боровчи ровийлар йўли. Исноднинг синоними.

САҲИФА (араб. **الصحيفة** – саҳифа, қоғоз) – саҳобалар томонидан ёзилган ҳадис варақлари.

САҲИХ (араб. **الصحيح** – соғлом, ҳақиқий, ишончли, тўғри) – исноди бошидан охиригача адолатли, аниқлик эгаси бўлган кишининг ўзи каби кишидан ривоят қилган, шозз (ўзидан кучлироқ ровийга қарши туриш) ва иллатли (ноқислик) бўлмаган ҳадис. шартлари: 1. Иттисол ас-санад; 2. Адолат ар-рувват; 3. Забт ар-рувват; 4. Адам аш-шузуз; 5. Адам ал-иллат.

САҲИХАЙН (араб. **صحيحين** – икки саҳиҳ) – бир ҳадисни Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳолларида қўлланиладиган атама.

САҲОБА (кўпл.), **САҲОБИЙ** (араб. **الصحابي** – суҳбатдош, сафдош, мурожаат қилувчи, ҳамроҳ, кўплиги – саҳоба) – Расулуллоҳ (с.а.в.)ни имон келтирган ҳолда кўрган ва шу мусулмонлик ҳолида вафот этган кишидир.

СИМОЪ (араб. **السماع** – эшитиш) – ҳадисни эшитиш орқали ўрганиш йўлларида бири.

СИҚА (араб. **الثقة** – ишончли) – жарҳ ва таъдил илмида ишончли ровийга берилган таъриф.

СУННАТ, СУННА (араб. **السنة** – тариқат, маънавий йўл, одат, анъана) – Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг покиза сайратлари, турмуш тарзлари, диний йўлларига нисбатан ишлатилган. Баъзи муҳаддислар «ҳадис Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг гаплари ва ишларини ўз ичига олади, суннат эса фақат ишларини ифодалайди» дейдилар. Суннат қавлий, феълий ва тақририйга бўлинади. Ҳадис сўзи билан синоним.

ТАБАА ТОБЕЪИЙ (араб. تبع التابعين – эргашганга эргашган) – мусулмон ҳолида тобийларни кўрган, эргашган ва шу ҳолида вафот этган кишилар.

ТАДВИН (араб. التدوين – девон қилиш) – оғзаки ривоят қилинган ҳадисларни муайян тартибга солган ҳолда ёзма тарзда китобга жамлаш.

ТАРИХ АР-РУВОТ (араб. تأريخ الرواة – ровийларнинг тарихи) – ровийларнинг туғилганидан бошлаб вафот этгунча бўлган вақтларини билиш илми.

ТАЪДИЛ (араб. التعديل – адолатли қилиш, тўғрилаш) – ишончли муҳаддис олим ровийнинг таржимаи ҳолини ўрганиб, уни ва у нақл қилган ривоятни яхши сифатлар билан эслаши.

ТАҚРИЙ СУННАТ (араб. السنة التقريبية – маъқулланган суннат) – Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларида ёки йўқликларида саҳобалар томонидан қилинган бирор хатти-ҳаракат ёки гап-сўзга у зотнинг индамасликлари ёки маъқуллашлари.

ТОБЕЪИЙ (араб. التابعي – издош, эргашган, саҳобаларга эргашган) – имон келтирган ҳолда саҳобани кўрган, у билан суҳбат қилган ва шундай имонда вафот этган киши, саҳобаларнинг ишини давом эттирганлар.

ФЕЪЛИЙ СУННАТ (араб. السنة الفعلية) – амалий суннат. Расулulloҳ (с.а.в.)дан содир бўлган шаръий ишлар ёки саҳобалар Пайғамбар (с.а.в.)нинг амалларидан нақл қилган нарсага айтилади.

ХАБАР (араб. الخبر – хабар, янгилик, ҳикоя, дарак, кўплиги – ахбор) – Муҳаммад (с.а.в.)нинг сўзлари ва хатти-ҳаракатлари ҳақида ривоят (бу маънода синоними ҳадис, осор).

ХАЛҚИЙ СУННАТ (араб. السنة الخلقية – шакл-шамойилга кўра суннат) – Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ташқи қиёфа ва кўринишлари ҳақидаги суннат.

ХУЛУҚИЙ СУННАТ (араб. السنة الخلقية – одоб-ахлоққа доир сунна) – Расулulloҳ (с.а.в.)нинг хулқий-ахлоқий сифатлари ҳақидаги суннат.

ШОЗЗ (араб. الشاذ – нодир, жуда кам учрайдиган) – ишончли ровийнинг ўзидан кўра кучлироқ ровийга муҳолиф бўлиши.

ҚАВЛИЙ СУННАТ (араб. السنة القولية – оғзаки суннат) – Расулulloҳ (с.а.в.)нинг турли ҳолат ва муносабатларда айтган сўзлари. Қ.с.дан муқаддас ҳадислар назарда тутилади.

ҚИРОАТ (араб. القراءة – ўқиш) – толиб ҳадисларни ёддан ёки китобдан ўқиб шайхга эшиттириши.

ҚУДСИЙ ҲАДИС (араб. الحديث القدسي – манбаси, пок, тоза, муқаддас ҳадис) – маъноси Аллоҳ таолодан бўлиб, айтилиши, яъни лафзи Расулуллоҳ (с.а.в.)дан бўлган ҳадислар. Шунингдек, у «Ҳадиси Раббоний», «Ҳадиси илоҳий» деб ҳам айтилади.

ҚУССОС (араб. القصاص – қиссачилар) – ўзларининг ривоят қилаётган турли қиссаларида ёки ваъзаларида тўқима ҳадислар келтирадиган воизлар. Қиссачилар масжид, бозор ёки шу каби одамлар кўп тўпланадиган жойларда ўтганларларнинг ривоятларини халққа сўзлаб тирикчилик қилиб обрў орттиришга ҳаракат қилганлар.

ҒАРИБ (араб. الغريب – битта, яқинларидан узокда) – биргина ишончли одамдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадис.

ҒАРИБ АЛ-ҲАДИС (араб. غريب الحديث – ғариб, бегона сўзлар) – ҳадисларда учрайдиган ва кам ишлатилгани учун тушунилиши қийин бўлиб қолган сўзлар.

ҲАДИС (араб. الحديث – гапириш, сўз, янги) – Пайғамбар (с.а.в.)га нисбат берилган гаплар. Олимлар фикрича суннат, хабар сўзларини ҳам Ҳ.га маънодош.

ҲАСАН (араб. الحسن – ҳусн, чирой, яхши) – санад иллатсиз ва шузузсиз бўлиб, лекин заботи пастроқ бўлган адолатли ровийнинг ўзи кабилардан қилган ривояти.

ҲАСАН САҲИҲ (араб. حسن صحيح) – Имом Термизийнинг баъзи ҳадисларга берган таърифи. Бу истилоҳга икки хил таъриф берилган: 1. Икки иснодга эга бўлган ҳадиснинг бир иснодига кўра ҳасан, иккинчисига кўра саҳиҳ ҳисобланса бундай ҳадис «ҳасан саҳиҳ» ҳисобланади. 2. Бир иснодли ҳадисни баъзи олимлар ҳасан, бошқалари саҳиҳ деб айтган бўлса бундай ҳадис «ҳасан саҳиҳ» ҳисобланади.

ҲОФИЗ (араб. الحافظ – хотирасида сақловчи) – муҳаддис даражаларидан бири бўлиб, 100000 та ҳадисни иснодалри билан ёддан билган муҳаддисга нисбатан берилган ном.

ҲУЖЖАТ (араб. الحجة – ҳужжат, далил) – муҳаддис даражаларидан бири бўлиб, 300000 та ҳадисни иснодалри билан ёддан билган муҳаддисга нисбатан берилган ном.



МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 40 б.
2. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири). // Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. 19-сон. – Т.: Адолат, 1998. – Б. 223-235.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
4. Каримов И.А. Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди // Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2005. – Б. 524.
5. Каримов И.А. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. «Туркистон пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар // Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. – Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 349-355.
6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. – Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, – 1999. – Б. 132-154.

Ўзбек тилида

1. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий: 2 жилдли. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
2. Абу Исо ат-Термизий. Аш-Шамойил ан-Набавия / Таржимон У.Уватов. – Т.: 1993.
3. Абу Лайс Ас-Самарқандий, Ал-Фақиҳ. Танбеҳул-Ғофилийн (Ғафлатдан уйғотиш). – Т. III. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003.
4. Абу Тоҳирхожа. Самария // Абу Тоҳирхожа. Самария. Наршахий. Бухоро тарихи. Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. Ибрат. Фарғона тарихи. – Т.: Камалак, 1991.
5. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий. ал-Қанд фий зикри уламои Самарқанд (Самарқанд уламолари хотирасига доир қанд(дек ширин китоб) / Арабчадан қискартириб таржима қилувчилар: Усмонхон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набихон ўғли. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001.
6. Алимов У. Суннат ва ҳадис. – Т.: Шарқ, 2012.
7. Жўзжоний, Абдулҳаким Шаръий. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2002.
8. Алимова М. Имом ад-Доримийнинг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси: тарих фан. ном. дис... автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009.

9. Жўзжоний А. Ислом ҳуқуқшунослиги ва ҳанафий мазҳаби тараққиётида Ўрта Осиё фақиҳларининг ўрни: тарих фан. док. дис... автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005.

10. Зиёдов Ш. Абу Мансур ал-Мотуридий ёзма мероси ва унинг «Китаб ат-та'вилот» асари: фалс. фан. ном. дис... автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003.

11. Зоҳидов Қ. Илк ислом давлатчилиги ва унинг шаклланиш жараёнлари: тарих фан. ном. дис... автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005.

12. Ибн Ҳишом ал-Маъофирий, Абдулмалик. Ас-Сийра ан-набавийя. 2 жилдли. (Пайғамбар (а.с.)нинг тарих ва ҳаёт йўллари). – Т.: Шарқ, 2011.

13. Имом ат-Термизий. Сунани Термизий. – Т. 1. – Т.: Қомус, 1998.

14. Имоми Аъзам асарлари / Таржимон ва нашрга тайёрловчи. Абдурашид қори Баҳромов. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003.

15. Матибаева Р. Абу Ҳанифа маноқиблари // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти. – Тошкент, 2008. – № 2.

16. Матибаева Р. Имом Абу Ҳанифа ва билиш назарияси // Маънавий ва диний етуклик – давр талаби: Тўплам. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009.

17. Матибаеванинг Р. Абу-л-Муайяд ал-Маккий ал-Хоразмийнинг «Маноқиб Аби Ҳанифа» асари – ҳанафийлик бўйича нодир манба: тарих фан. ном. дис... автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009.

18. Минг бир ҳадис. – Т. 2 жилдли / Арабчадан Абдулазиз Мансуров таржимаси. – Т.: Ўзбек маскани, 1991.

19. Мовароуннаҳр алломаларининг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссалари / Масъул муҳаррир И. Усмонов. – Т.: Мовароуннаҳр, 2011.

20. Муратов Д. Абдуллоҳ ас-Субазмунийнинг «Кашф ал-осор» асари ҳадис илмига оид манба. Номзодлик диссертацияси. – Т.: 2008.

21. Муродов Д. Ҳадисшунослик атама ва иборалари (қисқача изоҳли луғат). – Т.: Фан, 2009.

22. Муборақфурий. Сийрат ал-Имом ал-Бухорий / таржимон У. Уватов. – Т.: ТИУ, 2008.

23. Мўминов А.Қ. Ҳанафий уламоларнинг марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII/VIII-XIII асрлар). Тарих фанлари доктори ... дис. автореф. – Т. Тошкент ислом университети, 2003.

24. Нажмиддинов З. Абу Зайд ад-Дабусий меросининг Мовароуннаҳрда фикҳ илми ривожига тутган ўрни: тарих фанлари номзоди ... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007.

25. Обидов Р. Суннат, ҳадис ва муҳаддислар. – Т.: Мовароуннаҳр, 2012.

26. Окилов С. Абу-л-Муъин ан-Насафий ва унинг Мотуридия таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси («Табсирату-л-адилла» асари асосида). Тарих фанлари номзоди ... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005.

27. Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асари ҳадис илми бўйича муҳим манба // Шарқшунослик. – Т.: ТошДШИ, 1997. – № 3.

28. Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс Насафий. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

29. Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи маърифат уламо Самарқанд» асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба. Тарих фанлари номзоди дис. ... автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003.

30. Раҳимжонов Д., Муратов Д. Ҳадисшунослик (ўқув қўлланма). – Т.: ТИУ нашриёт-матбаа босмаҳонаси. 2010.

31. Раҳматуллоҳ қори Обидов. Қуръон ва Тафсир илмлари. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2003.

32. Ризоуддин ибн Фахриддин. Жавомеъул Калим. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004.

33. Уватов У. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Т.: 2001.

34. Уватов У. Буюк муҳаддислар: Имом ал-Бухорий, Имом Муслим Имом ат-Термизий. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 1998.

35. Уватов У. Буюк муҳаддислар: Имом ал-Бухорий, Имом Муслим Имом ат-Термизий. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 1998.

36. Уватов У. Донолардан сабоқлар: – Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1994.

37. Уватов У. Иймон нури. – Т.: Ёзувчи, 1996.

38. Уватов У. Икки буюк донишманд. – Т.: Шарқ, 2005.

39. Уватов У. Имом ал-Бухорий ҳаёти. – Т.: 1998.

40. Уватов У. Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига тутган ўрни (ал-Имом ал-Бухорий, Муслим, Имом ат-Термизий). Докторлик диссертацияси. – Т.: 2001.

41. Уватов У. Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий): тарих фанлари доктори... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002.

42. Уватов У. Муслим ибн ал-Ҳажжож. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995.

43. Уватов У. Муслим ибн Ҳажжож. – Т.: А.Қодирий, 1995. – 64 б.

44. Уватов У. Мухаддислар имоми. – Т.: Маънавият, 1998.

45. Усмонов И.С. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба. Тарих фанлари номзоди ... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2006.

46. Эшонжонов Б. IX аср Мовароуннаҳр маданий ҳаётида Имом алБухорийнинг мавқеи ва унинг «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» асаридаги фикхий масалалар: тарих фан. ном. дис... автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001.

47. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2012.

48. Ҳадиси Кудсий. / Масъул Мухаррир: Абдуллоҳ Исмоил Махдум. – Т.: Мовароуннаҳр, 1996.

49. Ҳамроқулов Ж. Мусталаҳ ал-ҳадис. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004.

Рус тилида

1. Бабаханов Ш.З. Великие мухаддисы о мире и дружбе между народами (из шести общепризнанных сборников). – Т.: 1998.

2. Большаков О.Г. История Халифата. 1. Ислам в Аравии (570-633). М., 1989.

3. Джон Бёртон. Мусульманское предание: Введение в хадисоведение. – М.: Диля, 2006. – 304 с.

4. Ермаков Д. Хадисы и хадисная литература // Ислам (историографические очерки) / Под общей редакцией С.М.Прозорова, – М.: Наука, 1991.

5. Мустафо ал-Буғи. Комментария 40 хадис имам ан-Навави / перевод Владимир Абдулла Нирша. – Казань: 2004.

6. Саҳиҳ аль-Бухари. Перевод: Владимир Абдулла Нирша. – Т. I. 1-е изд. – М.: Благотворительный фонд «Ибрагим бин Абдулазиз аль Ибрагим», 2002.

Турк тилида

Müsteba Uğur, Doç. Dr. Ansiklopedik hadis terimleri sözlüğü. – Ankara: Türkiye Diyanet vakfi yayinlari/76, 1992.

Talat Koçyigit. Hadis usûlü. – Ankara: Türkiye diyanet vakfi yayinlari. 2004.

Араб тилида

1. Абдуллоҳ ибн Абдурахмон. Тайсир ал-аллом шарҳ умдат ал-аҳком. – Байрут: Дор ал-фикр, 1999.
2. Абду-л-Ҳайй ал-Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳия фи тарожими-л-ханафия. – Байрут: Дору-л-кутуб ал-исломий, 1998.
3. Абду-л-Ҳайй ал-Лакнавий. Ар-Рафъу ва-т-такмил фи-л-жарҳ ва-т-таъдил. – Қоҳира: Дор ас-Салом, 2000.
4. Абдурахмон Итр. Маъолим ас-сунна ан-набавийа. – Зарқо: Мактабат Манор, 1986.
5. Абу Довуд ат-Таёлисий. Муснад Аби Довуд ат-таёлисий. – Байрут: Дор ал-маърифа, 1982.
6. Абу Довуд. Сунан Аби Довуд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1996.
7. Абу Исо ат-Термизий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ ва хува сунан ат-Термизий. – Байрут: Дор ихё ат-тирос ал-арабий. 1995.
8. Абу Таййиб ал-Азим ал-Абодий. Шарҳ сунан Аби Довуд. – Байрут: Дор ал-фикр, 1995. 1-жуз.
9. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий. ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд / Юсуф ал-Ҳодий таҳрири остида. – Техрон: Ойина-йи мирос, 1999.
10. Абу-л-Муайяд ал-Хоразмий, ал-Имом ал-Муваффақ ибн Аҳмад ал-Маккий. Маноқиб Аби Ҳанифа. – Байрут: Дору-л-китоб ал-илмия, 1981.
11. Ад-Доракутний. Сунан. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1996.
12. Аз-Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. – Байрут: Дор ал-фикр. 1997.
13. Ал-Байҳақий. Ас-Сунан ал-кубро. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1999.
14. Ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1996.
15. Ал-Бухорий. Ат-Тарих ас-сағир. – Байрут: Дор ал-маърифа. 1986.
16. Ал-Ғаззолий. Ал-Мустасфо мин илм ал-усул. – Байрут: Дор Ҳодир. 1995.
17. Али ибн Булбон. Саҳиҳ ибн Ҳиббон би тартиб ибн Булбон. – Байрут: Муассаса ар-рисола, 1998.
18. Али ибн Одам. Шарҳ сунан ан-Насоий. – Байрут: Дор ал-меърож. 1997.
19. Ал-Муборақфурий. Тухфат ал-Аҳвазий. Муқаддима. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. Нашр йили кўрсатилмаган. 1-жуз.
20. Ал-муъжам ал-муфаҳрис ли-алфаз ал-ҳадис ан-набавий. Ношир Венсинк. – Лейден: Брилл, 1936.

21. ал-Умарий Акром Зийо. Бухус фи тарих ас-сунна ал-мушаррифа. Мадина: Мактаба ал-улум ва ал-ҳикам, 1994.
22. Ал-Ҳоким ан-Найсабурий. Ал-Мустадрак ала ас-саҳиҳайн. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1990.
23. Ал-Ҳоким ан-Найсабурий. Маърифат улум ал-ҳадис. – Байрут: 1977.
24. Ан-Нававий. Шарҳ риёз ас-солиҳин мин калом саййид ал-мурсалин. – Байрут: Дор ал-ватан. 1995.
25. Ан-Нававий. Шарҳ саҳиҳ Муслим. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2000. 1-жуз.
26. Ан-Насоий. Китоб ас-сунан ал-кубро. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1991.
27. Ан-Насоий. Сунан ан-Насоий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1995.
28. Ар-Ромахурмузий. Ал-Муҳаддис ал-фосил байн ар-ровий ва ал-воий. – Байрут: Дор ал-фикр. 1984.
29. Ас-Суютий, Жалолиддин. Тадриб ар-ровий фи шарҳ тақриб ан-Навовий. 2 жилдли. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1989.
30. Ат-Таҳонавий Зафар Амад. Муқаддамат иъла ас-сунан. 21-жилдли. – Ж. 19-21. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 1997.
31. Бадр ад-Дин ал-Айний. Умдат ал-қорий шарҳ саҳиҳ ал-Бухорий. – Байрут. Дор ихё ат-тирос ал-арабий, нашр йили йўқ.
32. Жалол ад-дин ас-Суютий. Ал-Лаълаий ал-маснуъа фи аҳадис ал-мавдуъа. – Байрут. Дор ал-кутуб ал-илмия, 1996.
33. Жалолуддин ас-Суютий. Тадриб ар-ровий фи шарҳ тақриб ан-Навовий. 2 жилдли. Димашк: Дор ал-фикр, 1996.
34. Ибн Аби Шайба. Мусаннаф. – Байрут. Дор ал-фикр, 1998.
35. Ибн ал-Асир. Усд ал-ғоба фи маърифат ас-саҳоба. – Байрут. Дор ал-кутуб ал-илмия, 1996.
36. Ибн Арабий. Оридат ал-Аҳвазий би шарҳ жомеъ ат-Термизий. – Байрут. Дор ал-фикр, 1995.
37. Ибн Можа. Сунан. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1998.
38. Ибн Салоҳ. Улум ал-ҳадис. – Дамашк: Дор ал-фикр, 1986.
39. Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Ал-Исоба фи тамйиз ас-саҳоба. – Байрут. Дор ал-кутуб ал-илмия. 1995.
40. Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Таҳзиб ат-таҳзиб. – Байрут. Дор ал-кутуб ал-исломия, 1994.
41. Ибн Ҳажар Асқалоний. Нузхат ан-назар шарҳ нухбат ал-фикар. – Байрут: Нашр йили кўрсатилмаган.

42. Ибн Ҳажар Аскалоний. Ҳадй ас-сорий муқаддима фатҳ ал-борий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1997. 1-жуз.
43. Ибн Халликон. Вафаёт ал-аъён ва анба абно аз-замон. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1998.
44. Ибн Ҳишом. Ас-Сийра ан-набавийя. – Байрут: Дор ат-тирос ал-арабий, 1997.
45. Иброҳим ибн Муҳаммад. Ал-Баён ва ат-таъриф фи асбоб вуруд ал-ҳадис аш-шариф. – Байрут: Ал-мактаба ал-илмия. 1982.
46. Иёд ибн Мусо. Шарҳ саҳиҳ Муслим. – Байрут: Дор ал-вафо, йили кўрсатилмаган.
47. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005.
48. Ислом тарихи / А. Ҳасанов, Н.Комилов, У.Уватов, А.Азимов, Д.Раҳимжонов, Қ.Зоҳидов – Т.: Тошкент ислом университети, 2008.
49. Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
50. Мавсу'ат ал-ҳадис аш-шариф. – Ширкат Саҳр ли-баромиж ал-ҳосиба. – 1991-1996 (CD-ROM).
51. Маҳмуд ат-Таҳҳон. Тайсир мусталаҳ ал-ҳадис. Тошкент: Мовароуннахр, 1992.
52. Молик ибн Анас. Ал-Муватто. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. Нашр йили кўрсатилмаган.
53. Мустафо ас-Сибоъий. Ас-Сунна ва маканатуҳа фи ташриъ ал-ислабий. – Ар-Риёд: Мактабат ал-варроқ, 1998.
54. Муҳаммад Абу Заҳв. Ал-Ҳадис ва ал-муҳаддисун. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 1984.
55. Муҳаммад Абу-л-Лайс ал-Хайрободий. Мўъжам мусталаҳат ал-ҳадис ва улумиҳ. Ва ашҳур ал-мусаннифин фиҳ. – Урдун: Дор ан-нафоис, 2009.
56. Муҳаммад ал-Ҳумайдий. Ал-Жамъ байн ас-Саҳиҳайн. – Байрут: Дор Ибн Ҳазм, 1998.
57. Муҳаммад Жамолиддин Қосимий. Қавоид ат-таҳдис. – Байрут. Дор ал-кутуб ал-илмия, нашр йили кўрсатилмаган.
58. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ. Ал-Қабас фи шарҳ муватто ибн Анас. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1998.
59. Муҳаммад ибн Исмоил. Субул ас-салом шарҳ булуғ ал-маром. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1998.
60. Муҳаммад Ижож ал-Хатиб. Ас-Сунна қабла ат-тадвин. Дор ал-фикр, 1993.

61. Муҳаммад Матар Захроний. Тадвин ас-сунна ан-набавийя. – Ар-Рийод: Дор ал-минҳож, 1426/2005.
62. Муҳаммад Мустафо Аммора. Жавоҳир ал-Бухорий ва шарҳ ал-Қасталоний. – Байрут: Ал-Мактаба ал-исломийя, нашр йили қўрсатилмаган.
63. Муҳаммад Муҳаммад Абу Заҳв. Ал-Ҳадис ва ал-муҳаддисун. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1984.
64. Нуриддин Итр. Манҳаж ан-нақд фи улум ал-ҳадис. – Дамашк: Дор ал-фикр, 1988.
65. Субҳи Солиҳ. Улум ал-ҳадис ва мусталаҳуҳу. – Байрут: Дор ал-илм ли-л-малайин, 1991.
66. Тож ад-Дин ас-Субкий. Табақот аш-шофеъийят ал-кубро. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1999.
67. Хатиб Бағдодий. Ал-Жомеъ ли ахлоқ ар-ровий ва адаб ас-сомеъ. – Ар-Риёд. Мактаба маъориф, 1983. 1-2 жузлар.
68. Хатиб Бағдодий. Ал-Жоми ли-ахлоқ ар-ровий ва адаб ас-соми. 2 жилдли. – Ар-Риёд: Мактабат ал-маориф, 1983.
69. Хатиб Бағдодий. Ал-Кифая фи илм ар-ривая. – Байрут, 1986.
70. Юсуф Қарзовий. Кайфа натаомал маа-с-сунна ан-набавия. – Қоҳира: Дор аш-шуруқ, 2004.

Ғарб тилларида

1. Abd al-Hadi al-Fadli. Introduction to Hadith. Translated by Nazmina Virjee. ICAS press. 2002.
2. Amini M.T. Textual critical Study of Hadith. Delhi. Idarah-i adabiyat-i Delli. 1997.
3. Goldziher I. Muslim studies (muhammedanische studien). Volume two. London. George allen & unwin ltd. 1969. Translated from the german by c. R. Barber and s. M. Stern.
4. Guillaume A. The traditions of islam. An intraduction to the study of the Hadith literature. – London: Clarendon press, 1924.
5. Harald Motzki. Hadith. Origins and Developments. — (The Formation of the Classical Islamic World). – Burlington: Ashgate, 2004.
6. Juynboll G.H.A. Muslim tradition. – London: Cambridge university press. 1983.
7. Juynboll G.h.A. Studies on the Origins and Uses of Islamic Hadith. – Burlington: Variorum. 1996.
8. Kamali M.H. Hadith methodology. Authenticity, Compilation, Classification and Criticism of Hadith. – Kuala Lumpur: Ilmiah publishers, 2002.

ИЛОВА

ҳадис илми билан шуғулланган кишиларга нисбатан берилган номлар¹
аллома – ўта билувчи
амир ал-му’минин фи-л-ҳадис – ҳадис бўйича муъминларнинг амири
асад ас-сунна – суннат шери
аҳаду а’лом ад-дунё фи-л-ҳифз ва-л-итқон – ёдлаш ва пухта билиш
бўйича дунёнинг байроқларидан бири
аҳаду а’лом ас-сунна – суннат байроқларидан бири
аҳаду аркон ал-ҳадис – ҳадис устунларидан бири
аҳаду фурсон ҳозо аш-шаън – шу ишнинг чавандозларидан бири
жаввол – жаҳонгашта
имом – йўлбошчи
имом ал-аимма – имомлар имоми
имом ал-муслимин фи-л-ҳадис – ҳадис бўйича мусулмонларнинг имоми
имом ал-ҳуффоз ва-л-муҳаддисин – ҳофиз ва муҳаддисларнинг имоми
имом аҳл ал-ҳадис – ҳадис аҳли имоми
каввом ас-сунна – суннатда қоим турувчи
муснад ад-дунё – дунё суянчиги
муфид – фойдали
муҳаддис – ҳадис айтувчи
муҳий ас-сунна – суннатни тирилтирувчи
носир ас-сунна – суннат қутқарувчиси
олим – билувчи
раххол – сафар қилувчи
ровий – ривоят қилувчи
саййид ал-муҳаддисин – муҳаддислар саййиди
саййид ал-ҳуффоз – ҳофизлар саййиди
султон ал-муҳаддисин – муҳаддислар султони
табиб ал-ҳадис фи илалиҳи – ҳадис иллатлари бўйича табиб
толиб ал-ҳадис – ҳадис талаб қилувчи
устоз ал-асотизин – устозларнинг устози
хаййот ал-ҳадис – ҳадис тикувчиси
ҳоким – ҳукм юритувчи
хофиз – ёдда сақловчи
ҳужжа – далил
шайх ал-муҳаддисин – муҳаддислар шайхи
шайх ас-сунна – суннат шайхи
шайх аҳл ал-ҳадис фи асриҳи – ўз асри ҳадис аҳли шайхи

¹ Ушбу номлар Саъд Фаҳмий Аҳмад Билолнинг «Сирож ал-мунир фи алқоб ал-муҳаддисин» («Муҳаддислар лакаблари бўйича ёрқин чирок») асарида санаб ўтилган.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
I боб. Ҳадис илми тарихи	9
1. Ҳадисшуносликка кириш	9
2. Ҳадисшуносликка оид замонавий тадқиқотлар	25
3. Илк ислом даврида ҳадислар	42
4. Саҳобалар даврида ҳадисларнинг ўрни	55
5. Ҳадисларнинг ёзма қайд этила бошланиши	70
6. Ҳадис илмининг «олтин асри»	83
7. Ҳижрий учинчи асрдан кейинги ҳадис илми ривожини	105
8. Ҳадис илмининг марказий осиёга кириб келиши	125
II боб. Ҳадис илмлари	142
9. Ҳадис ва унинг одоблари	142
10. Суннатнинг ислом динидаги ўрни	159
11. Ҳадис илми истилоҳлари	171
12. Ҳадис иснодлари таҳлили	187
13. Ишончли ҳадислар	201
14. Заиф ва сохта ҳадислар	215
15. «Жарҳ ва таъдил» илми	232
16. Ҳадисларнинг бугунги кундаги аҳамияти	245
Глоссарий	259
Манба ва адабиётлар рўйхати	270

ҲАДИСШУНОСЛИК

(ўқув қўлланма)

«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа б.ирлашмаси
Тошкент – 2013

Муҳаррир: **Б. Эралиев**
Мусахҳиҳ: **У. Инсонбоева**
Саҳифаловчи: **З. Улуғбекова**
Мукова дизайни: **К. Фатхулла**

Босишга 2013 йил 29 июлда рухсат этилди.
Бичими 60×84 1/16. Шартли б.т. 16,27. Нашр т. 16,28.
Адади 100 дона. Буюртма № 47.
Баҳоси шартнома асосида.

«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа
бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.